# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

**37-сон (797)**
**2017 йил 18 сентябрь**

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Биринчи бўлим*

976. «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ–444-сон Қонуни

977. ««Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги ЎРҚ–445-сон Қонуни

978. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–446-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

979. «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ—5185-сон Фармони

980. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, баъзиларини эса ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги ПФ—5187-сон Фармони

981. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ—3003-сонли қарори)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПФ—5190-сон Фармони

982. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ—5106-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги ПФ—5191-сон Фармони

983. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 сентябрдаги ПҚ—3254-сон қарори

984. «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ—3261-сон қарори

986. «Юқори сифатли этил спирти ва ликёр-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги ПҚ—3263-сон қарори

988. «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ—3268-сон қарори

*Учинчи бўлим*

990. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ–5052-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3001-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 сентябрдаги 703-сон қарори

991. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 сентябрдаги 704-сон қарори

992. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ–436-сон Қонуни)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 сентябрдаги 705-сон қарори

993. «Автомототранспорт воситаларини давлат даромадига ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 сентябрдаги 707-сон қарори

994. «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 сентябрдаги 708-сон қарори

995. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳар ҳокимияти бошқарув аппарати тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3050-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 сентябрдаги 709-сон қарори

996. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ–5106-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 712-сон қарори

997. «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон қарори

998. ««O'zbekiston» телерадиоканалининг «Ҳидоят сари» студияси ва Тошкент Ислом университети «Зиё медиа маркази» фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 716-сон қарори

999. «Давлат тиббиёт ташкилотларини ва республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир долзарб чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 717-сон қарори

1000. «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 718-сон қарори

1001. «Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон қарори

1002. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2017 йил 29 июлдаги ПҚ–3162-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 сентябрдаги 720-сон қарори

1004. «2017 йил ҳосили пахта хом ашёсининг харид нархлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 сентябрдаги 723-сон қарори

1006. «Коммунал хизматларнинг ягона биллинг тизимини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 сентябрдаги 726-сон қарори

### *Бешинчи бўлим*

1007. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 01/11-10/20-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва

тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2152-4)*

1008. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 01/15-10/21-сон «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125-4)*

1009. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 17 августдаги 106-сон «Товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2927)*

1010. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 17 августдаги 6-мҳ, 125-сон «Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2821-1)*

1011. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 23 августдаги 126-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375-1)*

1012. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 28 августдаги 107-сон «Тиббий ускунанинг маънан эскирганлик даражасини аниқловчи мезонларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2928)*

1013. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 28 августдаги 108-сон «Замонавий ва маънавий эскирган тиббий ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия*

*вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2228-1)*

1014. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 5 сентябрдаги 93-Н-сон «Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2416-2)*

1015. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги 171-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929)*

1018. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 2017-46-сон «Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2600-1)*

1020. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 29 августдаги 241/4-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-3)*

1021. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 6 сентябрдаги 193-сон «Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2930)*

1022. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 13 сентябрдаги 300-мҳ-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-9)*

1024. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги 01/15-10/22, 144-сон «Биржа сав-

доларига қўйиладиган, шу жумладан, такроран қўйиладиган маҳсулотларнинг ҳажмларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2178-2)*

1025. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 9 сентябрдаги 23/2-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-12)*

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 9 сентябрдан 15 сентябргача бўлган маълумот

# БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## 976 Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2017 йил 15 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 24 августда
маъқулланган

### 1-боб. Умумий қоидалар

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Ушбу Қонуннинг амал қилиш соҳаси**

Ушбу Қонун болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши илмий, илмий-техникавий, статистик ахборотни ўз ичига олган ёки жамият учун тарихий, бадиий ёхуд ўзгача маданий қимматга эга бўлган ахборот маҳсулотининг айланиши соҳасидаги муносабатларга татбиқ этилмайди.

---

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 9 сентябрда эълон қилинган.

**4-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот маҳсулоти** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида айланиш учун мўлжалланган оммавий ахборот воситалари маҳсулоти, босма маҳсулот, ҳар қандай турдаги ташувчилардаги аудиовизуал маҳсулот, дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда тарқатиладиган, телекоммуникация тармоқларига, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириладиган ахборот, компьютер ўйинлари, шунингдек томошабоп тадбирлар воситасида тарқатиладиган ахборот;

**ахборот маҳсулотининг айланиши** — ахборот маҳсулотини тақдим этиш ва (ёки) тарқатиш, шу жумладан уни сотиш (шу жумладан обуна бўйича тарқатиш), ижарага, прокатга бериш, ахборот-кутубхона муассасалари фондларидан тарқатиш, бериш, оммавий намойиш қилиш, оммавий ижро этиш (шу жумладан эфир ёки кабель узатуви, томошабоп тадбирлар воситасида), телекоммуникация тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш;

**ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи** — ахборот маҳсулотини унинг мавзусини, жанрини, мазмунини ва бадиий безагини, муайян ёш тоифасидаги болалар томонидан ундаги ахборотни қабул қилиш хусусиятларини, унинг таркибидаги ахборотнинг болалар соғлиғига зарар етказиш эҳтимолини инобатга олган ҳолда, болаларнинг ёш тоифалари бўйича тақсимлаш;

**ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси** — ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифасининг график ва (ёки) матнли белгиси;

**болалар** — ўн саккиз ёшга тўлмаган (вояга етмаган) шахслар;

**болаларнинг соғлиғи** — болаларнинг жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлик ҳолати;

**болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот** — болалар ўртасида тарқатилиши ушбу Қонунга мувофиқ тақиқланган ёки чекланган ахборот маҳсулоти;

**эксперт** — ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш ва эксперт хулосасини бериш ёки ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга ошириш учун махсус ваколатли давлат органида аккредитациядан ўтган шахс.

**5-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари**

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва техникавий шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ушбу соҳадаги илмий ва амалий тадқиқотларни ривожлантириш;

болалар онгига ғайриқонуний ахборот-руҳий таъсир кўрсатилишининг,

уларга ҳийла ишлатилишининг, болаларни ғайриижтимоий ҳаракатларга ундовчи ахборот маҳсулоти тарқатилишининг олдини олиш, шунингдек ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш;

фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг, жисмоний ва юридик шахсларнинг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш мезонлари, механизмлари ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг дастурий-аппарат ва техника воситаларини жорий этиш.

## 2-боб. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар

### 6-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ва ўз ваколатлари доирасида қабул қилади;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини аниқлаш мезонларини ва тартибини белгилайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан экспертларни аккредитация қилиш тартибини белгилайди;

ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи органлар ва ташкилотларнинг ҳамкорлигини таъминлайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**7-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлар тизими**

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлар тизимига қуйидагилар киради:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идоралараро комиссиялари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари;

давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган органлар ва ташкилотлар болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

**8-модда. Махсус ваколатли давлат органининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органи деб юритилади).

Махсус ваколатли давлат органи ўз ваколатлари доирасида:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлайди;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни амалга оширувчи органлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиришда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади;

ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишга ҳамда ахборот маҳсулотида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини, ахборот маҳсулотининг болаларнинг муайян ёш тоифасига мувофиқлигини ёки мувофиқ эмаслигини аниқлаш мақ-

садида уни экспертизадан ўтказишга жалб этиладиган экспертларни аккредитациядан ўтказишни амалга оширади ва уларнинг реестрини юритади;

ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга ва тарқатувчиларга болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги ҳолларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун кўрсатмалар юборади;

ахборот маҳсулотига эксперт хулосаларини тақдим этишга доир фаолиятни мувофиқлаштиради;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, нодавлат нотижорат ташкилотларига ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига услубий ёрдам беради ва кўмаклашади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги маҳаллий ҳамда хорижий илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади;

болалар учун ахборот маконининг мазмунини тизимли равишда баҳолашга қаратилган илмий, илмий-техникавий ва амалий тадқиқотларни ривожлантиради;

болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш мезонлари, механизмлари ҳамда услубларини такомиллаштиришга доир ишларни юритади, болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг дастурий-аппарат ва техника воситаларини жорий этишни ташкил этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида маърифий ва ахборот-тушунтириш тадбирларини ташкил этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Махсус ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**9-модда. Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг ва вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идоралараро комиссияларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идоралараро комиссиялари ўз ваколатлари доирасида:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилиши ҳолларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ва вояга етмаганлар ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) идоралараро комиссиялари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

болаларнинг ҳар томонлама, баркамол ривожланишига ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияланишига кўмаклашувчи ахборотдан эркин фойдаланиш учун уларга шароитлар яратади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўради;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

### 11-модда. Таълимни давлат томонидан бошқариш органларининг ва таълим муассасаларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари ўз ваколатлари доирасида:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга

қаратилган дастурлар ва услубларни ишлаб чиқади ҳамда таълим муассасаларининг фаолиятига жорий этади;

таълим, ўқув-тарбия муассасаларида болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг таълим олиш, билим орттириш ва мулоқот фаолияти жараёнида болаларга психологик ёрдам кўрсатади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасида якка тартибдаги профилактика тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

болаларнинг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, шунингдек маънавий-ахлоқий тарбиясига доир фаолиятда иштирок этади;

таълим муассасаларида болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олмаган ахборот ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**12-модда. Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органларининг ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан жабрланган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишга доир чора-тадбирларни амалга оширади;

ахборот маҳсулотини унда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжудлигини аниқлаш учун баҳолаш мезонларини такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

**13-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашдаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга қаратилган профилактика тадбирларини амалга оширади;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**14-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашдаги иштироки**

Нодавлат нотижорат ташкилотлари:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлаш бўйича ташаббуслар билан чиқиши ва махсус ваколатли давлат органига таклифлар киритиши;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этиши;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

**15-модда. Оммавий ахборот воситаларининг болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашдаги иштироки**

Оммавий ахборот воситалари:

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиши;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш

соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни ёритиши;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи ҳамда ушбу фаолиятда иштирок этувчи органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

## 3-боб. Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш ҳамда ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи

### 16-модда. Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни таснифлаш

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот жумласига болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти, шунингдек муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот маҳсулоти киради.

Болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулоти жумласига:

болаларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига хавф соладиган хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан ўз соғлиғига зарар етказишга, ўз жонига қасд қилишга ва шундай ҳаракатларни тарғиб қилишга ундайдиган;

болаларда алкоголли ва тамаки маҳсулотларини, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиш, қимор ўйинларида, оммавий тартибсизликларда иштирок этиш, фоҳишалик, дарбадарлик, тиланчилик ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатнинг бошқа шакллари билан шуғулланиш истагини пайдо қиладиган;

одамларга ёки ҳайвонларга нисбатан зўравонлик ва шафқатсизлик қилиш мумкинлигини асослайдиган ёки оқлайдиган ёхуд зўравонлик хатти-ҳаракатларини амалга оширишга ундайдиган;

оилавий қадриятларни инкор этадиган, ахлоқсизликни тарғиб қиладиган, шунингдек ота-онасига ва оиланинг бошқа аъзоларига нисбатан ҳурматсиз муносабатни шакллантирадиган;

ғайриқонуний хулқ-атворни оқлайдиган ва ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келадиган;

жамиятда бузғунчилик ғояларини тарғиб этишга чақирадиган;

уятли сўзларни ўз ичига олган;

порнография хусусиятига эга бўлган ахборотни ўз ичига олган;

ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида жабрланган болалар тўғрисида-

ги, шу жумладан бундай боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, унинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакилларининг фото- ва видеотасвирлари, бундай боланинг туғилган санаси, унинг овози ёзилган аудиотасма, яшаш жойи ёки вақтинча турган жойи, ўқиш ёки иш жойи тўғрисидаги, бундай боланинг шахсини бевосита ёхуд билвосита аниқлашга имкон берадиган бошқа ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулоти киради.

Муайян ёш тоифаларидаги болалар ўртасида тарқатилиши чекланган ахборот маҳсулоти жумласига:

шафқатсизлик, жисмоний ва (ёки) руҳий зўравонлик, жиноят ёки жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатлар тасвири ёки баёни тарзида тақдим этиладиган;

болаларда қўрқув, ваҳима ёки саросима уйғотадиган, шу жумладан куч ишлатилмаган ўлимни, касалликни, ўз жонига қасд қилишни, бахтсиз ҳодисани, аварияни ёки фалокатни ва (ёки) уларнинг оқибатларини инсон қадр-қимматини камситадиган шаклда тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган;

эркак ва аёл ўртасидаги жинсий муносабатларни тасвирлаш ёки баён этиш тарзида тақдим этиладиган;

уятли сўзлар жумласига кирмайдиган ҳақоратли сўзларни ўз ичига олган ахборот маҳсулоти киради.

### 17-модда. Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ва (ёки) тарқатувчилар томонидан, шу жумладан экспертларни жалб этган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш бошлангунига қадар амалга оширилади.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи экспертни ёки экспертларни жалб этган ҳолда белгиланган тақдирда, ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш билан боғлиқ хизматларнинг ҳақини тўлаш ва харажатларнинг ўрнини қоплаш ушбу хизматларга буюртма берган ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ёки тарқатувчилар ҳисобидан амалга оширилади.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи уни болаларнинг қуйидаги ёш тоифаларидан бирига киритиш йўли билан амалга оширилади:

етти ёшга тўлмаган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «0+» ёзувини акс эттириши керак);

етти ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «7+» ёзувини акс эттириши керак);

ўн икки ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «12+» ёзувини акс эттириши керак);

ўн олти ёшга тўлган болалар учун ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «16+» ёзувини акс эттириши керак);

болалар учун тақиқланган ахборот маҳсулоти (ушбу ахборот маҳсулотининг ёшга оид тоифаси белгиси «18+» ёзувини акс эттириши керак).

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишда:

унинг мавзуси, жанри, мазмуни ва бадиий безаги;

муайян ёш тоифасидаги болалар томонидан ундаги ахборотнинг идрок этилиш хусусиятлари;

ундаги ахборотнинг болалар соғлиғига зарар етказиш эҳтимоли баҳоланади.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи тўғрисидаги маълумотлар ушбу маҳсулотга ахборот маҳсулоти ёшга оид таснифининг тегишли белгисини жойлаштириш учун асос бўлади.

## 4-боб. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш таъминланишини инобатга олган ҳолда ахборот маҳсулотининг айланишига қўйиладиган талаблар

### 18-модда. Ахборот маҳсулотининг айланишига доир умумий талаблар

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишни таъминлашга доир маъмурий ва ташкилий чора-тадбирларга, дастурий-аппарат ва техника воситаларига доир талаблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот айланишининг шарт-шароитлари бузилганлиги ҳолати аниқланган тақдирда, махсус ваколатли давлат органи томонидан ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга ва тарқатувчиларга болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги ҳолларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун кўрсатмалар юборилади.

### 19-модда. Ахборот маҳсулоти айланишининг хусусиятлари

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан болаларни ҳимоя қилишни таъминлашнинг маъмурий ва ташкилий чора-тадбирларини, дастурий-аппарат ва техника воситаларини қўлламай туриб, ушбу ахборотнинг жамоат жойларида айланишига йўл қўйилмайди.

Жамоат жойларида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган босма маҳсулот тарзидаги ахборот маҳсулотини фақат ёпиқ ўровларда тарқатишга йўл қўйилади.

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган ахборот маҳсулотининг болалар учун мўлжалланган таълим, болалар тиббиёти, санаторий-курорт, жисмоний тарбия-спорт муассасаларида, болаларнинг маданият, дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотларида тарқатилишига йўл қўйилмайди.

Болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган ахбо-

рот маҳсулотини томошабоп тадбир орқали намойиш этишда бевосита томошабоп тадбир бошланишидан олдин ушбу тадбирда тегишли ёш тоифаларидаги болаларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаслиги ҳақида ёки иштирок этиши чекланиши тўғрисида овозли хабар эълон қилинади.

Болаларнинг ўз ёш тоифасига мос келмайдиган ахборот маҳсулоти намойиш этиладиган томошабоп тадбирларни ташкил этишда ва ўтказишда иштирок этишига йўл қўйилмайди.

## 5-боб. Ахборот маҳсулотининг экспертизаси ва унинг ҳуқуқий оқибатлари

### 20-модда. Ахборот маҳсулотининг экспертизаси

Ахборот маҳсулотининг унда болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини, унинг ушбу Қонуннинг 16 ва 17-моддаларига мувофиқ болаларнинг муайян ёш тоифасига мослигини ёки мос эмаслигини аниқлаш учун экспертизаси махсус ваколатли давлат органининг қарорига кўра эксперт ёки экспертлар томонидан ўтказилади.

Аккредитация қилинган экспертларнинг реестридаги маълумотлардан манфаатдор шахсларнинг фойдаланиши махсус ваколатли давлат органининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайти орқали таъминланади.

Экспертларни аккредитация қилиш тартиби, шунингдек ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширишга ва ахборот маҳсулотида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини, унинг муайян ёш тоифасидаги болаларга мослигини ёки мос эмаслигини аниқлаш учун ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказишга жалб этиладиган экспертларнинг реестрини юритиш қоидалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

### 21-модда. Ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш

Ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги қарор махсус ваколатли давлат органи томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида мурожаат келиб тушганидан кейин кўпи билан беш кун муддатда қабул қилинади.

Ахборот маҳсулотининг экспертизасини ўтказиш муддати мурожаат келиб тушган пайтдан эътиборан ўттиз кундан ошмаслиги керак.

Ахборот маҳсулотининг экспертизаси тугагач, экспертлар ахборот маҳсулотида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотнинг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, унинг муайян ёш тоифасига мослиги ёки мос эмаслиги тўғрисида махсус ваколатли давлат органига уч кун ичида эксперт хулосаларини юборади.

Махсус ваколатли давлат органи эксперт хулосасини олгандан сўнг уч кун ичида уни мурожаат ташаббускорига юборади.

Эксперт хулосасининг шакли ва мазмунига доир талаблар махсус ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Эксперт хулосаси мавжуд бўлган ахборот маҳсулотининг айланиш соҳаси ўзгарган тақдирда ушбу ахборот маҳсулоти учун бошқа эксперт хулосасини олиш талаб этилмайди.

**22-модда. Ёшга оид таснифнинг ва ахборот маҳсулоти экспертизасининг ҳуқуқий оқибатлари**

Ахборот маҳсулотининг муайян ёш тоифасидаги болаларга мослиги учун жавобгарлик ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга оширган субъектнинг зиммасига юклатилади.

Махсус ваколатли давлат органи томонидан эксперт хулосасига мувофиқ ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларга ва тарқатувчиларга болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилганлиги ҳолларини, шунингдек уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш учун кўрсатмалар юборилади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

**23-модда. Низоларни ҳал этиш**

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**24-модда. Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**25-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**26-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**27-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 8 сентябрь,
ЎРҚ–444-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## 977 «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2017 йил 15 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 24 августда
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–378-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 340-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

---

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 8 сентябрда эълон қилинган.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 11 сентябрь,
ЎРҚ–445-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида
(янги таҳрири)

### 1-боб. Умумий қоидалар

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси**

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат органлари ва давлат муассасаларига (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади), шунингдек уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (бундан буён матнда мурожаатлар деб юритилади) соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши давлат иштирокидаги ташкилотларга ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Қонуннинг амал қилиши:

кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга;

давлат органларининг, шунингдек улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

**2-модда. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ариза** — ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат;

**таклиф** — давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаат;

**шикоят** — бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаат;

**электрон мурожаат** — белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаат, реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

**такрорий мурожаат** — айни бир жисмоний ёки юридик шахсдан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан қабул қилинган қарор устидан шикоят қилинаётган ёки бошқача тарзда норозилик билдирилаётган, шунингдек, агар такрорий мурожаат келиб тушган пайтга келиб қонун ҳужжатларида белгиланган кўриб чиқиш муддати тугаган бўлса, илгариги мурожаати ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги тўғрисида хабар қилинаётган мурожаат;

**аноним мурожаат** — жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаат;

**мурожаатнинг дубликати** — айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчирма нусхаси;

**оммавий қабул** — давлат органи раҳбарининг ёки бу борада ваколат берилган мансабдор шахсининг жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари билан оммавий учрашувларида мурожаатларни қабул қилишга доир ҳаракати;

**видеоконференцалоқа** — узоқда жойлашган бир нечта абонентларнинг реал вақт режимида аудио- ва видеоахборот алмашиш имконияти билан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерактив ҳамкорлик қилиши;

**давлат иштирокидаги ташкилот** — устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган тижорат ташкилоти ёхуд тўлиқ ёки қисман давлат органи томонидан ташкил этилган ёки таъсис этилган нотижорат ташкилоти.

### 4-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари

Мурожаатларни кўриб чиқишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш;

мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши;

мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги;

мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги.

**5-модда. Мурожаатларнинг шакллари ва турлари**

Мурожаатлар оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар мурожаатларнинг турлари ҳисобланади.

Мурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади.

**6-модда. Мурожаатларга қўйиладиган талаблар**

Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

**7-модда. Мурожаатлар ва оммавий ахборот воситалари**

Оммавий ахборот воситалари таҳририятларидан келиб тушган мурожаатлар ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

Оммавий ахборот воситаларига йўлланган мурожаатлардан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоатчилик фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланилиши мумкин.

**8-модда. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш**

Давлат органларида, ташкилотларда, шунингдек уларнинг мансабдор

шахслари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини ўтказувчи давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича мурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги мурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга ушбу Қонунда белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

### 9-модда. Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш тартиби

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахси томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида, ташкилотларда махсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади.

Давлат органларининг раҳбарлари ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби уларни давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ҳовлиларга (квартираларга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Агар қабул давомида баён этилган масалаларни ҳал этиш давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсининг ваколатларига кирмаса, тегишли мансабдор шахслар мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтириши керак.

Шахсий қабул давомида давлат органи, ташкилот раҳбарининг қарорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда махсус техника

воситалари (аудио- ва видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан давлат органларининг, ташкилотларнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

Видеоконференцалоқа воситасида қабул қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## 2-боб. Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналар

### 10-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларнинг самарали кўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари тизимини қуйидагилар ташкил этади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизими ҳисобланади.

### 11-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга

қаратилган, мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органларига, ташкилотларга юборилган мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини ўтказиш, шу жумладан видеоконференцалоқа воситасида ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонасига келиб тушаётган мурожаатларни қайд этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, уларни кўриб чиқиш устидан мониторинг ва назорат қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш ҳамда юритиш орқали мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

**12-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат органлари, ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш, улардан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳужжатларни ва ахборотни сўраш ҳамда олиш;

зарур ҳолларда, мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини жойларга чиқиб ўрганиш;

мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида давлат органларига,ташкилотларга таклифлар киритиш;

мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини бузган, шунингдек мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминламаган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари:

ушбу Қонун талабларига риоя этиши;

мурожаатлар билан ишлашда мавжуд ахборот тизимидан фойдаланиши;

ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этиши;

ўз дастурий-аппарат воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаши;

навбатда туришнинг электрон бошқаруви тизими самарали ишлашини ва маъмурий жиҳатдан бошқарилишини, мурожаат этувчиларнинг сони улар-

нинг тоифалари ва тегишли соҳалар бўйича муайян давр учун (кун, ҳафта, ой) лозим даражада ҳисобга олинишини таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси томонидан мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида маслаҳатлар бериш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси негизида турли тармоқлар ва фаолият соҳаларидан малакали мутахассисларни маслаҳатчилар сифатида жалб этган ҳолда, мурожаатларга доир масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериш амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси негизида реал вақт режимида маслаҳат бериш, бир томондан, маслаҳатчилар ўртасида, шунингдек бошқа томондан, ўзини қизиқтирадиган масала юзасидан тезкор тартибда ахборот олиш истагида бўлган жисмоний ва юридик шахслар ўртасида ахборот айирбошлаш йўли билан таъминланади.

**14-модда. Давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш**

Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, шунингдек мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари ўз виртуал қабулхоналарини ташкил этиши мумкин.

Виртуал қабулхоналар қайси давлат органи,ташкилот ёки уларнинг қайси мансабдор шахслари томонидан тузилган бўлса, ўша давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари номидан фаолият кўрсатади.

## 3-боб. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари

**15-модда. Мурожаат этиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари**

Жисмоний ва юридик шахсларга давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига якка тартибда ёки жамоа бўлиб мурожаат этиш ҳуқуқи кафолатланади.

Мурожаат этиш ҳуқуқи ихтиёрий амалга оширилади. Ҳеч ким биронбир мурожаатни ҳимоя қилишга ёхуд унга қарши қаратилган ҳаракатларда иштирок этишга мажбур қилиниши мумкин эмас.

Мурожаат этиш ҳуқуқининг амалга оширилиши бошқа жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатларини бузмаслиги керак.

Хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси давлат органларига, ташкилотларига ва уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунга мувофиқ мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

**16-модда. Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда камситишга йўл қўйилмаслиги**

Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шаклларига ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.

**17-модда. Мурожаат этилганда ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларга риоя этилишининг кафолатлари**

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда қонунлари талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

**18-модда. Мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш кафолатлари**

Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши шарт, ушбу Қонуннинг 29 ва 30-моддаларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**19-модда. Мурожаатлар муносабати билан аён бўлиб қолган маълумотларнинг ошкор этилмаслиги кафолатлари**

Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

**20-модда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари муносабати билан улар хавфсизлигининг кафолатлари**

Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.

## 4-боб. Мурожаатларни бериш ва уларни кўриб чиқиш тартиби

**21-модда. Мурожаатларни бериш тартиби**

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибида юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар бундан мустасно. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.

Мурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади. Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

**22-модда. Мурожаатларни бериш муддатлари**

Мурожаатларни бериш муддатлари, қоида тариқасида, белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсларининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жис-

моний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш зарурατига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи, ташкилот ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тикланади.

### 23-модда. Мурожаатлар бўйича иш юритиш

Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган мурожаат ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилиши керак.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат органларида, ташкилотларда мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш дафтари юритилиб, унда мурожаатнинг тартиб рақами ва келиб тушган санаси, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, ижроси тўғрисидаги белги, шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Давлат органлари, ташкилотлар мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиши мумкин.

Давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган мансабдор шахсига оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш бўйича иш юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### 24-модда. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

Давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар шу орган, ташкилот томонидан ёки мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича зиммасига мажбуриятлар юклатилган мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилади.

Давлат органига, ташкилотга келиб тушган мурожаатлар бўйсунув тартибида қуйи турувчи бўлинмаларга ҳам юборилиши мумкин.

Агар мурожаатда давлат органлари, ташкилотларнинг бир нечта таркибий бўлинмаларига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижрочилар этиб белгиланади. Ижрочилар

ўртасида биринчи кўрсатилган таркибий бўлинма мурожаатнинг кўриб чиқилишини бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда таъминлайди.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчидан, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин. Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари зарур ҳолларда, мурожаатнинг жойнинг ўзига бориб кўриб чиқилишини таъминлаши мумкин.

Агар мурожаатда қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари мурожаатларни кўриб чиқишда иштирок этиш учун давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Агар мурожаатни кўриб чиқишда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш, шу жумладан молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) зарурати юзага келса, текшириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### 25-модда. Айрим мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби

Такрорий мурожаатлар умумий асосларда кўриб чиқилади, ушбу Қонуннинг 30-моддасида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади. Бунда келиб тушган электрон мурожаат электрон шаклда юборилиши мумкин.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига, ташкилотларга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли давлат органларига, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, бу мурожаатлар мурожаат этувчига беш кунлик муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан қайтарилади.

Агар мурожаатни кўриб чиқиш давомида мурожаатнинг дубликати ке-

либ тушса, мазкур мурожаат аввал келиб тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчини тегишли тартибда хабардор қилади.

Мурожаатларнинг турларига киритилмаган хатларни (ташаккурномалар, табрикномалар, таклифномалар, фикр-мулоҳазаларни) кўриб чиқиш давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан уларнинг ўз ихтиёрига кўра амалга оширилади.

**26-модда. Мурожаат этувчини эшитиш**

Мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, бошқа ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари ўз ташаббусига кўра ёхуд мурожаат этувчининг илтимосига кўра уни эшитишни ташкил этиши мумкин.

Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчига мурожаатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва мурожаат бўйича қўшимча ахборот тақдим этиш имкониятини беради. Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчини эшитишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакилларини жалб этиши мумкин.

**27-модда. Мурожаатларга жавоблар**

Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилинади, бу ҳақда мурожаат қилувчига дарҳол ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.

Мурожаатга жавобни давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг мансабдор шахси имзолайди.

Жамоавий мурожаатларга жавоб, агар мурожаатда жавобни бошқа шахсга юбориш талаб этилмаган бўлса, мурожаат қилувчиларнинг рўйхатида биринчи кўрсатилган шахсга юборилади.

Мурожаат, агар унда қўйилган барча масалалар ушбу Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда, кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаатларга жавоблар мумкин қадар мурожаат этилган тилда баён қилинади, жавоблар мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонун ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши керак.

Оммавий қабуллар вақтида давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахсига келиб тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

### 28-модда. Мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга ўн кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

### 29-модда. Мурожаатларни кўрмай қолдириш

Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

аноним мурожаатлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;

мазкур Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.

Мурожаатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади.

Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожаатлар кўрмай қолдирилганлиги тўғрисида мурожаат қилувчи тегишли тартибда хабардор қилинади.

### 30-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишни тугатиш

Мурожаатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

агар такрорий мурожаатларда янги важлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўкис материаллари мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;

агар мурожаат қилувчи ўз мурожаатини белгиланган тартибда чақириб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида илтимос қилган бўлса;

яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида ўз вақтида хабардор қилмаганлиги туфайли чақиришнинг имкони йўқлиги сабабли мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти бўлмаганда;

мурожаатни мурожаат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти мавжуд эмаслиги сабабли, давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан чақирилган мурожаат қилувчи келмай қолган тақдирда;

агар мурожаат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожаатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймаса.

Мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисидаги қарорни давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул қилади.

Такрорий мурожаатни кўриб чиқиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисига мувофиқ тугатилганда, мурожаат қилувчи такрорий мурожаатнинг асоссизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинади. Ёзишмалар олиб бориш тугатилган мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушган тақдирда, бундай мурожаатни кўриб чиқиш мурожаат қилувчини бу ҳақда хабардор қилмасдан тугатилади.

Мурожаатни кўриб чиқиш уни чақириб олиш тўғрисидаги ариза бўйича тугатилганда мурожаат мурожаат қилувчига давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсининг хати билан бирга уч кун ичида қайтарилади. Мурожаатни чақириб олиш тўғрисидаги ариза қонун бузилишларини аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилишини истисно этмайди.

Мурожаат қилувчи чақирилган жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг келмай қолганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинади.

### 31-модда. Мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш

Жисмоний ёки юридик шахснинг илтимосига кўра мурожаатни кўриб чиққан давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатга жавобни унинг мазмунини ўзгартирмасдан тушунтириши, шунингдек йўл қўйилган хатолар ва арифметик хатоларни ўз ташаббусига кўра ёки мурожаат қилувчининг илтимосига кўра, мурожаатга жавобнинг мазмунига дахл қилмаган ҳолда тузатиши шарт.

Мурожаат қилувчининг мурожаатга жавобни тушунтириш ва уни тузатиш тўғрисидаги илтимоси у келиб тушган кундан эътиборан ўн кун ичида кўриб чиқилади.

## 5-боб. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

### 32-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари

Мурожаатлар давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор

шахслари томонидан кўриб чиқилаётганда жисмоний ва юридик шахслар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мурожаатни кўриб чиқишнинг бориши тўғрисида ахборот олиш;

важларни шахсан баён этиш ва тушунтиришлар бериш;

мурожаатни текшириш материаллари ва уни кўриб чиқиш натижалари билан танишиш;

қўшимча материаллар тақдим этиш ёки бундай материалларни бошқа органлардан талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилиш;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш;

мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида ёхуд мурожаатга жавобни тушунтириш ва (ёки) уни тузатиш тўғрисида илтимос қилиш;

ўз мурожаатини у кўриб чиқилгунига қадар ва кўриб чиқилаётган пайтда мурожаат бўйича қарор қабул қилингунига қадар ёзма ёки электрон шаклда ариза бериш йўли билан чақириб олиш;

мурожаатни қабул қилишни ёки кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилиш.

Жисмоний ва юридик шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**33-модда. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва улар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мурожаатни кўриб чиқиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

мурожаат қилувчи ёки бошқа шахс йўқлигида мурожаатни кўриб чиқиш мумкин бўлмаганда ёхуд мурожаатни эшитиш учун уни чақириш;

била туриб ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаатни текшириш сабабли етказилган харажатларнинг ўрнини қоплаш тўғрисида судга мурожаат қилиш.

Давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари:

мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

мурожаат қилувчига унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини, агар улар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир бўлган маълумотларни ўз ичига олмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, таъминлаши;

мурожаат этувчига кўриб чиқиш натижалари ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида мурожаат кўриб чиқилганидан сўнг ёзма ёхуд электрон шаклда дарҳол хабар қилиши, оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал қилинган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно;

мурожаат юзасидан қабул қилинган қарор устидан, агар жисмоний ёки юридик шахс ушбу қарорга рози бўлмаса, шикоят бериш тартибини тушунтириши;

мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра қабул қилинган қарорнинг ижросини назорат қилиши;

қонунга хилоф ҳаракатларни (ҳаракатсизликни) бартараф этиш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабаблар ва шароитларни ўз ваколатлари доирасида аниқлаши;

жисмоний шахс, унинг вакили, уларнинг оила аъзолари, юридик шахс, унинг вакили ва юридик шахс вакилининг оила аъзолари уларнинг мурожаатлари сабабли таъқиб этилишини белгиланган тартибда бартараф этиши;

агар жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши натижасида моддий зарар ёки маънавий зиён етказилган бўлса, қонунда белгиланган тартибда моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ёки маънавий зиённи компенсация қилиш чораларини кўриши шарт.

Давлат органлари мурожаатлар билан иш олиб борувчи ўз ходимларини ўқитади ва уч йилда камида бир марта уларнинг малакасини оширади. Давлат органларининг мурожаатлар билан иш олиб борувчи ходимларига нисбатан қўйиладиган талаблар, шунингдек уларни ўқитиш ва малакасини ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Давлат органи, ташкилот ва улар мансабдор шахсларининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

### 34-модда. Мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш

Давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари ўз тузилмавий бўлинмалари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга оширади, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

Мурожаат у қайси раҳбар ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахс томонидан назоратга олинган бўлса, ўша шахс томонидан назоратдан ва ижродан олинади.

Оралиқ жавоблар берилган ва тўлиқ кўриб чиқилмаган мурожаатлар назоратдан олинмайди.

### 35-модда. Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари келиб тушган мурожаатларнинг статистик ҳисобини юритади. Статистик ҳисобга олишда келиб тушган, кўриб чиқилган, қаноатлантирилган, қаноатлантириш рад этилган, кўрмай қолдирилган мурожаатларнинг сони, шунингдек мурожаатлар билан ишлашга боғлиқ бўлган бошқа маълумотлар назарда тутилиши керак.

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳар чоракда мурожаатларни умумлаштиради ва таҳлил қилади.

Давлат органлари мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра маълумотномалар (шарҳлар) тузади, уларда мурожаатлар билан ишлашнинг умумий кўрсаткичлари, мурожаатларда тез-тез кўтарилган масалалар, мурожаатларни кўриб чиқиш якунлари бўйича аниқланган асосий камчиликлар ва қоидабузарликлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш мақсадида кўрилган чора-тадбирлар акс эттирилади.

Мурожаатларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра тузилган маълумотномалар (шарҳлар) тегишли давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

## 6-боб. Якунловчи қоидалар

### 36-модда. Низоларни ҳал этиш

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### 37-модда. Моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризаси, шикояти ана шу мурожаатлар бўйича қонунга хилоф қарорлар қабул қилган давлат органи, ташкилот ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қаноатлантирилган тақдирда, ариза ёки шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш билан боғлиқ зарарнинг ўрни, аризани, шикоятни кўриб чиқиш учун тегишли давлат органининг, ташкилотнинг, шунингдек улар мансабдор шахсларининг талабига кўра жойларга бориш муносабати билан қилинган харажатларнинг ҳамда ана шу вақт ичида йўқотилган иш ҳақининг ўрни мурожаат этувчига суд тартибида копланади. Суд тартибида маънавий зиён ҳам компенсация қилиниши мумкин.

Жисмоний ёки юридик шахснинг аризасини ёхуд шикоятини кўриб чиқишда қонун талаблари бузилганлиги муносабати билан унга етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаш ва маънавий зиённи компенсация қилиш сифатида давлат органи, ташкилот томонидан тўланган маблағлар айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олиниши мумкин.

### 38-модда. Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, худди шунингдек туҳмат ва ҳақоратдан иборат мурожаат берганлик белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 978 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2017 йил 18 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2017 йил 24 августда
маъқулланган

**1-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган **«Давлат тили ҳақида»**ги 3561–XI-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 167–I-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 257-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 335-модда; 2011 йил, № 10, 274-модда) **11-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўртасидаги иқтисодий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда давлат тили қўлланилади. Иқтисодий низолар тарафларнинг розилиги билан бошқа тилда ҳам кўриб чиқилиши мумкин».

**2-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»**ги 152–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1990 йил, № 31-33, 371-модда; 1993 йил, № 5, 235-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **33-модданинг 3-бандидаги** «ёки хўжалик суди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **34-модда**:

**1-бандининг иккинчи хатбошисидаги** «ёки хўжалик суди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**2-бандининг учинчи хатбошисидаги** «ёки хўжалик судининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**3-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган **«Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»**ги 285–XII-сонли Қону-

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2017 йил 15 сентябрда эълон қилинган.

нининг (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган 77–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 148-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) **19-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«19-модда. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасидаги ваколатли давлат органлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги:

ташқи савдо фаолияти соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқади ва унинг амалга оширилишини таъминлайди;

ташқи савдо фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради;

қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ташқи савдо фаолияти субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиради ва тартибга солиб туради;

ташқи савдо фаолияти соҳасига оид қонунчилик базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

инвестициялар бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантиради ва унинг амалга оширилишини ҳамда чет эл инвестициялари жалб қилинишини таъминлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг чет эл инвестицияларини жалб қилиш бўйича асосий йўналишларни белгилаш ва уни амалга оширишга, шунингдек халқаро молия институтлари ва чет эллик инвесторлар билан инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради;

инвестиция фаолиятига оид қонунчилик базасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади».

**4-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»**ги 407–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда) **5-моддаси биринчи қисми 2-бандининг тўртинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий

хўжалик судининг» деган сўзлар ва **3-бандининг олтинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**5-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»**ги 616–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 473-модда) **4-моддаси биринчи қисми 3-бандининг олтинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди» ва **6-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**6-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Прокуратура тўғрисида»**ги 746–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; 2008 йил, № 9, 487-модда, № 12, 636-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **4-модданинг еттинчи хатбошисидаги** «хўжалик низоларини» деган сўзлар «иқтисодий низоларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модда**:

**саккизинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари:

ҳар йили тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари Кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

зарур бўлган ҳолларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийликнинг ва жиноятчиликка қарши курашнинг ҳолати тўғрисида хабардор қилади»;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Прокуратура органлари қонунларнинг ижро этилишини назорат қилишга ва жиноятчиликка қарши курашга доир фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиш, ўзининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан жисмоний ва юридик шахсларнинг фойдаланишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда таъминлаш йўли билан ўз фаолиятини ошкора амалга оширади»;

3) **8-модда**:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«8-модда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш»;**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг;

Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ягона мувофиқлаштирувчи органидир»;

4) **13-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин.

**7-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги 754–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«8-модда. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви**

Ўзбекистон Республикасида экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасидаги давлат бошқаруви қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади»;

2) **11-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«11-модда. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси:

экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқарувини;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини;

ер, ер ости бойликларини, сув, ўрмон, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини;

экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга доир ишларни мувофиқлаштиришни, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш бўйича ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришда идоралараро ҳамкорликни таъминлашни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобдордир.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари мулк шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқаролар томонидан ижро этилиши учун мажбурийдир»;

3) **15-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Экологик нормативлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ўз ваколатларига мувофиқ тасдиқланади»;

4) **16-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«16-модда. Табиий ресурслардан фойдаланиш шартлари**

Табиий ресурслардан фойдаланишга табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этиш, табиат мажмуалари яхлитлигини сақлаб қолиш, жонли табиат объектларининг яшаш ва ўсиш муҳити бузилишига йўл қўймаслик, бошқа табиий ресурслардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини бузмаслик шарти билан йўл қўйилади»;

5) **18-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«18-модда. Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланиш шартлари**

Ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалардан фойдаланишга қуйидаги шартлар асосида йўл қўйилади:

қазиб олишда ер ости бойликлари ва фойдали қазилмалар ҳамда уларга

қўшилиб чиқадиган бошқа табиий ресурслардан комплекс ва тежамли фойдаланиш таъминланса, шунингдек атроф-муҳит ва ер қаъри ифлосланишининг олди олинса;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш чоғида ҳолати ўзгарган ерлар рекультивация қилинса;

қайта тикланадиган фойдали қазилмалардан табиий қайта тикланишига эришиладиган даражадагина фойдаланилса;

ер ости бойликларидан ва кенг тарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш соҳасида белгиланган қоидаларга риоя этилса;

фойдали қазилма конларини ишга солиш лойиҳалари бўйича, шунингдек минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда кенгайтириш лойиҳалари юзасидан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлса;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия мавжуд бўлса ёки ер қаъри участкаларини фойдаланишга бериш назарда тутилган маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битим мавжуд бўлса;

фойдали қазилмаларнинг юзасини олишда ҳосил бўладиган ва сиғдирадиган жинслар ағдармалари, сақлагичлар, терриконлар уларнинг атроф-муҳитга энг кам даражада зарарли таъсир кўрсатиши таъминланган ҳолда жойлаштирилса»;

6) **28-модданинг**:

**номидаги «атроф табиий муҳит»** деган сўзлар **«атроф-муҳит»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги» деган сўзлар «атроф-муҳитнинг давлат мониторинги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Атроф-муҳитнинг мониторингини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади»;

7) **30-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «табиатни муҳофаза этиш идоралари» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «табиатни муҳофаза қилиш идоралари» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **34-модданинг**:

**учинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «табиатни муҳофаза қилиш жамғармаларига» деган сўзлар «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан

боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **35-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«35-модда. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси**

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг мониторинги соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш, тарғибот ва маърифий ишларни ташкил этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси ташкил этилади.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасини шакллантириш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

10) **37-модда бешинчи хатбошисидаги** «табиатни муҳофаза қилиш жамғармалари» деган сўзлар «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **38-моддадаги** «маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига, давлат табиатни муҳофаза қилиш идораларига» деган сўзлар «маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **40-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **48-модданинг иккинчи қисмидаги** «ўз ҳуқуқ доирасига мувофиқ табиатни муҳофаза қилиш идоралари» деган сўзлар «ўз ваколатларига мувофиқ экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **50-модданинг**:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«50-модда. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик»;**

**иккинчи қисмидаги** «маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идо-

раларининг, табиатни муҳофаза қилиш идораларининг» деган сўзлар «маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги 837–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 221-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) **9-моддасининг иккинчи қисмидаги, 14-моддасининг биринчи қисмидаги, 16-моддасининг биринчи қисмидаги, 21-моддасининг тўртинчи** ва **саккизинчи қисмларидаги, 27-моддасининг иккинчи қисмидаги, 29-моддасининг матнидаги, 41-моддасининг иккинчи қисмидаги, 42-моддасининг матнидаги, 43-моддасининг матнидаги, 44-моддасининг иккинчи қисмидаги, 51-моддасининг биринчи қисмидаги, 56-моддасининг учинчи қисмидаги, 59-моддасининг биринчи қисмидаги, 60-моддасининг иккинчи қисмидаги, 61-моддасининг учинчи қисмидаги, 64-моддасининг биринчи қисмидаги, 65-моддасининг матнидаги, 70-моддасининг иккинчи қисмидаги, 74-моддасининг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги, 79-моддасининг матнидаги, 85-моддасининг матнидаги, 86-моддасининг матнидаги, 87-моддасининг матнидаги, 90-моддасининг матнидаги, 98-моддасининг матнидаги, 101-моддасининг иккинчи қисмидаги, 102-моддасининг биринчи қисмидаги, 103-моддасининг биринчи хатбошисидаги, 104-моддасининг учинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш давлат», «табиатни муҳофаза қилиш» ва «Давлат табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар тегишинча «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат» ва «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган **«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги 846–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 5, 230-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда) **26-моддасининг матнидаги** «ёки хўжалик суди» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**10-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси,

1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2007 йил, № 4, 163-модда, № 9, 420-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2013 йил, № 12, 350-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Вилоят, туман, шаҳар ҳокими зарур бўлган ҳолларда ўз фаолияти тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этади»;

2) **24-модданинг биринчи қисми**:

**ўн биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ижроия ҳокимияти бўлимлари, бошқармалари, бошқа таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини, шу жумладан қонунларга риоя этилиши, тегишли халқ депутатлари Кенгашлари қарорларининг ва доимий комиссиялар тавсияларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини эшитади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи, ўн учинчи** ва **ўн тўртинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«тегишли прокурорларнинг ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

тегишинча соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари, туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш»;

**ўн иккинчи, ўн учинчи** ва **ўн тўртинчи хатбошилари** тегишинча **ўн бешинчи, ўн олтинчи** ва **ўн еттинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) қуйидаги мазмундаги **$25^2$-модда** билан тўлдирилсин:

**$25^2$-модда. Халқ депутатлари Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш**

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳар чоракда тегишинча халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳар чоракда ва уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмала-

ри раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

Юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ва ишларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш чоғида танқидий жиҳатдан муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига шахсан баҳо берилади, шунингдек эгаллаб турган лавозимига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади».

**11-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»**ги 915–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–350-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 96-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **8-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда «ягона дарча» марказларида ҳисобга олиниши лозим»;

2) **10-модда биринчи қисмининг**:

**еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини), унинг ўринбосарларини (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини) ва маслаҳатчиларини сайлаш, шунингдек фуқаролар йиғини органларининг бошқа мансабдор шахсларини сайлаш, тасдиқлаш ва тайинлаш тартиби»;

**ўнинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг), унинг ўринбосарларининг (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларининг) ва маслаҳатчиларининг ваколатлари»;

3) **11-модда**:

**номидаги «Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла»** деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**биринчи қисмининг**:

**биринчи хатбошисидаги** «Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини), унинг ўринбосарларини (фу-

қаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини) ва маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг ҳамда тафтиш комиссиясининг раисларини ва аъзоларини сайлайди»;

**еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ҳар чоракда камида бир марта фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг), унинг ўринбосарларининг (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларининг) ва маслаҳатчиларининг, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ҳамда тафтиш комиссияси раисларининг, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарининг, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисининг, шунингдек ҳудуддаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади»;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«ички ишлар органлари таянч пунктлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича инспекторларининг ҳисоботларини белгиланган тартибда эшитади;

тегишинча оилавий поликлиникаларнинг, қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотларини эшитади»;

**саккизинчи — йигирма тўртинчи хатбошилари** тегишинча **ўнинчи — йигирма олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**ўн еттинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**ўн саккизинчи — йигирма олтинчи хатбошилари** тегишинча **ўн еттинчи — йигирма бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **йигирма олтинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва вояга етмаган болалари бўлган муҳтож оилаларга, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга, шунингдек бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналарга ҳамда уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нафақалар тайинлаш тўғрисидаги масалаларни фуқаролар йиғини ҳудуди бўйича назарда тутилган харажатлардан келиб чиққан ҳолда ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига марказлаштирилган тарзда ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлайди»;

**иккинчи қисмидаги** «Шаҳарча, қишлоқ, овул ва шаҳардаги маҳалла» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

4) **12-модда** чиқариб ташлансин;

5) **13-модданинг**:

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролар йиғини кенгаши таркибига фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли), унинг ўринбосарлари (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари) ва

маслаҳатчилари, масъул котиб, фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасининг раҳбари, шунингдек ҳududдаги профилактика инспекторлари, таълим муассасаларининг, қишлоқ врачлик пунктларининг ва оилавий поликлиникаларнинг раҳбарлари киради»;

**учинчи қисми йигирма биринчи хатбошисидаги** «шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **14-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «шаҳарча, қишлоқ ва овул» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **15-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги** «Шаҳарча, қишлоқ ва овул» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **18-модда биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «табиатни» деган сўз «атроф-муҳитни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **20-модда**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши (бундан буён матнда Республика кенгаши деб юритилади) томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарларда эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлар (бундан буён матнда ҳудудий кенгашлар деб юритилади) томонидан амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари тегишинча Республика кенгашида, ҳудудий кенгашларда жамоатчилик асосида раислик қилади.

Республика кенгаши ва ҳудудий кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари бир вақтнинг ўзида тегишинча Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг республика бошқарувида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларида, туманлар ва шаҳарлар бўлинмаларида раислик қилади»;

**иккинчи қисми тўртинчи қисм** деб ҳисоблансин;

10) **21-модда**:

**биринчи қисмидаги** «туман, шаҳар ҳокимининг» деган сўзлар «фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман, шаҳар ҳудудий кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «маслаҳатчиларидан» деган сўз «ўринбосарларидан (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларидан)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмининг учинчи жумласи** чиқариб ташлансин;

11) **25-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролар йиғини раисининг (оқсоқолининг) ўринбосарлари (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчилари) ва маслаҳатчилари ўртасида вазифаларни тақсимлаш раиснинг (оқсоқолнинг) тақдимномасига кўра фуқаролар йиғини томонидан амалга оширилади».

**12-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Стандартлаштириш тўғрисида»**ги 1002–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 2, 46-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2009 йил, № 4, 129-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; № 10, 263-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) **2-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги, 3-моддасининг иккинчи қисмидаги** ва **8-моддасининг биринчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**13-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1038–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 113-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **3-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**14-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1040–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Мустақиллик» ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 115-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **3-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**15-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1042–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Дўстлик» ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 117-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **3-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**16-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган 1046–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Шуҳрат» медали тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 121-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 18-модда) **3-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**17-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Банкротлик тўғрисида»**ги 1054–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелда қабул қилинган 474–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 5, 63-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 414-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 133-модда, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 337-модда; 2011 йил, № 10, 270-модда; 2012 йил, № 12, 334-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **3-модданинг иккинчи, олтинчи, ўнинчи, ўн иккинчи — ўн тўртинчи хатбошиларидаги, 5-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги, 6 — 9-моддаларнинг номларидаги** ва **матнларидаги, 10-модданинг биринчи қисмидаги, бешинчи қисмининг тўртинчи** ва **бешинчи хатбошиларидаги** ва **ўн биринчи қисмидаги, 13-модда учинчи қисмининг учинчи — бешинчи хатбошиларидаги** ва **бешинчи қисмидаги, 14-модданинг олтинчи қисмидаги, 15-модда тўртинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** ва **бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги, 18-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 19-модда биринчи қисмининг тўртинчи** ва **еттинчи хатбошиларидаги, учинчи қисмининг бешинчи** ва **олтинчи хатбошиларидаги, 22-модданинг биринчи қисмидаги, 25-модда биринчи қисмининг учинчи** ва **еттинчи хатбошиларидаги, 26-модданинг учинчи** ва **еттинчи хатбошиларидаги, 30-модданинг учинчи қисмидаги, III бобнинг номидаги, 35-модданинг матнидаги, 36-модданинг учинчи қисмидаги, 37-модданинг биринчи қисмидаги, иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги, 38-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги, 39-модданинг биринчи қисмидаги, иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги, 40-модданинг иккинчи қисмидаги, 42-модданинг матнидаги, 43-модданинг биринчи қисмидаги, 44-модданинг матнидаги, 45-модданинг тўртинчи** ва **олтинчи қисмларидаги, 46-модданинг матнидаги, 47-модданинг биринчи қисмидаги, 48-модданинг бешинчи — еттинчи қисмларидаги, 49-модданинг матнидаги, 50-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, 51-модданинг матнидаги, 52-модданинг номи, биринчи** ва **еттинчи қисмларидаги, 53-модда бешинчи қисмининг учинчи** ва **бешинчи хатбошиларидаги, 54-моддадаги, 55** ва **56-моддаларнинг матнларидаги, 57-модда-**

**нинг иккинчи — тўртинчи қисмларидаги, 58-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 59-модданинг биринчи** ва **учинчи қисмларидаги, 60-модданинг номидаги** ва **матнидаги, 61-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги, 62-модданинг матнидаги, 63-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги, 65-модданинг матнидаги, 66-модда биринчи қисмининг иккинчи, бешинчи** ва **олтинчи хатбошиларидаги, 67-модданинг учинчи қисмидаги, 68-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги, еттинчи қисмининг учинчи** ва **бешинчи хатбошиларидаги, 69-модданинг учинчи қисмидаги, 70-модданинг биринчи — тўртинчи қисмларидаги, 71-модданинг биринчи қисмидаги, 72-модданинг иккинчи** ва **учинчи хатбошиларидаги, 73** ва **74-моддаларнинг номларидаги** ва **матнларидаги, 75-модданинг матнидаги, 76-модданинг биринчи, учинчи** ва **олтинчи қисмларидаги, 77-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги, 78-модданинг матнидаги, 79-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 80-модданинг биринчи, учинчи** ва **бешинчи қисмларидаги, 81-модданинг биринчи қисми еттинчи — тўққизинчи хатбошиларидаги, 83-модданинг учинчи қисмидаги, 84-модданинг матнидаги, 85-модданинг биринчи қисмидаги, учинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, тўртинчи қисмидаги, 86-модданинг иккинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмларидаги, 87-модданинг биринчи қисмидаги, учинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, тўртинчи қисмидаги, 88-модданинг биринчи қисмидаги, 89-модданинг биринчи қисмидаги, иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, 90-модданинг матнидаги, 91-модданинг биринчи, иккинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 93-модданинг учинчи қисмидаги, 94-модданинг биринчи, учинчи — бешинчи қисмларидаги, 95-модданинг биринчи — учинчи қисмларидаги, 96-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, иккинчи қисмидаги, 97-модда иккинчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги, 99-модданинг учинчи қисмидаги, 100-модданинг биринчи — учинчи қисмларидаги, 103-модданинг матнидаги, 104-модданинг иккинчи қисмидаги, 107-модда тўртинчи қисмининг учинчи** ва **тўртинчи хатбошиларидаги, бешинчи** ва **олтинчи қисмларидаги, 108-модданинг матнидаги, 109-модданинг учинчи қисмидаги, 110-модданинг ўн олтинчи** ва **ўн еттинчи қисмларидаги, 116-модданинг иккинчи қисмидаги, бешинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги, 117-модда тўртинчи қисмининг иккинчи — тўртинчи хатбошиларидаги, 118-модданинг номидаги, биринчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, бешинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, олтинчи қисмининг биринчи** ва **иккинчи хатбошиларидаги, еттинчи қисмидаги, 119** ва **120-моддаларнинг матнларидаги, 121-модданинг биринчи қисмидаги, 123-модданинг биринчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 124-модданинг матнидаги, 125-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** ва **учинчи қисмидаги, 126-модданинг матнидаги, 127-модда иккинчи қисмининг учинчи** ва **тўртинчи хатбо-**

**шиларидаги, 135-модданинг учинчи қисмидаги, 138-модданинг бешинчи қисмидаги, 139-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 140** ва **141-моддаларнинг матнларидаги, 142-модданинг биринчи қисмидаги, 143-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 144-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги, 145-модданинг биринчи, бешинчи** ва **олтинчи қисмларидаги, 149-модданинг номидаги, биринчи, иккинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 150-модданинг номидаги, биринчи** ва **иккинчи қисмларидаги, 151-модданинг номидаги** ва **матнидаги, 152-модданинг матнидаги, 153-модданинг биринчи хатбошисидаги, 154-модданинг биринчи** ва **бешинчи қисмларидаги, 156-модданинг биринчи қисмидаги, 157-модданинг биринчи** ва **учинчи қисмларидаги, 158-модданинг биринчи қисмидаги, 160-модданинг бешинчи қисмидаги, 164-модданинг матнидаги, 168-модданинг биринчи** ва **учинчи қисмларидаги, 169-модданинг биринчи хатбошисидаги, 175-модданинг биринчи қисмидаги, 176-модданинг иккинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 177-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги, 178-модданинг матнидаги, 179-модданинг номидаги** ва **матнидаги, 180-модданинг матнидаги, 181-модданинг номидаги** ва **матнидаги, 182-модданинг матнидаги, 183-модданинг биринчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 184-модданинг иккинчи қисмидаги, 185-модданинг иккинчи қисмидаги, 186-модданинг биринчи қисмидаги, 189-модданинг биринчи, учинчи** ва **бешинчи қисмларидаги** тегишли сон ва келишикдаги «хўжалик суди» деган сўзлар тегишли сон ва келишикдаги «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг учинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«қарздорнинг молиявий аҳволи ва (ёки) ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни кредиторнинг талабига кўра ўн кунлик муддатда тақдим этиши»;

**бешинчи, олтинчи** ва **еттинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**олтинчи хатбошисидаги** «хўжалик судига» деган сўзлар «иқтисодий судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** «хўжалик суди» деган сўзлар «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **51-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Иқтисодий суднинг қарздорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори устидан банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этувчи шахслар, шу жумладан ҳар қандай кредиторлардан бири томонидан, шунингдек ишда иштирок этишга жалб этилмаган, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида суд қарор қабул қилган шахслар томонидан шикоят берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин».

4) **60-модданинг бешинчи қисми** чиқариб ташлансин;

5) **180-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни иқтисодий суд барча маълум кредиторларга улар ўз талабларини тақдим этадиган муддатни кўрсатган ҳолда юборади, бу муддат бир ойдан кам бўлмаслиги, бироқ икки ойдан ошмаслиги керак. Иқтисодий суднинг мазкур қарорини юбориш қарздор якка тартибдаги тадбиркор ҳисобидан амалга оширилади».

**18-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган **«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»**ги 1062–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда; 2011 йил, №12/2, 364-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **7-модданинг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳар қандай соҳада:

маҳсулотга (хусусан, қурилма, модда, микроорганизм штамми, ўсимликлар ёки ҳайвонлар ҳужайраларининг турларига);

усулга (моддий воситалар ёрдамида моддий объект устида хатти-ҳаракатларни амалга ошириш жараёнига) тааллуқли бўлган техник ечим фойдали модель сифатида эътироф этилади»;

2) **10-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **учинчи — еттинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модданинг иккинчи қисмидаги қоидалар назарда тутилган бўлмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва саноат мулки объектининг патентини ўз номига олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар иш берувчи билан муаллиф (ҳаммуаллифлар) ўртасидаги шартномада ушбу модда иккинчи қисмининг қоидалари назарда тутилган бўлса ва иш берувчи яратилган саноат мулки объекти тўғрисида муаллиф (ҳаммуаллифлар) томонидан ёзма равишда хабардор қилинган кундан эътиборан тўрт ой ичида Агентликка патент бериш ҳақидаги талабномани топширмаса, патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва тегишли объектни сир сақлаш тўғрисида муаллифга (ҳаммуаллифларга) маълум қилмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва ўз номига патент олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мазкур модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган ҳолларда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида тегишли саноат мулки объектидан фойдаланишда устувор ҳуқуққа эга бўлади.

Иш берувчи саноат мулки объектини сир сақлаган тақдирда муаллифга (ҳаммуаллифларга) мутаносиб равишда ҳақ тўлаши шарт, ҳақ миқдори шартномада белгиланади.

Патент эгаси бўлмаган, ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчидан

олган аниқ топшириқни бажариш муносабати билан яратилган саноат мулки объектининг муаллифи (ҳаммуаллифлари) тегишли саноат мулки объектидан фойдаланилганлиги ёхуд унга оид лицензия сотилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга. Саноат мулки объектидан фойдаланилганлик ёки унга оид лицензияни сотганлик учун тушаётган маблағлар ҳисобидан муаллифга (ҳаммуаллифларга) тўланадиган ҳақнинг миқдори, уни тўлаш шартлари ва тартиби муаллиф (ҳаммуаллифлар) ҳамда иш берувчи ўртасидаги шартномада белгиланади»;

3) **27-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«патентда патент эгаси сифатида кўрсатилган шахснинг патент олиш учун қонуний асосга эга эмаслиги».

**19-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда) **87-моддасининг биринчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**20-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда,

№ 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **84-модда бешинчи қисмининг 3-бандидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **223-модданинг матни** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **239-модданинг иккинчи қисми**:

қуйидаги мазмундаги **2$^1$-банд** билан тўлдирилсин:

«2$^1$) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Президентининг розилиги билан»;

**4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг судьясига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг розилиги билан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, иқтисодий, маъмурий ва ҳарбий судларининг судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг розилиги билан»;

4) **334-модданинг бешинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **536-модданинг учинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **537-модданинг учинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар иши билан

шуғулланувчи комиссия» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **542-модданинг олтинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиянинг» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **551-модданинг матнидаги** «вояга етмаганларнинг иши билан шуғулланувчи комиссияни» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **562-модданинг:**

**номидаги «Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга»** деган сўзлар **«Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**матнидаги** «вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**21-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335,337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **14-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар» деган сўзлар «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи шаҳар, туман, шаҳарлардаги туман комиссиялари» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **242-модданинг**:

**1-бандидаги** «хўжалик судлари» деган сўзлар «иқтисодий судлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3-бандидаги** «вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **243-модданинг номидаги** ва **матнидаги** «Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияларнинг» ва «Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар» деган сўзлар тегишинча «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг» ҳамда «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **245[1]-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«245[1]-модда. Иқтисодий судлар**

Иқтисодий судлар иқтисодий низоларни ҳал этиш чоғида маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолларда ушбу Кодекс 175-моддасининг учинчи қисмида, 176[1], 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади»;

6) **247-модданинг номидаги** ва **матнидаги** «Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар», «Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи туман (шаҳар) комиссиялари» ва «Вояга етмаганларнинг ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар» деган сўзлар тегишинча «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар», «Вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари» ва «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **304-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар» деган сўзлар «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8) **315-модданинг биринчи қисмидаги** «Хўжалик судининг» деган сўзлар «Иқтисодий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **317-модданинг иккинчи қисмидаги** «Хўжалик судининг» деган сўзлар тегишинча «Иқтисодий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**22-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 23 сентябрда қабул қилинган **«Ер ости бойликлари тўғрисида»**ги 2018–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган 444–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда, № 12/2, 362-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модда**:

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«кенг тарқалган фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш тартибини белгилаш»;

**саккизинчи** ва **тўққизинчи хатбошилари** тегишинча **тўққизинчи** ва **ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

3) **25-модданинг учинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **27-модданинг бешинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **34-модда биринчи қисмининг олтинчи хатбошисидаги** «ва 40» деган сўзлар «40 ва $40^1$» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) қуйидаги мазмундаги **$40^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$40^1$-модда. Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишдаги асосий талаблар**

Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишилган ер ости бойликларидан фойдаланиш шартлари таъминланиши, шунингдек давлатга, атроф-муҳитга зарар келтирилишининг ҳамда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф юзага келишининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилиши керак.

Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни ўз ичига олган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади»;

7) **48-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кенг тарқалган фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг белгиланган тартибини бузган ҳолда ер қаъридан фойдаланганлик натижасида давлатга, шунингдек атроф-муҳитга, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланади».

**23-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул

қилинган «**Концессиялар тўғрисида**»ги 110–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 185-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **24-моддасининг биринчи қисмидаги** «хўжалик судларида» деган сўзлар «иқтисодий судларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**24-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган 115–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **«Меҳнат шуҳрати» ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 190-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) **3-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**25-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **247-модданинг матнидаги** «вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **269-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахс етказган зарар иқтисодий низони кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, иқтисодий судлар томонидан ҳам кўриб чиқилади».

**26-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда,

№ 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда) **10-моддасининг биринчи қисмидаги** «хўжалик суди» деган сўзлар «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**27-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида»**ги 172–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 262-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан» деган сўзлар «Ташқи савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан бирга ёки у билан келишилган ҳолда» деган сўзлар «Ташқи савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан бирга ёки улар билан келишилган ҳолда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **38-модданинг матнидаги** «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги» деган сўзлар «Ташқи савдо вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**28-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган **«Давлат мукофотлари тўғрисида»**ги 176–I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5-6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7-8, 202-модда; 2003 йил, № 9-10, 140, 149-моддалар; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 250-модда; 2008 йил, № 4, 193-модда; 2012 йил, № 9/1, 241-модда) **6-моддасидаги** «Олий хўжалик суди Раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**29-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»**ги 216–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 54-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 5,

124-модда, № 9, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 491-модда, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 4, 133-модда, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) **35-моддасининг матнидаги** «хўжалик судида» деган сўзлар «иқтисодий судда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**30-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 221–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модда тўртинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **23-модданинг учинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **26-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**31-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Селекция ютуқлари тўғрисида»**ги 270–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 395–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 156-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 12/2, 364-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **7-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар иш берувчи яратилган селекция ютуғи тўғрисида муаллиф (ҳаммуаллифлар) томонидан ёзма равишда хабардор қилинган санадан эътиборан тўрт ой ичида Агентликка патент бериш ҳақидаги талабномани топширмаса, патент бериш ҳақидаги талабномани топшириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва селекция ютуғини сир сақлаш тўғрисида муаллифга (ҳаммуаллифларга) маълум қилмаса, у ҳолда муаллиф (ҳаммуаллифлар) талабнома топшириш ва ўз номига патент олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолда, иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланадиган миқдорда товон тўлаб, ўз ишлаб чиқаришида селекция ютуғидан фойдаланишда устувор ҳуқуққа эга бўлади»;

2) **17-модданинг**:

**тўртинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**бешинчи** ва **олтинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

3) **18-модданинг бешинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида кўрсатилган муддатларга риоя этмаслик талаб қилинаётган устуворликнинг эътироф этилмаслигига сабаб бўлади»;

4) **20-модда**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Талабноманинг расмий экспертизаси талабнома топширилган санадан эътиборан икки ой ўтгач ўтказилади. Талабнома берувчининг илтимосномасига биноан расмий экспертиза кўрсатилган муддат тугашидан олдин бошланиши мумкин. Экспертиза мобайнида устуворлик санаси белгиланади, зарур ҳужжатларнинг қўйилаётган талабларга қанчалик мослиги текширилади»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Агар талабноманинг расмий экспертизаси жараёнида талабнома қонун ҳужжатларида белгиланган талабларни бузган ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланса, талабнома берувчига тегишли билдиришнома юборилган санадан эътиборан уч ой муддат ичида етишмаётган ёки тузатилган ҳужжатларни тақдим этиш зарурлиги тўғрисида билдиришнома юборилади»;

**учинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи — тўққизинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар зарур қўшимчалар, аниқликлар ёки тузатишлар белгиланган муддатда киритилмаган, патент бериш ҳақидаги талабнома тушган санада ундаги етишмаётган ҳужжатлар тақдим этилмаган ёки ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимоснома топширилмаган бўлса, у ҳолда талабнома чақириб олинган деб ҳисобланади»;

5) **27-модданинг**:

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи — саккизинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агентлик патент беришни селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан ўн иш куни ўтгач амалга оширади»;

6) **34-модданинг**:

**биринчи қисми учинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«патент талабнома берувчи тақдим этган селекция ютуғининг турдошлик ва барқарорлик мезонларига мослиги тўғрисидаги тасдиқланмаган маълумотларга асосан берилган бўлса;

патентда патент эгаси сифатида кўрсатилган шахс патент олиш учун қонуний асосга эга бўлмаган бўлса, патентга нисбатан эътироз билдирилиши ва у ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин»;

**тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Апелляция кенгаши, агар селекция ютуғини қўшимча равишда синовдан ўтказиш зарурати юзага келмаса, тегишли ихтисослаштирилган ташкилотнинг вакиллари иштирокида апелляцияларни олти ой ичида кўриб чиқади ва улар бўйича қарор қабул қилади»;

7) **V бўлим** қуйидаги мазмундаги **$37^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$37^1$-модда. Селекция ютуғи патентининг амал қилишини тиклаш**

Патентнинг амал қилишини сақлаб турганлик учун патент божлари белгиланган муддатда тўланмаганлиги сабабли амал қилиши тугатилган селекция ютуғи патентининг амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин.

Бундай илтимоснома патентнинг амал қилиши тугатилган санадан эътиборан уч йил ичида, бироқ патентнинг ушбу Қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунига қадар Агентликка топширилиши мумкин.

Патент эгасининг илтимосномасига патентнинг амал қилишини тиклаш учун белгиланган миқдордаги патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

Селекция ютуғи патентининг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг расмий ахборотномасида эълон қилинади.

Селекция ютуғи патентининг амал қилиш муддати тугатилган сана билан патентнинг амал қилиши тикланганлиги тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган сана оралиғидаги даврда селекция ютуғидан фойдаланишни бошлаган ёки бунинг учун зарур тайёргарлик кўрган шахс ундан келгусида бепул фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади».

**32-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Нотариат тўғрисида**»ги 343–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 42-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2006 йил, № 9, 498-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда) **31-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**33-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 353–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 52-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) **5-моддасининг матнидаги, 6-моддасининг учинчи қисмидаги, 8-моддасининг иккинчи** ва **учин-**

**чи қисмларидаги, 9-моддасининг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги, 10, 13, 14-моддаларининг матнларидаги, 18-моддасининг биринчи қисмидаги, 20-моддасининг матнидаги, 22-моддасининг иккинчи қисмидаги, 24-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги, 28-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**34-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2008 йил, № 4, 185-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 332-модда; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 335-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 4, 136-модда) **$309^{12}$-моддаси биринчи қисмининг 6-бандидаги** «хўжалик суди» деган сўзлар «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**35-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»**ги 535–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 1, 4-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **14-модданинг иккинчи қисмидаги** «хўжалик суди» деган сўзлар «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **15-модданинг учинчи қисмидаги** «хўжалик судига» деган сўзлар «иқтисодий судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**36-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги 543–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–409-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 274-модда) **8-моддасининг матнидаги, 10-моддасининг номидаги, биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** ва **иккинчи қисмидаги, 16-моддасининг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги, 21-моддасининг иккинчи қисмидаги, 22-моддасининг биринчи қисмидаги, 24-моддасининг иккинчи қисмидаги, 27-моддасининг матнидаги, 30-моддасининг учинчи қисмидаги, 31-моддасининг мат-**

**нидаги, 37-моддасининг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги, 41-моддасининг иккинчи қисмидаги, 42-моддасининг матнидаги, 43-моддасининг биринчи, иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги, 44-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги, 45-моддаси биринчи қисмининг иккинчи** ва **тўртинчи хатбошиларидаги, 46-моддасининг биринчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» ва «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» ва «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**37-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»**ги 545–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–408-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 273-модда) **8-моддасининг матнидаги, 10-моддасининг номидаги, биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** ва **иккинчи қисмидаги, 16-моддасининг учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги, 18-моддасининг матнидаги, 19-моддасининг тўртинчи хатбошисидаги, 20-моддасининг биринчи қисмидаги, 22-моддасининг иккинчи қисмидаги, 25-моддасининг матнидаги, 29-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 30-модда иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги, 35-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 40-моддасининг матнидаги, 43-моддасининг учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмларидаги, 45-моддасининг тўртинчи қисмидаги, 46-моддасининг биринчи** ва **учинчи қисмларидаги, 47-моддасининг биринчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» ва «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» ва «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**38-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 598–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 608-модда; 2009 йил, № 1, 1-модда; № 12, 472-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) **34-моддаси биринчи қисмидаги** «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**39-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил,

№ 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **80-модданинг иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **170-модданинг матнидаги** «вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**40-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»**ги 611–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 93-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 310-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда) **10-моддасининг биринчи қисмидаги** «хўжалик суди» деган сўзлар «иқтисодий суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**41-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги 670–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **15-модданинг тўртинчи қисмидаги** «хўжалик судининг» деган сўзлар «иқтисодий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг матнидаги** «хўжалик судига» деган сўзлар «иқтисодий судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **36-модданинг матнидаги** «хўжалик суди» деган сўзлар «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**42-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»**ги 721–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 641-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модда тўртинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «фу-

қаролик, хўжалик ишини» деган сўзлар «фуқаролик ишини, иқтисодий ишни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модданинг учинчи қисмидаги** «фуқаролик, хўжалик ишлари» деган сўзлар «фуқаролик ишлари, иқтисодий ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**43-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Ўрмон тўғрисида»**ги 770–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 122-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модданинг биринчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-модданинг биринчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **32-модданинг биринчи қисмидаги** «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**44-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган **«Экологик экспертиза тўғрисида»**ги 73–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **12-модда биринчи қисмидаги** ва **иккинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **13-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат экологик экспертизаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг ихтисослашган эксперт бўлинмалари томонидан ўтказилади»;

3) **19-модданинг матнидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**45-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касал-**

**ликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги 116–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 12, 343-модда) **4-моддасининг матнидаги, 8-моддасининг номидаги** ва **биринчи хатбошисидаги, 17-моддасининг иккинчи қисмидаги, 18-моддасининг матнидаги, 19-моддасининг иккинчи қисмидаги, 24-моддасининг олтинчи қисмидаги, 26-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**46-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда қабул қилинган **«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»**ги 120–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 7-8, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 4, 98-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда) **8-моддасининг биринчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**47-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»**ги 160–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–342-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 333-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **24-модда** қуйидаги мазмундаги **ўн иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилинганидан кейин уларнинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини ташкил этиш учун масъул бўлган аниқ давлат органлари кўрсатилади»;

2) **28-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шакллари уларни қабул қилган органларнинг расмий веб-сайтларига норматив-ҳуқуқий ҳужжат расмий эълон қилинганидан кейин бир кун ичида жойлаштирилиши шарт. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари матнларининг электрон шаклларини эълон қилиш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади»;

3) **37-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ва-

зирлар Маҳкамаси томонидан» деган сўзлар «қонун ҳужжатларига мувофиқ» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**48-модда**. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164–II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Судьяларнинг малака даражалари тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-банд**:

**«а» кичик банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) судлар судьяларига:

| | |
|---|---|
| Олий малака даражаси<br>Биринчи малака даражаси<br>Иккинчи малака даражаси | Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларига; |
| Биринчи малака даражаси<br>Иккинчи малака даражаси<br>Учинчи малака даражаси | Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяларига; |
| Учинчи малака даражаси<br>Тўртинчи малака даражаси<br>Бешинчи малака даражаси | фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари, шунингдек ҳудудий ҳарбий судлар судьяларига»; |

**«б» кичик банди** чиқариб ташлансин;

2) **4-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Олий малака даражаси Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан берилади.

Бошқа малака даражалари тегишли судлар раисларининг тақдимномасига биноан Судьяларнинг олий малака ҳайъати томонидан берилади.

Биринчи маротаба сайланган (тайинланган) судьяларга малака даражалари иш фаолиятининг биринчи уч ойи мобайнида берилади».

**49-модда**. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164–II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-банднинг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳарбий судлар Ўзбекистон Республикаси суд тизимига киради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди ва ҳудудий ҳарбий судлардан иборат бўлади»;

2) **2-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди вилоят суди ҳуқуқида иш олиб боради ҳамда раис, судьялар ва халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади.

Ҳудудий ҳарбий судлар туман суди ҳуқуқида иш олиб боради ва раис, халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлади»;

3) **4-банд**:

**биринчи хатбошиси «в» кичик бандидаги** «умумий юрисдикция судлари» деган сўзлар «судлар» деган сўз билан алмаштирилсин;

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу банднинг «а» кичик бандида кўрсатиб ўтилган шахслар ҳарбий ёки унга тенглаштирилган хизматга чақирилгунга ёки киргунга қадар содир этган жиноятлар тўғрисидаги ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар жиноят ишлари бўйича судлар ва маъмурий судлар томонидан кўриладиу»;

4) **5-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг судловига:

олий офицерлар таркибидаги мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар;

содир этилганлиги учун умрбод озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо белгиланиши мумкин бўлган жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

полковник, 1-даражадаги капитан унвонига эга бўлган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар ёхуд бригада командири лавозимидаги шахслар ҳамда хизмат мавқеи бўйича уларга тенг шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир.

Ҳудудий ҳарбий судлар судловига подполковник, 2-даражадаги капитандан юқори бўлмаган ҳарбий унвондаги шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишлар, шунингдек ушбу шахсларга тааллуқли бошқа ишлар ва шикоятлар тегишлидир»;

5) **8-банднинг олтинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

6) **9-банд** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ҳарбий судлар таркиби, штатлар сони, штатдаги лавозимлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади»;

7) **13-банддаги** «ва ҳарбий низомларга» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **15-банддаги** «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги» деган

сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**50-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда, № 12, 598-модда; 2008 йил, № 4, 184, 187-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда; 2010 йил, № 9, 337, 340-моддалар; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг 1-бандидаги** «хўжалик низолари» деган сўзлар «иқтисодий низолар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги, 34-модда иккинчи қисмининг 2-бандидаги, 36-модда биринчи қисмининг 2-бандидаги, 38-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги, 61-модданинг иккинчи қисмидаги, 62-модданинг иккинчи қисмидаги, 81-модданинг матнидаги, $86^1$-модданинг биринчи қисмидаги** «хўжалик судларининг», «хўжалик суди», «хўжалик суд», «хўжалик судида», «Хўжалик суди» ва «Хўжалик судининг» деган сўзлар тегишинча «иқтисодий судларнинг», «иқтисодий суд», «иқтисодий судда», «Иқтисодий суд» ва «Иқтисодий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**51-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган **«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»**ги 267–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда; 2011 йил, № 12/2, 364-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2017 йил, № 4, 138-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **15-модданинг биринчи қисми** «етти ой ичида» деган сўзлардан кейин «бироқ камида олти ойдан кейин» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **18-модданинг биринчи қисмидаги** «кун» деган сўз «иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **20-модданинг учинчи қисмидаги** «кун» деган сўз «иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **$32^2$-модданинг тўртинчи қисмидаги** «кун» деган сўз «иш куни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**52-модда**. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган 323–II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомга** (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 22 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–368-сонли Қо-

нуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 4, 87-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **1-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**1-модда**. Ушбу Низом Судлар судьяларининг олий малака ҳайъати (бундан буён матнда Судьяларнинг олий малака ҳайъати деб юритилади), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьялари малака ҳайъатларининг (бундан буён матнда қуйи турувчи судьяларнинг малака ҳайъатлари деб юритилади) фаолиятини тартибга солади»;

2) **2-модда**:

**биринчи қисмининг биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**2-модда**. Судьяларнинг олий малака ҳайъати, судьяларнинг малака ҳайъатлари қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш учун тузилади»;

**иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясига (бундан буён матнда Олий малака комиссияси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашига (бундан буён матнда Судьялар олий кенгаши деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **4-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Қуйи турувчи судьяларнинг малака ҳайъатлари тегишли судлар судьяларининг конференцияларида туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳудудий ҳарбий судлар ҳамда тегишли юқори турувчи судларнинг судьялари орасидан судьялар малака ҳайъатларининг раиси, унинг ўринбосари ва аъзоларидан иборат таркибда беш йил муддатга сайланади»;

4) **10-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**10-модда**. Судьяларнинг олий малака ҳайъати:

1) Судьялар олий кенгашига тақдим этиш учун судьяларни танлаш механизмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

2) Судьялар олий кенгашига янги ваколат муддатига ёхуд бошқа судьялик лавозимларига кўрсатилаётган номзодлар (судьялар) бўйича тегишли хулосалар тақдим этади;

3) судьяларни, шунингдек биринчи марта судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодлар захирасига киритилган ҳамда ўқиш ва стажировкани ўтаган шахсларни бўшаб қолган судьялик лавозимлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб-сайтида ахборот жойлаштириш орқали хабардор қилиб боради;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисига нисбатан шикоятлар ва тақдимномаларни кўриб чиқади, хизмат текширувлари ўтказади;

5) судьяларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни ва судьяларни маъмурий жавобгарликка тортишга розилик бериш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқади, Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ваколатларини тўхтатиб туриш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

6) тегишли судлар судьяларининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш ҳақида хулосалар беради;

7) тегишли судлар судьяларининг судьялик қасамёди ва судьялар одоб-аҳлоқи қоидаларига риоя этиши устидан назоратни амалга оширади;

8) судьяларга малака даражалари беради.

Судьяларнинг олий малака ҳайъати судьялар малака ҳайъатларининг қарорлари устидан берилган шикоятлар ва тақдимномаларни кўриб чиқади.

Судьяларнинг олий малака ҳайъати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин»;

5) **11-модда**:

**биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** ва **иккинчи қисмидаги** «Умумий юрисдикция судлари судьяларининг» деган сўзлар «Қуйи турувчи судьяларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**1** ва **2-бандларидаги** «Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**5-бандидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6-бандидаги** «Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари» деган сўзлар «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **12-модда биринчи қисмининг ўнинчи хатбошисидаги** «Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **14-модданинг матнидаги** «Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **20-модда**:

**биринчи қисмидаги** «шунингдек Хўжалик судлари судьялари малака ҳайъатининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи** ва **бешинчи қисмларидаги** «умумий юрисдикция судлари

судьялари» деган сўзлар «қуйи турувчи судьялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **21-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судьялар олий малака ҳайъатининг қарорлари ёки хулосалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига, қуйи судларнинг судьяларига тааллуқли масалалар бўйича эса, судьяларнинг тегишли малака ҳайъатларига юборилади»;

10) **22-модданинг матнидаги** «Олий малака комиссияси» деган сўзлар «Судьялар олий кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **24-модда**:

**биринчи қисмидаги** «умумий юрисдикция судлари судьяларининг малака ҳайъатларига, Хўжалик судлари судьяларининг малака ҳайъатига» деган сўзлар «қуйи турувчи судьяларнинг малака ҳайъатларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Олий хўжалик суди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **25-модданинг матнидаги** «Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **26-модда**:

**биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**26-модда**. Шахсларни биринчи марта судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодлар захирасига киритиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Регламенти билан тартибга солинади.

Биринчи марта судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодлар захирасига киритилган шахсларнинг рўйхатлари номзодларнинг ўқиши ва стажировкасини ташкил этиш учун Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилади»;

**тўртинчи қисмидаги** «Олий малака комиссияси» деган сўзлар «Судьялар олий кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **27-модданинг**:

**учинчи қисмидаги** «Олий малака комиссиясига, Ўзбекистон Республикаси Олий судига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига, Ўзбекистон Республикаси Олий судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди шахсни биринчи марта судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодлар захирасидан чиқариш тўғрисида Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «шахсни биринчи марта судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодлар

захирасидан чиқариш тўғрисида Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **28-модданинг иккинчи қисмидаги** «Олий малака комиссиясини» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **29-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Олий малака комиссиясининг» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **30-модданинг матнидаги** «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисидаги низом» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **31 — 35-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**31-модда**. Судьяларнинг олий малака ҳайъати судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига кўрсатиш ишларини Судьялар олий кенгаши билан биргаликда ташкил этади.

**32-модда**. Судьялар ваколат муддати тугашидан камида олти ой олдин янги ваколат муддатига кўрсатилиш ёхуд кўрсатилишдан воз кечиш тўғрисидаги аризалар ва зарур ҳужжатларни бевосита ёки судьяларнинг тегишли малака ҳайъати орқали Судьялар олий кенгашига беради.

Бошқа судьялик лавозимларига ўз номзодини кўрсатиш истагини билдирган судьялар аризалар ва зарур ҳужжатларни бевосита ёки судьяларнинг тегишли малака ҳайъати орқали Судьялар олий кенгашига беради.

Илгари судья бўлиб ишлаган шахсларни судьялик лавозимларига кўрсатиш судьяларни янги ваколат муддатига ва бошқа судьялик лавозимларига кўрсатиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Судьяларнинг тегишли малака ҳайъати судьялик лавозимига тавсия этилаётган номзод бўйича Судьялар олий кенгашига хулоса тақдим этади.

**33-модда**. Судьяларнинг олий малака ҳайъати Судьялар олий кенгаши билан биргаликда янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига кўрсатилган судьяларнинг касбий, ишчанлик ва шахсий фазилатлари даражасини ўрганиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширади.

Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига кўра Судьяларнинг олий малака ҳайъати юқори кўрсаткичларга эга бўлган судьяларни юқори турувчи судьялик лавозимларига тайёрлаш мақсадида алоҳида дастур бўйича судья-

ларнинг малакасини оширишни, уларни ўқитишни ва уларнинг стажировкадан ўтишини таъминлайди.

**34-модда**. Судьяларни янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига кўрсатиш масалалари Судьялар олий кенгашининг Судьяларнинг олий малака ҳайъати билан қўшма мажлисларида кўриб чиқилади. Янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига кўрсатилаётган судьялар хусусида тақдим этилган материаллар қўшма мажлис давомида ўрганиб чиқилади, суҳбат ўтказилади ва тегишли хулоса қабул қилинади.

**35-модда**. Қўшма мажлислар янги ваколат муддатига ёки бошқа судьялик лавозимларига кўрсатилаётган судьяларга тааллуқли материаллар тайёр бўлишига қараб ўтказилади.

Қўшма мажлис Судьялар олий кенгаши ва Судьяларнинг олий малака ҳайъати аъзоларининг кўпчилиги иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Судьялар олий кенгашининг ва Судьялар олий малака ҳайъатининг қўшма мажлисда иштирок этаётган аъзолари биттадан овозга эга бўлади.

Қўшма мажлис қарори мажлис иштирокчиларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Раислик қилувчи охирида овоз беради. Овозлар тенг бўлиб қолганида раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи бўлади.

Овоз бериш чоғида Судьялар олий кенгашининг ва Судьялар олий малака ҳайъатининг қўшма мажлисда иштирок этаётган аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг ҳозир бўлишига йўл қўйилмайди»;

19) **37-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**37-модда**. Малака даражалари Судьяларнинг олий малака ҳайъати томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяларига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раисига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига кўра;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг судьяларига нисбатан — тегишли судьялар малака ҳайъатининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг раислари тақдимномалари асосида қабул қилинган хулосасига кўра;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг, ҳудудий ҳарбий судларнинг судьяларига нисбатан — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьялари малака ҳайъатининг Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг тақдимномаси асосида қабул қилинган хулосасига кўра берилади»;

20) **42-модданинг иккинчи қисмидаги** «Умумий юрисдикция судлари судьялари» деган сўзлар «Қуйи турувчи судьялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **45-модда** чиқариб ташлансин;

22) **46-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**46-модда**. Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяга малака даражаси бериш тўғрисидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий судининг матбуот органларида эълон қилинади, шунингдек судьянинг меҳнат дафтарчасига тегишли ёзув киритилиб, шахсий ишига қўшиб қўйилади»;

23) **47-модданинг**:

**иккинчи қисми** чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми иккинчи қисм** деб ҳисоблансин;

24) **48** ва **49-моддалар** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**48-модда**. Судьяларнинг олий малака ҳайъати:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларининг;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқади.

Қуйи турувчи судьяларнинг малака ҳайъатлари судьяларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқади.

**49-модда**. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларига нисбатан судьянинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳуқуқига эга»;

25) **50-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «Тегишли» деган сўз «Олий» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судьянинг интизомий жавобгарлиги тўғрисида иш қўзғатган Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси судьяни жавобгарликка тортиш асосларига тааллуқли маълумотларни олдиндан текширади ва ундан ёзма шаклда тушунтириш талаб қилади»;

26) **51-модданинг биринчи қисмидаги** «уни қўзғатган мансабдор шахс томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

27) **54-модда**:

**биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Олий малака комиссияси» деган сўзлар «Судьялар олий кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

28) **57-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Олий малака комиссиясининг» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

29) **58-модда**:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**58-модда**. «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 72-моддасида назарда тутилган асосларга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьясининг ваколатлари — Ўзбе-

кистон Республикаси Президентининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раисининг ва раис ўринбосарининг, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раисининг ваколатлари — Судьялар олий кенгашининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;

ҳарбий судлар, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьясининг, туманлараро, туман (шаҳар) судлари раисининг ва судьясининг ваколатлари — Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Судьялар олий кенгаши томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьясининг ваколатлари — Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг Судьялар олий кенгашининг хулосасига асосан киритиладиган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан муддатидан илгари тугатилади»;

**иккинчи қисми**:

**7-банди** «суднинг қарори билан вафот этган» деган сўзлар «вафот этганда ёки суднинг қарори билан вафот этган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **9-банд** билан тўлдирилсин:

«9) суд раисининг ваколат муддати тугаши муносабати билан, агар у бошқа судьялик лавозимига ўтишга розилик бермаса»;

30) **59-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**59-модда**. Судьялар олий кенгашининг судьяларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисидаги масала бўйича тақдимномалари судьяларнинг тегишли малака ҳайъатлари томонидан кўриб чиқилади»;

31) **60-модданинг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяларига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг раислари ва раис ўринбосарларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг раисига нисбатан — Судьяларнинг олий малака ҳайъатига»;

32) **61-модданинг иккинчи қисмидаги** «Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

33) **72-модданинг матнидаги** «Олий малака комиссиясига» деган сўзлар «Судьялар олий кенгашига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

34) **73-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**73-модда**. Судьялар малака ҳайъатларининг фаолиятини молиявий ва моддий-техника жиҳатидан таъминлаш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар судларининг, шунингдек ҳарбий судларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

**53-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул

қилинган 353–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 63-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 369-модда; № 10, 536-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда) **39-моддасининг иккинчи қисмидаги** «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**54-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Чиқиндилар тўғрисида»**ги 362–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модданинг номидаги** ва **биринчи хатбошисидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **25-модданинг матнидаги** «табиатни муҳофаза қилиш фондларининг» деган сўзлар «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**55-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»**ги 432–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 213-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раисини тайинлаш»;

2) **10-модданинг еттинчи қисмидаги** «Олий хўжалик суди» деган сўзлар «Судьялар олий кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**56-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»**ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбе-

кистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модданинг бешинчи қисмидаги** «Олий хўжалик суди» деган сўзлар «Судьялар олий кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **27-модданинг биринчи қисмидаги** «Олий хўжалик суди» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**57-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган **«Банк сири тўғрисида»**ги 530–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 144-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **10-модданинг**:

**номидаги «суд»** деган сўз **«давлат»** деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар давлат ижрочисига унинг ёзма сўрови, шу жумладан электрон ҳужжат тарзидаги сўрови асосида, мазкур банк мижозига (вакилига) нисбатан қўзғатилган ижро иши бўйича тақдим этилади»;

2) **12-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банк сирини ташкил этувчи маълумотларни судга, прокуратура, тергов ва суриштирув органларига, шунингдек давлат ижрочисига тақдим этиш, бунинг учун ушбу Қонунда назарда тутилган асослар бўлган тақдирда, уларни сўраётган органга ёпиқ ва муҳрланган конвертда ёки ахборот тизими орқали электрон ҳужжат тарзида ҳимояланган алоқа каналлари воситасида юбориш орқали амалга оширилади».

**58-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда; 2008 йил, № 12, 637-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2013 йил, № 4, 95-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **32-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «Олий хўжалик суди раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **32¹-модданинг учинчи қисмидаги** «Олий хўжалик суди раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**59-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида»**ги 523–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда; 2009 йил, № 4, 136-модда; 2011 йил, № 4, 101-модда; 2014 йил, № 4, 86-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **21-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«21-модда. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий судини сайлаш**

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига сайлаш учун номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тақдим этилади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш тўғрисидаги масалани ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқади. Бу масалалар юзасидан қарорлар Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, раис ўринбосарлари ва судьяларини сайлаш масаласи юзасидан қарорлари мазкур қарорлар қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьялари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, раис ўринбосарлари ва судьялари лавозимларига тақдим этилган номзодлар овоз бериш пайтида Сенат аъзолари овозларининг етарли сонини ололмасалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Сенат кўриб чиқиши учун шу номзодларни қайтадан тақдим этиши мумкин. Агар улар қайта рад этилса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенат кўриб чиқиши учун бошқа номзодлар тақдим этилади»;

2) **31-модданинг тўққизинчи қисмидаги** «Олий хўжалик суди раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **31¹-модданинг учинчи қисмидаги** «Олий хўжалик суди раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**60-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган **«Экспорт назорати тўғрисида»**ги 658–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9,

158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 410-модда; 2006 йил, № 6, 258-модда) **8-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва» деган сўзлар «Ташқи» деган сўз билан алмаштирилсин.

**61-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»**-ги 704–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 637-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда) **10-моддасининг учинчи қисмидаги** «Олий хўжалик суди раиси» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**62-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»**ги 710–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 14-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модданинг матнидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **14-модданинг учинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **16-модданинг учинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **17-модданинг биринчи** ва **ўнинчи қисмларидаги** «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **20-модданинг тўртинчи қисмидаги** «табиатни муҳофаза қилиш фондларининг» деган сўзлар «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **34-модданинг иккинчи қисмидаги** «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **40-модданинг бешинчи қисмидаги** «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **41-модданинг тўртинчи** ва **бешинчи қисмларидаги** «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **48-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «табиатни муҳофаза қилиш фондлари» деган сўзлар «Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**63-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 11 октябрда қабул қилинган **«Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»**ги ЎРҚ-60-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 537-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг 7-банди** чиқариб ташлансин;

2) **5-модданинг матнидаги** «ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **19-модда** қуйидаги мазмундаги **еттинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Қонунлар лойиҳаларининг матнларида тегишли қонунлар қабул қилинганидан кейин уларнинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини ташкил этиш учун масъул бўлган аниқ давлат органлари кўрсатилади»;

4) **26-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленумида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **27-модданинг иккинчи қисмидаги** «ёки Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**64-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 16 октябрда қабул қилинган **«Ҳакамлик судлари тўғрисида»**ги ЎРҚ-64-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 541-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модда**:

**иккинчи хатбошисидаги** «хўжалик суди» деган сўзлар «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн биринчи хатбошисидаги** «хўжалик низоларини» деган сўзлар «иқтисодий низоларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг биринчи қисмидаги** «хўжалик низоларини» деган сўзлар «иқтисодий низоларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**65-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 3 январда қабул қилинган **«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–76-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 1, 2-модда; 2008 йил, № 12, 634-модда) **14-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

**биринчи қисмидаги** «ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амал-

га ошириш» деган сўзлар «социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат бошқаруви органлари социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бевосита давлат ижтимоий буюртмаси бериши мумкин.

Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат ижтимоий буюртмаси бериш, жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш тартиби, шунингдек танлов шартлари ва уни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**66-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда, № 12/2, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106-модда, № 9/1, 238-модда, № 12, 334, 336-моддалар; 2013 йил, № 10, 263-модда, № 12, 349-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452, 454-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 384, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 138-модда, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **50-модда**:

**еттинчи қисмидаги** «хўжалик суди» деган сўзлар «иқтисодий суд» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «Хўжалик судининг» деган сўзлар «иқтисодий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўққизинчи қисмидаги** «хўжалик судининг» деган сўзлар «иқтисодий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **180-модда биринчи қисмининг 7-бандидаги** «умумий юрисдикция судларининг ва хўжалик судларининг судьялари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, иқтисодий, маъмурий ва ҳарбий судлар судьялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **269-модда биринчи қисмининг 8-бандидаги** «тегишли табиатни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнғин назорати органининг» деган сўзлар «тегишли экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ёки давлат ёнғин назорати органининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **308-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «уму-

мий юрисдикция судларининг ва хўжалик судларининг судьялари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий суди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар, иқтисодий, маъмурий ва ҳарбий судлар судьялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **328-модданинг 2-бандидаги** «хўжалик судининг» деган сўзлар «иқтисодий суднинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **329-модда**:

қуйидаги мазмундаги **18$^1$-банд** билан тўлдирилсин:

«18$^1$) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлари — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб судга шикоят қилганда»;

**25-бандидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **330-модда**:

**номидаги «Хўжалик судларида»** деган сўзлар **«Иқтисодий судларда»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи хатбошисидаги** «Хўжалик судларида» деган сўзлар «Иқтисодий судларда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **7$^1$-банд** билан тўлдирилсин:

«7$^1$) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашлари — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар бўйича, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари манфаатларини кўзлаб судга шикоят қилганда»;

**17-бандидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **332-модданинг 1-бандидаги** «балоғатга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **337-модда**:

**йигирма олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пул маблағлари мавжуд бўлмаган, бу хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган тақдирда, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга суднинг ажримига кўра давлат божини кечиктириб тўлашга рухсат берилиши мумкин. Банк тасдиғида судга мурожа-

ат қилинган санадан кўпи билан уч кун олдинги сана қайд этилган бўлиши лозим».

**йигирма еттинчи қисмидаги** «хўжалик судига» деган сўзлар «иқтисодий судга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**67-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–154-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 4, 190-модда) **6-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларнинг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назорат қилинишини ташкил этиш;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини, ўзаро яқин ҳамкорлигини ва уйғун ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосига қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш, мониторинг қилиш ва ошириш;

одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш, текшириш, уларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш амалиётини ўрганиш;

ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан тизимли камчиликларнинг сабаблари ҳамда шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш;

одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;

одам савдосининг миқёси, ҳолати ва хусусиятлари ҳақидаги ахборотни тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашишда ўзаро алоқада ишлашини яхшилашга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

одам савдосига қарши курашишга оид ахборотни тўплаш, сақлаш, ишловдан ўтказиш, таҳлил қилиш, шунингдек тегишли давлат органлари ва ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ушбу ахборотдан фойдаланиш;

одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш, одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини хабардор қилишга доир тадбирларни ташкил этиш;

одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасаларнинг фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамда бу фаолиятни назорат қилиш;

ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш».

**68-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 23 апрелда қабул қилинган **«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–213-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 140-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг учинчи хатбошисидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг**:

**номидаги «Табиатни муҳофаза қилиш»** деган сўзлар **«Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**69-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 1 июнда қабул қилинган **«Суд экспертизаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–249-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 6, 230-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг**:

**учинчи хатбошисидаги** «хўжалик» деган сўз «иқтисодий» деган сўз билан алмаштирилсин;

**олтинчи хатбошисидаги** «хўжалик» деган сўз «иқтисодий» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **25-модданинг иккинчи қисмидаги** «фуқаролик ва хўжалик ишлари» деган сўзлар «фуқаролик ишлари ва иқтисодий ишлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**70-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрда қабул қилинган **«Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–263-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 343-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **6-модданинг учинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **8-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **9-модда**:

**номидаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар»** деган сўзлар **«Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар ўз ваколатлари доирасида:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир чора-тадбирларни амалга оширади, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди;

ҳудудий комиссиялар ишини назорат қилади ва йўналтиради, уларнинг фаолияти таҳлилини амалга оширади, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ижобий иш тажрибасини умумлаштиради ва тарқатади, уларга ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади;

давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўради;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, уларнинг назоратсизлиги ҳамда ҳуқуқбузарлиги, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни аниқлаш ҳамда жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни ўрганади ва умумлаштиради;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича келишилган ёндашувларни ишлаб чиқади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг профилактикаси бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқади, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, шунингдек ушбу тадбирларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

ўз ваколатига киритилган муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ мақсадли дастурлар лойиҳаларини ўрганади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизликка, қаровсизликка, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этилишига имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитлар таҳлилини ўтказади;

давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий шерикликни ва фуқаролик жамияти институтлари билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирларини кўради;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошираётган органлар ҳамда муассасалар фаолиятини ўрганади, бу фаолиятни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;

ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотларнинг таклифларини кўриб чиқади»;

**иккинчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар» деган сўзлар «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларнинг ташкил этилиши ва фаолияти тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади»;

4) **12-модданинг олтинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **14-модда**:

**иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **16-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларни» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **21-модданинг тўртинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **24-модда иккинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **26-модданинг иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари

бўйича комиссиянинг» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **28-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» деган сўзлар «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» деган сўзлар «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **29-модданинг:**

**биринчи қисми биринчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» деган сўзлар «Вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **30-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисми учинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **31-модданинг иккинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссия» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**71-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»**ги ЎРҚ–276-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборот-

номаси, 2010 йил, № 12, 476-модда) **15-моддасининг биринчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**72-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 4 октябрда қабул қилинган **«Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»**ги ЎРҚ–354-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 10, 262-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **15-модданинг матнидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-модданинг номидаги, биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** ва **иккинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**73-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Экологик назорат тўғрисида»**ги ЎРҚ–363-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 12, 352-модда) **11-моддаси биринчи, иккинчи қисмларидаги** ва **тўртинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**74-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган **«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»**ги ЎРҚ–369-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 127-модда) **13-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«амалга оширилаётган профилактика тадбирларининг моҳияти ва аҳамиятига бағишланган материаллар, қонунийликнинг ҳолати ва жиноятчиликнинг даражаси ҳақидаги маълумотлар, содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларга чек қўйиш чора-тадбирлари ҳақидаги ахборот».

**75-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»**ги ЎРҚ–371-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 129-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **9-модда биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошисидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **19-модданинг номидаги, биринчи қисмининг биринчи хат-**

**бошисидаги** ва **иккинчи қисмидаги** «Табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **36-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисидаги** «вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг» деган сўзлар «вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиянинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**76-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 25 сентябрда қабул қилинган **«Ижтимоий шериклик тўғрисида»**ги ЎРҚ–376-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 247-модда) **21-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимча киритилсин:

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ижтимоий буюртмаларини бериш Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондлари орқали, шунингдек давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади»;

қуйидаги мазмундаги **ўнинчи, ўн биринчи** ва **ўн иккинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Давлат бошқаруви органлари социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат нотижорат ташкилотларига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан бевосита давлат ижтимоий буюртмаси бериши мумкин. Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмаларини бериш давлат буюртмачиларининг рўйхати ва фаолиятнинг маблағлар ажратиш режалаштирилаётган йўналишлари оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан электрон оммавий ахборот воситаларида олдиндан эълон қилинган ҳолда, танлов асосида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви органларига нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш мақсадида давлат бошқаруви органлари ҳузурида жамоатчилик кенгаши тузилади, ушбу кенгаш аъзоларининг ярми нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакилларидан иборат бўлади. Давлат ижтимоий буюртмаларини бериш бўйича танлов ғолиби лойиҳаларни кўриб чиқиш, умумлаштириш ва уларни баҳолаш натижаларига кўра аниқланади. Давлат бошқаруви органи ва танловда ғолиб деб топилган нодавлат нотижорат ташкилоти ёки фуқаролик жамиятининг бошқа институти ўртасида шартнома тузилади.

Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотла-

рига ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига давлат ижтимоий буюртмасини бериш, жамоатчилик кенгаши таркибини шакллантириш тартиби, шунингдек танлов шартлари ва уни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**77-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 20 январда қабул қилинган ЎРҚ–400-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, 1-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **122-модда учинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **124-модданинг иккинчи қисмидаги** «табиатни муҳофаза қилиш» деган сўзлар «экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **368-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва» деган сўзлар «Ташқи» деган сўз билан алмаштирилсин.

**78-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрда қабул қилинган **«Ички ишлар органлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–407-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 9, 272-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **$13^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$13^1$-модда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Кенгашлари олдида ҳисобдорлиги**

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг бошлиқлари ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаларининг (бўлимларининг) бошлиқлари ҳар чоракда ва уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари ҳар ойда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишга тегишли ҳудудда жойлашган бошқа давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари-

нинг, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг, шу жумладан нодавлат нотижорат ташкилотларининг, сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва бошқа шахслар таклиф этилиши мумкин.

Юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ва ишларнинг натижалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бўлинмалари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш чоғида танқидий жиҳатдан муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига шахсан баҳо берилади, шунингдек эгаллаб турган лавозимига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади»;

2) **15-модда**:

қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Профилактика инспекторлари халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори билан лавозимга тасдиқланади.

Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этади»;

**учинчи қисми бешинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**79-модда**. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»**ги ЎРҚ–431-сонли Конституциявий қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 5, 201-модда) **6-моддасининг иккинчи қисми** «энг юқори ёши» деган сўзлардан кейин «қоида тариқасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**80-модда**. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида Ҳарбий ҳайъат тузиш тўғрисида»**ги 667–XII-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 366-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрдаги 164–II-сонли Қарори билан тасдиқланган **Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда) **10, 11, 12** ва **16-бандлари**.

**81-модда**. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминласин.

**82-модда**. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 18, 31 ва 51-моддалари мазкур Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ўтгач амалга киритилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 14 сентябрь,
ЎРҚ–446-сон

# ИККИНЧИ БЎЛИМ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 979 Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида

Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади.

Шу билан бирга, айрим ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг замонавий талабларга жавоб бермайдиган институционал асослари ва улар фаолиятининг принциплари ўтказилаётган ислоҳотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга ҳамда қўйилган мақсадларга эришишга тўсқинлик қилмоқда.

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани модернизациялаш, ҳудудларни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини юксалтириш бўйича давлат сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, хусусан:

биринчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаяпти;

иккинчидан, айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив хусусиятга эгалиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда;

учинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминламаяпти;

тўртинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш ме-

ханизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу кўпчилик ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

бешинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳасининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари мавжуд эмас;

олтинчидан, давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлашганлиги ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келмоқда;

еттинчидан, бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бермайди, шунингдек, давлат бошқарувида ортиқча бюрократлаштириш ва юқори сарф-харажатларга сабаб бўлмоқда;

саккизинчидан, хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, етарли даражада мослашувчанликка ва бозорга йўналтирилганликка эга бўлмаган эскирган тармоқ бошқарув тизими, индивидуал имтиёз, преференция ва афзалликларнинг асоссиз тақдим этилиши соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

тўққизинчидан, ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чекламоқда ва оқибатда бюджет харажатларининг камайишини таъминламаяпти;

ўнинчидан, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очиқ ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократия ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда;

ўн биринчидан, айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда.

Кўрсатиб ўтилган тизимли муаммоларни бартараф этиш, инновацион ривожланишнинг замонавий умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил рўёбга чиқариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга

ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда «Йўл харитаси» деб юритилади) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича маъмурий ислоҳотларнинг асосий йўналишлари ва вазифалари этиб белгилансин:

а) қуйидагиларни назарда тутувчи ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш:

ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш;

ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилишида мустақиллигини ошириш;

«Электрон ҳукумат» тизимини янада кенг жорий этиш;

давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;

маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

б) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳаларини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни ва жавобгарлик соҳаларини белгилаш, ишониб топширилган тузилма фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг аниқ тизимини жорий этиш;

давлат ва ҳудудий ривожланиш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш;

мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини, шу жумладан, вакиллик ҳокимияти органлари томонидан улар ҳисоботларини эшитиш йўли билан баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий этиш;

«ақлли тартибга солиш» моделларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган услубиётини жорий этиш;

айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш йўли билан тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш;

ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш;

ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнида жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорликнинг замонавий шакл ва механизмларидан кенг фойдаланиш;

в) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш:

энг зарур иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ҳолда бошқарув тизимини такомиллаштириш;

иқтисодий фаолиятда давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга қаратилган ижтимоий ҳамда давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш;

айрим давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларни хусусий секторга ўтказиш;

г) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш:

давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятлари, роли ва жавобгарлигини кенгайтириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши принципининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш;

д) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш:

стратегик режалаштириш тизимини ташкил этиш ҳамда давлат бошқарувининг инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялардан кенг фойдаланишга асосланган замонавий шаклларини жорий этиш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини ривожлантириш соҳасини, шу жумладан, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унга инвестицияларни кенг жалб этиш;

илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятининг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш;

табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш;

е) қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш:

давлат хизмати, давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг махсус таълим йўналишларини ташкил этиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг муносиб шароитларини яратиш;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида шаффофлик ва очиқликни таъминлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш.

3. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) 3-иловага мувофиқ таркибда;

Давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан танқидий ўрганиш ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳлар (кейинги ўринларда ишчи гуруҳлар деб юритилади) 4-иловага мувофиқ таркибларда ташкил этилсин.

4. Комиссия (А.Н. Арипов):

бир ҳафта муддатда Давлат бошқаруви тизимини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан танқидий ўрганиш ўтказиш ва таклифлар тайёрлаш жадвалини тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ва «Йўл харитаси»ни амалга оширишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш доирасида фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, илмий доиралар вакиллари ва хорижий экспертларни кенг жалб этган ҳолда учрашувлар, семинарлар, «давра суҳбатлари» ва пресс-конференциялар ташкил қилсин;

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ва «Йўл харитаси»нинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепцияси ва «Йўл харитаси»нинг амалга оширилиши доирасида ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ўз вақтида ҳамда сифатли тайёрланиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг олиб борилишини таъминласин;

ҳар ойда Комиссияга мониторинг натижалари тўғрисида ахборот киритсин.

6. Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мақсад ҳамда вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ва мавзуга оид кўрсатувларни ташкил этсин.

7. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги зарурат бўлган-

да, хорижий (халқаро) ташкилотлар вакилларини жалб қилган ҳолда давлат бошқаруви соҳасида илғор хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишни ташкил этишда Комиссияга, ишчи гуруҳларга кўмаклашсин.

8. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони хизматлари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва идоралар, шунингдек, ишчи гуруҳлар раҳбарлари мазкур Фармонда назарда тутилган вазифаларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардир.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчилари У.С. Исмоилов, О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 8 сентябрь,
ПФ–5185-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги
ПФ–5185-сон Фармонига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар КОНЦЕПЦИЯСИ

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига (кейинги ўринларда Ҳаракатлар стратегияси деб юритилади) мувофиқ, давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш ва либераллаштириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш давлат ва жамиятни модернизация қилишнинг муҳим мақсадлари этиб белгиланди.

Ушбу мақсадларга эришишнинг муҳим шарти амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлай оладиган, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш муаммоларини ўз вақтида аниқлайдиган ва самарали ҳал қиладиган давлат бошқаруви тизимининг аниқ фаолият кўрсатиши ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнининг тизимли таҳлили ва аҳоли билан мулоқот натижалари давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) фаолиятини ташкил этишда ислоҳотларни тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи жиддий камчиликларнинг сақланиб қолаётганлигидан далолат бермоқда. Хусусан:

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини ташкил этиш асослари ҳудудларни ривожлантириш суръатларини пасайтирувчи, жойларда тўпланиб қолган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишини таъминламаяпти. Ижро этувчи ҳокимият органлари (вазирликлар, давлат қўмиталари, агентликлар, қўмиталар, марказлар, инспекциялар) ҳуқуқий мақомининг айрим ҳолатларда аниқ чегаралаб қўйилмаганлиги уларнинг давлат аппаратидаги аниқ ўрни ва ролини аниқлаш имконини бермаяпти;

айрим ижро этувчи ҳокимият органларига юклатилган вазифаларнинг декларатив характерга эгалиги, уларни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари етарли эмаслиги, вазифаларнинг такрорланиши ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларининг мавжудлиги амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан уларга хос бўлмаган функцияларнинг бажарилиши, шунингдек, сезиларли даражада квазидавлат секторнинг (хўжалик бошқаруви органлари, давлат унитар корхоналари) мавжудлиги иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг давлат томонидан ҳаддан ташқари тартибга солинишига олиб келмоқда;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг амалдаги тизими қабул қилинаётган қарорларнинг ижросига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишни таъминламаяпти. Давлат-ҳокимият ваколатлари берилган кўплаб идоралараро коллегиал органларнинг (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар) мавжудлиги ижро этувчи ҳокимият органлари вазифа ва функцияларининг ўрнини эгаллашга, қабул қилинаётган қарорлар ва аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг сусайишига олиб келмоқда;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини баҳолаш механизмлари фақат ҳолатларни қайд этиш ва статистик маълумотларни жорий тўплашдан иборат бўлиб, бу аксарият ҳолларда жойлардаги ишларнинг ҳаққоний ҳолатини акс эттирмайди;

ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарлари жавобгарлик соҳаларининг аниқ чегараси, айниқса, жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг ички идоравий ва идоралараро ўзаро ҳамкорлигининг таъсирчан механизмлари мавжуд эмас;

давлат функциялари ва ваколатларининг ҳаддан ташқари марказлаштирилганлиги ҳудудларни ривожлантириш дастурларини шакллантириш ва аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ролининг пасайишига олиб келмоқда;

бошқарув жараёнига ишларни режалаштириш ва ташкил этишнинг замонавий инновацион услубларини, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш даражаси қабул қилинаётган қарорларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаш ва унинг жараёнини тезкор кузатиб бориш имконини бермайди, шунингдек, давлат бошқарувини ортиқча бюрократлаштириш ва унинг юқори сарф-харажатларининг сабаби ҳисобланади;

хўжалик бошқаруви органлари томонидан давлатнинг тартибга солиш ва хўжалик функциялари қўшиб олиб борилиши, етарли даражада мослашувчанликка ва бозорга йўналтирилганликка эга бўлмаган, эскирган тармоқ бошқарув тизими, индивидуал имтиёз, преференция ва афзалликларнинг асоссиз тақдим этилиши соғлом рақобат муҳитининг ривожланишига тўсқинлик қилмоқда;

ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ривожланмаганлиги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдаги иштирокини чеклайди ҳамда оқибатда бюджет харажатларининг камайишини таъминламайди;

ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг етарли даражада очиқ ва шаффоф эмаслиги, жамоатчилик назоратининг кучсиз механизмлари ҳаддан ташқари бюрократияга ва коррупциянинг турли кўринишларига олиб келмоқда. Давлат хизматларини кўрсатиш даражаси аҳоли ва бизнеснинг истак ва талабларига жавоб бермаяпти, давлат бошқаруви тизимига бўлган ишончни ошириш имконини бермаяпти;

айрим раҳбарларда лозим даражада масъулият ва ташаббускорликнинг мавжуд эмаслиги ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўйилган вазифаларни ва мақсадли кўрсатмаларни ўз вақтида ҳамда сифатли ҳал этишга салбий таъсир қилмоқда. Давлат хизматининг унификацияланган ҳуқуқий асослари, давлат хизматчиларининг мақомини белгиловчи ягона нормалар, уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари шакллантирилмаганлиги давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш имконини бермаяпти;

ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларини ижтимоий-моддий ҳимоя қилишнинг паст даражада эканлиги, юклатилган жавобгарлик даражасининг улар ижтимоий-ҳуқуқий ҳолатига мувофиқ келмаслиги, меҳнатга ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминот жамғармасини шакллантиришнинг ягона принциплари мавжуд эмаслиги малакали кадрларнинг давлат хизматидан чиқиб кетиши ҳамда коррупциявий ҳолатлар, давлат томонидан ажратилаётган молиявий ресурсларнинг адолатсиз ва номутаносиб тақсимланиши учун шароит яратмоқда.

Давлат бошқаруви тизимидаги мавжуд камчиликлар жамиятнинг ўсиб бораётган талабларига лозим даражада муносабат билдириш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш, иқтисодиётни жадал ривожлантириш, оқибатда эса одамларнинг ҳаётида кутилаётган ижобий ўзгаришларга эришишни таъминлаш имконини бермайди.

Шу муносабат билан, қуйидаги асосий йўналишларни назарда тутувчи Маъмурий ислоҳотлар концепциясини муваффақиятли амалга ошириш ор-

қали давлат бошқарувининг концептуал янги моделини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади:

**I. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.**

1. Ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишнинг маъмурий аппарат, бюджет юкламаси асоссиз ошиши ва давлат бошқарувини бюрократлаштиришнинг олдини олишга қаратилган аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий этиш.

2. Реал эҳтиёж, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсирга йўл қўймаслик, республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, шунингдек, кадрлар ва моддий ресурсларнинг тўғри тақсимланишини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органлари, уларнинг тузилмалари ва бўлинмаларини оптималлаштириш.

3. Ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли департаментлари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш ҳисобига бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилиши учун уларнинг мустақиллиги ҳамда жавобгарлигини ошириш.

4. Маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш, бошқарув жараёнини автоматлаштириш, ҳудудлар ва бутун мамлакатда юзага келаётган таҳдид ва муаммоларга ўз вақтида ҳамда муносиб таъсир кўрсатиш учун ахборот алмашишнинг самарали тизимини шакллантириш мақсадида барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида «Электрон ҳукумат» тизими ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш.

5. Қуйидагилар орқали давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш:

«ягона дарча», шу жумладан, идоравий марказлар негизида жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш;

барча давлат хизматларини тартибга солиш, уларни ягона реестрга киритиш;

давлат хизматлари кўрсатишда ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан идоралараро ҳамкорлик орқали олиш лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг рўйхатини белгилаш ва босқичма-босқич кенгайтириш.

6. Ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш, низоларни судгача ҳал қилиш усули сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиал эшитиш механизмларини жорий этиш орқали маъмурий адлия тизимини ривожлантириш.

**II. Ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш.**

1. Ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари) ва жавобгарлик соҳасини белгилаш, ҳар бир вазифа ва функцияни амалга ошириш механизмларини белгилайдиган, шу жумладан, ахборот-таҳлилий қўллаб-қувватлаш, стратегик режалаштириш, лойиҳа бошқаруви, тартибга солиш функцияларини амалга ошириш, давлат хизматлари кўрсатиш масалалари бўйича маъмурий тартиб-таомиллар ҳамда регламентларни жорий этиш.

2. Ҳудудларни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишда барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали ишини ташкил этиш ва кучларини сафарбар этиш, шунингдек, тор идоравий ёндашув ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг «Ўзбекистон Республикаси Президенти девони — Вазирлар Маҳкамаси — республика давлат бошқаруви органлари — таркибий ва ҳудудий бўлинмалар — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари» таъсирчан тизимини жорий этиш.

3. Тегишли ваколатларни аниқ давлат органларига ўтказиш ва уларга қабул қилинаётган қарорларнинг натижаси учун жавобгарликни юклаш орқали давлат-ҳокимият ваколатлари берилган идоралараро коллегиал органларни (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар) тубдан қисқартириш.

4. Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва жойлардаги долзарб муаммоларни комплекс ҳал этиш заруратини ҳисобга олган ҳолда, давлат ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш.

5. Мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг раҳбарлари фаолиятини, шу жумладан, дастурий бюджетлаштириш ва вакиллик ҳокимияти органлари томонидан улар ҳисоботларини эшитиш йўли билан баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий этиш.

6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг таъсирини лозим даражада баҳоламасдан қабул қилишга йўл қўймаслик, шунингдек, коллизион нормалар, икки хил шарҳлаш, коррупция кўринишлари ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларига олиб келувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш амалиётини босқичма-босқич бартараф этишни назарда тутувчи «ақлли тартибга солиш» моделларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган услубиётини жорий этиш.

7. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мавжуд муаммоларнинг оқибатларига қарши курашишга эмас, унинг сабаб ва шарт-шароитла-

рини бартараф этишга йўналтириш мақсадида айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш ва ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш орқали тартибга солиш воситаларини такомиллаштириш.

8. Ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш.

9. Ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотни таъминлайдиган жамоатчилик билан ҳамкорликнинг замонавий шаклларини (виртуал қабулхоналар, «ишонч телефонлари») кенг жорий этиш.

**III. Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш.**

1. Энг зарур иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ҳолда, бошқарув тизимини такомиллаштириш.

2. Хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш.

3. Иқтисодий фаолиятда, энг аввало, давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ва фаолиятини бошқариш, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари ваколатларини, уларнинг иқтисодий ва бошқарув самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда, давлат активларини бошқариш тизимининг молиявий шаффофлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришнинг корпоратив механизмларини ривожлантириш соҳаларида давлат иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш.

4. Назорат ваколатига эга ижро этувчи ҳокимият органларини («Ўздавнефтгазинспекция», «Ўздавэнергоназорат» ва бошқалар) уларнинг назорати остидаги хўжалик бошқаруви органлари («Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ ва бошқалар) ҳисобидан молиялаштириш амалиётидан воз кечиш.

5. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини (таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, коммунал хўжалиги, йўл-транспорт инфратузилмаси) ҳал қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга ҳамда бюджет харажатларини камайтиришга қаратилган ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш.

6. Лицензиялаш, сертификатлаштириш, аккредитациядан ўтказиш ва

рухсат бериш тартиб-таомиллари орқали давлат функцияларининг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этган ҳолда уларнинг айримларини хусусий секторга ўтказиш. Айни вақтда давлат назоратининг ортиқча маъмурий чораларини (лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари), шу жумладан, уларни муқобил тартибга солиш турларига (жавобгарликни мажбурий суғурталаш, мувофиқликни декларациялаш ва бошқалар) алмаштириш орқали қисқартириш.

**IV. Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш.**

1. Республика давлат бошқаруви органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш. Давлат бошқарувининг турли даражадаги ўзаро функция ва ваколатларини, хусусан, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалаларни республика ижро этувчи ҳокимият органларида қолдириш, шунингдек, улар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган ваколатлардан лозим даражада фойдаланаётганлиги устидан назорат қилишни аниқ чегаралаш.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини, шу жумладан, маҳаллий бюджетга солиқ ажратмаларини кўпайтириш ҳамда ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг солиқ солиш базасини кенгайтиришдан манфаатдорлигини кучайтириш орқали кенгайтириш.

3. Ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ депутатлари Кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш.

4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, айниқса, халқ депутатлари Кенгашларининг ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли ва масъулиятини ошириш.

5. Тегишли ваколатларни ҳокимга босқичма-босқич ўтказиш орқали ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш.

6. Келгусида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган ҳокимларни сайлаш тартибини жорий этиш.

7. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш.

**V. Давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш.**

1. Мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш.

2. Давлат хизматлари кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришни, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шаклларини жорий этиш.

3. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш соҳасини, шу жумладан, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унга инвестицияларни кенг жалб қилиш, уларни янада ривожлантиришни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш.

4. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини, шу жумладан, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопаркларни ташкил этиш орқали яратиш.

5. Табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни, шу жумладан, муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллашни ривожлантириш, сувни тозалаш ҳамда чучуклаштиришнинг замонавий шаклларини кенгайтириш, ундан оқилона фойдаланиш орқали кенг жорий этиш.

**VI. Профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш.**

1. Давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан, ҳуқуқий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган органни ташкил этиш.

3. Давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ва давлат хизматчилари малакасини оширишнинг махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш.

4. Давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини

берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиш.

5. Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шаклларини жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш.

6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва услубларини жорий этиш.

7. Иш вақти ва моддий-ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш.

**VII. Маъмурийислоҳотларнинг амалга оширилишидан кутилаётган натижалар.**

1. Кутилаётган ислоҳотларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлашга, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган давлат бошқаруви тизимини яратиш, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

ортиқча ва ўзига хос бўлмаган вазифа, функция ва ваколатларни бартараф этиш, такрорлаш ва параллелизмни тугатиш ҳисобига давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ҳамда номарказлаштириш;

давлат бошқарувини бюрократиядан холи қилиш ва унинг сарф-харажатларини пасайтириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимининг фаолият самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш;

стратегик режалаштириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар тизимини жорий этиш;

иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ҳамда бошқарувнинг соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва аҳолининг ишчанлик фаоллигини оширишга қаратилган бозор механизмларини кенгайтириш;

жамоатчилик ва парламент назоратининг, энг аввало, коррупция кўринишларининг олдини олишга қаратилган самарали шаклларини жорий этиш.

2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг таъсирчан механизмларини яратиш, уларнинг фаровонлигини ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятидан қаноатланиш даражасини янада ошириш, шу жумладан, қуйидагилар орқали:

давлат органларининг жисмоний ва юридик шахслар билан ҳуқуқий муносабатларини аниқ тартибга солишга қаратилган маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш;

ижро этувчи ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштиришни, жисмоний ва юридик

шахсларнинг мурожаатларини коллегиал эшитиш механизмларини жорий этишни назарда тутувчи маъмурий адлия тизимини ривожлантириш;

«Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш орқали давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлигини ошириш;

жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш.

Маъмурий ислоҳотларни самарали амалга оширишнинг пировард натижасида «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя ҳаётга тўлиқ татбиқ этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармонига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида Маъмурийислоҳотлар концепциясининг самарали амалга оширилиши бўйича «ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | **I. Давлат бошқарув органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) фаолиятининг институционал ва ташкилий -ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш** | | | |
| 1. | Қуйидагилар асосида ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан, уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларини жорий қилиш:<br>маъмурий аппарат ва бюджет юкламаси асоссиз кўпайишининг ҳамда давлат бошқарувини бюрократлаштиришнинг олдини олиш;<br>уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини инновацион ривожланишнинг замонавий тенденцияларига, шунингдек, вазифалари, функциялари ва фаолият йўналишларига мувофиқлаштириш;<br>у ёки бошқа тармоқда давлат томонидан тартибга солишнинг, шунингдек, тегишли ижро этувчи ҳокимият органини ташкил этиш ёки тугатишнинг эҳтиёжини ва мақсадга мувофиқлигини ўрганиш;<br>ижро этувчи ҳокимият органининг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш;<br>ижро этувчи ҳокимият органларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари (вазирлик, давлат қўмитаси, агентлик, қўмита, марказ, инспекция ва бошқалар) рўйхатини оптималлаштириш. | «Давлат бошқаруви асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси | 2017 йил 30 сентябрга қадар | Олий Мажлис Қонунчилик палатаси *(Н. Исмоилов)*, ДБА *(Р. Касимов),* АҚҲМИ *(Ф. Мухамедов),* Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов)* |
| 2. | Қуйидагиларни инобатга олган ҳолда, ижро этувчи ҳокимият органларининг сонини, уларнинг тузилмаси ва бўлинмаларини оптималлаштириш:<br>реал эҳтиёж, ижтимоий-иқтисодий жараёнларга салбий таъсирга йўл қўймаслик;<br>республика ва ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги номутаносиблигини бартараф этиш, шунингдек, кадрлар ва моддий ресурслар оқилона тақсимланишини таъминлаш;<br>ташкилий-штат тузилмасининг иқтисодиёт ва жамиятнинг реал талабларига, ҳар бир ижро этувчи ҳокимият органининг янги вазифаларига, функцияларига ва фаолиятининг устуворлигига мувофиқлигини таъминлаш;<br>ижро этувчи ҳокимият органларининг умумфункционал таркибий тузилмаларини (кадрлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаат- | Жадвал тасдиқлаш<br><br>ижро этувчи ҳокимият органларининг янгиланган низоми ва ташкилий-штат тузилмалари лойиҳалари | бир ҳафта муддатда<br><br>жадвалга мувофиқ | Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади)<br><br>тегишли ишчи гуруҳлар |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | лари билан ишлаш, ўз хавфсизлиги, юридик хизмат, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, методология ва бошқа бўлинмалар) ташкил этишнинг ягона мезонларидан ва уларнинг штат бирлигини белгилашнинг нормативларидан фойдаланиш;<br>хизмат юкламаси ва иш ҳажми таҳлилидан, шунингдек, вазифа, функция ва ваколатларни номарказлаштиришдан келиб чиқиб, ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг ҳудудий тузилмалари ўртасида мавжуд штат бирликларини оқилона тақсимлаш;<br>ижро этувчи ҳокимият органларининг ортиқча, шу жумладан, ижро этувчи ҳокимият органининг ўзида ва бошқа органлар билан ишларни такрорловчи таркибий тузилмалари ва муассасаларини, шунингдек, вазифа ва функциялари хусусий секторга ўтказиладиган ёхуд давлат-хусусий шериклик доирасида амалга ошириладиган таркибий тузилмаларни қисқартириш. | | | |
| 3. | Ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тегишли департаментлари билан ўзаро ҳамкорлиги механизмларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш ҳисобига бириктирилган соҳада давлат сиёсати амалга оширилиши учун уларнинг мустақиллигини ошириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2018 йил 1 январга қадар | Комиссия |
| 4. | Қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятига «Электрон ҳукумат» тизимини ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш:<br>маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштиришни;<br>бошқарув жараёнларини автоматлаштиришни;<br>ҳудудлар ва бутун мамлакатда юзага келаётган таҳдид ва муаммоларга ўз вақтида ҳамда муносиб таъсир кўрсатиш учун ахборот алмашишнинг самарали тизимини шакллантириш. | Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 январга қадар | Ахборот технологиялари вазирлиги *(Ш. Шерматов),* Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги *(Ш. Садиков),* вазирлик ва идоралар |
| 5. | Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини:<br>«ягона дарча», шу жумладан, идоравий марказлар негизида жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш;<br>барча давлат хизматларини тартибга солиш ва уларни ягона реестрга киритиш;<br>давлат хизматларини кўрсатишда ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан идоралараро ҳамкорлик йўли билан олиш лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг рўйхатини белгилаш ва босқичма-босқич кенгайтириш орқали янада такомиллаштириш. | Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш | 2018 йил 1 февралга қадар | Ахборот технологиялари вазирлиги *(Ш. Шерматов),* Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),* вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 6. | Маъмурий адлия тизимини:<br>ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан юқори турувчи органларга шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш;<br>низони судгача ҳал қилиш усули сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини коллегиал эшитиш механизмларини жорий этиш орқали ривожлантириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2018 йил 1 мартга қадар | Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),*<br>Бош прокуратура *(И. Абдуллаев),*<br>Олий суд *(К. Камилов),*<br>ИИВ *(П. Бобожонов),*<br>ДБА *(Р. Касимов)* |
| **II. Ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари (функциялари, ваколатлари)ни, уларни амалга ошириш механизмлари ва жавобгарлик соҳасини аниқлаштириш, мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик жараёнларини такомиллаштириш** | | | | |
| 7. | 1. Қуйидагиларни назарда тутувчи ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисидаги намунавий низомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш:<br>ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг аниқ вазифалари (функциялари, ваколатлари) ва жавобгарлик соҳасини белгилашни;<br>ижро этувчи ҳокимият органининг аниқ ҳуқуқий мақомини;<br>ахборот-таҳлилий қўллаб-қувватлаш, стратегик режалаштириш, лойиҳа бошқаруви, тартибга солиш функцияларини амалга ошириш, давлат хизматлари кўрсатиш масалаларини.<br>2. Ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисидаги низомларни кўрсатиб ўтилган талабларни ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ҳамда ҳар бир вазифа ва функцияни амалга ошириш механизмларини белгилайдиган маъмурий тартиб-таомиллар ва регламентларни жорий этиш. | Ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисидаги намунавий низомлар лойиҳалари<br><br>Ижро этувчи ҳокимият органлари тўғрисидаги янгиланган низомлар лойиҳалари<br><br>Маъмурий регламентлар лойиҳалари | 2017 йил<br>1 октябрга қадар<br><br>жадвалга мувофиқ<br><br>жадвалга мувофиқ | Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов),*<br>вазирлик ва идоралар<br><br>тегишли ишчи гуруҳлар<br><br>Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов),*<br>вазирлик ва идоралар |
| 8. | Ҳудудларни ривожлантириш бўйича вазифаларни ҳал қилишда барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органларининг самарали ишини ташкил этиш ва кучларини сафарбар этиш, шунингдек, тор идоравий ёндашув ҳолатларининг олдини олиш имконини берувчи ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг **«Ўзбекистон Республикаси Президенти девони — Вазирлар Маҳкамаси — республика давлат бошқарув органлари — таркибий ва ҳудудий бўлинмалар — маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари»** таъсирчан тизимини жорий этиш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси | 2018 йил<br>1 февралга қадар | Комиссия |
| 9. | Давлат-ҳокимият ваколатлари берилган идоралараро коллегиал органлар (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар)ни:<br>амалдаги идоралараро коллегиал органларнинг вазифа, функция ва ваколатларини таҳлил қилиш ҳамда улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш;<br>доимий характерга эга давлат-ҳокимият ваколатларини аниқ давлат органига ўтказиш ва уларга қабул қилинаётган қарорлар учун шахсий жавобгарликни юклаш орқали тубдан қисқартириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2017 йил<br>1 декабрга қадар | Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов),*<br>АКҲМИ *(Ф. Мухамедов),*<br>Бош прокуратура *(И. Абдуллаев),*<br>вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 10. | Ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ва жойлардаги долзарб муаммоларни комплекс ҳал этиш заруратини ҳисобга олган ҳолда, давлат ва ҳудудий ривожлантириш дастурларини шакллантиришда ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг ташаббускорлигини ошириш ҳамда ролини кучайтириш, шунингдек, ривожланиш дастурларининг ўз вақтида бажарилиши устидан самарали мониторинг ўрнатиш. | Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 январга қадар | Олий Мажлис Сенати *(Н. Юлдашев),* Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 11. | Қуйидагиларга асосланган барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари ва улар раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг принципиал янги тизимини жорий этиш:<br>мақсадли индикаторларга эришишга ва стратегик ривожланиш дастурларини амалга ошириш самарадорлигига;<br>дастурий бюджетлаштириш («Program Budgeting»);<br>ҳудудларни ривожлантиришнинг ягона интеграциялашган дастурларида назарда тутилган кўрсаткичларга эришилганлиги тўғрисида барча даражадаги ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг ҳисоботларини ҳокимият вакиллик органларида эшитиш амалиётини жорий этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2018 йил 1 мартга қадар | Олий Мажлис Сенати *(Н. Юлдашев),* Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов),* ДБА (*Р. Касимов*), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 12. | Қуйидагиларни назарда тутувчи «ақлли тартибга солиш» моделларини ва қабул қилинаётган қарорларнинг тартибга солиш таъсирини таҳлил қилишнинг стандартлаштирилган методологиясини жорий этиш:<br>норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг таъсирини лозим даражада баҳоламасдан қабул қилишга йўл қўймасликни;<br>коллизион нормалар, икки хил шарҳлаш, коррупция кўринишлари ва давлат томонидан ортиқча тартибга солиш ҳолатларига олиб келувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш амалиётини босқичма-босқич бартараф этишни;<br>тўғридан тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилиш амалиётини кенгайтириш;<br>қонун ижодкорлиги фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солишнинг ортиқча юкини истисно этишга қаратилган замонавий услубларини (масалан, «One in Two out», «Sunset clauses» тамойиллари асосида ва бошқалар) жорий этиш. | Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш | 2018 йил 1 мартга қадар | Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),* Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),* АҚҲМИ *(Ф. Мухамедов)* |
| 13. | Тартибга солиш воситаларини:<br>давлат функцияларини давлат органлари ваколатида қолдиришнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш;<br>айрим давлат функцияларини жамоатчилик назорати субъектларига ўтказиш ва ортиқча маъмурий тартибга солишни камайтириш; | «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2017 йил 1 ноябрга қадар | Олий Мажлис Қонунчилик палатаси *(Н. Исмоилов),* АҚҲМИ *(Ф. Мухамедов),* ФЖШМҚМИ *(Г. Абдукаримов),* Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),* |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мавжуд муаммоларнинг оқибатларига қарши курашишга эмас, унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга йўналтириш орқали такомиллаштириш. | | | Бош прокуратура *(И. Абдуллаев),* Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи *(К. Куранбаев),* «Маҳалла» фонди *(Ш. Жавлонов)* |
| 14. | Ишни ташкил этишнинг аниқ натижаларга эришишга қаратилган замонавий услубларини (сифат менежменти, индикатив режалаштириш, аутсорсинг, краудсорсинг) жорий этиш. | Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, комплекс чора-тадбирлар | 2017 йил 1 декабрга қадар | Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги *(Ш. Садиков),* Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),* вазирлик ва идоралар |
| 15. | Ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёнига фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари билан очиқ мулоқотни таъминлайдиган жамоатчилик билан ҳамкорликнинг замонавий шаклларини (виртуал қабулхоналар, «ишонч телефонлари») кенг жорий этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2017 йил 1 ноябрга қадар | Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги *(Ш. Садиков),* Ахборот технологиялари вазирлиги *(Ш. Шерматов),* вазирлик ва идоралар |
| **III. Иқтисодиёт тармоқларига маъмурий таъсир кўрсатишни янада қисқартириш ва бошқарувнинг бозор механизмларини кенгайтириш** | | | | |
| 16. | Энг зарур иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларда (саноат, транспорт, энергетика ва бошқалар) соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш, давлат ва тижорат манфаатлари тўқнашувини бартараф этишга қаратган ҳолда, бошқарув тизимини такомиллаштириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | жадвалга мувофиқ | Комиссия |
| 17. | Хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат муҳитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2018 йил 1 февралга қадар | Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),* Давлат рақобат қўмитаси *(Р. Гулямов),* Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси *(А. Ахмедходжаев),* ССП *(А. Икрамов)* |
| 18. | Қуйидагилар орқали давлатнинг иқтисодий фаолиятдаги иштирокининг аниқ бозор механизмларини ишлаб чиқиш:<br>давлат активлари ва мулкларини, шу жумладан, давлат унитар корхоналари томонидан бошқаришнинг амалдаги механизмларини таҳлил қилиш;<br>иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш, давлат улуши бўлган хўжалик юритувчи субъектлар билан давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги механизмлари бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш;<br>давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ва фаолиятига раҳбарлик қилиш тартибини такомиллаштириш, шунингдек, уларнинг сонини оптималлаштириш; | Таҳлилий материаллар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2018 йил 1 мартга қадар | Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),* Давлат рақобат қўмитаси *(Р. Гулямов),* ССП *(А. Икрамов)* |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакилларининг ваколатларини, шунингдек, улар фаолиятининг иқтисодий ва бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган замонавий иш шакллари ва услубларини жорий этиш;<br>давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларни бошқаришнинг корпоратив механизмларини ривожлантириш. | | | |
| 19. | Назорат ваколатига эга ижро этувчи ҳокимият органларини (Ўздавнефтгазинспекция, Ўздавэнергоназорат ва бошқалар) уларнинг назорати остидаги хўжалик бошқарув органлари («Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекэнерго» АЖ ва бошқалар) ҳисобидан молиялаштириш амалиётидан воз кечиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2018 йил 1 мартга қадар | Молия вазирлиги *(Б. Ходжаев),*<br>Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),*<br>Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),*<br>Давлат рақобат қўмитаси *(Р. Гулямов),*<br>Ахборот технологиялари вазирлиги *(Ш. Шерматов)* |
| 20. | Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини (таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, коммунал хўжалиги, йўл-транспорт инфратузилмаси) ҳал қилишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлашга ҳамда оқибатда бюджет харажатларини камайтиришга қаратилган ижтимоий ва давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштириш. | «Давлат ва хусусий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар | 2017 йил 1 ноябрга қадар | Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),*<br>Соғлиқни сақлаш вазирлиги *(А. Шадманов),*<br>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги *(И. Маджидов),*<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар |
| 21. | Айрим давлат функцияларини:<br>ижро этувчи ҳокимият органлари функциялари ва давлат хизматларини хусусий секторга ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш;<br>лицензиялаш, сертификатлаштириш, аккредитациядан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари орқали ўтказиладиган функцияларнинг лозим даражада бажарилиши устидан давлат назорати механизмларини жорий этиш орқали хусусий секторга ўтказиш.<br>Давлат назоратининг ортиқча маъмурий чораларини (лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари), шу жумладан, уларни муқобил тартибга солиш турларига (жавобгарликни мажбурий суғурталаш, мувофиқликни декларациялаш ва бошқалар) алмаштириш орқали қисқартириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2018 йил 1 мартга қадар | Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов),*<br>Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),*<br>Молия вазирлиги *(Б. Ходжаев),*<br>Давлат рақобат қўмитаси *(Р. Гулямов),*<br>Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),*<br>Бош прокуратура *(И. Абдуллаев)* |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **IV. Вертикал бошқарув тизими ва ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамкорлигининг механизмларини такомиллаштириш** | | | | |
| 22. | Республика давлат бошқарув органлари ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, вилоятдан туман (шаҳар) давлат ҳокимияти органларига ўтказишни назарда тутган ҳолда, давлат бошқарувини босқичма-босқич номарказлаштириш.<br>Давлат бошқарувининг турли даражадаги ўзаро функция ва ваколатларини, хусусан, умумдавлат миқёсидаги стратегик масалаларни республика ижро этувчи ҳокимият органларида қолдириш, шунингдек, улар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берилган ваколатлардан лозим даражада фойдаланаётганлиги устидан назорат қилишни аниқ чегаралаш. | Ижро этувчи ҳокимият органларининг янгиланган низомлари ва ташкилий-штат тузилмалари лойиҳалари | жадвалга мувофиқ | Комиссия |
| 23. | Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий имкониятларини, шу жумладан:<br>маҳаллий бюджетга солиқ ажратмаларини кўпайтириш;<br>ҳудудларни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг солиқ солиш базасини кенгайтиришдан манфаатдорлигини кучайтириш орқали кенгайтириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2017 йил 1 ноябрга қадар | Молия вазирлиги *(Б. Ходжаев),*<br>ДСҚ *(Б. Парпиев),*<br>Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),*<br>вазирлик ва идоралар |
| 24. | Ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва Халқ депутатлари кенгашларининг котибиятини тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалий рўёбга чиқарилишини таъминлаш. | Янги таҳрирдаги «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонун лойиҳаси | 2017 йил 1 ноябрга қадар | Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов),*<br>Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),*<br>Молия вазирлиги *(Б. Ходжаев),*<br>Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),*<br>АҚҲМИ *(Ф. Мухамедов),*<br>ДБА *(Р. Касимов),*<br>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 25. | Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, айниқса Халқ депутатлари кенгашларининг ижро этувчи ҳокимият органлари ҳудудий бўлинмалари фаолиятини назорат қилиш бўйича роли ва масъулиятини ошириш | | | |
| 26. | Тегишли ваколатларни ҳокимларга босқичма-босқич ўтказиш орқали ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кучайтириш. | | | |
| 27. | Келажакда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳокимлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини таъминлашга қаратилган ҳокимларни сайлаш тартибини жорий этиш. | | | |
| 28. | Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб масалаларини ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ва фаолият самарадорлигини ошириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, комплекс чора-тадбирлар | 2017 йил 1 ноябрга қадар | Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),*<br>«Маҳалла» фонди *(Ш. Жавлонов),*<br>Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),* |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **V. Давлат бошқаруви тизимига стратегик режалаштиришнинг замонавий шакллари, инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни жорий этиш** | | | | |
| 29. | Мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишнинг узоқ муддатли сценарийлари асосида устувор соҳа ва тармоқларни инновацион ривожлантиришнинг келажакдаги моделларини шакллантириш имконини берадиган стратегик режалаштириш тизимини яратиш, шу жумладан қуйидагилар орқали:<br>«қисқа муддатли», «ўрта муддатли» ва «узоқ муддатли» ривожлантириш дастури тушунчаларини қонун ҳужжатларида белгилаш;<br>иқтисодиёт тармоқларини ва ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг истиқболли узоқ муддатли давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2018 йил 1 мартга қадар | Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова)*,<br>Молия вазирлиги *(Б. Ходжаев)*,<br>АҚҲМИ *(Ф. Мухамедов),*<br>Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов)* |
| 30. | Давлат бошқарувининг:<br>давлат хизматларини кўрсатишнинг тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва соддалаштиришга;<br>давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган инновацион шаклларини жорий этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2018 йил 1 январга қадар | Фан ва технологиялар агентлиги *(М. Болтабаев)*,<br>Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),*<br>Ахборот технологиялари вазирлиги *(Ш. Шерматов)*,<br>Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги *(Ш. Садиков)*,<br>Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),*<br>вазирлик ва идоралар |
| 31. | Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш соҳасини, шу жумладан, инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш бўйича ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда унга инвестицияларни кенг жалб қилиш, уларни янада ривожлантиришни таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш. | «Инновация фаолияти тўғрисида»ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 февралга қадар | Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов),*<br>Фан ва технологиялар агентлиги *(М. Болтабаев)*,<br>Фанлар академияси *(Б. Юлдашев),*<br>вазирлик ва идоралар |
| 32. | Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг замонавий ютуқларини жорий этишнинг самарали механизмларини, шу жумладан, илмий-экспериментал ихтисослаштирилган лабораториялар, юқори технологиялар марказлари ва технопаркларни ташкил этиш орқали яратиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, комплекс чора-тадбирлар | 2018 йил 1 январга қадар | Фан ва технологиялар агентлиги *(М. Болтабаев),*<br>Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),*<br>Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги *(Ш. Садиков)*,<br>вазирлик ва идоралар |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 33. | Табиатни муҳофаза қилиш, ресурс ва энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, шу жумладан қуйидагилар орқали:<br>муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг қўллаш;<br>сувни тозалаш ҳамда чучуклаштиришнинг замонавий шаклларини кенгайтириш, ундан оқилона фойдаланиш. | Комплекс чора-тадбирлар | 2017 йил 1 декабрга қадар | Давлат экология қўмитаси *(Б. Кучкаров),* «Ўзбекэнерго» АЖ *(У. Мустафоев)*, «Ўзбекнефтегаз» АЖ *(А. Султанов),* «ЭТМК» АЖ, вазирлик ва идоралар |
| 34. | Илмий тадқиқотлар ўтказиш, илмий лабораторияларни жиҳозлаш, шунингдек, олим ва мутахассисларнинг хорижий стажировкаларини ташкил этиш учун хорижий (халқаро) молия институтлари ва бошқа хорижий донорларнинг кредит ва грантларини жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | Комплекс ташкилий чора-тадбирлар | 2018 йил 1 февралга қадар | Инвестиция қўмитаси *(А. Ахмедходжаев),* Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),* вазирлик ва идоралар |
| **VI. Профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш, ижро этувчи ҳокимият органлари тизимида коррупцияга қарши курашишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш** | | | | |
| 35. | Давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан:<br>давлат хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, классификацияси;<br>хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизмлари (танлов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормаларига риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш. | «Давлат хизматчилари тўғрисида»ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2017 йил 1 октябрга қадар | Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов),* АҚҲМИ *(Ф. Мухамедов),* Меҳнат вазирлиги *(А. Хаитов),* Молия вазирлиги *(Б. Ходжаев),* Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),* Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),* Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши *(К. Рафиков)* |
| 36. | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган органни ташкил этиш | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳалари | жадвалга мувофиқ | Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов),* АҚҲМИ *(Ф. Мухамедов),* Меҳнат вазирлиги *(А. Хаитов),* Молия вазирлиги *(Б. Ходжаев),* Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова),* Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов),* ДБА *(Р. Касимов)*, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши *(К. Рафиков)* |
| 37. | Давлат бошқаруви соҳасида мутахассислар тайёрлашнинг ва давлат хизматчилари малакасини оширишнинг махсус таълим йўналишларини ишлаб чиқиш, шахсий ютуқ, билим ва касб маҳорати асосида уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг замонавий услубларини жорий этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, комплекс чора-тадбирлар | 2017 йил 1 декабрга қадар | Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов),* Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги *(И. Маджидов),* ДБА *(Р. Касимов)* |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш шакли | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 38. | Давлат хизматининг жозибадорлигини ошириш, коррупциянинг юзага келиш хавфи ва мансаб суиистеъмолчилигини камайтириш имконини берадиган давлат хизматчилари меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий таъминотининг замонавий тизимини яратиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2018 йил 1 январга қадар | Молия вазирлиги *(Б. Ходжаев)*, Меҳнат вазирлиги *(А. Хаитов)*, Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов)*, Бош прокуратура *(И. Абдуллаев)*, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши *(К. Рафиков)*, АҚҲМИ *(Ф. Мухамедов)*, ДБА *(Р. Касимов)* |
| 39. | Ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларга ахборот тақдим этишнинг замонавий шаклларини жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий сарф-харажатларга барҳам бериш. | «Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси | 2017 йил 1 октябрга қадар | Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов)*, Иқтисодиёт вазирлиги *(Г. Саидова)*, ДСҚ *(Б. Парпиев)*, ДБҚ *(М. Тохирий)*, Ахборот технологиялари вазирлиги *(Ш. Шерматов)*, вазирлик ва идоралар |
| 40. | Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва услубларини жорий этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, комплекс чора-тадбирлар | 2017 йил 1 октябрга қадар | Адлия вазирлиги *(Р. Давлетов)*, Ахборот технологиялари вазирлиги *(Ш. Шерматов)*, вазирлик ва идоралар |
| 41. | Иш вақти ва моддий-ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари, комплекс чора-тадбирлар | 2017 йил 1 декабрга қадар | Вазирлар Маҳкамаси *(А. Арипов)*, Меҳнат вазирлиги *(А. Хаитов)*, АҚҲМИ *(Ф. Мухамедов)*, Молия вазирлиги *(Б. Ходжаев)*, вазирлик ва идоралар |

Изоҳ: норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг турлари уларни тайёрлаш жараёнида лойиҳага киритилаётган масалалар доирасига қараб ўзгартирилиши (бир ҳужжатга бирлаштирилиши) мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармонига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини амалга ошириш бўйича комиссия**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | А.Н. Арипов | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Комиссия раиси |
| 2. | О.Б. Муродов | — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Комиссия раиси ўринбосари |
| 3. | Р.В. Абдукадиров | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси, Комиссия раиси ўринбосари |
| 4. | И.Б. Абдуллаев | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори |
| 5. | Ш.М. Садиков | — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори |
| 6. | М.М. Икрамов | — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси |
| 7. | Р.С. Касимов | — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори |
| 8. | Ф.Э. Мухамедов | — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори |
| 9. | Б.А. Ходжаев | — Ўзбекистон Республикаси молия вазири |
| 10. | А.Х. Камилов | — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири |
| 11. | Г.К. Саидова | — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири |
| 12. | А.К. Шадманов | — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири |
| 13. | Р.К. Давлетов | — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири |
| 14. | У.И. Иноятов | — Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири |
| 15. | И.У. Маджидов | — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири |
| 16. | Б.С. Сайфуллаев | — Ўзбекистон Республикаси маданият вазири |
| 17. | Ш.Х. Шерматов | — Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири в.б. |
| 18. | А.И. Ахмедхаджаев | — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси |
| 19. | Ш.Х. Ахмаджанов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори |
| 20. | Е.С. Каньязов | — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари — Тошкент давлат юридик университети ректори |
| 21. | М.Ш. Истамов | — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари |
| 22. | А.И. Икрамов | — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси. |

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармонига
4-ИЛОВА

**Давлат бошқаруви тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича йиғма гуруҳ ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | О.Б. Муродов | — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Йиғма гуруҳ раҳбари |
| 2. | М.М. Икрамов | — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси, Йиғма гуруҳ раҳбари ўринбосари |
| 3. | Р.К. Давлетов | — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири, Йиғма гуруҳ раҳбари ўринбосари |
| 4. | Б.М. Мавлонов | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари |
| 5. | Ш.Я. Исмаилов | — Ўзбекистон Республикаси Президенти девони сектор мудири |
| 6. | Ф.Э. Мухамедов | — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори |
| 7. | Ё.Д. Умаров | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, банк ва молия тизимларини ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари ЙАТД мудири |
| 8. | К.С. Ризаев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари АТД мудири |
| 9. | Ф.А. Кадиров | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари АТД мудири |
| 10. | И.Р. Махкамов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари АТД мудири |
| 11. | А.Э. Равшанов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари АТД мудири |

| | | |
|---|---|---|
| 12. | Ж.Т. Мирзамахмудов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари АТД мудири |
| 13. | А.В. Рафиков | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари АТД мудири |
| 14. | А.А. Джурабаев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари АТД мудири |
| 15. | Н.Б. Сайфуллаев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва туризм масалалари АТД мудири ўринбосари |
| 16. | К.А.Юлдашев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, архив иши, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари шўъбаси мудири |
| 17. | Э.Ф. Гадоев | — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари |
| 18. | Ж.А. Арипов | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси директорининг биринчи ўринбосари |
| 19. | Н.М. Рустамбеков | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи |
| 20. | У.С. Мухамедов | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи |
| 21. | Ж.К. Сотиболдиев | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи |
| 22. | А.М. Мусаев | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 23. | И.Г. Никонов | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 24. | Х.К. Мадримов | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 25. | Б.Б. Рахматов | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори |
| 26. | С.К. Бердиев | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори. |

Изоҳ: Йиғма гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

## Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, банк ва молия тизимларини ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 1-ишчи гуруҳ ТАРКИБИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Ж.А. Кучкаров | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари |
| 2. | В.А. Голишев | — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари |
| 3. | Д.С. Касимов | — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил |
| 4. | К.В. Акмалов | — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси ўринбосари |
| 5. | Ё.Д. Умаров | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иқтисодий ривожлантириш, таркибий ўзгартиришлар, банк ва молия тизимларини ислоҳ қилиш, эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари ЙАТД мудири |
| 6. | А.И. Хамрокулов | — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бош инспектори |
| 7. | Э.Т. Жураев | — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси етакчи инспектори |
| 8. | А.Я. Хайдаров | — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари |
| 9. | Д.Д. Асамов | — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари |
| 10. | Д.Б. Юнусов | — Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси ўринбосари |
| 11. | Ш.Х. Ахмаджанов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти директори |
| 12. | Д.Х. Пулатов | — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик бошлиғининг биринчи ўринбосари |
| 13. | Д.Ш. Султанов | — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ижрочи директори |
| 14. | Б.Э. Нурматов | — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув маркази директори |
| 15. | И.К. Жасимов | — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 16. | Х.Х. Рахматуллаев | — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бош бошқарма бошлиғи |

17. Ж.К. Сотиболдиев — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи
18. О.А. Бутаев — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департамент бошлиғи
19. Ш.Т. Каралиев — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департамент бошлиғи
20. Н.Б. Дехконов — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки департамент бошлиғи
21. А.А. Гиёсов — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бош бошқарма бошлиғи ўринбосари
22. А.У. Турмухамедов — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи
23. Р.Х. Кушаев — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи
24. Ш.У. Хайдаров — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи
25. А.А. Хайдаров — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бошқарма бошлиғи
26. А.В. Аллаберганов — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи
27. Т.Н. Набиев — Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи
28. Р.Р. Бойжуманов — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари
29. Б.Ю. Казакбаева — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари
30. Ш.Д. Джанимов — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари
31. А.Р. Умаров — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари
32. А.Э. Урунов — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги бўлим бошлиғи
33. Н.А. Абдурахимов — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори
34. Б.Р. Рахматуллаев — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори.

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

**Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 2-ишчи гуруҳ**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | К.К. Куранбаев | — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ишчи гуруҳ раҳбари |
| 2. | У.У. Азизов | — Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари |
| 3. | М.Р. Балтабаев | — Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги бош директори |
| 4. | А.А. Джурабаев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари АТД мудири |
| 5. | Б.С. Юлдашев | — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президенти |
| 6. | У.Ш. Бегимкулов | — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари |
| 7. | А.Д. Ходжаев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 8. | А.Т. Юсупов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси |
| 9. | Т.Р. Касимов | — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бош инспектори |
| 10. | У.М. Хасанбаев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси ўринбосари |
| 11. | К.К. Хакбердиев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори ўринбосари |
| 12. | Ф.Х. Ризаев | — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари |
| 13. | А.Д. Ортиков | — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари |
| 14. | Б.Ж. Ражабов | — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош бошқарма бошлиғи |
| 15. | Д.М. Кенжаев | — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бош бошқарма бошлиғи |
| 16. | С.С. Сейткамолов | — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 17. | Х.Ж. Даминов | — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 18. | У.С. Худайбердиев | — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бошқарма бошлиғи |

19. Ш.А. Каримов — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бошқарма бошлиғи
20. А.К. Муталиев — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги сектор бошлиғи
21. С.Н. Шарипов — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бўлим бошлиғи
22. С.С. Шерханов — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита бўлим бошлиғи
23. О.М. Бобоев — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бўлим бошлиғи
24. У.С. Норалиев — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бўлим бошлиғи
25. К.И. Нигматов — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори
26. А.М. Рустамбаев — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори.

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

## Маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 3-ишчи гуруҳ ТАРКИБИ

1. Ш.М. Садиков — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори, Ишчи гуруҳ раҳбари
2. Х.М. Султанов — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари
3. Н.Б. Сайфуллаев — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари бўйича АТД мудири ўринбосари
4. Ш.Х. Шерматов — Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири в.б.
5. У.А. Кадиров — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бош инспектори
6. А.Н. Файзуллаев — Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори
7. М.К. Бободжонов — Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори ўринбосари

| | | |
|---|---|---|
| 8. | Д.Л. Кучарова | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бош директори ўринбосари |
| 9. | Н.С. Тураходжаев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази директори |
| 10. | А.К. Кучимов | — Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот агентлиги директори |
| 11. | Ф.Ш. Зокиров | — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бош директори |
| 12. | А.У. Гулямов | — «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси директори |
| 13. | А.А. Абдуазизов | — А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори |
| 14. | Ф.Э. Ташмухамедов | — Ўзбекистон Бадиий академияси раиси ўринбосари |
| 15. | Б.А. Гулямов | — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 16. | Ш.С. Ёлдошов | — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 17. | М.М. Юлдошев | — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 18. | Г.К. Режабов | — Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 19. | О.А. Рахматов | — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси бошқарма бошлиғи |
| 20. | Ф.Х. Аминов | — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси бошқарма бошлиғи |
| 21. | Ш.Г. Алиханов | — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси бошқарма бошлиғи |
| 22. | М.Х. Калконова | — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси бўлим бошлиғи |
| 23. | А.У. Менглиев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги бўлим бошлиғи |
| 24. | А.Р. Мансуров | — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бўлим бошлиғи ўринбосари |
| 25. | К.С. Нишонова | — К. Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти кафедра мудири |
| 26. | М.Н. Мамаюсупов | — Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги юрисконсульти |
| 27. | Б.Р. Шомуродов | — Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бўлим иқтисодчиси |
| 28. | К.М. Очилов | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори |
| 29. | А.С. Ахатов | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори. |

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

**Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 4-ишчи гуруҳ**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | А.Н. Юнусходжаев | — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Ишчи гуруҳ раҳбари |
| 2. | Т.К. Нарбаева | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари |
| 3. | К.С. Ризаев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари АТД мудири |
| 4. | А.Х. Тухтаев | — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси бош инспектори |
| 5. | Б.К. Юсупалиев | — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари |
| 6. | Б.Т. Кучкаров | — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси |
| 7. | Р.Ж. Курбанов | — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси |
| 8. | М.М. Дусмуратов | — «Ўзфармсаноат» ДАК бошқарув раиси |
| 9. | А.А. Камилов | — «Дори-дармон» АК бошқарув раиси |
| 10. | Р.Р. Азимов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари АТД бош мутахассиси |
| 11. | Ф.Р. Шарипов | — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош бошқармаси бошлиғи |
| 12. | Ш.Ф. Султонов | — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси Давлат сертификатлаштириш маркази директори |
| 13. | У.О. Мамадалиев | — Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 14. | Н. Шакиров | — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 15. | А.З. Жайнаров | — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи |

16. Ш.Х. Мансуров — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бош мутахассиси
17. Ш.К. Алимардонов — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бош мутахассиси
18. А.Ф. Рахматов — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори
19. Б.Р. Саидбеков — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори.

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

**Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция дастурлари шакллантирилиши ва амалга оширилиши мониторингини ҳамда чет эл инвестицияси жалб этилишини мувофиқлаштириш, ташқи иқтисодий фаолиятни, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 5-ишчи гуруҳи**

**ТАРКИБИ**

1. А.Ж. Раматов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари
2. М.Б. Жуманиязов — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари АТД мудири
3. С.С. Аннакличев — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Инвестиция дастурлари шакллантирилиши ва амалга оширилиши мониторингини мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари АТД мудири
4. Ф.А. Кадиров — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо фаолиятини, иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари АТД мудири
5. А.Б. Хашимов — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси етакчи инспектори
6. Ж.А. Вахобов — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари
7. С.Х. Бекенов — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари

| | | |
|---|---|---|
| 8. | Б.Я. Раимов | — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 9. | Ш.Ш. Шарахметов | — Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари |
| 10. | Ш.А. Вафаев | — Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори |
| 11. | А.А. Василов | — «Ўзсаноатэкспорт» АЖ бошқарув раисининг ўринбосари |
| 12. | О.Ш. Максудов | — «Ўзсаноатэкспорт» АЖ бошқарув раисининг ўринбосари |
| 13. | Н.С. Саматов | — «Ўзтрейд» АЖ бошқарув раисининг ўринбосари |
| 14. | О.З. Зайниддинов | — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бош бошқарма бошлиғи |
| 15. | М.М. Азимов | — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 16. | Б.В. Азизов | — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 17. | А.Э. Мирсаидов | — Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 18. | Р.И. Хабибов | — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 19. | Ж.Д. Нурматов | — «Ўзтрейд» АЖ бошқарма бошлиғи |
| 20. | Д.И. Пирматова | — «Ўзтрейд» АЖ бўлим бошлиғи |
| 21. | Ф.А. Мирзарахимов | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори |
| 22. | У.Ю. Гаффаров | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори. |

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

**Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 6-ишчи гуруҳ**

**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | А.Ж. Раматов | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари |
| 2. | И.Р. Махкамов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари АТД мудири |
| 3. | С.А. Мирзаев | — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси етакчи инспектори |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 4. | К.М. Арипов | — | Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари |
| 5. | А.А. Абдувалиев | — | Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси раиси |
| 6. | М.А. Аллабергенов | — | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси директори |
| 7. | А.А. Махамадиев | — | «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бошқарув раиси ўринбосари |
| 8. | Т.Р. Уразаев | — | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «ЎзИнжиниринг» Республика лойиҳа институти директори в. б. |
| 9. | А.М. Нурматов | — | Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 10. | М.Т. Холходжаев | — | Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 11. | Г.С. Магай | — | Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 12. | Ф.А. Раджапов | — | Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 13. | Л.Б. Косимова | — | «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бошқарма бошлиғи |
| 14. | Р.П. Юсупов | — | «Ўзбеккўмир» АЖ бошқарма бошлиғи |
| 15. | З.З. Умаров | — | «Ўзбеккўмир» АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 16. | Р.Н. Гафуров | — | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ малака ошириш маркази директори ўринбосари |
| 17. | А.Н. Касимов | — | Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлим бошлиғи |
| 18. | Х.Х. Очилов | — | Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи |
| 19. | Б. Садиков | — | Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси бўлим бошлиғи |
| 20. | Б.К. Адилов | — | Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги бўлим бошлиғи |
| 21. | Б.О. Мухамеджанов | — | Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси юрисконсульти |
| 22. | Б.Н. Холматов | — | Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги бўлим бошлиғи ўринбосари |
| 23. | С.В. Вовченко | — | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси бўлим бошлиғи ўринбосари |
| 24. | З.М. Миркодиров | — | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бўлим бошлиғи |
| 25. | У.С. Турдиев | — | «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бўлим бошлиғи |
| 26. | Ш.Н. Холиков | — | «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бўлим бошлиғи |
| 27. | Б.А. Аллабергенов | — | «Ўзқурилишматериаллари» АЖ бўлим бошлиғи |
| 28. | А.А. Бойкулов | — | Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бош мутахассиси |

| | | |
|---|---|---|
| 29. Л.М. Кабулова | — | Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бош мутахассиси |
| 30. М.М. Иногамов | — | Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси бош мутахассиси |
| 31. Н.С. Камбарова | — | Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси бош мутахассиси |
| 32. У.А. Хусанов | — | «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК етакчи мутахассиси |
| 33. Т.Б. Ризаев | — | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси етакчи мутахассиси |
| 34. Н.Т. Валиев | — | Ўзбекистон Республикаси Темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси инспектори |
| 35. Б.Б. Мейлиев | — | Тошкент шаҳар уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи |
| 36. А.Р. Файзиев | — | Тошкент шаҳар уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи |
| 37. Э.А. Хайруллаев | — | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори |
| 38. И.И. Кадиров | — | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори. |

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

## Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 7-ишчи гуруҳ ТАРКИБИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. З.Т. Мирзаев | — | Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари |
| 2. А.Э. Равшанов | — | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири |
| 3. А.Ш. Мухамеджанов | — | Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси етакчи инспектори |
| 4. Г.К. Курбонов | — | Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси ўринбосари |

| | | |
|---|---|---|
| 5. | А.Я. Мансуров | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори |
| 6. | А.А. Махмудалиев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси бошлиғи ўринбосари |
| 7. | У.А. Ахунов | — «Ўзагрокимёҳимоя» АЖ бошқарув раиси |
| 8. | Ш.Э. Шералиев | — «Ўзбекчармпойабзали» ассоциацияси раиси в.б. |
| 9. | А.У. Камбаров | — «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК раиси ўринбосари |
| 10. | А.А. Абдуллаев | — «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК раиси ўринбосари |
| 11. | А.А. Сапаев | — «Ўзагроэкспорт» бош директори ўринбосари |
| 12. | М.М. Зохидов | — «Ўзбекчармпойабзали» ассоциацияси раиси ўринбосари |
| 13. | Ф.Д. Киргизбоев | — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи |
| 14. | А.Х. Алимов | — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 15. | Х.М. Талипов | — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 16. | Б.Э. Шерматов | — Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 17. | М.А. Балиев | — Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 18. | А.Э. Балтаев | — Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси бошқарма бошлиғи |
| 19. | М.Ч. Косимов | — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 20. | О.О. Собиров | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси директори |
| 21. | Б.Т. Юсупов | — Ўзбекистон Фермерлар кенгаши раиси |
| 22. | Д.М. Ризаева | — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бўлим бошлиғи |
| 23. | И.Ф. Хамраев | — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси бўлим бошлиғи |
| 24. | Р.А. Гуляев | — «Пахтасаноат илмий маркази» АЖ бош директори |
| 25. | А.А. Хакимов | — «Ҳунарманд» уюшмаси раиси |
| 26. | И.К. Собиров | — «Ўзпахтасаноатэкспорт» ХК бошқарма бошлиғи |
| 27. | Б.Б. Мухаммадсаидов | — «Ўзбекенгилсаноат» АЖ бошқарма бошлиғи |
| 28. | Ж.А. Рустамбеков | — «Ўзбекенгилсаноат» АЖ бошқарма бошлиғи |
| 29. | Н.А. Вапаев | — «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК бошқарма бошлиғи |
| 30. | А.А. Мухиддинов | — «Ўзбекенгилсаноат» АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари |

| | | |
|---|---|---|
| 31. | Р.М. Муродов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази гуруҳ бошлиғи |
| 32. | Б.З. Собиров | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази бўлим бошлиғи |
| 33. | Р. Мирсаидов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техника ва технологияларни сертификатлаш ва синовдан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Давлат маркази бўлими бошлиғи |
| 34. | Ш.У. Саидов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти бўлим бошлиғи |
| 35. | О.Х. Аминов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти бўлим бошлиғи |
| 36. | Д.Д. Зуфарова | — «Ўзбекчармпойабзали» ассоциацияси бўлим бошлиғи |
| 37. | Ш.А. Тожибоев | — «Ўзмелиомашлизинг» ЛК бўлим бошлиғи |
| 38. | Б.Б. Донаев | — «Ўзбекозиқовқатхолдинг» ХК бўлим бошлиғи |
| 39. | М.Ж. Шайматов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси юристконсульти |
| 40. | Ч.Р. Кодиров | — Ўзбекистон Фермерлар кенгаши бош ҳуқуқшуноси |
| 41. | Ш.С. Хужаназаров | — «Ўздонмаҳсулот» АЖ етакчи юристконсульти |
| 42. | И.Г. Саидов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги техника ва технологияларни сертификатлаш ва синовдан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Давлат маркази юристконсульти |
| 43. | М.Ш. Норбоев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат харидни ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси бош мутахассиси |
| 44. | М.М. Миркомилов | — «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси бош мутахассиси |
| 45. | Б.Х. Бегматов | — «Ўзмелиомашлизинг» ЛК бош мутахассиси |
| 46. | С. Хуррамов | — Ўзбекистон Фермерлар кенгаши уюшмаси Тошкент вилоят ҳудудий бўлими ҳуқуқшуноси |
| 47. | К.О. Исмоилхужаев | — Ўзбекистон овчилик ва балиқчилик уюшмаси мутахассиси |
| 48. | М. Юлдашев | — Ўзбекистон овчилик ва балиқчилик уюшмаси мутахассиси |
| 49. | А.Н. Норбоев | — «Ўздонмаҳсулот» АК бошқарма катта технологи |

50. А.А. Коткова — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси инспектори
51. Б.А. Абдувалиев — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари
52. У.Х. Каримов — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори
53. У.М. Алоев — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори.

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

**Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 8-ишчи гуруҳи**
**ТАРКИБИ**

1. Г.И. Ибрагимов — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари
2. Ж.Т. Мирзамахмудов — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари АТД мудири
3. Х.А. Латипов — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси етакчи инспектори
4. М.М. Мирзаев — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари
5. А.Х. Хурсанов — «Ўзметкомбинат» АЖ бош директори
6. А.А. Абдуллаев — «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув раиси
7. А.А. Сангинов — «Ўзбекгидроэнерго» АЖ директори
8. Ф.Б. Максумов — «Олмалиқ КМК» АЖ бош директорининг биринчи ўринбосари
9. Н.К. Джулибеков — «Навоий КМК» ДК бош директори ўринбосари
10. Х.А. Омонов — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бошқарма бошлиғи
11. А.Б. Холиков — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бошқарма бошлиғи
12. Т.Э. Мавлянов — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бошқарма бошлиғи
13. Ш.Т. Жураев — «Саноатгеоконтехназорат» ДИ бошқарма бошлиғи
14. Х.У. Зокиров — «Ўзбекнефтегаз» АЖ бошқарма бошлиғи

| | | |
|---|---|---|
| 15. | Д.Б. Носиров | — «Ўзбекэнерго» АЖ бошқарма бошлиғи |
| 16. | А.Х. Мубораков | — «Ўзбекэнерго» АЖ бошқарма бошлиғи |
| 17. | А.И. Усмонов | — Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бўлим бошлиғи |
| 18. | О.Б. Муротов | — Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бўлим бошлиғи |
| 19. | Ш.Ф. Сагдиев | — «Саноатгеоконтехназорат» ДИ бўлим бошлиғи |
| 20. | С.С. Якуббеков | — «Саноатгеоконтехназорат» ДИ бўлим бошлиғи |
| 21. | Б.М. Эркаев | — «Ўзбекэнерго» АЖ бўлим бошлиғи |
| 22. | Г.Н. Абдуллаев | — «Ўзкимёсаноат» АЖ бўлим бошлиғи |
| 23. | А.Н. Абдурахимов | — «Ўзбекнефтегаз» АЖ юрисконсульти |
| 24. | Д.Э. Нарсиддиков | — «Ўзбекнефтегаз» АЖ бош мутахассиси |
| 25. | О.Л. Миркцина | — Ўзбекистон Республикаси Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси етакчи мутахассиси |
| 26. | О.Х. Жураев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси етакчи мутахассиси |
| 27. | И.Т. Алимхужаев | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси мутахассиси |
| 28. | Р.С. Маннонов | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси мутахассиси |
| 29. | М.М. Ходжаев | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори. |

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

## Машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш соҳасида давлат бошқарув тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 9-ишчи гуруҳи ТАРКИБИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Н.С. Отажонов | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ишчи гуруҳ раҳбари |
| 2. | А.В. Рафиков | — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Машинасозлик, автомобиль ва электротехника саноатини |

ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари АТД мудири

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. | У.У. Ялгашев | — | Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси етакчи инспектори |
| 4. | М.М. Курбанов | — | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси раиси |
| 5. | Д.Д. Асомов | — | Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари |
| 6. | С.С. Сайдаминов | — | «Ўзагротехмаш» АЖ бош директори |
| 7. | Х.У. Имамов | — | «Ўзагролизинг» АЖ директори |
| 8. | М.А. Хакимов | — | «Ўзагросервис» АЖ бош директори в. б. |
| 9. | М.Р. Хошимов | — | «Ўзэлтехсаноат» АК раиси ўринбосари |
| 10. | З.Г. Аманов | — | Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бошқарма бошлиғи |
| 11. | О.З. Тохиров | — | Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бошқарма бошлиғи |
| 12. | М. Турсунов | — | «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқарма бошлиғи |
| 13. | Х.Н. Акилов | — | «Ўзавтосаноат» АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 14. | А.А. Абдукаюмов | — | Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги метрологи |
| 15. | М.М. Гозибоев | — | «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бўлим мутахассиси |
| 16. | Д.Б. Ахмедов | — | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма прокурори |
| 17. | Х.Ш. Шухратжанов | — | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўлим прокурори. |

Изоҳ: Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажариш юклатилган шахслар киритилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

## 980 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, баъзиларини эса ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблаш тўғрисида

«Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2017 йил 12 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 февралдаги ПФ–4966- сонли Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси К.Ф. Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 11 сентябрь,
ПФ–5187-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги
ПФ–5187-сонли Фармонига
1-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида» 1995 йил 5 январдаги ПФ–1030-сонли Фармони 7-бандидаги «Хўжалик судларига» сўзлари «Иқтисодий судларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» 1995 йил

12 майдаги ПФ–1154-сонли Фармони 7-бандидаги «Олий хўжалик суди» сўзлари «Олий суди» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида» 1998 йил 4 мартдаги ПФ–1938-сонли Фармонида:

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «хўжалик низоларини» сўзлари «иқтисодий низоларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий судларига, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларига:

иқтисодий низоларни кўриш жараёнида жиноят аломатлари аниқланган ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабар бериш».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сонли Фармонининг 10-бандидаги «Олий хўжалик суди» сўзлари «Олий суди» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 28 июндаги ПФ–2331-сонли Фармонининг 2-бандидаги «хўжалик судлари» сўзлари «иқтисодий судлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 23 июлдаги ПФ–2342-сонли Фармонининг 5-бандидаги «хўжалик судлари» сўзлари «иқтисодий судлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 30 мартдаги ПФ–3047-сонли Фармони 5-бандининг бешинчи хатбошида «хўжалик суди» сўзлари «иқтисодий суд» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий юрисдикция судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 20 февралдаги ПФ–3400-сонли Фармонида:

а) 4-банднинг ўзбек тилидаги матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4. Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг тузилмаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

б) 1, 2 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тад-

бирлари тўғрисида» 2005 йил 14 июндаги ПФ–3619-сонли Фармони 3-бандининг тўртинчи хатбошида «хўжалик низолари» ва «хўжалик суди ёки ҳакамлик суди» сўзлари «иқтисодий низолар» ва «иқтисодий суд ёки ҳакамлик суди» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 2 августдаги ПФ–4459-сонли Фармонида:

а) 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Қуйидагилар:

Конституциявий суд ва судлар судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари 1 — 4-иловаларга мувофиқ;

Конституциявий суд ва судлар судьялари ҳамда мазкур судлардаги даражали унвонга эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Конституциявий суд ва судларнинг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинсин»;

б) 1-илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Олий суди судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари»;

в) 2-илованинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фуқаролик, жиноят ишлари бўйича судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари»;

г) 3-илова куйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «Шаҳарлар — вилоят марказлари (шаҳар, туманлараро) судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи РАЗРЯДЛАРИ

| Лавозими | Шаҳарлар гуруҳи бўйича разрядлар | |
|---|---|---|
| | 1-гуруҳ | 2-гуруҳ |
| Суд раиси | 17 | 16 |
| Судья | 15 | 14 |

*Изоҳ:*

| *1-гуруҳ* | *2-гуруҳ* |
|---|---|
| *Андижон ш.* | *Гулистон ш.* |
| *Бухоро ш.* | *Жиззах ш.* |
| *Қарши ш.* | *Термиз ш.* |
| *Навоий ш.* | *Урганч ш.* |

| Лавозими | Шаҳарлар гуруҳи бўйича разрядлар | |
|---|---|---|
| | 1-гуруҳ | 2-гуруҳ |
| Суд раиси | 17 | 16 |
| Судья | 15 | 14 |

*Наманган ш.*
*Нукус ш.*
*Самарқанд ш.*
*Фарғона ш.*

»;

д) 4-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Туманлараро, туман, шаҳар судлари судьяларининг Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи РАЗРЯДЛАРИ**

| Лавозими | Разряд |
|---|---|
| Суд раиси | 16 |
| Судья | 14 |

»;

е) 5-илова қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«Конституциявий суд ва судлар судьялари ҳамда мазкур судларнинг даражали унвонга эга бўлган ходимларининг лавозим маошларига алоҳида меҳнат шароитлари учун ойлик устама ҳақ МИҚДОРИ**

| Лавозими | Устама ҳақ миқдори (лавозим маошларига нисбатан фоиз ҳисобида) |
|---|---|
| Конституциявий суд ва Олий суд раислари, раис ўринбосарлари, судьяси | 35 |
| Қорақалпоғистон Республикаси судлари, вилоят, шаҳар, туман, туманлараро судлар раислари, раис ўринбосарлари, судьялари | 50 |
| Конституциявий суд ва судларнинг даражали унвонга эга бўлган ходимлари | 10 |

Изоҳ. Алоҳида меҳнат шароитлари учун ойлик устама ҳақ қонунчиликда белгиланган рағбатлантирувчи қўшимча ва устама ҳақларни ҳисоблашда судьялар ва суд ходимларининг лавозим маошлари таркибига қўшилади.».

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туман ва шаҳар умумий

юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 4 октябрдаги ПФ–4570-сонли Фармонида:

а) номидаги «умумий юрисдикция» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3 ва 4-бандлари, шунингдек 3- ва 4-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 24 апрелдаги ПФ–4720-сонли Фармони 7-бандининг учинчи хатбошидаги «хўжалик судига» сўзлари «иқтисодий судга» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 15 майдаги ПФ–4725-сонли Фармони 4-бандининг иккинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «хўжалик суди» сўзлари «иқтисодий суд» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 19 сентябрдаги ПҚ–183-сонли қарори 3-бандининг иккинчи хатбошидаги «Олий хўжалик суди» сўзлари «Олий суд» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида юридик журналлар тизимини янада ривожлантириш чора- тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 18 октябрдаги ПҚ–203-сонли қарорида:

а) 1-илованинг 2-банди еттинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг 2-банди «Журналларнинг бош таъсисчилари» графасидаги «Олий хўжалик суди» сўзлари чиқариб ташлансин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий препаратлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 31 январдаги ПҚ–272-сонли қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги «хўжалик судларига» сўзлари «иқтисодий судларга» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида» 2006 йил 10 июлдаги ПҚ–407-сонли қарорининг 5-бандидаги «хўжалик» сўзи «иқтисодий» сўзи билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзтрансгаз» акционерлик компанияси фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 8 августдаги ПҚ–438-сонли қарорининг 9-бандидаги «хўжалик судлари» сўзлари «иқтисодий судлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юридик кадрлар тайёр-

лаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сонли қарорида:

а) 9-банднинг биринчи хатбошидаги «Олий хўжалик суди» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 10-банднинг иккинчи хатбошидаги «Олий суди ва Олий хўжалик суди» сўзлари «Олий суди» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 5 мартдаги ПҚ–2142-сонли қарори 1-иловасининг 13-бандидаги «Олий хўжалик судининг» сўзлари чиқариб ташлансин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сонли қарори 8-бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий судига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг, Олий суд Пленумининг қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари юзасидан тушунтиришлар бериш тўғрисидаги қарорларини улар имзоланган кундан эътиборан бир кун ичида электрон шаклда Миллий базага жойлаштириш учун Марказга юбориш тавсия этилсин».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 11 сентябрдаги
ПФ–5187-сонли Фармонига
2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган айрим фармонлари
## РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида» 1999 йил 23 сентябрдаги ПФ–2421-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 14 августдаги ПФ–2682-сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 6 февралдаги ПФ–3023-сонли Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2010 йил 26 апрелдаги ПФ–4214-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий юрисдикция суд-

ларининг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2010 йил 9 сентябрдаги ПФ—4241-сонли Фармони.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий юрисдикция судларининг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2011 йил 6 январдаги ПФ—4263-сонли Фармони.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## 981 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ—3003-сонли қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ—3003-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига илова* мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 12 сентябрь,
ПФ—5190-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

## 982 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ—5106-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ—5106-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг иловага мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси К.К. Куранбаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 14 сентябрь,
ПФ—5191-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги
5191-сон Фармонига
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида» 1997 йил 22 июлдаги ПФ—1822-сон Фармонининг 1-иловасида:

2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

3 — 5-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижти-

моий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ–3678-сон Фармонида:

а) 4-бандда:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Yoshlar» телерадиоканали» акциядорлик жамияти акцияларининг 50 фоизи давлат улуши, қолган 50 фоизи эса Ўзбекистон ёшлар иттифоқи улуши ҳисобланади»;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 5-банднинг ўн саккизинчи хатбошидаги «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 18 майдаги ПФ–3878-сон Фармони 1-бандидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 5 октябрдаги ПФ–4848-сон Фармони иловасининг 35-банди «Масъул бажарувчилар» устунидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармонида:

а) 3-илованинг қирқинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Куранбаев К.К. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси»;

б) 4-илованинг йигирма еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Куранбаев К.К. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси»;

в) 6-илованинг йигирма бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Куранбаев К.К. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирла-

ри тўғрисида» 2017 йил 10 апрелдаги ПФ–5005-сон Фармонининг 2-иловаси 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Куранбаев К.К. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фаолиятини ташкил этиш бўйича тадбирлар ҳақида» 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ–245-сон қарорининг 3-бандида:

а) иккинчи — еттинчи хатбошилар қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Yoshlar» телерадиоканали акциядорлик жамиятининг устав жамғармаси қуйидаги тартибда тақсимлансин:

давлат улуши — 50%;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи улуши — 50%».

б) саккизинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 28 мартдаги ПҚ–608-сон қарорининг 3-бандидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спорти объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 5 майдаги ПҚ–1332-сон қарорининг 3-банди иккинчи хатбошидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 28 декабрдаги ПҚ–2705-сон қарорида:

а) 10-банднинг учинчи хатбошидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 11-банддаги «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 2 февралдаги ПҚ–2752-сон қарорида:

а) 1-илованинг 9-банди «Масъул ижрочилар» устунидаги ««Камолот» ЁИҲ (С. Ашуров)» сўзлари «Ёшлар иттифоқи (К Куранбаев)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Куранбаев К.К. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»

2017 йил 8 февралдаги ПҚ–2761-сон қарорининг рус тили матнидаги 2-иловаси 21-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«21. Куранбаев К.К. — председатель Центрального Совета Союза молодежи Узбекистана».

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2829-сон қарорининг 3-иловаси 4-банди «Масъул ижрочи» устунидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарорида:

а) 4-илованинг 16-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Куранбаев К.К. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси»;

б) 6-илованинг 14-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«14. Куранбаев К.К. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ–2883-сон қарорининг 1-иловаси 7-банди «и» кичик банди учинчи хатбошидаги «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сон қарори 1-иловасининг 16-бандида:

қуйидаги мазмундаги биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси тавсияси асосида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар»;

биринчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сон қарори рус тили матнидаги 1-иловасининг 38 — 40-бандлари «Ответственные исполнители» устунидаги «ОДМ «Камолот» сўзлари «Союз молодежи» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил

21 апрелдаги ПҚ–2916-сон қарорининг рус тили матнидаги 4-иловаси 22 — 27-бандлари «Ответственные исполнители» устунидаги «ОДМ «Камолот» сўзлари «Союз молодежи» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ–3001-сон қарорининг рус тили матнидаги 7-иловаси 54 — 58-бандлари «Ответственные исполнители» устунидаги «ОДМ «Камолот» сўзлари «Союз молодежи» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 июндаги ПҚ–3031-сон қарорида:

а) 1-илованинг 4, 6, 49 — 58, 65, 68, 78-бандлари «Ижро учун масъуллар» устунидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 42-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Куранбаев К.К. — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3051-сон қарорининг рус тили матнидаги 5-иловаси «Курируемые министерства, ведомства и другие организации» рўйхатининг 14-бандидаги «Общественное движение молодежи «Камолот» сўзлари «Союз молодежи Узбекистана»сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг йигирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 20 июндаги Ф–4969-сон фармойишида:

а) 1-илованинг 5, 22, 23, 28 — 30, 34-бандлари «Бажариш учун масъуллар» устунидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг йигирма саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Куранбаев К.К. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 983 Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Импорт ўрнини босадиган ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни олиб кириладиган хом ашё ва материаллар билан таъминлаш бўйича қулай шарт-шароитларни яратиш, шунингдек, аҳолининг истеъмолга нисбатан талаб-эҳтиёжини қондириш мақсадида:

1. 2017 йилнинг 10 сентябридан бошлаб:

товарларнинг айрим турларига нисбатан импорт божи ставкалари 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган акцизга тортиладиган товарларнинг акциз солиғи ставкалари 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2017 йилнинг 10 сентябридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига 3-иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.А. Қўчқоров ва Давлат божхона қўмитаси раиси М.В. Тохирий зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 4 сентябрь,
ПҚ–3254-сон

* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 984 Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўтган давр мобайнида соғлом ва ҳар томонлама ривожланган ўсиб келаётган авлоднинг шаклланишини таъминлашга қаратилган самарали мактабгача таълим тизимини ташкил қилиш бўйича комплекс ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, мавжуд тизимли камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда, хусусан:

биринчидан, мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги ҳолати тизимли муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, мазкур соҳада, шу жумладан, нодавлат секторда замонавий иннновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаяпти;

иккинчидан, мактабгача таълим соҳасига инвестицияларни жалб қилишга, шу жумладан, ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, уларни моддий-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва илғор педагогик технологияларни қўллашга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмлари жорий қилинмаган;

учинчидан, мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг амалдаги ҳолати болаларни мактабгача таълим муассасалари билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермаяпти, мамлакатда аҳоли сонининг ўсиши айрим мактабгача таълим муассасаларининг ҳаддан ташқари бандлигига олиб келмоқда;

тўртинчидан, миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болаликдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) материаллар ва бадиий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермайди;

бешинчидан, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмайди;

олтинчидан, мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимининг паст даражада эканлиги малакали кадрларни жалб қилиш имконини бермаяпти;

еттинчидан, мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари ишини ташкил этишдаги камчиликлар болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, шу жумладан, соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича профилактик чора-тадбирлар самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим соҳасидаги фаолияти қониқарсиз деб топилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 январдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарларида, вилоятлар марказларида эксперимент тариқасида давлат-хусусий шериклик шартларида, шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилади:

замонавий ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш мақсадида инвесторларга ер участкалари, бўш турган бинолар, шу жумладан, фаолият юритмаётган ва тарбияланувчилар сони кам бўлган давлат мактабгача таълим муассасаларини беғараз ажратиш;

инвесторларга мактабгача таълим муассасаларини, айниқса шундай муассасаларга юқори эҳтиёж мавжуд ва инфратузилмаси ривожланмаган ҳудудларда ташкил этиш учун зарур бўлган солиқ имтиёзлари ва бошқа преференцияларни, шунингдек, имтиёзли кредитларни тақдим этиш имконияти;

инвесторлар томонидан ваколатли давлат органлари билан 50 йил муддатга тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув асосида лойиҳани амалга ошириш;

инвесторлар томонидан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишувда назарда тутилган шартларга, мактабгача таълим соҳасидаги давлат талабларига, санитария-гигиена нормаларига қатъий риоя этиш, келишув амал қилишининг бутун муддати давомида фаолият йўналишини сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни қабул қилиш, шунингдек, мактабгача таълим муассасалари хизмати нархининг ижтимоий ҳаммабоплигини таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги келишув шартларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уларни бекор қилиш механизмлари.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2018 йилда ўтказилган эксперимент якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг бошқа ҳудудларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

3. Тошкент шаҳрида жойлашган давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари билан сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тўғридан-тўғри шартномалар тузишга эксперимент тариқасида рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Молия вазирлиги,

Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда 2017 йилда ўтказилган эксперимент якунлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига республиканинг бошқа ҳудудларида мазкур амалиётни жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда «Йўл харитаси» деб юритилади) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишига шахсан жавобгардир.

5. Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) 2-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

6. Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мактабгача таълим соҳасидаги қонунчиликни ундаги бўшлиқларни, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан инвентаризация қилиш ва таҳлил этиш;

мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишга, шу жумладан, зарур инфратузилмани яратишга, ходимларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришга, педагогик кадрларни сифатли тайёрлаш ва малакасини оширишга, шунингдек, мактабгача таълимнинг хусусий секторини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш;

мактабгача ёшдаги болаларни уйғун ривожлантириш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сифатли мактабгача таълимни ташкил этишга давлат талабларини қайта кўриб чиқиш;

мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилишнинг амалдаги тартибини, ваколатли давлат органлари фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳолатини танқидий ўрганиш;

мавжуд амалиёт ва илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини лицензиялашнинг соддалаштирилган тартибини жорий этиш, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мактабгача таълим муассасаларини ўқув-тарбиявий адабиётлар билан таъминлаш тизимини таҳлил қилиш;

мактабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини ўрганиш ҳамда сифат талабларига ва санитария-гигиена нормаларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқатлар етказиб беришнинг шаффоф ҳамда соддалаштирилган тизимини яратиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мактабгача таълим соҳасида қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш ама-

лиётини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

7. Комиссия (А.Н.Арипов):

«Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш давомида ушбу қарорнинг 6-банди билан юклатилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин;

«Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чорак якуни бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида умумлаштирилган ахборот киритилишини таъминласин.

8. Комиссияга юклатилган вазифаларни сифатли бажариш учун вазирликлар ва идоралар мутахассисларини, республиканинг илмий ва таълим муассасалари вакилларини, шунингдек, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг экспертларини белгиланган тартибда жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

9. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Комиссияга юклатилган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Тошкент, Нукус шаҳарлари, вилоятлар марказларида мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни амалга оширишнинг механизмини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н. Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 9 сентябрь,
ПҚ–3261-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ–3261-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича**
**«ЙЎЛ ХАРИТАСИ»**

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш ва мактабгача таълим муассасаларини малакали кадрлар билан тўлдириш** | | | | |
| 1. | Мактабгача таълим муассасаларини назорат қилиш ва бошқариш бўйича мустақил орган яратиш орқали Халқ таълими вазирлигининг ташкилий-штат тузилмаси, вазифа ва функцияларини бутунлай қайта кўриб чиқишга қаратилган **мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқарув тизимини такомиллаштириш**. | 1. Мактабгача таълимнинг бошқаруви соҳасида хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибасини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини ташкил этиш.<br>2. Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>3. Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссияга (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) лойиҳани киритиш. | 2017 йил 1 декабрга қадар | Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, вазирликлар ва идоралар |
| 2. | **Мактабгача таълим соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.** | 1. Мактабгача таълим соҳасида банд бўлган педагогик таркибни ўрганиш, мамлакат ҳудудлари кесимида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш.<br>2. Кадрлар сиёсатини амалга ошириш, мактабгача таълим мутахассислари резервини шакллантириш ва малака ошириш курсларида тизимли ўтишини таъминлаш соҳасида хорижий давлатлар қонунчилигини таҳлил қилиш ва илғор тажрибасини ўрганиш.<br>3. Педагогик олий таълим муассасаларига (бакалавриат, магистратура) «Мактабгача таълим бўйича педагог» мутахассислиги бўйича қабул квотасини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва Комиссияга киритиш. | 2017 йил 1 ноябрга қадар | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги |
| 3. | **Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш ва бўш ўринлар мавжуд бўлмаганда,** шу жумладан, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) давлат интерактив хизматларини жорий этиш орқали **навбатга қўйиш тартибини такомиллаштириш.** | 1. Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш тартибини танқидий ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш.<br>2. Давлат мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқиш: | 2017 йил 1 ноябрга қадар | Халқ таълими вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | қабул тўғрисида электрон аризаларни бериш, навбатни онлайн тартибда кузатиб бориш имконияти орқали замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жалб қилиш;<br>давлат мактабгача таълим муассасаларининг фаолияти, уларнинг рейтинги ва ўқув-тарбиявий жараёнининг таркиби билан танишиш учун ягона электрон ахборот майдонини яратиш.<br>3. Болаларни қабул қилиш тартибини такомиллаштиришни, шу жумладан, мазкур соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини босқичма-босқич жорий этишни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>4. Комиссияга чора-тадбирлар дастури лойиҳасини киритиш. | | |
| 4. | **Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни яхшилаш** | 1. Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини қайта кўриб чиқиш.<br>2. Давлат мактабгача таълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимини, шу жумладан, болалар гуруҳлари (5 дан 6-7 ёшгача) тарбиячиларининг лавозим маошини умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларининг лавозим маошига тенглаштириш, шунингдек, рағбатлантириш механизмларини ташкил этиш йўли билан такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.<br>3. Комиссияга тегишли таклифларни киритиш. | 2017 йил 1 октябрга қадар | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги |
| 5. | **Ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан мактабгача таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.** | 1. Мактабгача таълим муассасаларида, шу жумладан, нодавлат муассасаларда болаларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини танқидий ўрганиш.<br>2. Комиссияга тегишли таклифларни киритиш. | 2017 йил 1 октябрга қадар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги |
| 6. | **Сифатли ўқув-методик ва дидактик материаллар (шу жумладан, ўйинлар ва ўйинчоқлар) ва бадиий адабиётларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, мактабгача ёшдаги болалар учун мўлжалланган босма материалларни турли тилларда ишлаб чиқишнинг бозори ва турларини ривожлантириш.** | 1. Республикада мактабгача таълим учун ишлаб чиқилган, шунингдек, мактабгача таълим муассасаларида фойдаланилаётган ўқув-методик ва дидактик адабиётларни инвентаризациядан ўтказиш.<br>2. Импорт қилинаётган босма материаллар бозорини ўрганиш.<br>3. Турли имтиёз ва префернцияларни тақдим қилиш орқали хусусий инвестицияларни кенг жалб қилган ҳолда | 2017 йил 1 декабрга қадар | Халқ таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Маънавият ва маърифат» маркази |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | мактабгача таълим учун ўқув-методик ва дидактик адабиётларни тайёрлаш, экспертиза қилиш ва чоп этиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.<br>4. Комиссияга чора-тадбирлар дастурини киритиш. | | |
| 7. | **Мактабгача таълим муассасасининг намунавий Устави, шунингдек мактабгача таълим муассасаси ва ота-оналар ўртасидаги намунавий шартнома қоидаларини такомиллаштириш.** | 1. Амалдаги мактабгача таълим муассасасининг намунавий Устави, мактабгача таълим муассасаси ва ота-оналар ўртасидаги намунавий шартнома қоидаларини танқидий ўрганиш.<br>2. Комиссияга тегишли таклифларни киритиш. | 2017 йил 1 октябрга қадар | Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Бош прокуратура |
| **II. Давлат мактабгача таълим муассасаларининг инфратузилмаси ва моддий-техник таъминотини яхшилаш** | | | | |
| 8. | **Давлат мактабгача таълим муассасаларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш, уларнинг моддий-техник жиҳозланиши аҳволини ўрганиш, янги мактабгача таълим муассасаларига**, шу жумладан, турар жой массивлари ва кўп қаватли уйларнинг қурилиши бўйича давлат дастурлари амалга оширилаётганлигини ҳисобга олган ҳолда **реал эҳтиёж мавжуд бўлган ҳудудларни аниқлаш**. | 1. Республика ҳудудларидаги давлат мактабгача таълим муассасаларини инвентаризациядан ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар таркибларини тасдиқлаш.<br>2. Ҳар бир мактабгача таълим муассасаси жойлашган жойга чиққан ҳолда инвентаризациядан ўтказиш.<br>3. Инвентаризация якунларини умумлаштириш ва Комиссияга аниқ таклифлар киритиш. | 2017 йил 1 декабрга қадар | Халқ таълими вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Бош прокуратура, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ергеодезкадастр давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 9. | **Юридик ва жисмоний шахсларга 1991 — 2017 йиллар давомида давлат мактабгача таълим муассасалари бинолари берилиши (сотиш, бепул бериш, бошқача ўзгага берилиши)нинг қонунийлиги ва асослилигини комплекс ўрганиш.** | 1. Ўрганиш ўтказиш учун ишчи гуруҳлар таркибларини тасдиқлаш.<br>2. Давлат мактабгача таълим муассасалари бинолари бегоналаштирилишининг қонунийлиги ва асослилигини ўрганиш.<br>3. Ўрганиш якунларини умумлаштириш ва Комиссияга тегишли таклифларни киритиш. | 2017 йил 1 ноябрга қадар | Халқ таълими вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Ергеодезкадастр давлат қўмитаси, Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар |
| 10. | Хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда **мактабгача таълим муассасалари учун замонавий бинолар қурилишининг норма ва қоидаларини такомиллаштириш.** | 1. Давлат мактабгача таълим муассасаларининг инвентаризацияси натижаларига асосан мактабгача таълим объектлари қурилишининг норма ва қоидаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>2. Мактабгача таълим муассасалари учун замонавий бинолар қурилишининг норма ва қоидаларини тасдиқлашни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2018 йил 1 мартга қадар | Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| | | 3. Қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | | вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 11. | **Янги мактабгача таълим муассасаларининг қурилишига ва амалдагиларини реконструкция қилишга йирик хўжалик юритувчи субъектларни жалб этиш.** | 1. Мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва реконструкция қилишга йирик хўжалик юритувчи субъектларни жалб этиш,инвентаризация натижалари ҳамда янги турар жой массивлари ва кўп қаватли уйлар қурилишига доир давлат дастурларини ҳисобга олган ҳолда чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш учун жалб этилган субъектларга солиқ ва бошқа имтиёзларни тақдим қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>3. Чора-тадбирлар дастурини тасдиқлашни назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва уни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2018 йил 1 апрелга қадар | Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирликлари, Халқ таълими вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари федерациялари Кенгаши, вазирликлар ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, банк муассасалари |
| 12. | **Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини**, энг аввало, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш ҳисобига **ривожлантириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий асосларни яратиш.** | 1. Нодавлат мактабгача таълимни ривожлантириш соҳасидаги хорижий мамлакатларнинг қонунчилигини ва илғор тажрибасини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш.<br>2. Тошкент ва Нукус шаҳарларида, вилоят марказларида нодавлат мактабгача таълимни ривожлантириш, мазкур соҳада давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш механизмларини белгиловчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>3. Қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2017 йил 1 октябрга қадар | Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Нодавлат таълим муассасалари ассоциацияси |
| 13. | **Давлат мактабгача таълим муассасаларининг жорий фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби ва нормаларини такомиллаштириш.** | 1. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш механизмининг самарадорлиги ва оқилоналиги нуқтаи назаридан қонунчиликни танқидий ўрганиш, шунингдек, молиялаштиришнинг энг кам нормаларини аниқлашнинг асослилигини таҳлил қилиш.<br>2. Давлат мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан, молиялаштиришнинг устуворлигини аниқлаштирувчи мезонларни назарда тутувчи таклифларни ишлаб чиқиш.<br>3. Комиссияга тегишли таклифларни киритиш. | 2017 йил 1 октябрга қадар | Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| Т/р | Тадбирларнинг номланиши | Амалга ошириш механизмлари | Амалга ошириш муддатлари | Масъул ижрочилар |
|---|---|---|---|---|
| 14. | Шаффоф марказлаштирилган таъминот тизимини яратиш, етказиб берувчиларнинг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида етказиш ва нарх сиёсатига риоя қилиш бўйича фаолиятини самарали назорат қилишни назарда тутган ҳолда, **давлат мактабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш.** | 1. Қонунчиликни танқидий ўрганиш, болаларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга тўсқинлик қилувчи мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш, шунингдек мазкур соҳада хорижий давлатларнинг илғор ижобий тажрибасини таҳлил қилиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш.<br>2. Давлат мактабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>3. Давлат мактабгача таълим муассасаларини озиқ-овқат билан таъминлашнинг янги тизимини синаб кўриш мақсадида Тошкент шаҳрида жорий этишнинг экспериментал лойиҳасини амалга ошириш.<br>4. Комиссияга эксперимент натижалари асосида ишлаб чиқилган аниқ таклифларни киритиш. | 2017 йил<br>1 октябрга қадар<br><br>2017 йил<br>сентябрь —<br>декабрь<br><br>2018 йил<br>15 январга қадар | Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Бош прокуратура, «Ижтимоий фикр» маркази, вазирликлар ва идоралар |
| 15. | Болаларнинг соғлом жисмоний ривожланиши учун болалар мебелларини тайёрлаш стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 1. Мактабгача ёшдаги болаларнинг соғлом жисмоний ривожланиши учун зарур стандартларни ҳисобга олган ҳолда болалар мебелларини ишлаб чиқариш соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ таркибини тасдиқлаш.<br>2. Мактабгача ёшдаги болалар учун болалар мебелларини тайёрлаш стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>3. Тасдиқланган стандартларга мувофиқ хавфсиз болалар мебелларини миллий ишлаб чиқарувчиларни янада рағбатлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Комиссияга киритиш. | 2017 йил<br>1 октябрга қадар<br><br>2017 йил<br>1 декабрга қадар | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Савдо-саноат палатаси, Нодавлат таълим муассасалари ассоциацияси<br><br>Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, вазирликлар ва идоралар |

Изоҳ: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тури ўзгариши, шунингдек, тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳаси ва предметига боғлиқ ҳолда ягона ҳужжатга бирлашиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ–3261-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Мактабгача таълим тизимини танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия**
**ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Арипов А.Н. | — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Комиссия раиси |
| 2. | Юнусходжаев А.Н. | — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси |
| 3. | Куранбаев К.К. | — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раиси |
| 4. | Садиков Ш.М. | — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори |
| 5. | Икрамов М.М. | — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раиси |
| 6. | Абдуллаев И.Б. | — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори |
| 7. | Иноятов У.И. | — Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири |
| 8. | Шадманов А.К. | — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири |
| 9. | Ходжаев Б.А. | — Ўзбекистон Республикаси молия вазири |
| 10. | Давлетов Р.К. | — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири |
| 11. | Саидова Г.К. | — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири |
| 12. | Маджидов И.У. | — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири |
| 13. | Сайфуллаев Б.С. | — Ўзбекистон Республикаси маданият вазири |
| 14. | Хаитов А.А. | — Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири |
| 15. | Шерматов Ш.Х. | — Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи |
| 16. | Гулямов Р.А. | — Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси |
| 17. | Ахмедходжаев А.И. | — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси |
| 18. | Абдуллаев А.Х. | — Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси |
| 19. | Мухаммадиев У.Н. | — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) |
| 20. | Файзиев З.О. | — «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси раиси |
| 21. | Инамова С.Т. | — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси |
| 22. | Икрамов А.И. | — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси |
| 23. | Мамадалиева Х.Х. | — «Оила» илмий-амалий маркази директори |

| | | |
|---|---|---|
| 24. Мухамедов У.С. | — | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи |
| 25. Джурабаев А.А. | — | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари АТД мудири, Комиссия котиби. |

Изоҳ: Комиссиянинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## 986 Юқори сифатли этил спирти ва ликёр-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Саноат ишлаб чиқаришларини янада модернизация қилиш, этил спирти ва ликёр-арақ маҳсулотларининг замонавий ишлаб чиқаришларини ташкил этиш, алкоголь маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш, унинг сифати ва рақобатдошлигини орттириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, «Ўзвиносаноат-холдинг» АЖнинг:

«Ўзспиртсаноат» АЖга тегишли «Қўқон спирт» АЖнинг 51,01 миқдордаги акцияларини баланс нархи бўйича «Ўзбекистон темир йўллари»АЖнинг устав капиталига давлатнинг улиши сифатида ўтказиш тўғрисидаги;

46,98 фоиз миқдоридаги давлатга тегишли бўлган «Қўқон спирт» АЖнинг акцияларини баланс нархи бўйича давлатнинг улуши сифатида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг устав капиталига ўтказиш тўғрисидаги;

мазкур бандга мувофиқ бериладиган акцияларнинг баланс нархи суммаси ҳисобига «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг устав капиталини ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг:

сўнги авлоднинг илғор технологияларидан фойдаланган ҳолда «Люкс» классдаги спиртидан олий сифатли ликёр-арақ маҳсулотларини қуйиш бўйича «СЕЛЕНА» МЧЖ (Россия Федерацияси) билан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Premium Uzbekistan» (кейинги ўринларда — «Premium Uzbekistan» МЧЖ ҚК) қўшма корхонасини ташкил этиш;

қўшма корхонани «Тошкент механика заводи» АЖ ишлаб чиқариш қувватлари майдонларида жойлаштириш;

«Қўқон спирт» АЖнинг саноат ишлаб чиқаришларини модернизация қилиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

3. Маълумот учун қабул қилинсинки, «Premium Uzbekistan» МЧЖ ҚКнинг бирламчи устав капитали эквиваленти 150,0 минг АҚШ долларини ташкил этади, бундан «СЕЛЕНА» МЧЖнинг улуши 51 фоиз миқдорида ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг улуши 49 фоиз миқдоридаги пул маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

4. Белгилансинки:

Тошкент шаҳрида янги ликёр-арақ заводининг қурилиши «СЕЛЕНА» МЧЖнинг тўғридан-тўғри инвестициялари ҳисобидан амалга оширилади, кейинчалик улар ташкил этилаётган қўшма корхонанинг устав капиталига йўналтирилади;

«Қўқон спирт» АЖни модернизация қилиш «СЕЛЕНА» МЧЖнинг «Ўзбекистон темир йўллари» АЖга ажратиладиган қарзлари ҳисобидан амалга оширилади.

5. Белгилансинки, Тошкент шаҳрида янги ликёр-арақ заводининг қурилиши ва «Қўқон спирт» АЖни модернизация қилиш (кейинги ўринларда — лойиҳалар) 2017 — 2020 йилларда бир босқичли тартибда техник-иқтисодий асос билан бир вақтда амалга оширилади.

6. Лойиҳаларни амалга ошириш доирасида:

Тошкент шаҳрида янги ликёр-арақ заводини қуриш бўйича бош буюртмачи этиб — «Premium Uzbekistan» МЧЖ;

«Қўқон спирт» АЖни модернизация қилиш бўйича бош буюртмачи этиб — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ;

бош лойиҳа ташкилоти этиб — «Ўзагросаноатлойиҳа» МЧЖ;

бош пудратчи ташкилотлар этиб — ихтисослаштирилган пудрат ташкилотларини жалб этган ҳолда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг таркибий тузилмалари белгилансин.

7. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Premium Uzbekistan» МЧЖга лойиҳани амалга ошириш доирасида қуйидагиларга истисно тариқасида рухсат этилсин:

2019 йилнинг 1 январигача қурилиш-монтаж ишларини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан бир вақтнинг ўзида амалга ошириш;

зарур ҳолларда энг мақбул таклифларни танлаб олиш асосида ёки тўғридан тўғри музокаралар олиб бориш йўли орқали, тендер (танлов) савдоларини ўтказмасдан туриб малакали лойиҳалаштирувчилар ва экспертларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни жалб этиш;

энг мақбул таклифларни танлаб олиш асосида товарларни етказиб беришга тендер савдоларини ўтказмасдан туриб ишлаб чиқарувчи заводлар ёки уларнинг расмий диллерлари (дистрибьюторлари) билан шартномалар тузиш;

қурилишда қатнашаётган пудрат ташкилотларига «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг ёқилғи-мойлаш материаллари лимитларидан ажратиш.

8. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Premium Uzbekistan» МЧЖ 2018 йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда Тошкент шаҳрида янги ликёр-арақ заводининг қурилиши ва «Қўқон спирт» АЖни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Premium Uzbekistan» МЧЖ, лойиҳалаштириш ва пудратчи, субпудратчи ташкилотлар 2021 йилнинг 1 январигача лойиҳани амалга ошириш доирасида:

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажариладиганларини ҳисобга олган ҳолда товарлар (ишлар, хизматлар) — қўшимча қиймат солиғидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармасига бўлган мажбурий ажратма ва йиғимлардан;

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан ишлар (кўрсатилган хизматлар)ни бажаришдан олинадиган юридик шахсларнинг даромадлари бўйича фойда солиғидан;

умумий фойдаланиш йўлларидан оғир ва йирик автомобиль воситаларининг ўтиши тўловлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларида лицензия олиш ва сертификациялашдан ўтиш бўйича давлат йиғимлари, божлари ва тўловлардан;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар ва уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар, хом ашё ва материаллар, технологик ҳужжатлар, шунингдек, белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича лойиҳани амалга ошириш доирасида олиб келинадиган металлпрокати — божхона тўловларидан (божхона йиғимларидан ташқари);

тузилган шартномалар шартларига мувофиқ етказиб берилаётган технологик ускуналарни монтаж қилиш ва кафолат муддати бўйича хизмат кўрсатиш даврида хорижий компаниялар томонидан «вақтинча олиб кириш» божхона режимида олиб кириладиган ва расмийлаштириладиган ускуна ва анжомлар, узеллар ва асбоб-ускуналар — муддати билан боғлиқ тўланадиган божхона тўловларидан озод этилсин;

Белгилансинки, лойиҳаларни амалга ошириш доирасида лойиҳа қатнашчиларининг — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва унинг пудратчи ташкилотлари томонидан беғараз асосда топшириладиган мулки қўшилган қиймат солиғи, юридик шахсларнинг даромад солиғи солиққа тортилувчи объект ҳисобланмайди.

10. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ:

уч ой муддатда «Қўқон спирт» АЖни техник аудитдан ўтказилишини таъминласин;

«Қўқон спирт» АЖ билан биргаликда бошқа акциядорлардан акцияларни сотиб олиш мақсадида жамиятнинг акциялари бозор нархини белгиланишини таъминласин;

бир ой муддатда «Қўқон спирт» АЖга қарам бўлган хўжалик жамиятларининг кейинги фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин;

«Қўқон спирт» АЖ билан биргаликда қонун ҳужжатларига мувофиқ акциядорлар аниқланмагани ҳолатида — пул воситалари нотариал идоранинг депозит ҳисобварағига ўтказиб берилиши таъминлансин;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ топшириладиган акциялар нархи суммасига «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг устав капиталида давлатнинг улуши оширилишини таъминласин.

11. «Ўзвинсаноат-холдинг» АЖ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ устав капиталига топширилаётган «Қўқон спирт» АЖнинг 51,01 фоиз акциялар нархи суммасига «Ўзвинсаноат-холдинг» АЖнинг устав капиталида давлатнинг улуши камайтирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзметкомбинат» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖ лойиҳа ҳужжатлари параметрларини ҳисобга олган ҳолда буюртмачи томонидан асосланган ҳисоб-китобларга кўра тўғридан-тўғри шартномалар бўйича ҳамда етарли ҳажмларда цемент ва металлпрокатни — бошқариладиган нархлар бўйича ёқилғи-мойлаш материалларини — келишилган нархларда ажратилиши ва етказиб берилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси (Б.И. Закиров, К.Н. Тўлаганов) белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказилишини ҳамда лойиҳалар бўйича қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш сифати устидан тегишли давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг талабномаларига кўра лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган хорижий мутахассисларга кириш визаларини консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмаган ҳолда расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг талабномаларига кўра лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган хорижий мутахассисларга кўп марталик визаларнинг муддатини узайтириш, шунингдек, вақтинчалик яшаш жойига прописка қилиш ва вақтинчалик прописканинг муддатини узайтиришни давлат божларини ундирмаган ҳолда амалга оширилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» АЖнинг талабномаларига кўра лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган юқори малакали хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар беришни (муддатини узайтириш)ни, шунингдек, кўрсатилган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини олиб бориш ҳуқуқини бера-

диган тасдиқномалар беришни (муддатини узайтириш)ни давлат божи ундирилмаган ҳолда таъминлаб борсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Р.А. Гулямов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 11 сентябрь,
ПҚ–3263-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

## 988 Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тадбирларини тобора амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тижорат банклари билан биргаликда 2017-2018 йилларда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳудудий манзилли дастурларини ишлаб чиқиш таклифи маъқуллансин, уларда қуйидагилар назарда тутилади:

а) муайян меҳнат турлари билан шуғулланиш истаги бўлган кам таъминланган оилаларга уларнинг оилаларини етарли даражада таъминлаш имконини берадиган, тижорат банкларининг махсус Имтиёзли кредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли фоиз ставкаси бўйича қуйидаги мақсадларга микрокредитлар тақдим этиш:

ҳунармандчилик фаолияти учун тикув машиналари, газламалар ва сарфланадиган материаллар, анжомлар, мустақил шуғулланишни таъминлаш учун маиший техника, компьютер ва бошқа техникани, шунингдек турли асбобларни сотиб олиш;

шахсий томорқа участкаларини ривожлантириш (кичик иссиқхоналарни ташкил этиш, чорва моллари, паррандаларни сотиб олиш, қўралар ва паррандахоналарни қуриш, боғдорчилик анжомлари ва асбоб-ускуналарини сотиб олиш), турар жойларни таъмирлаш;

б) оғир уй-жой маиший шароитларда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган оилаларга қуйидаги мақсадлар учун:

уй-жойи бўлмаган ёки авария ҳолатидаги ва жуда эски уйларда яшовчи республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридаги ўрта ҳисобда 2 ва 5 та оилага 2017 ва 2018 йилларда арзон уй-жойларни 10 йил мобайнида давлат ихтиёрига ўтказиш ҳуқуқисиз олиш;

республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридан ўрта ҳисобда 70 тагача оилаларга ҳар йили маиший техника (газ ва электр печлар, холодильниклар, тикув машиналари ва ҳ. к.) ёки бир бошдан қорамол харид қилиш;

оғир касалликлар мавжуд бўлган тақдирда тиббий хизматлар ҳақини тўлаш ва уларнинг ҳақини тўлашга маблағ бўлмаган тақдирда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳридан ўрта ҳисобда 6 тагача кам таъминланган оилаларга беғараз ёрдам кўрсатиш.

2. Белгилансинки, 2017-2018 йилларда аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг ҳудудий манзилли дастурлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

ушбу қарор 1-бандининг «б» кичик бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан маблағларни жамлаш учун очиладиган махсус банк ҳисобварақлари орқали тенг улушларда амалга оширилади;

аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳудудий манзилли дастурларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг сарф-харажатлари 2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобига тенг улушларда қопланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б.А. Ходжаев) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг 2018 йилги ҳудудий манзилли дастурларини молиялаштириш сарф-харажатларини қоплаш манбаларини назарда тутсин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва

меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ—5052-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида Жамоат ишлари жамғармаси ташкил этилди (кейинги ўринларда — Жамоат ишлари жамғармаси).

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (А.А. Хайитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда мамлакатнинг барча минтақаларидаги, хусусан қишлоқ ва олис туманлардаги банд бўлмаган фуқароларни аҳоли пунктлари, маҳаллаларни ободонлаштириш, ариқларни, ирригация шоҳобчаларини тозалаш, уй-жой коммунал хўжалиги объектларини таъмирлаш, инфратузилмани яхшилаш, йўллар ва кўчаларни, уй-жой фонди ва туташ ҳудудлардаги объектларни таъмирлаш бўйича жамоат ишларига, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишларига кенг жалб этиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда жамоат ишларини ташкил этиш тартиби, шунингдек, Жамоат ишлари жамғармаси маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқласин, бунда, банд бўлмаган аҳолини жалб этиш қуйидагича амалга оширилиши назарда тутилсин:

2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг битта туманида эксперимент сифатида;

2018 йилнинг 1 январидан бошлаб эса республиканинг барча туманлари ва шаҳарларида босқичма-босқич амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Б.А. Ходжаев) 2017 йилда жамоат ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш учун Жамоат ишлари жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида 84 млрд сўм ва 2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрларини шакллантиришда 714 млрд сўм бюджет маблағлари ажратилишини назарда тутсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

жамоат ишларига жалб этилаётган жисмоний шахслар Жамоат ишлари жамғармаси маблағларидан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод қилинадилар:

жамоат ишларига жалб этиладиган, Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган жисмоний шахслар меҳнатига тўланган ҳақ сифатида олинган даромадлар ягона ижтимоий тўловга тортилмайди;

ушбу қарор 1-бандининг «б» кичик бандида назарда тутилган беғараз ёрдам уни олувчиларда солиққа тортилмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги 2017-2018 йилларда 14 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақалар тўлаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тарзида кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга

бюджет маблағлари кўпайтирилишини таъминласин, уларни олувчилар контингентини тегишли равишда 1,5 ва 2 баробар кенгайтирсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 14 ёшгача бўлган болалари бор оилаларга нафақалар тўлаш ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришни молиялаштириш учун қўшимча бюджет маблағлари ажратсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молия назорати бош бошқармаси ушбу қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 12 сентябрь,
ПҚ–3268-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**990 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ—5052-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ—3001-сон қарори)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПФ—5052-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 24 майдаги ПҚ—3001-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А.А. Хаитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 8 сентябрь,
703-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 8 сентябрдаги 703-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 21 апрелдаги 202-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 4-сон, 12-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎзА) тўғрисидаги низом 10-бандининг еттинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1992 йил 13 майдаги 235-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1992 й., 5-сон, 18-модда):

а) 2 ва 6-бандларнинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-бандда:

биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш марказларининг» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-иловада:

иккинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошига «иш билан таъминлаш» сўзларидан олдин «аҳолини» сўзи қўшилсин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш тартибини тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 24 июндаги 310-сон қарорига иловада:

а) «Дастурни ишлаб чиқишга доир умумий масалалар» бўлимида:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқлари манфаатларига дахлдор бўлган бандлик масалаларини тартибга солиш бўйича вазифаларни ҳал этиш учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Республика дастури ишлаб чиқилади ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, дастур Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг республика қисмидаги маблағлар ҳисобига амалга оширилади»;

учинчи ва бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказлари ҳокимликлар би-

лан келишган ҳолда дастурлар лойиҳаларини Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бандлик бош бошқармаларига киритадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бандлик бош бошқармалари туманлар (шаҳарлар) бўйича ишлаб чиқилган дастурлар лойиҳаларини кўриб чиқади ва уларни ҳисобга олган ҳолда, ҳокимликларнинг тегишли бошқармалари, манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда, вилоят бўйича ва ҳар бир туман (шаҳар) бўйича дастурларни ишлаб чиқадилар ва дастурларни ишлаб чиқишнинг белгиланган муддатидан (ярим йил, йиллик) 30 кун олдин, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига дастурнинг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан молиялаштириладиган қисмларини келишиш учун тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги 20 кун мобайнида дастурни келишади ва тасдиқлаш учун ҳокимликларга юборади»;

ўн тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси»;

ўн олтинчи хатбошидаги «Бандликка кўмаклашиш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) «Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар» бўлимида:

бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар»;

1-банддаги «Бандликка кўмаклашиш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-бандда:

биринчи — учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бандлик бош бошқармалари туман (шаҳар) ҳокимликлари ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг таклифлари асосида чораклик, ярим йиллик ва йиллик дастурларни ишлаб чиқади.

Дастурлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилгандан сўнг вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга ишлатилиши мумкин»;

ўн биринчи хатбошидаги «Бандликка кўмаклашиш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) «Дастурни амалга ошириш» бўлимида:

биринчи хатбошидаги «меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин»;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«аҳоли бандлиги дастурлари ишлаб чиқилишига методик раҳбарлик қилиш, дастурда назарда тутилган, шунингдек Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига юкланади».

4. Вазирлар Маҳкамаси «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарорида:

а) 2 ва 3-бандлардаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) имтиёзли шартларда белгиланган муддатдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сон рўйхатида:

VIII қисмнинг «а» кичик бандидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Соғлиқни сақлаш» сўзлари билан алмаштирилсин»;

IX қисм қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«IX қисм. Ижтимоий ходимлар**

Кексалар, ногиронлар ва ёлғиз фуқароларга бевосита хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ижтимоий ходимлар».

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элдаги ҳамда хорижий фуқароларнинг республикадаги меҳнат фаолияти тўғрисида» 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 41-модда):

а) 2-банддаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «масалалари» сўзи чиқариб ташлансин;

в) 2-иловада:

5-банддаги «масалалари» сўзи чиқариб ташлансин;

16-банддаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин».

6. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 22 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизими

тўғрисидаги низомнинг 9-бандидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари ва нотариал идоралар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида» 1996 йил 12 апрелдаги 147-сон қарорида:

а) 3-илованинг номидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 28-илованинг 4-бандидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтишлари тартиби тўғрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон қарорига 1-илова 6-бандининг «в» кичик бандидаги ва 10-бандининг бешинчи хатбошидаги «масалалари» сўзи чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 12-сон, 35-модда):

а) 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «Молия» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин»;

учинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) еттинчи банддаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 7-сон, 35-модда) билан тасдиқланган Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисидаги низом 3.12-бандининг биринчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида» 2000 йил 12 июлдаги 267-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 7-сон, 39-модда):

а) 2-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин»;

б) 4-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Дастурнинг бюджет ҳисобидан маблағ таъминланадиган масъул ижрочилари томонидан бажариладиган меҳнатни муҳофаза қилишга доир норма-

тив ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш бўйича ишларни Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлаш жамғармасининг республикага тегишли қисми маблағларидан молиялаштиришга рухсат берилсин»;

в) 5-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин»;

г) 2-илова 22-бандининг тўққизинчи хатбошидаги ва 23-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 13 февралдаги 75-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 2-сон, 11-модда):

а) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«8. Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан ажратмалар, Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигини ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри бандлик ҳудудий бош бошқармаларини молиялаштириш манбалари ҳисобланади»;

б) 9-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин».

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 18 майдаги 223-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 5-сон, 28-модда):

а) қарорнинг номидаги «марказларини» сўзи «бюроларини» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тузилмасида туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузурида филиал шаклида Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюролари ташкил қилинсин»;

3-банднинг биринчи хатбошидаги «марказлари» сўзи «Бюролар» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 4-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «маркази» сўзлари «Бюро» сўзи билан алмаштирилсин;

бешинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроси ҳузурида Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроси ташкил этилаётган туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директорининг расмий тавсияси асосида тегишли ҳудудий меҳнат органи раҳбари томонидан лавозимга тайинланадиган директор раҳбарлик қилади;

Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроси ходимлари ва Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюросида доимий равиш-

да бўладиган шаҳар (туман) ички ишлар бўлимининг масъул ходими меҳнатига ҳақ тўлаш тегишли равишда туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва ички ишлар бўлими томонидан амалга оширилади;

Бюроларни ташкил этиш ва сақлаб туриш, шу жумладан, Бюро ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади»;

саккизинчи хатбошидаги «Марказ» сўзи «Бюро» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги тўққизинчи хатбоши қўшилсин:

«Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроси туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қарори билан ўрнатиладиган ва уларни сақлаш харажатлари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қўшимча ходимлари ҳисобидан бутланади»;

тўққизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги Бюролар ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини бажаришлари устидан қатъий назоратни таъминласинлар, уларнинг вақтинчалик бир марталик иш изловчи фуқароларга нисбатан ўз хизмат мавқеини суиистеъмол қилишларига йўл қўймасинлар»;

г) 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин»;

учинчи хатбошидаги «марказлар» сўзи «бюролар» сўзи билан алмаштирилсин;

д) 1-иловада:

илованинг номидаги ва 1-банддаги «маркази» сўзи «бюро» сўзи билан алмаштирилсин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тузилмасида туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ҳузурида фуқароларнинг вақтинчалик бир марталик меҳнат фаолиятини тартибга солиш мақсадида ташкил этилади»;

3-бандда:

«маркази» сўзи «бюро» сўзи билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бюроларни жойлаштириш вақтинчалик бир марталик ишларга ёллашнинг шаклланган жойлари ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда белгиланади»;

4, 8, 9, 10, $11^2$, 12, 14, 16 ва 17-бандлардаги «марказ» сўзи «бюро» сўзи билан алмаштирилсин;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Бюронинг иш вақти ва тартиби туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг таклифлари бўйича шаҳар, туман ҳокимлиги томонидан мазкур жойда фуқаролар томонидан вақтинчалик бир марталик ишларнинг бажарилиши борасида юзага келган хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда белгиланади. Қоидага кўра, Бюронинг иш вақти соат 6.00 да бошланади, ишни тугатиш вақти соат 16.00. Бюро дам олиш кунларисиз ишлайди.

Заруратга қараб, туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг таклифига кўра туман (шаҳар) ҳокимлиги Бюронинг бошқача иш тартиби ва вақтини белгилаши мумкин»;

6-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан амалга оширилади»;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Марказда ички ишлар органларининг бир нафар ходими доимий равишда ишлайди.

Марказнинг қўшимча ходимларига сарфланадиган харажатлар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Марказда доимий бўлувчи шаҳар (туман) ички ишлар бўлими ходимининг меҳнатига тегишли шаҳар (туман) ички ишлар бўлими томонидан ҳақ тўланади»;

15-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«15. Вақтинчалик бир марталик иш қидираётган фуқароларни ижтимоий-маиший шарт-шароитлар билан таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази директори тадбиркорлик субъектларига Бюро ҳудудидаги бўш турган бино ва майдонларда:

овқатланиш шохобчаси, санитария узеллари, шунингдек ўтирадиган жойларни;

вақтинчалик бир марталик ишларни бажариш учун керак бўладиган инвентарлар ва ускуналарни сотиш ва ижарага бериш шохобчасини ташкил этиш учун белгиланган минимал ижара ставкалари бўйича бериш ҳуқуқига эга»;

е) Намунавий низомга 1-иловадаги «марказ» сўзи «бюро» сўзи билан алмаштирилсин;

ж) 2-илова матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюросининг намунавий ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ»**




* Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш бюроси маҳаллий меҳнат бозорининг конъюнктураси ва вақтинчалик бир марталик ишларнинг мавсумийлигини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қарори билан қўшимча ходимлар ҳисобидан бутланади.».

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишни кучайтириш тўғрисида» 2002 йил 29 мартдаги 106-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 3-сон, 18-модда):

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари орқали ушбу марказларда рўйхатга олинган ишсиз фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш йўли билан ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларнинг уйига бориб ижтимоий ёрдам кўрсатишга жалб этиш топширилсин»;

б) 2-банддаги «бандликка кўмаклашиш марказларининг» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 12-сон, 35-модда):

а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолияти тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин»;

тўртинчи хатбоши ва 2-илова чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидаги «масалалари» сўзи чиқариб ташлансин;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Заруратга кўра Ўзбекистон Республикасининг шаҳарларида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентликнинг Чет элларда ишга жойлаштириш минтақавий бюролари филиаллар шаклида ташкил этилсин»;

қуйидаги таҳрирдаги $2^1$-банд қўшилсин:

«$2^1$. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентликнинг тузилмасини ва штатлари бирлигини ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондини белгилайди»;

в) 4 ва 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентликнинг филиали шаклидаги Чет элларга кетаётган фуқароларни олдиндан кўниктириш ва ўқитиш маркази ташкил қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентлик минтақавий бюроларининг фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратсин;

Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентлик ишининг пухта ташкил этилишини таъминласин ва унинг фаолияти устидан назорат ўрнатсин»;

г) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳукуматлараро, идоралараро шартномалар ва битимлар асосида фақат Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентлик кўмагида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари хусусий меҳнат контрактлари бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга фақат Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентлик томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича чиқиш ҳуқуқига эгадирлар»;

2, 3-бандлардаги, 4-банднинг биринчи хатбошидаги, 5, 6, 7-бандлардаги ва 11-банднинг «д» бандидаги «масалалари» сўзи чиқариб ташлансин;

д) 3-иловада:

номидаги «масалалари» сўзи чиқариб ташлансин;

1-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентлик (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига идоравий мансуб давлат унитар корхонаси ҳисобланади»;

учинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг ўн олтинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат бош бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг қарорига кўра Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентликнинг Фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича минтақавий бюроларини ташкил этиш ва уларни тугатиш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган қарорларига биноан Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентликнинг чет элдаги ваколатхоналарини Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этиш ва уларни тугатиш»;

9-бандда:

биринчи, бешинчи ва еттинчи хатбошилардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Агентлик бошлиғининг Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган ўринбосарлари бўлади»;

12-бандда:

«календарь йил тугагандан кейин» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«13. Қуйидагилар Агентликнинг молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

хўжалик ҳисобидаги фаолиятдан олинган фойда (даромад);

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланган тарифларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет эллардаги меҳнат фаолиятига рухсатномалар расмийлаштирилганлиги, юридик шахсларга хорижий ишчи кучларини жалб этиш учун рухсатномалар берилганлиги (амал қилиш муддати узайтирилганлиги), шунингдек хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонда ишга жойлашиш учун меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тасдиқномалар бе-

рилганлиги (амал қилиш муддати узайтирилганлиги) учун тўлов ҳисобига олинган маблағлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар»;

15-банддаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 15 майдаги 97-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 19-20-сон, 197-модда):

а) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин»;

тўртинчи хатбошидаги «Бандликка кўмаклашиш жамғармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) Меҳнат фаолиятини ва тадбиркорликни амалга ошириш учун чет элларга кетаётган шахслар сонини ҳисоблаб чиқариш бўйича интеграциялашган ахборотларни тайёрлаш ва тақдим этиш модули схемасида:

«Ахборот тақдим этувчи вазирлик, идора» устунида 1, 2 ва 5-қаторлардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Қаерга тақдим этилади» устунида 2 — 4 қаторлардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 24 майдаги 106-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 32-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги ва 3-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

биринчи ва олтинчи хатбошиларидаги, 3.4-бўлимдаги ва 4-бўлимнинг иккинчи, тўртинчи, ўн тўртинчи, йигирма иккинчи хатбошилардаги «бандликка кўмаклашиш марказларининг» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-бўлимнинг тўртинчи хатбошидага «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

3.1-бўлимнинг ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошиларидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

3.3-бўлимнинг ўнинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-бўлимнинг йигирманчи ва йигирма тўққизинчи хатбошиларидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

йигирма саккизинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат бош бошқармалари»

сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

5.1-бўлимда:

ўнинчи банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Туманлар (шаҳарлар) бўйича меҳнат ресурсларининг ҳисоб-китоб баланси тегишли Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан ҳисобот чорагининг охирги ойидан кейинги ойнинг 20-кунидан кечикмай ишлаб чиқилади ва Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларига, шунингдек Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий бошқармаларига юборилади»;

ўн учинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, меҳнат бош бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

5.3-бўлимнинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) «Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини (ишсизларни) ҳудудлар бўйича ҳисоблаб чиқиш методикаси»га 1-илованинг «Ҳисобга олиш шакллари» устунида:

1.4 ва II.2-бандлардаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

2.1 — 2.5, 3.1, II.1, III.3, III.4-бандлардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Касб-ҳунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 13 августдаги 170-сон қарорининг 4-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 85-сон, 32-модда) «Меҳнат» сўзи «Бандлик» сўзи билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июндаги 145-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 26-27 -сон, 253-модда):

а) 1-илованинг «Тасдиқловчи орган» устунидаги 3, 5 ва 7-қаторлардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

«Ахборот тақдим этиш тартиби» устунининг 2 — 4-қаторларидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Ишларни ташкил этиш учун масъул вазирлик, идора» ва «Ахборот тақдим этиш тартиби» устунларининг 5 ва 7-қаторларидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Касаначиликни ташкил этишни такомиллаштириш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг уни ривожлантириш параметрлари бажарилиши юзасидан жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 июлдаги 146-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 7-сон, 33-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

6-бандда:

биринчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Туманлар (шаҳарлар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари корхоналар бўйича касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида корхоналар ва уйида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни амалга оширувчи фуқаролар ўртасидаги кооперацияни мувофиқлаштириш, қўллаб-кувватлаш ва ривожлантириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ишчи комиссиялар (кейинги ўринларда ишчи комиссиялар деб аталади) билан келишган ҳолда касаначиликни ривожлантиришнинг туман (шаҳар) параметрларини ишлаб чиқадилар. Туманлар (шаҳарлар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан касаначиликни ривожлантириш туман (шаҳар) параметрлари тегишли равишда жорий йилнинг 8 январига қадар муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларига тақдим этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари туман (шаҳар) касаначиликни ривожлантириш параметрлари асосида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда касаначиликни ривожлантиришнинг ҳудудий параметрларини ишлаб чиқадилар ҳамда уларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун жорий йилнинг 15 январигача бўлган муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига киритадилар»;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилардаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг учинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, меҳнат бош бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг учинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-бандида «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-бандда:

иккинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, меҳнат бош бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловадаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловадаги:

2 — 4 позициялардаги «бандликка кўмаклашиш марказларининг» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

3, 4, 7 — 10-позициялардаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин»;

3, 4 ва 9-позициялардаги «меҳнат бошқармалари» сўзлари «бандлик бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

3-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банддаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 44-модда) билан тасдиқланган Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 16-бандидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийинчиликларга дуч келаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларини захира қилиш

тартиби тўғрисидаги низомдаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин:

а) 3-банднинг еттинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги, 5-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларидаги, 6-банднинг олтинчи хатбошидаги, 8, 9 ва 12-бандлардаги, 14-банднинг биринчи — учинчи хатбошидаги, 18-банднинг биринчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-бандда:

биринчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-банднинг еттинчи хатбошидаги ва Низомга 1-илованинг 7-бандидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Низомга 2-иловадаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида» 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 11-сон, 60-модда):

а) номидан «ва уларни ҳимоя қилиш» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш» сўзлари «жабрдийдаларига ёрдам бериш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш» сўзлари «жабрдийдаларига ёрдам бериш» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин;

«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирига, зарурият бўлганда, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказининг тасдиқланган тузилмасига ходимларнинг штатда белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин»;

г) 4-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4. Белгилансинки, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш бўйича Республика реабилитация марказининг директори Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади»;

д) 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя

қилиш» сўзлари «жабрдийдаларига ёрдам бериш» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 6-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш» сўзлари «жабрдийдаларига ёрдам бериш» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 1-илованинг номидаги «жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш» сўзлари «жабрдийдаларига ёрдам бериш» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 2-иловада:

номидаги ва 1-банддаги «жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш» сўзлари «жабрдийдаларига ёрдам бериш» сўзлари билан алмаштирилсин;

2, 15, 21-бандлардаги, 22-банднинг биринчи хатбошидаги, 24 ва 26-бандлардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 14 январдаги 10-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 1-сон, 3-модда):

а) 5-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

22-банднинг бешинчи хатбошидаги, 24-банддаги, 25-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

25-бандда:

биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«фуқароларнинг кўрсатиб ўтилган тоифасининг бандлигини таъминлаш масалаларида Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари, туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг фаолияти назорат қилинишини».

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 51-модда):

а) 2-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 76-бандидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий

тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 29 июлдаги 216-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 58-модда):

а) 3-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 15-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 19 февралдаги 29-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 10-модда):

а) номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»;**

б) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси тўғрисидаги низом» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси тўғрисида низом» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-банддаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси тўғрисида НИЗОМ»;**

1, 2 ва 3-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб

аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Инспекция Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Вазирликка меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида юкланган вазифалар Инспекция томонидан бевосита ёки унинг қуйи турувчи Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси давлат инспекциялари (кейинги ўринларда ҳудудий инспекциялар деб аталади) орқали амалга оширилади»;

4 ва 5-бандлардаги, II бўлимнинг номидаги, 6-банднинг биринчи хатбошидаги ва 7-банддаги, 8-банднинг биринчи ва йигирма биринчи хатбошилардаги, 9-банддаги, IV бўлимнинг номидаги, 14 — 18-бандлардаги «Бошқарма» сўзи «Инспекция» сўзи билан алмаштирилсин;

10 — 13-бандлар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Инспекциянинг тузилмаси ва штатлари Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан, ходимларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тасдиқланади.

11. Инспекцияни Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, айни бир вақтда Ўзбекистон Республикаси бош давлат меҳнат техник инспектори ҳисобланадиган бошқарма бошлиғи бошқаради.

12. Инспекция бошлиғининг бир ўринбосари бўлади. Бошлиқ ўринбосари айни бир вақтда меҳнат шароитлари бўйича бош давлат эксперти ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

13. Инспекциянинг бош мутахассислари тегишли равишда Вазирликнинг давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари ҳисобланадилар»;

15 — 17-бандлардаги «инспекциялар» сўзлари «ҳудудий инспекциялар» сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомга 1-иловада:

белгилашдаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳдаги «меҳнат инспектори» сўзлари «меҳнат муҳофазаси бўйича инспектор» сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомга 2-иловада:

белгилашдаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси»

сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«меҳнат инспектори» сўзлари «меҳнат муҳофазаси бўйича инспектор» сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳдаги «меҳнат инспектори» сўзлари «меҳнат муҳофазаси бўйича инспектор» сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисидаги низомга 3-иловада:

белгилашдаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси тўғрисидаги низом» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси тўғрисидаги низом» сўзлари билан алмаштирилсин;

изоҳнинг тўртинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 4-илованинг белгиланишидаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 2-иловада:

номидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

1, 2, 12, 14 ва 15-бандлардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва вилоятлар меҳнат бош бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва вилоятлар бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги низомга 1-иловада:

белгиланишидаги ва номидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

низомга 2-илованинг белгиланишидаги ва номидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 3-илованинг белгиланишидаги ва номидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом 33-бандининг саккизинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ташкилотлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2011 йил 5 январдаги 1-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 1-сон, 1-модда):

а) 2-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловасида:

3 ва 4-бандлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«3. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддаси талабларига риоя этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларининг давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари бўйича экспертлари (кейинги ўринларда инспекторлар деб аталади) томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддаси ва «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддаси талабларига риоя этилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларининг давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари (кейинги ўринларда инспектор деб аталади) томонидан амалга оширилади»;

в) Низомга 2-иловадаги «9-банди» сўзлари «28-банди» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) Низомга 2б-иловадаги «9-банди» сўзлари «28-банди» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 12-банднинг «п» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«п) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазир-

лиги туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказининг шахсни ишсиз деб эътироф этиш тўғрисидаги тақдимномаси»;

б) 68-банднинг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 9-иловадаги «бандликка кўмаклашиш» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш» сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг «Имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасалари ҳақида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 13 сентябрдаги 256-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 77-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 1-илова 73-бандининг учинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илова 48-бандининг учинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 октябрдаги 289-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 10-сон, 83-модда) билан тасдиқланган Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари ходимларини компьютер саводхонлиги бўйича талабларга мувофиқлиги бўйича аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 9 ва 41-бандлари иккинчи хатбошилардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги конвенцияни ҳамда Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги конвенцияни 2012-2013 йилларда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» 2012 йил 26 мартдаги 82-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 3-сон, 141-модда):

а) 2-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банддаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин».

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Оилавий корхона томонидан фойдаланишга йўл қўйилмайдиган моддалар, материаллар ва асбоб-ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2012 йил 13 сентябрдаги 269-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 9-сон, 67-модда) 4-бандидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳридаги Касб-ҳунарга ўқитиш маркази фаолиятини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 13 сентябрдаги 270-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 37-сон, 431-модда) 6, 7 ва 8-бандларидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 10-сон, 75-модда):

а) 3-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банднинг учинчи хатбошидаги, 9-банднинг биринчи хатбошидаги ва илова 21-бандининг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Касб фаолиятининг айрим турларини ва хавфнинг юқори манбаи билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун тиббий психиатрия монеликлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» 2014 йил 21 январдаги 15-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 1-сон, 7-модда):

а) 2-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловага изоҳда:

2-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги «Меҳнат» сўзи «меҳнат бўйича» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенцияларини 2014 — 2016 йилларда амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 27 майдаги 132-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 22-сон, 257-модда):

а) 3-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловадаги «Бажариш учун масъуллар» устунининг 1, 9, 12, 14, 15, 36 ва 40-позицияларидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 15 сентябрдаги 263-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 9-сон, 100-модда):

а) 3-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банддаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин»;

в) 1-иловада:

53 ва 59-бандлардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

54-банднинг биринчи — учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«54. Давлат экспертизаси ва хулоса бериш Ўзбекистон Республикаси

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Агар аттестация ходимларнинг умумий сони 100 кишидан кам бўлган корхоналарда ўтказилган бўлса, давлат экспертизасидан ўтказиш ҳамда хулоса бериш Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари томонидан амалга оширилишига йўл қўйилади.

Хулоса ушбу Низомга 7-иловага мувофиқ шакл бўйича тегишли ҳимоя даражасига эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази томонидан марказлаштирилган тартибда тайёрланадиган махсус бланкада расмийлаштирилади»;

68-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 7-иловада:

«Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси бошлиғи (Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат бош бошқармалари бошлиғи)» сўзлари «Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси бошлиғи (Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари бошлиғи»)  сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

4-банддаги, 25-банднинг иккинчи хатбошидаги, 29-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги, 32, 36 ва 37-бандлардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Имтиҳон комиссияси тўғрисидаги низом, унинг таркиби ва иш регламенти Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Имтиҳон комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси ҳамда Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси, Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раҳбарлари ва ходимлари, шунингдек амалий тажрибага эга бўлган мутахассислар ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги олимлар пул тўлаш асосида киритиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Республика аҳоли бандлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш илмий маркази имтиҳон комиссиясининг ишчи органи (кейинги ўринларда ишчи

орган деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ўринбосари — имтиҳон комиссиясининг раиси, ишчи орган директори — имтиҳон комиссияси раисининг ўринбосари, ишчи орган директорининг биринчи ўринбосари — имтиҳон комиссиясининг котиби ҳисобланади»;

48, 50 ва 52-бандлардаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловадаги «Меҳнат вазирлиги», «Меҳнат вазирининг ўринбосари» сўзлари тегишлича «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги», «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловадаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

40. Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 10 мартдаги 52-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 115-модда):

а) 8-банднинг биринчи хатбошидаги, 9-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловадаги «А.А. Абдухакимов — меҳнат вазири» сўзлари «А.А. Хаитов — бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловадаги «Меҳнат вазирлигининг» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 4-иловада:

«Бажариш учун масъуллар» устунининг 5-позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Халқ банки, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси»;

4-иловадаги «Бажариш учун масъуллар» устунининг 6, 8, 9, 10, 12, 13, 16, 17, 18-позицияларидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

41. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 июлдаги 184-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2015 й., 27-сон, 356-модда) билан тасдиқланган Жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тергов ҳибсхоналарида ва вақтинча сақлаш ҳибсхоналарида сақланаётган шахсларни таъминлаш нормаларининг «Жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган, меҳнат шароитлари оғир ва зарарли ишларда банд бўлган маҳбусларни озиқ-овқат билан таъминлаш 2-нормаси» (1-илова) бўлимининг изоҳидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

42. Вазирлар Маҳкамасининг «Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тад-

бирлари тўғрисида» 2015 йил 10 августдаги 237-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 8-сон, 71-модда):

а) 4-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 9 ва 12-бандларидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

43. Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 2-сон, 10-модда) билан тасдиқланган Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинадиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси бўйича агентлик» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 29-банднинг иккинчи хатбошидаги «бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари «аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

44. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 январдаги 14-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 1-сон, 2-модда) билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оилаларга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-илованинг 6-бандидаги «бандликка» сўзлари «аҳоли бандлигига» сўзлари билан алмаштирилсин.

45. Вазирлар Маҳкамасининг «Корея Республикаси Ҳукуматининг грантини жалб этган ҳолда Шаҳрисабз шаҳрида Касб-ҳунарга ўқитиш марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 мартдаги 135-сонли қарорида:

а) 2-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигига» сўзлари «Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармасига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Қашқадарё вилояти Меҳнат бош бошқармаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-бандда:

биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «аниқ миқдори Марказ раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланадиган Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг Қашқадарё ви-

лояти Меҳнат бош бошқармаси тасарруфидаги» сўзлари «аниқ миқдори Марказ раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланадиган Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасининг Қашқадарё вилояти Бандлик бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-банднинг биринчи хатбошидаги, 12 — 14-бандлардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

46. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида Ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 10 апрелдаги 199-сон қарорида:

а) 3, 11 ва 16-бандларнинг биринчи хатбошиларидаги, 14, 15-бандлардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилаб қўйилсинки, ташкил этилаётган марказлар давлат таълим муассасалари ҳисобланади ва бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармаларига бўйсунади, уларнинг фаолиятига умумий ўқув-методик раҳбарлик қилиш эса — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказига юкланади»;

в) 1-иловага изоҳнинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 2-иловага изоҳнинг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 3 ва 4-иловалардаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

47. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 апрелдаги 221-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 4-сон, 48-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Автомобиль йўллари давлат қўмитаси тўғрисидаги низомнинг 27-бандидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

48. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 майдаги 331-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Устави 62-бандининг учинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

49. Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорини янада ривожлантириш тўғрисида» 2017 йил 27 апрелдаги 246-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 4-сон, 55-модда):

а) 2-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

6-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 4-иловадаги «Меҳнат вазирлиги» ва «вазир ўринбосари» сўзлари тегишли равишда «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» ва «вазирнинг биринчи ўринбосари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-иловада:

8-банднинг бешинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

33-банддаги ва 36-банднинг иккинчи хатбошидаги ««Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат бош бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банддаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга иловадаги «Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат бош бошқармалари» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3-иловада:

10-банддаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги ва 17-банднинг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банднинг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банднинг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 4-иловада:

2-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«**меҳнат шароитларини давлат экспертизасидан ўтказиш органи** — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий органларининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекциялари»;

4-банддаги, 5-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 14-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошларидаги, 20-банддаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг биринчи хатбошидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банднинг иккинчи хатбошидаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

37-банднинг биринчи ва учинчи хатбошларидаги, 40-бандида, 41-банднинг биринчи хатбошидаги, 42-бандидаги «Меҳнат» сўзи «Бандлик ва меҳнат муносабатлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 1-иловадаги «Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 2-иловада:

«Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси бошлиғи (Меҳнат вазирлиги ҳудудий органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси бошлиғи)» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси бошлиғи (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси инспекцияси бошлиғи»)  сўзлари билан алмаштирилсин;

«Меҳнат вазирлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнатни муҳофаза қилиш» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 3-иловада:

«Меҳнат вазирлиги» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Меҳнат вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бошқармаси бошлиғи (Меҳнат вазирлиги ҳудудий органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси инспекцияси бошлиғи)» сўзлари «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси бошлиғи (Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий органларининг меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитлари экспертизаси бўйича давлат инспекцияси бошлиғи»)  сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 991 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 17 августдаги ПҚ–3225-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уйда (7 ва 8-қаватлар) бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 8 сентябрь,
704-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 8 сентябрдаги 704-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 17 августдаги ПҚ–3225-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) вазифалари ва фаолият йўналишларини, уни бошқариш тартибини, шунингдек Жамғарма маблағларини шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Жамғарма давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ғазначилик ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

4. Жамғарманинг жойлашган жойи (почта манзили): Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй.

5. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**лойиҳалар** — иқтисодий, ижтимоий ва бошқа фойда олиш мақсадида қуйидаги соҳаларда олдиндан белгиланган вақт давомида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ комплекс тадбирлар ва ишлар;

қишлоқ хўжалигида, биринчи навбатда, энергия самарадорлиги юқори бўлган замонавий иссиқхоналар қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик, узумчилик ва боғдорчиликни, шу жумладан, интенсив боғларни ривожлантиришга доир лойиҳалар;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича инфратузилмани ва ушбу маҳсулотларни транс-

портировка қилиш билан боғлиқ логистика марказларини ташкил этиш бўйича лойиҳалар;

кўп квартирали уйлардаги умумий фойдаланиладиган жойларни бошқарув компаниялари томонидан ободонлаштириш ва таъмирлаш лойиҳалари;

тадбиркорлик фаолиятининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган бошқа йўналишларидаги лойиҳалар;

**кредит** — кредит, шу жумладан тижорат банкининг кичик тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун фойдаланиладиган имтиёзли кредити ва микрокредити;

**компенсация** — тижорат банклари кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

**кафиллик** — Жамғармага кичик тадбиркорлик субъектлари (қарздор)нинг кредит бўйича ўз мажбуриятларини бажариши учун тижорат банки (кредит берувчи) олдида жавоб бериш масъулиятини юклайдиган кафиллик шартномаси.

## 2-боб. Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари

6. Кичик тадбиркорлик субъектларига қуйидаги шаклда молиявий ёрдам кўрсатиш Жамғарманинг асосий вазифаси ҳисобланади:

а) кичик тадбиркорлик субъектларига мазкур Низомда қайд этилган мақсадларга кредит ажратиш учун тижорат банкларига, жумладан, жалб этилган хорижий кредит линиялари ҳисобидан ресурслар ажратиш;

б) кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари кредит миқдорининг 50 фоизигача, лекин 500 минг АҚШ долларидан кўп бўлмаган ёки унга эквивалент ҳажмдаги кредитлари бўйича кафил бўлиш;

в) тижорат банкларининг қиймати 1 миллион АҚШ долларидан ошмайдиган миқдордаги кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги эквивалентда компенсация бериш:

миллий валютада — қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкасида — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 40 фоизигача бўлган миқдорда;

хорижий валютада — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, аммо 3 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда.

7. Жамғармага мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича молиявий ёрдам кўрсатилади.

8. Жамғарма ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

кичик тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсатини юритиш, молиявий хизматлардан фойдаланишни кенгайтириш ва кредит ажратиш, шу жумладан ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар ва йўналишларга кредит ажратиш шартларини енгиллаштиришга кўмаклашиш;

кичик тадбиркорликни ривожлантириш орқали иш ўринлари ташкил

этиш имконини берадиган давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурлар, лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

кичик тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятига самарали янги технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда республикада кичик тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга доир комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этиш.

## 3-боб. Жамғармани бошқариш

9. Жамғармани бошқариш кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) Жамғармани бошқаришнинг юқори органи ҳисобланади ва унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

10. Жамғармани бошқариш кенгаши:

Жамғарма молиявий ёрдам кўрсатиши учун ишлаб чиқаришнинг устувор соҳалари ва кичик тадбиркорлик йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади;

Жамғарманинг даромад ва харажатлари бўйича ҳар йилги прогнозларни тасдиқлайди;

Жамғарма бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига ва бошқа молиявий активларида жойлаштириш бўйича чекланган параметрларни белгилайди;

Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси фаолияти, шу жумладан маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши, кичик тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатишга доир қарорларнинг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

Жамғарма раҳбарининг Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисида, шунингдек манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар вакилларининг амалга оширилаётган операциялар самарадорлиги ва тақдим этилган ресурслар, Жамғарма ва бошқа соҳалар кафиллиги ҳамда компенсациялари натижалари ҳақида ҳисоботларини мунтазам эшитади;

Жамғармани йиллик аудитдан ўтказиш учун, жумладан, унинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича аудиторлик ташкилотини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарманинг устав капиталини кўпайтириш тўғрисида таклифлар киритади.

11. Ижро этувчи дирекция Жамғарманинг ижро этувчи органи ҳисобланади ва унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

12. Жамғарма ижро этувчи дирекцияси:

Жамғарма жорий фаолиятини расман бошқаради;

тижорат банкларидан келган ҳужжатларни кўриб чиқади ва ўз ваколат-

лари доирасида Жамғарма ресурслари, кафиллиги ва компенсацияларини тақдим этиш ҳақида қарорлар қабул қилади;

Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йил учун Давлат бюджети асосий параметрлари билан боғлиқ ҳолда Жамғарма даромад ва харажатларининг ҳар йилги прогнозларини шакллантиради ҳамда Кенгашга тасдиқлаш учун белгиланган тартибда киритади;

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларини кенгайтиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун Кенгашга киритади;

Жамғарма олдига қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун зарур қўшимча маблағларни жалб этиш бўйича амалий чоралар кўради;

Жамғарма даромад ва харажатларини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида ҳисоботдорликни таъминлайди ва тасдиқлаш учун Кенгашга тақдим этади;

кичик тадбиркорлик субъектлари лойиҳалари белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилишини ташкил қилади ва таъминлайди;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни тизимли асосда мониторинг қилиб боради;

кичик тадбиркорлик субъектларини белгиланган тартибда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

13. Ижрочи директор Жамғарма ижро этувчи дирекциясининг раҳбари ҳисобланади ва у мақомига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

Жамғарма ижрочи директори:

Жамғармага юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ Жамғарма ижро этувчи дирекцияси фаолиятини ташкил этади ва унинг учун шахсан жавоб беради;

Жамғарма Ижро этувчи дирекциясини ходимларнинг белгиланган сони доирасида активларни бошқариш, бизнесни, шу жумладан тадбиркорликнинг турли йўналишларига оид лойиҳаларни таҳлил қилиш, экспертизадан ўтказиш ва молиялаштириш соҳасида юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни ташкил этади;

халқаро ва хорижий ташкилотларда Жамғарма манфаатларини ифодалайди;

Жамғарма номидан меҳнат, хўжалик, кредит ва бошқа шартномалар, шу жумладан ресурслар, кафиллик ва компенсациялар тақдим этиш тўғрисидаги шартномаларни имзолайди.

14. Ижро этувчи дирекция Жамғарма маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган харажатлар сметаси асосида таъминланади.

15. Жамғарма ходимларни рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бюджетдан ташқари Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш жамғармасини ташкил этади ҳамда Жамғарма Кенгаши билан келишган ҳолда унинг Низомини тасдиқлайди.

16. Жамғарма Ижро этувчи дирекциясининг ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш шартлари жорий этилади.

17. Жамғарма ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ва устамалар, рағбатлантирувчи тўловлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари ҳамда бюджетдан ташқари Ривожланиш ва моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомда назарда тутилган қўшимча моддий рағбатлантириш маблағларидан ташкил топади.

18. Жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириши учун тўртта, шу жумладан иккита хизмат ва иккита махсус енгил автотранспорт воситаларини сақлаш учун лимит ажратилади.

## 4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш

19. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

Тошкент шаҳридаги Кичик саноат зоналари кафолат жамғармасини ва Кичик тадбиркорликни ривожлантириш кафолат жамғармасини кейинчалик тугатиш ва уларнинг 50 миллион АҚШ доллари ҳамда 100 миллиард сўм миқдоридаги тегишли пул маблағлари шаклида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 17 августдаги ПҚ–3225-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган ташкилотлар бадаллари ҳисобидан шакллантириладиган Жамғарманинг бошланғич бадали;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ушбу мақсадлар учун ҳар йилги тасдиқланадиган ажратмалар доирасидаги маблағлари, 2017 йилда эса Жамғарма ресурс базасини шакллантириш учун — 100 миллиард сўм;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳар йилги соф фойдасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган қисми;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг Жамғарма зиммасига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

Жамғарманинг, жумладан, депозитларни жойлаштириш, кафолатлар беришдан тушадиган даромадлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

20. Жамғарма маблағлари «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкида очиладиган махсус ҳисоб рақамида (кейинги ўринларда махсус ҳисоб рақами деб аталади) тўпланади.

Хорижий валютадаги маблағлар Жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида белгиланган тартибда очиладиган махсус валюта ҳисоб рақамларига ўтказилади.

21. Жамғарма маблағларидан:

тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун ресурслар тақдим этиш;

тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафолатлар билан боғлиқ тўловларни тўлаш;

тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун фойдаланилади.

22. Мазкур Низомнинг 20-бандида қайд этилган мақсадларни молиялаштириш учун ажратилган Жамғарма маблағларидан қатъий белгиланган йўналишларда фойдаланилади.

## 5-боб. Тижорат банкларига ресурслар тақдим этиш тартиби

23. Тижорат банкларига ресурслар тақдим этиш учун Жамғарма ва бош тижорат банки ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бош шартнома тузилади.

24. Жамғарма томонидан тижорат банкига ресурс тақдим этиш бўйича бош шартномада банк ушбу маблағлардан кичик тадбиркорлик субъектларига мазкур Низомда назарда тутилган лойиҳаларни молиялаштириш учун кредит беришда кредит ресурслари сифатида фойдаланиши қатъий келишилади.

Бош шартномада, шунингдек тижорат банклари Жамғарма ресурслари ҳисобидан кичик тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкалари миқдори ҳам келишиб олинади.

25. Жамғарма бош шартномани имзолагандан сўнг ҳар ойда бош тижорат банкларининг аризасига асосан уларнинг корреспондентлик ҳисоб рақамига зарур миқдордаги ресурсларни ўтказади.

26. Жамғарманинг тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларига кредит ажратиш учун тақдим этиладиган маблағлари кредит ажратиш муддатига қараб, тегишли баланс ҳисоб рақамларида ҳисобга олинади.

27. Жамғарма томонидан тижорат банкига кичик тадбиркорлик субъектларини кредит билан таъминлаш учун тақдим этилган ресурслар суммасига бош тижорат банки бош шартномада келишилган банк маржаси чегириб қолингандан сўнг имтиёзли фоиз ставкалари миқдорида фоизлар қўшади ва ушбу фоизлар жамғариб бориладиган ҳисоб рақамида тўпланади ҳамда бош шартномада қайд этилган муддатларда Жамғарманинг тегишли банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

28. Тижорат банки ресурсларнинг фойдаланилмаган қисмини Жамғарма ҳисоб рақамига қайтариши ёки улардан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш бўйича расман белгиланган ставкаларидан кам бўлмаган миқдорда Жамғармага фоизларни тўлаш шарти билан ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши лозим.

29. Навбатдаги ресурсларни ажратишда Жамғарма ва тижорат банки ўртасида янги ресурслар миқдори ва уларнинг фоизлари кўрсатилган ҳолда, бош шартномага қўшимчалар имзоланади.

30. Жамғарма ресурслари бўйича фоизлар қарз олувчидан фоиз ҳақиқатан

ундирилишидан қатъи назар, ҳисоблаб чиқилади ва тижорат банки томонидан тўланади.

31. Бош шартномага амал қилиш муддати тугагач, бош тижорат банки қарз олувчи бош шартнома шартлари асосида ушбу ресурслар бўйича олган кредитларини ҳақиқатан қайтаришидан қатъи назар, ҳисобланган фоизлар инобатга олинган ҳолда маблағларни Жамғармага қайтариши шарт.

32. Жамғарма тижорат банкида кичик тадбиркорлик субъектларига кредит ажратиш учун тақдим этилган ресурслардан мақсадли фойдаланилишини кредит ишларини ўрганиш ҳамда банк вакили билан жойларга чиқиш йўли билан текшириш ҳуқуқига эга. Маблағлардан мақсадсиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланганда Жамғарма банкдан ресурсларнинг тегишли қисмини муддатидан аввал қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Банк Жамғарма ва банк ўртасида тузилган бош шартномада келишилган шартлар асосида Жамғарманинг ушбу талабларини бажаришга мажбур.

33. Тижорат банклари ҳар чоракда Жамғармага ва ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Жамғарма ресурсларини ўзлаштириш билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида кредит олган кичик тадбиркорлик субъектларининг реестри илова қилинган ҳисоботни тақдим этади. Ушбу ҳисоботлар маълумотлари бўйича ҳар чоракда банк ва Жамғарма ўртасида маблағлардан фойдаланилишини таққослаш далолатномалари тузилади.

34. Жамғарма ҳар чоракда Жамғарма Кенгашига ресурслардан фойдаланиш ва уларни қайтариш ҳолати тўғрисида ҳисобот беради.

## 6-боб. Компенсацияни тақдим этиш, тўхтатиш, бекор қилиш ва қайта тиклаш тартиби

35. Тижорат банкларининг қиймати 1 миллион АҚШ долларидан ошмайдиган миқдордаги кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги эквивалентда Жамғарма компенсацияси берилади:

миллий валютада — қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкасида — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 40 фоизигача бўлган миқдорда;

хорижий валютада — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, лекин 3 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда.

36. Миллий валютада қайта молиялаштириш ставкасидан ошмайдиган фоиз ставкасида имтиёзли кредитлар, шунингдек қонунчиликда белгиланган тартибда хорижий валютада кредитлар ажратадиган тижорат банклари Жамғарманинг компенсацияларини олувчилар ҳисобланади.

37. Қайта молиялаштириш ставкаси ўзгарган тақдирда ажратиладиган компенсация миқдори кредит расмийлаштирилган кунда қайд этилган даражада ўзгармасдан қолади.

38. Жамғарма компенсацияси қуйидагилар назарда тутилган кредитлар бўйича тақдим этилмайди:

аввал олинган кредитларни ёки ҳар қандай бошқа қарзларни қайтариш;

спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачи ташкилотлар ва умумий овқатланиш корхоналарининг айланма маблағларини шакллантириш;

савдо объектлари ва умумий овқатланиш объектлари қуришни молиялаштириш;

таваккалчиликка асосланган қимор ва бошқа ўйинларни ташкил этиш, шунингдек бошқа мақсадлар учун ускуналар харид қилиш.

Шунингдек, Жамғарма компенсацияси:

кредит тарихи ёмон бўлган, хусусан, тижорат банклари кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлари бор жисмоний ва юридик шахсларга;

бюджетга, шунингдек электр энергияси, газ таъминоти бўйича мажбурий тўловлар ва бошқа коммунал тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларга;

муддати ўтказиб юборилган кредиторлик ва дебиторлик қарзлари бўлган юридик шахсларга берилмайди.

39. Кредит олиш учун ҳужжатларни қабул қилиш ва аризаларни кўриб чиқиш, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектларига мазкур Низом талабларига мувофиқ кредит бериш қонунчиликда белгиланган тартиб-таомиллар ҳамда тижорат банкларининг ички кредит сиёсатига мувофиқ амалга оширилади.

40. Тижорат банкининг филиали кредит ажратиш масаласи ижобий ҳал этилган тақдирда ўз хулосасини бош банкка юборади. Агар банк кредит ажратиш тўғрисида салбий қарор қабул қилганда кичик тадбиркорлик субъектига рад этишнинг асосли сабаблари кўрсатилган ёзма жавоб юборилади.

41. Бош тижорат банки филиалдан ҳужжатларни олгач, 3 (уч) иш кунида уларни кўриб чиқади ва зарур компенсация суммаси тўғрисида умумлаштирилган ахборотни тайёрлаб, Жамғармага кўриб чиқиш ва ажратиладиган кредитларни компенсация қилинадиган кредитлар тоифасига киритиш учун юборади.

42. Жамғарма бир ҳафта мобайнида бош тижорат банкларидан кредитлар бўйича компенсация олиш учун келган ҳужжатларни, хусусан, уларнинг мазкур Низомда қайд этилган лойиҳаларга мувофиқлигини ўрганиб чиқади.

43. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси келган ҳужжатларни ўрганиш натижалари асосида банк кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Банк кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация мазкур Низомга 2-иловада кўрсатилган намунавий ҳисоб-китобларга мувофиқ кредитлар бўйича фоиз ставкасига қараб берилади.

44. Жамғарма бош тижорат банкини компенсация бериш тўғрисида (рад этилганда тақдирда — асосли сабаблар кўрсатилган ҳолда) қарор қабул қилингани ҳақида хабардор қилади ва кейинчалик банк филиали ва ариза берувчи — кичик тадбиркорлик субъектига ҳам ҳужжатлар рўйхатини илова қилган ҳолда маълум қилади.

45. Бош тижорат банки ижобий қарорни олгандан сўнг бу ҳақда банк

филиалига хабар беради. Шу билан бирга, бош банкдаги ваколатли шахс банк, Жамғарма ва кредит олувчи ўртасида компенсация тақдим этиш тўғрисида уч томонлама шартномани имзолайди ҳамда уни кичик тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакили имзолаши учун банк филиалига юборади.

46. Тижорат банки филиали бош банкдан хабарномани олгандан сўнг бир иш куни давомида банк ва кичик тадбиркорлик субъекти ўртасида кредит шартномасини тузади. Ваколатли вакил ушбу кредит шартномаси асосида компенсация тақдим этиш тўғрисида банк, Жамғарма ва кичик тадбиркорлик субъекти ўртасида тузилган шартномани банк филиалида кичик тадбиркорлик субъектига имзолаш учун беради.

Уч томонлама шартномада банк кредитлари бўйича фоизли харажатлар учун Жамғарманинг имтиёзли фоиз ставкаси ва компенсациянинг миқдори кўрсатилади.

Банк филиалида кичик тадбиркорлик субъектига банк кредит сиёсатига мувофиқ кредит ажратилади.

Банк ва кичик тадбиркорлик субъекти ўртасида тузилган кредит шартномасининг нусхаси, шунингдек кредитни қайтариш жадвали Жамғармага юборилади.

47. Жамғарма компенсация тақдим этишни рад этган тақдирда бош тижорат банки банк филиалини бундан хабардор қилади. Банк филиали кредитлар бўйича компенсация бериш рад этилгани ҳақида хабарномани олганидан сўнг кичик тадбиркорлик субъектига кредит ажратиш рад этилгани хусусида маълум қилади. Бунда банк филиали кичик тадбиркорлик субъектига умумий равишда белгиланган тартибда кредит шартномаси тузишни таклиф этади.

48. Тижорат банклари тузилган кредит шартномаларига биноан кредит ажратгач ҳар ойда, ҳар ойнинг 15-санасидан кечикмасдан Жамғармани шартномада қайд этилган компенсация суммасини ўтказиш зарурлиги ҳақида хабардор қилади.

49. Тижорат банклари белгиланган тартибда:

айрим баланс ҳисоб рақамларида муддатлар ва қарз олувчиларнинг турлари бўйича мазкур Низомга мувофиқ ажратилган кредитлар ҳисобини;

компенсациялар тақдим этиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ алоҳида «Олиш учун ҳисобланган фоизлар» 16300 ҳисоб рақамида Жамғарма томонидан компенсация қилинадиган ҳисобланган фоизлар ҳисобини юритади.

50. Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг бир қисми ҳар ойда, банк хабарномаси асосида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-санасидан кечикмасдан Жамғарма томонидан қопланади.

Бунда Жамғарма хабарномани олганидан сўнг 5 (беш) иш кунида харажатларни белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқномасига биноан шахсий ҳисоб рақамидан амалга оширади.

51. Жамғарма компенсацияси компенсация бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бир пайтнинг ўзида банк реестри асосида бир қанча кредит шартномалари бўйича банкнинг тегишли транзит ҳисоб рақамига ўтказилади.

Бунда транзит ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар банкнинг тегишли

— «Олиш учун ҳисобланган фоизлар» 16300 ҳисоб рақамига автоматик равишда ўтказилади.

52. Қарз олувчилар кредитни муддати ўтганидан сўнг қайтарган ҳолатларда ажратиладиган компенсация суммаси тасдиқланган қайтариш жадвалида қайд этилган суммадан ошмаслиги лозим.

53. Жамғарма тижорат банкларининг кредитлари бўйича компенсация беришни қуйидаги ҳолатларда тўхтатади:

фоизли харажатлари қопланадиган кредитдан мақсадсиз фойдаланилганда;

қарз олувчи тўловлар жадвалига мувофиқ банкка тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини 3 (уч) ой давомида кетма-кет бажармаганда;

қарз олувчининг банк ҳисоб рақамидаги маблағлари хатловга олинганда;

жорий кредитлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик мавжуд бўлганда.

54. Тижорат банки мазкур Низомнинг 52-бандида назарда тутилган ҳолатларни аниқлаш мақсадида қарз олувчининг фаолияти юзасидан, шу жумладан жойига чиқиб мониторинг олиб боради.

55. Мазкур Низомнинг 52-бандида назарда тутилган ҳолатлар аниқланган тақдирда тижорат банки Жамғармани компенсация беришни тўхтатиш учун 3 (уч) иш куни мобайнида хабардор қилади.

56. Жамғарма тижорат банкидан хабарномани олгандан сўнг 5 (беш) иш кунида компенсация беришни тўхтатиши тўғрисида қарор қабул қилади ва тўхтатиш сабаблари кўрсатилган ёзма хабарномани банкка юборади.

57. Мазкур Низомнинг 52-бандида назарда тутилган ҳолатларга кўра тўхтатиш сабаблари бартараф этилгач, қарз олувчининг кредити бўйича компенсация беришни қайта тиклашга рухсат этилади.

58. Қарз олувчининг фоизли харажатларининг бир қисмини компенсация қилишни тўлиқ тўхтатиш ҳақидаги қарор Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси томонидан қабул қилинади. Ижро этувчи дирекция компенсация қилишни тўлиқ тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилса, Жамғарма амалдаги қонунчиликка ва шартнома шартларига мувофиқ компенсация бериш тўғрисидаги шартномани бир томонлама тартибда бекор қилади ва бу ҳақда банкни хабардор қилади.

59. Қуйидагилар компенсацияни тўхтатиш учун асос ҳисобланади:

қарз олувчи банк кредити шартномаси бўйича кредитни тўлиқ қайтарса;

Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси компенсацияни тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилса;

қарз олувчининг ташаббуси билан компенсация бериш тўғрисидаги шартнома бекор қилинса.

60. Кредитлар бўйича компенсация бериш тўхтатилган ва бекор қилинган ҳолатларда тижорат банклари фоизли харажатларнинг бир қисми бўйича компенсация миқдорини қарз олувчидан ундиради ва бу шартлар кредит шартномасида келишилган бўлиши керак.

## 7-боб. Кичик тадбиркорлик субъектларига Жамғарманинг тижорат банклари кредитлари бўйича кафиллик берилишини кўриб чиқиш шартлари ва тартиб-таомиллари

61. Жамғарма кафиллиги кичик тадбиркорлик субъектларига тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит ҳажмининг 50 фоизгача миқдорда, аммо 500 минг АҚШ долларидан ошмайдиган ёки кафиллик олиш учун ариза тақдим этилган кундаги эквивалент миқдорида берилади.

62. Кафиллик бериш бўйича Жамғарма хизматлари пулли ҳисобланади. Жамғарма кафиллик бергани учун кичик тадбиркорлик субъектларидан миллий валютада кафолат суммасининг йиллик 3 (уч) фоизи миқдорида воситачилик ҳақини ундиради. Кафолат бўйича хорижий валютада ҳисобланган пул Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси бўйича миллий валютада тўланади.

63. Мазкур Низомга мувофиқ қуйидаги кичик тадбиркорлик субъектлари Жамғарма кафиллигини олиши мумкин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган;

тугатилиш босқичида бўлмаган;

банкрот деб эълон қилинмаган;

аввал олинган кредитлар ва солиқ тўловлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзи бўлмаган;

мазкур Низомнинг 65-бандига мувофиқ зарур ҳужжатларни тақдим этган;

мазкур Низомда белгиланган бошқа талабларга риоя этадиган.

64. Жамғарма кафиллиги кичик тадбиркорлик субъектларига улар қуйидаги шартларга мос келганда берилади:

кичик тадбиркорлик субъектлари лойиҳада ўзининг 25 фоиздан кам бўлмаган улуши билан иштирок этса;

Жамғарма таъминоти остида бериладиган кредитлар мақсадли йўналтирилса;

кредит шартномаси шартларига мувофиқ аввал берилган кредитни ўз вақтида қайтармаслик, шунингдек банк кафиллигини бериш бўйича шартнома шартларини бузиш ҳолатларига йўл қўйилмаган бўлса.

65. Жамғарма кафиллиги қуйидагиларни назарда тутадиган лойиҳалар бўйича берилмайди:

аввал олинган кредитлар ёки бошқа ҳар қандай қарзларни қайтариш;

спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачи ташкилотлар ва умумий овқатланиш корхоналарининг айланма маблағларини шакллантириш;

савдо объектлари ва умумий овқатланиш объектларини қуришни молиялаштириш;

таваккалчиликка асосланган қимор ва бошқа ўйинларни ташкил этиш, шунингдек бошқа мақсадлар учун ускуналар харид қилиш.

Шунингдек, Жамғарма кафиллиги:

кредит тарихи ёмон бўлган, хусусан, тижорат банклари кредитлари бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлари бор жисмоний ва юридик шахсларга;

бюджетга, шунингдек электр энергияси, газ таъминоти бўйича мажбурий тўловлар ва бошқа коммунал тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарзлари бўлган жисмоний ва юридик шахсларга;

муддати ўтказиб юборилган кредиторлик ва дебиторлик қарзлари бўлган юридик шахсларга берилмайди.

66. Кичик тадбиркорлик субъекти тижорат банки филиалига лойиҳани молиялаштириш бўйича кредит олиш учун Жамғарма кафиллигини олиш мақсади кўрсатилган ариза билан мурожаат қилади.

Кичик тадбиркорлик субъекти аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

қарз олувчининг амалга ошириладиган лойиҳа бўйича банк ҳисоб рақамига маблағ тушиш прогнози (пул оқими) кўрсатилган бизнес-режа (техник-иқтисодий асос);

кредит олувчининг охирги ҳисобот давридаги тегишли давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган бухгалтерлик баланси (1-сон форма), шунингдек 90 кундан ошмаган муддатда қарздорлик бўйича қиёсий ҳужжатлар, молиявий натижалар ҳақида ҳисобот (2-сон форма) — янги ташкил этилган юридик шахслар, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон хўжаликлари бундан мустасно;

кредит бўйича таъминот сифатида тақдим этиладиган гаров тўғрисида ахборот;

тижорат банклари ва халқаро молия институтлари ўртасида кредит учун маблағ ажратиш тўғрисида (фақат қайд этилган ушбу институтлар ҳисобидан бериладиган кредитлар бўйича) тузилган шартномаларда назарда тутилган ҳужжатлар.

67. Тижорат банки филиали аризани ва ҳужжатларнинг тўлиқ тўпламини ўрганиб чиққандан сўнг:

тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини текширади. Ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда банк филиали бир кун муддатда кичик тадбиркорлик субъектидан етишмаётган ахборотни (ҳужжатни) талаб қилади;

тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади ва лойиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини қонунчиликда белгиланган тартиб-таомиллар ҳамда ички кредит сиёсатига мувофиқ баҳолайди.

Кредит ажратиш ҳақида ижобий қарор қабул қилинган тақдирда банк филиали кичик тадбиркорлик субъектининг Жамғарма кафиллигини олиш учун аризаси илова қилинган ўз хулосасини бош тижорат банкига юборади ҳамда бу ҳақда кичик тадбиркорлик субъектига маълум қилади.

Банк кредит бериш тўғрисида салбий қарор қабул қилган ҳолатда кичик тадбиркорлик субъектига рад этишнинг асосли сабаблари кўрсатилган ёзма жавоб юборилади.

68. Бош тижорат банки филиалдан ҳужжатларни олгач, 3 (уч) иш кунида зарур ҳужжатлар ва улар бўйича умумлаштирилган ахборотни кўриб

чиқади ва тайёрлайди ҳамда Жамғармага кредит олувчиларга ажратиладиган кредитлар бўйича Жамғарма кафиллигини тақдим этиш учун юборади.

69. Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси Жамғарма кафиллигини олиш учун бош тижорат банки томонидан юборилган ҳужжатлар тўпламини қабул қилгандан сўнг 10 иш куни мобайнида:

тақдим этилган ҳужжатларни текширади. Жамғарма, зарур бўлганда, бир кун муддатда бош банкдан етишмаётган ахборотни (ҳужжатларни) сўраб олади;

кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатлари тўпламининг мазкур Низом шартларига мувофиқлигини текширади;

кафолат олиш учун ариза маъқулланган тақдирда хулосани расмийлаштиради ва унга кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатлари тўпламини илова қилади.

70. Ҳужжатлар кафиллик олиш учун талабларга мос келмаган тақдирда Жамғарма бош тижорат банкига уч кун муддатда қабул қилинган қарор ҳақида хабарнома юборади ва тақдим этилган ҳужжатларни қайтаради ҳамда асосли сабабларни ёзма равишда кўрсатади.

71. Кафиллик олиш учун ариза маъқуллангач, бош тижорат банки беш кун муддатда:

банк филиали ва кредит олувчи ўртасида кредит шартномасини;

Жамғарма, кредит ажратувчи банк ва кредит олувчи ўртасида кафиллик шартномасини тузади.

Бунда кафиллик шартномасини Жамғарма номидан Жамғарма ижрочи директори имзолайди. Банк ва кредит олувчи ўртасида тузилган кредит шартномасининг нусхаси, шунингдек кредитни қайтариш жадвали Жамғармага юборилади.

72. Жамғарманинг берилган кафилликлар бўйича тижорат банки олдидаги мажбуриятлари қуйидаги ҳолатларда бекор қилинади:

кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар берилган кафиллик суммаси бўйича тўлиқ қайтарилганда;

берилган кафиллик муддати тугаганда;

қарз олувчи кредит маблағларини бошқа субъектга Жамғарманинг ёзма равишдаги рухсатисиз берганда;

қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

73. Жамғарма кафолат портфелининг қисман ёки тўлиқ ҳажмини суғурта йўли билан қоплаш ҳуқуқига эга. Бунда суғурта йўли билан қоплаш бўйича сарф-харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

74. Битта шахсга бир пайтнинг ўзида компенсация ва кафолат берилмайди.

75. Компенсация ёки кафолатга эга бўлган шахс Жамғармага кредит бўйича жорий қарзни қайтарганидан сўнг такроран мурожаат қилишга ҳақли.

## 8-боб. Жамғарманинг тақдим этилган кафолатлар бўйича мажбуриятларни бажариш тартиби

76. Қарз олувчи кредитни қайтарганда ва кредит бўйича ўз мажбурият-

ларини имкон қадар камайтирганда, биринчи навбатда, Жамғарма кафиллигидан кредит бўйича қайтарилган суммага мутаносиб равишда озод этилади (таъминотдан чиқарилади). Бунда қарз олувчи томонидан ажратилган кредит бўйича таъминот сифатида тақдим этилган мулк Жамғарма таъминоти тўлиқ қопланганидан сўнг гаровдан озод этилади.

77. Қарз олувчи асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни ўз вақтида тўлаш билан боғлиқ мажбуриятларни кредит шартномасида белгиланган муддатларда бажармаса ёки тегишли равишда бажармаса, ёхуд мажбуриятлар ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда бажарилмаса ёки тегишли равишда бажарилмаса, банк қонунчиликда белгиланган тартибда унга ёзма талаблар қўяди.

78. Қарз олувчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган санадан (тегишли равишда бажармаганда) бошлаб, банк 90 календарь кун давомида қарз олувчидан кредит бўйича асосий қарзнинг қайтарилмаган суммасини олиш, ундан фоизларни ундириш ҳамда кредит шартномасида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши учун барча оқилона ва юзага келган вазиятда мумкин бўлган чоралар кўришга мажбур, жумладан:

тадбиркор ҳисоб рақамидаги маблағни унинг рухсатисиз олиб қўйиш;

гаров предметини ундириш ва таъминот бўйича талаблар қўйиш (Жамғарма кафиллиги бундан мустасно).

79. Муддатлар тугагач ва мазкур Низомнинг 75-бандида назарда тутилган барча зарур тартиб-таомиллар бажарилгандан сўнг кредит шартномасида белгиланган тартибда банк олдидаги қарз суммаси қайтарилмаса банк Жамғармага қуйидагилар қайд этилган талабларни қўяди:

кафиллик шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами, банк ва Жамғарма кафил бўлган қарз олувчи номи);

кафиллик шартномаси билан таъминланадиган кредит шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами ва бошқалар);

кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар суммасига бўлинган талаблар ҳажми;

қарз олувчининг шартнома бўйича бажармаган мажбуриятлари ҳажми бўйича жавобгарликнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, Жамғарманинг кафиллик шартномаси бўйича молиявий жавобгарлик ҳажмини ҳисоблаш;

банкнинг Жамғарма томонидан тўланадиган маблағлар ўтказилиши лозим бўлган тўлов реквизитлари кўрсатилган ҳисоб рақами;

банк талабларини қаноатлантириш муддатлари.

80. Талаб бош тижорат банкининг ваколатли вакили томонидан имзоланиши ва банк муҳри билан тасдиқланиши лозим.

81. Ушбу талабга қуйидагилар илова қилинади:

талабни (эътирозни) имзолайдиган шахс ваколатини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

қарз олувчининг ҳисобланган қарзи ва Жамғарма молиявий масъулиятининг ҳисобланган ҳажми;

қарз олувчининг банк олдида қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

банкнинг қарз олувчига йўллаган талабининг (эътирози) нусхаси;

тижорат банки мазкур Низомнинг 75-бандида қайд этилган қарз олувчига нисбатан чоралар кўргани ва тегишли ишларни амалга оширганини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотнома.

Банкнинг Жамғармага нисбатан талаби (эътирози) қайд этилган барча ҳужжатлар бош тижорат банкининг ваколатли вакили томонидан тасдиқланиб, банк муҳри билан мустаҳкамланиши лозим.

82. Жамғарма тақдим этилган талабни унинг берилган кафолатга ва илова қилинган ҳужжатларга мувофиқлиги бўйича кўриб чиқади. Кўриб чиқиш кафиллик шартномасида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

83. Жамғарма талаблар ва илова қилинган ҳужжатлар кафиллик шартномаси шартларига мос келмаган ёки ушбу ҳужжатлар кафолат муддати тугагандан сўнг тақдим этилган ҳолатларда тижорат банкига кафиллик суммасини тўлаш ҳақидаги талабни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга.

Эътирозлар билдирилган тақдирда Жамғарма банкдан талаб келган санадан бошлаб, 5 (беш) иш куни мобайнида банкка мавжуд барча эътирозлар кўрсатилган хатни юборади.

84. Жамғарма эътирозлар билдирилмаганда банк кўрсатган ҳисоб рақамга маблағ ўтказиши шарт. Жамғарма банк талаблари асосида ва кафиллик шартномасига мувофиқ банкка кредитнинг тўланмаган қисми бўйича кафиллик шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар суммасидан ошмайдиган миқдорда маблағ тўлайди.

85. Жамғарма мажбуриятлари у банкка маблағ ўтказган пайтдан бажарилган ҳисобланади.

86. Жамғарма кафиллик бўйича тўловларни тўлагандан сўнг банк билан биргаликда харажатларни қарз олувчининг бошқа ликвид мулки ҳисобидан регресс тартибда, жумладан, судга мурожаат қилиш орқали қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## 9-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилишини ҳисобга олиш, ҳисобот бериш ва назорат қилиш

87. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси қонунчиликда белгиланган тартибда Жамғармага маблағлар тушиши ва уларнинг сарфланишини ҳисобга олади ҳамда улар бўйича ҳисобот тузади.

88. Банк ҳар ойда, ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай Жамғармага унинг маблағларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

89. Ижро этувчи дирекция ҳар чоракда Жамғарма Кенгашига Жамғарма маблағларидан фойдаланилгани ҳақида ҳисоботлар тақдим этади.

90. Ижро этувчи дирекция молиявий йил ниҳоясига етгач, кейинги йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасига молиявий ҳисобот йилида олувчилар бўйича кафилликлар асосида амалда тақдим этилган ресурслар, тўланган компенсациялар ва тўловлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

91. Ижро этувчи дирекция, банклар ва давлат молиявий назорат органлари қарз олувчиларнинг кафилликлар бўйича ресурслар, компенсациялар тақдим этиш ва тўловлар тўлашнинг мазкур Низомда белгиланган шартлари, мақсадлари ҳамда тартибига риоя этишларини албатта текширади.

92. Жамғарма кредит бюроси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан қарз олувчининг кредит тарихи, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳақида ахборот сўраш ҳуқуқига эга.

93. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорат бош бошқармаси чоракда камида бир марта, белгиланган тартибда Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини текширади.

94. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мунтазам равишда, аммо чоракда камида бир марта Жамғарма томонидан ажратиладиган ресурслардан мақсадли фойдаланиш, шунингдек берилган кафилликлар юзасидан компенсациялар ва тўловлар миқдорини аниқлашда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилигини жойида ўрганади.

## 10-боб. Якунловчи қоидалар

95. Мазкур Низом талабларини бузган айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб беради.

96. Мазкур Низомни амалга оширишда юзага келадиган баҳслар қонунчиликда белгиланган тартибда, шу жумладан суд тартибида ҳал этилади.

97. Жамғарма қонунчиликда назарда тутилган тартибда тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан молиявий ёрдам кўрсатиш
## СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Муддатлар |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | Кичик тадбиркорлик субъекти | Тижорат банкига кредит бериш тўғрисида зарур ҳужжатлар илова қилинган аризани тақдим этиш. | Заруратга қараб |
| 2-босқич | Тижорат банки филиали | Кичик тадбиркорлик субъекти тақдим этган ҳужжатларни кўриб чиқиш, лойиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.<br>Кредит тақдим этиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда кредит беришга розлик берилгани ҳақида ҳужжатлар пакети илова қилинган хулосани бош тижорат банкига юбориш ва тадбиркорга кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар бериш. | 5 иш куни давомида |
| 3-босқич | Бош тижорат банки | Ҳужжатларни текшириш, умумлаштириш ва Жамғармага юбориш. | 3 иш куни давомида |
| 4-босқич | Жамғарма Ижро этувчи дирекцияси | Бош тижорат банкидан молиявий ёрдам олиш учун келган ҳужжатларни кўриб чиқиш, уларни умумлаштириш ва Комиссияга киритиш.<br>Молиявий ёрдам кўрсатишга розилик бериш ёки уни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш.<br>Қарорни бош тижорат банкига юбориш. | Ҳафтасига камида бир марта<br>1 иш куни давомида |
| 5-босқич | Жамғарма, тижорат банклари, кичик тадбиркорлик субъектлари | Жамғарма қарори асосида молиявий ёрдам кўрсатиш учун шартнома тузиш. | 5 иш куни давомида |

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик
фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-
қувватлаш давлат жамғармаси
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсациялар ҳисоб-китоби**
*(миллий валютада)*

| **Қайта молиялаштириш ставкаси,** *i* | **Компенсация коэффициенти,** *k* | **Компенсация миқдори,** *s* | **Кредитнинг ҳақиқий ставкаси,** *r* |
|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3=1*2** | **4** |
| 14% | 40% | 5,6% | 8,4% |
| 14% | 35% | 4,9% | 9,1% |
| 14% | 30% | 4,2% | 9,8% |
| 14% | 25% | 3,5% | 10,5% |
| 14% | 20% | 2,8% | 11,2% |
| 14% | 15% | 2,1% | 11,9% |
| 14% | 10% | 1,4% | 12,6% |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 992 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ–436-сон Қонуни)

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ–436-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Х. Комилов ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 8 сентябрь,
705-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 8 сентябрдаги 705-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 мартдаги 140-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 16-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 7-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши қўшилсин:

«бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этади»;

б) олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 11-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўз фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этади»;

б) бешинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 993 Автомототранспорт воситаларини давлат даромадига ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, давлат даромадига ўтказилган, 20 ва ундан кўп йил муддатда фойдаланилган ҳамда яроқсиз автомототранспорт воситалари ҳақ тўлаш эвазига утилизация ташкилотларига ёки иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш ташкилотларига ҳақ тўлаш эвазига (металл парчалари нархида) топширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда:

автомобилларга техника хизмати кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларни жалб этган ҳолда, 20 ва ундан кўп йил муддатда фойдаланилган ва суд қарори асосида давлат даромадига ўтказилган ҳамда фойдаланишга яроқсизлигини аниқлаш учун давлат суд ижрочилари юритишида бўлган автомототранспорт воситаларини хатловдан ўтказсин;

ўтказилган хатлов натижаларига кўра, 20 ва ундан кўп йил муддат фойдаланилган ҳамда яроқсиз автомотранспорт воситаларини белгиланган тартибда иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш ташкилотларига металл парчалари нархида топшириш чораларини кўрсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 июлдаги 200-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 7-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 11 сентябрь,
707-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 сентябрдаги 707-сон қарорига
ИЛОВА

## Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 5-бандда:

а) иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти деб аталади)» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (кейинги ўринларда Бюро деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) олтинчи хатбошидаги «суд ижрочилари» сўзлари «Туман (шаҳар) бюроси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 12-банднинг тўртинчи хатбошига қуйидаги мазмундаги жумла қўшилсин;

«20 ва ундан кўп йил фойдаланилган автомототранспорт воситасини кўздан кечириш далолатномасига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органининг автомототранспорт воситасининг фойдаланишга яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси илова қилинади».

3. 13-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«20 ва ундан кўп йил фойдаланилган, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органлари томонидан фойдаланиш учун яроқсиз деб топилган автомототранспорт воситалари ҳақ тўлаш эвазига утилизация ташкилотларига ёки иккиламчи хомашёни қайта ишлаш ташкилотларига (металл парчалари нархида) топширилади. Бир вақтнинг ўзида, ушбу автомототранспорт воситаларининг давлат рўйхатига олинган рақам белгилари ва рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳномаларини белгиланган тартибда йўқ қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органларига топшириш ҳақида қарор қабул қилинади».

4. 14-банднинг иккинчи хатбошидаги «Суд департаментининг туман (шаҳар) бўлимига (кейинги ўринларда суд ижрочилари деб аталади)» сўзлари «Туман (шаҳар) бюросининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. 15-бандда:

а) биринчи — тўртинчи хатбошилардаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) бешинчи хатбошидаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Рўйхатга олиш давомида мол-мулкни ўзлаштириш, унинг камомади, уни

яшириш, йўқ қилиш, унга шикаст етказиш ҳолатлари, мол-мулк номи, миқдори, сифати, қиймат кўрсаткичларида, шунингдек олиб қўйиш тўғрисидаги далолатномада, экспертнинг хулосасида, баҳолаш тўғрисидаги хулосада ва мол-мулкни баҳолаш тўғрисидаги далолатномада ва сақлаш учун қабул қилиш-топшириш далолатномасида кўрсатилган фарқлар аниқланган тақдирда давлат ижрочиси бу ҳақда гувоҳлар иштирокида уч нусхада далолатнома тузади ва кейинги кундан кечикмай, далолатноманинг бир нусхаси илова қилинган ижро ҳужжати нусхасини аниқланган камчиликларни кўрсатган ҳолда судга ёки уни берган ваколатли органга юборади. Бир вақтнинг ўзида, давлат ижрочиси давлат ижрочиси жойлашган жойдаги тегишли туман (шаҳар) прокурорига айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш учун далолатноманинг иккинчи нусхаси илова қилинган махсус билдиришномани юборади.

Давлат ижрочиси тасарруфига ўтадиган қимматбаҳо металлар ва тошларнинг рўйхатини тузишда, қимматбаҳо металлар ва тошларни давлат ижрочисига топшириш санасида уларнинг қиймати қайта баҳоланади. Қайта баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Қимматбаҳо металлар агентлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган шкала бўйича ички бозорда олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилган қимматбаҳо металлар ва тошлар қиймати ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Қайта баҳолаш давлат ижрочилари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлигининг Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси, солиқ ва молия органлари вакилларининг мажбурий иштирокида қимматбаҳо буюмлар қийматини қайта баҳолаш далолатномасини тузган ҳолда ўн кун муддатда амалга оширилади. Давлат ижрочиси қайта баҳоланган қийматдан қимматбаҳо металлар ва тошларни сотиш юзасидан шартномалар тузиш учун фойдаланади».

6. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. Давлат ижрочиси ижро ҳужжати бажарилгунга қадар мол-мулк (қимматбаҳо металлар ва тошлардан ташқари) сақланадиган жойни ўзгартиришга ҳақлидир. Бунда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади, далолатнома суд ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси, мол-мулк сақланиши учун жавобгар бўлган шахс, шунингдек мол-мулк сақланиши учун жавобгар этиб янгидан тайинланган шахс томонидан имзоланади».

7. 18-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилардаги «Суд департаментининг» сўзлари «Бюронинг» сўзи билан алмаштирилсин.

8. 19-бандда:

а) биринчи хатбошидаги «суд ижрочилари» сўзлари «давлат ижрочилари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Шартнома шартларига риоя этиш, шунингдек мол-мулкни сотиш тартибини назорат қилиш тегишли давлат ижрочилари томонидан амалга оширилади. Шартнома шартлари ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилган тақдирда тегишли давлат ижрочиси мол-мулкни уни сотиш юзасидан хизмат-

лар кўрсатиш бўйича шартнома тузилган бошқа савдо ташкилотига беришга ҳақлидир»;

в) тўртинчи хатбошидаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. 21-бандда:

а) биринчи хатбошидаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Давлат даромадига ўтказилган сотувдаги мол-мулкнинг яроқлилик муддати тамом бўлгандан кейин савдо ташкилоти давлат ижрочисига тегишли билдиришнома юборади. Давлат ижрочиси яроқлилик муддати тамом бўлган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун уч кун мобайнида судга ёки ижро ҳужжатини берган бошқа органга мурожаат қилади. Суд ёки ижро ҳужжатини берган бошқа орган давлат ижрочисининг мурожаатини ижро ҳужжатини бажариш усули ва тартибини ўзгартириш тартибида кўриб чиқади».

10. 25-бандда:

а) биринчи ва учинчи хатбошилардаги «Суд департаментининг» сўзлари «Бюронинг» сўзи билан алмаштирилсин;

б) бешинчи ва олтинчи хатбошилардаги «суд ижрочилари» сўзлари «Туман (шаҳар) бюроси» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. 36, 47 ва 58-бандлардаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

12. 37-банддаги «суд ижрочилари, Суд департаменти ходимлари» сўзлари «Бюро ходимлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

13. 38 ва 51-бандлардаги «суд ижрочилари» сўзлари «давлат ижрочилари» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. 39-бандда:

а) биринчи ва учинчи хатбошилардаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) иккинчи хатбошидаги «суд ижрочиларининг» сўзлари «Туман (шаҳар) бюросининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

15. 42-банднинг иккинчи хатбошидаги, 45-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. 44-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органининг мутахассиси 20 ва ундан кўп йил муддат фойдаланилган автомототранспорт воситасини кўздан кечириш билан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда автомототранспорт воситасининг яроқлилиги тўғрисида хулоса тузади ва ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизматининг тегишли органи раҳбари томонидан тасдиқланади».

17. Қуйидаги мазмундаги $45^1$-банд қўшилсин:

«45[1]. Утилизацияга ёки иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш ташкилотларига топшириш тўғрисида қарор қабул қилинган автомототранспорт воситалари давлат ижрочиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати вакилининг мажбурий иштирокида утилизацияга ёхуд иккиламчи хом ашёни қайта ишлаш ташкилотларига топширилади ҳамда қабул қилиш-топшириш далолатномасида бу ҳақда тегишли ёзув қайд этилади.

Давлат ижрочиси автомототранспорт воситасини ҳисобдан чиқариш тўғрисида қарор чиқаради ва уни автомототранспорт воситаси ҳисобга олинган жойдаги Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органига ижро этиш учун юборади. Бир вақтнинг ўзида Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати органига ушбу автомототранспорт воситасининг давлат рўйхатига олинган рақам белгилари ва рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳнома ҳам (мавжуд бўлса) топширилади».

18. 46-бандда:

а) биринчи ва иккинчи хатбошилардаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбошидаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. 49-банднинг иккинчи хатбошидаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. 52-банддаги, 53-банднинг биринчи, иккинчи ва учинчи хатбошилардаги, 62-банддаги «суд ижрочилари» сўзлари «Туман (шаҳар) бюроси» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. 54-бандда:

а) биринчи хатбошидаги «Суд ижрочиларига» сўзлари «Давлат ижрочиларига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) учинчи хатбошидаги «Суд департаменти» сўзлари «Бюро» сўзи билан алмаштирилсин;

в) тўртинчи хатбошидаги «суд ижрочилари» сўзлари «Туман (шаҳар) бюроси» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. 55-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошидаги ҳамда 56-банднинг учинчи хатбошидаги «суд ижрочиларига» сўзлари «давлат ижрочиларига» сўзлари билан алмаштирилсин.

23. 2-иловадаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

24. 3-иловадаги «Суд ижрочиси» сўзлари «Давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

25. 4-иловадаги «суд ижрочиси» сўзлари «давлат ижрочиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 994 Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссиялар тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органлари ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 майдаги ПҚ–2992-сон қарорини бажариш юзасидан ва жойларда ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссиялар тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги Ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссияларнинг намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ;

Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссияларнинг намунавий таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари ўн кун муддатда тасдиқланган Низомга мувофиқ ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссиялар ташкил этилишини ва уларнинг фаолияти ташкил этилишини таъминласинлар.

3. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 11 сентябрь,
708-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 сентябрдаги 708-сон қарорига
1-ИЛОВА

# Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссиялар тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссияларнинг (кейинги ўринларда комиссиялар деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Комиссиялар давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маъмурий-ҳудудий бирликларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштирувчи органлар ҳисобланади.

3. Комиссиялар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги комиссияларга ҳисобот берадилар.

5. Комиссияларни моддий-техник таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ мажбуриятлар, тегишли равишда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига юкланади.

## 2-боб. Комиссияларнинг асосий вазифалари, функциялари ва ҳуқуқлари

6. Қуйидагилар комиссияларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинлар келиб чиқишига олиб кела-

диган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

тасдиқланадиган жадвалларга мувофиқ маҳаллалар ҳудудларида ёнғинга қарши машқларни тизимли асосда ўтказиш, йўллар, кириш йўллари ва сув манбаларининг ҳолатини ўрганиш, ушбу тадбирларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар)нинг мажбурий иштирок этиши;

ёнғинларнинг олдини олиш соҳасида давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ёнғинларнинг олдини олиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни баҳолаш ва улар мониторингини олиб бориш, шунингдек, улар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш;

қишлоқ жойларда ва чекка аҳоли пунктларида кўнгилли ёнғин бўлинмалари ташкил этилишига, шунингдек, уларни моддий ва ижтимоий рағбатлантиришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги институти билан биргаликда объектлар раҳбарларининг комплекс ўқув-амалий йиғинларини ташкил этиш тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш ва аҳоли орасида кўргазмали ташвиқот ўтказиш.

7. Комиссиялар ўзларига юкланган вазифаларни бажариш мақсадида қуйидаги функцияларни амалга оширадилар:

а) ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, ёнғинлар келиб чиқишига олиб келадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш соҳасида:

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ёнғин билан боғлиқ вазият мураккаблашганда тегишли ҳудудда алоҳида (мавсумий) ёнғинга қарши режимларни жорий этган ҳолда ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни ўчириш чораларини ташкил этади;

ёнғин хавфсизлиги соҳасида илғор маҳаллий ва хорижий тажрибани ўрганади ва ёяди;

вазирликлар ва идоралар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари иштирокида ёнғин хавфсизлиги бўйича ҳудудий дастурлар ва тадбирлар лойиҳаларини, уларни амалга ошириш учун молиялаштириш манбалари ва ҳажмларини, шунингдек, моддий-техник ресурсларни аниқлаган ҳолда ишлаб чиқади;

б) тасдиқланадиган жадвалларга мувофиқ маҳаллалар ҳудудларида ёнғинга қарши машқларни тизимли асосда ўтказиш, йўллар, кириш йўллари ва сув манбаларининг ҳолатини ўрганиш, ушбу тадбирларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллар)нинг мажбурий иштирок этиши соҳасида:

ўзаро ҳамкорлик қилувчи тузилмалар ва идораларни жалб этган ҳолда объектларда, аҳоли яшаш жойларида ва одамлар оммавий тўпланадиган жойларда, шунингдек, сувсиз туманларда ёнғин-тактик машқлар ўтказилишини ташкил этади;

одамлар оммавий бўладиган объектларда ва кўп қаватли биноларда эва-

куация қилиш бўйича амалий машқлар ярим йилда камида бир марта ўтказилишини ташкил этади;

ёнғинларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, аҳолини ёнғин хавфсизлиги чораларига ўқитиш соҳасида корхоналар ходимларининг касб тайёргарлиги ва малакаси даражасини ошириш вазифаларини ҳал этишда иштирок этади;

тегишли қарорлар қабул қилиш учун ёнғинга қарши сув билан таъминлаш тизимидаги ва сувсиз туманлардаги мавжуд муаммолар ва камчиликлар бўйича давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади;

в) ёнғинларнинг олдини олиш соҳасида давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида;

ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштиради, уларга ахборот ёрдами, методик ёрдам ва бошқа ёрдам беради:

ёнғинларнинг олдини олиш масалалари бўйича шаҳарлар ва туманлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган тадбирларни ташкил этади;

ёнғин органлари бўлинмаларини ташкил этиш ва мустаҳкамлаш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ёнғин хавфсизлиги ҳудудий бошқармалари (бўлимлар, бўлинмалар) раҳбарларининг, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг таклифларини кўриб чиқади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар тайёрлайди;

г) ёнғинларнинг олдини олиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирларни баҳолаш ва улар мониторингини олиб бориш, шунингдек, улар самарадорлигини ошириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш соҳасида;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳудудида юз берган ёнғинлар масалаларини, шунингдек, уларнинг олдини олиш ишларининг ҳолатини кўриб чиқади;

давлат қабул комиссияларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳужжатларисиз фойдаланилаётган объектлар ишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқади ва шаҳарсозлик соҳасидаги махсус ваколатли органга таклифлар киритади;

ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва бошқа норматив ҳужжатларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

д) қишлоқ жойларда ва чекка аҳоли пунктларида кўнгилли ёнғин бўлинмалари ташкил этилишига, шунингдек, уларни моддий ва ижтимоий рағбатлантиришга кўмаклашиш соҳасида;

норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ ва юз берган ёнғинларни

таҳлил қилиш асосида аҳоли пунктларида янги ёнғин деполари қуриш масалаларини кўриб чиқади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига таклифлар киритади ҳамда қишлоқ жойларда ва чекка аҳоли пунктларида кўнгилли ёнғин бўлинмалари ташкил этилишига кўмаклашади;

ёнғин хавфсизлигига харажатлар юзасидан маҳаллий бюджетларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этишни, шу жумладан ташкил этиладиган кўнгилли ёнғин бўлинмаларини сақлашга, шунингдек, уларни моддий ва ижтимоий рағбатлантириш бўйича чораларни белгилаш ва кўришни таъминлайди;

е) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги институти билан биргаликда объектлар раҳбарларининг комплекс ўқув-амалий йиғинларини ташкил этиш тадбирлари амалга оширилишини таъминлаш ва аҳоли орасида кўргазмали ташвиқот ўтказиш соҳасида:

минтақада ёнғин хавфсизлиги чораларига ўқитиш бўйича объектлар раҳбарларининг ҳар йилги комплекс ўқув-амалий йиғинларини ташкил этади;

«Тасвирий ойина» ижодий бирлашмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда йилнинг ҳар чорагида жамоат жойларида, дўконларда, бекатларда ёнғин пайтида ҳаракат қилиш тартибини ва уларнинг юзага келишга йўл қўймаслик чораларини намойиш қилувчи материалларнинг (йўриқномалар, эсдаликлар, флайерлар, инфографикли плакатлар) кўргазмали ташвиқотини амалга оширади.

## 3-боб. Комиссияларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Комиссиялар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан комиссияларга юкланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни сўраш ва олиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига комиссияларнинг кўриб чиқиши учун киритиладиган зарур материалларни тайёрлашни топшириш:

ёнғин хавфсизлиги масалаларини ўрганиш учун мутахассисларни ва комиссиялар ишида иштирок этиш учун манфаатдор ташкилотларнинг вакилларини жалб этиш:

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун йўналтирилган давлат бошқаруви органларига марказлаштирилган тартибда ажратилган молиявий ресурслар ва моддий-техника ресурслар ўзлаштирилишини назорат қилиш;

мактабларда ва бошқа таълим муассасаларида болалар махсус дастурлар асосида ёнғин хавфсизлиги чоралари қўлланилишига ўқитилиши ташкил этилишига кўмаклаш;

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш;

ёнғин хавфсизлиги талабларини бажармаётган мансабдор шахслар ва фуқароларни жавобгарликка тортиш ва ёнғин келиб чиқиши ҳолатидаги

объектлардан фойдаланишни тўхтатиш тўғрисидаги таклифларни тегишли назорат ва суд органларига киритиш.

Комиссиялар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Комиссиялар уларга юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши учун жавоб берадилар.

## 4-боб. Комиссиялар ишини ташкил этиш

10. Мажлислар комиссиялар ишининг асосий шакллари ҳисобланади. Мажлисларда уларнинг ваколатига тегишли бўлган масалалар муҳокама қилинади ва ҳал этилади.

Комиссияларнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин.

Комиссиялар мажлислари йил чорагида камида бир марта ҳамда ёнғин хавфсизлиги соҳасида юзага келаётган вазиятдан келиб чиқиб ўтказилади. Навбатдан ташқари мажлислар комиссиялар раислари ёки уларнинг ўринбосарлари ташаббуси билан ўтказилади.

11. Комиссиялар мажлиси, агар уларда комиссиялар аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи иштирок этса, ваколатли ҳисобланади.

12. Комиссиялар мажлислари баённомалар билан расмийлаштирилади, баённомаларда кўриб чиқиладиган масалаларнинг хусусияти кўрсатилади. Баённомалар раислар томонидан тасдиқланади ва масъул котиблар томонидан имзоланади.

13. Мажлисда кўриб чиқилган масала бўйича қарор, агар мажлисда иштирок этган комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи унинг учун овоз берса, қабул қилинган ҳисобланади. Овозлар тенг бўлиб қолганда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

14. Комиссиялар томонидан қабул қилинадиган қарорлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектларига ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига комиссияларнинг масъул котиблари томонидан етказилади.

Шаҳарлар ва туманлар комиссияларининг қарорлари устидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар ва тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан юқори турувчи комиссияга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёхуд судга шикоят қилиниши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги комиссияларнинг қарорлари устидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёхуд судга шикоят қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини талаб этадиган масалалар бўйича комиссиялар белгиланган тартибда тегишли таклифлар киритадилар.

15. Комиссияларга раислар бошчилик қилади, уларнинг ваколатига қуйидагилар киради:

комиссиялар иши самарадорлигини таъминлаш;

комиссиялар мажлисларини чақириш;

комиссиялар иш регламентларини тасдиқлаш ва мажлисларини олиб бориш;

комиссиялар аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

комиссиялар томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилиши устидан назорат қилинишини ташкил этиш.

Комиссиялар раислари комиссияларга юкланган вазифалар бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар.

Раислар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

16. Комиссиялар раисларининг ўринбосарлари комиссиялар раисларининг топшириқларини бажарадилар, улар бўлмаганда уларнинг вазифаларини ижро этадилар.

17. Масъул котиблар:

комиссияларнинг иш юритиши бевосита юритилишини;

йиллик иш режалари ишлаб чиқилишини, уларнинг бажарилиши устидан назорат қилинишини, тасдиқланган иш режаларига мувофиқ комиссияларнинг жорий ишлари ташкил этилишини, шунингдек, комиссиялар мажлисларига зарур материаллар тайёрланишини;

комиссиялар мажлислари ўтказилиши вақти ва жойи тўғрисидаги маълумотлар комиссиялар аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга етказилишини;

тасдиқланган баённомалар расмийлаштирилишини, комиссиялар аъзоларига, давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ташкилотларга етказилишини;

комиссияларнинг қабул қилинган қарорлари ижро этилиши устидан назорат қилинишини, шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича комиссиялар раисларига тегишли маълумотлар ва таклифлар киритилишини;

комиссиялар мажлисларига тегишли материалларни тайёрлаш учун маълумотлар ўз вақтида тўпланишини ташкил этишни;

комиссиялар фаолияти тўғрисидаги ҳисобот материаллари тайёрланишини;

комиссияларнинг қарорларига мувофиқ бошқа функцияларнинг амалга оширилишини таъминлайдилар.

18. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳудудидаги комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги комиссияларга ҳисобот материалларини йилнинг ҳар чорагида, кейинги ойнинг 10-кунида тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги комиссиялар ярим йилда бир марта ҳисобот материалларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасига тақдим этадилар, Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси ахборот-таҳлилий материаллар ва бошқа материалларни тайёрлайди, умумлаштиради ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

19. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси:

комиссиялар фаолиятини ўрганиш якунлари ва жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ вазият бўйича зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини;

ёнғин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан зарур материаллар олинишини;

юзага келаётган вазият бўйича ахборот-таҳлилий ва бошқа материаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилишини ва ижтимоий соҳа объектларида ва иқтисодиёт тармоқларида ёнғин хавфсизлиги таъминланишини, шунингдек, комиссиялар фаолияти мониторинги олиб борилишини;

комиссиялар фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комиссиялар фаолиятига тегишли масалалар бўйича қабул қилинган қарорлари бажарилиши жойнинг ўзига чиқиб ўрганилишини таъминлайдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 сентябрдаги 708-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги Ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссиянинг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

**1. Комиссия раиси:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари.

Вилоят (Тошкент шаҳри) ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари.

**2. Комиссия раисининг ўринбосари:**

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (вилоят ички ишлар бошқармаси, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси)нинг Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ёнғин назорати бўйича бош давлат инспектори.

**3. Масъул котиб:**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари.

Вилоят (Тошкент шаҳри) ҳокимлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари.

**Комиссия аъзолари:**

4. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири;

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи;

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи;

Тошкент шаҳри халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят (Тошкент шаҳри) фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси;

вилоят (Тошкент шаҳри) архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи.

8. Қорақалпоғистон Республикаси (вилоят, Тошкент шаҳри) давлат солиқ бошқармаси бошлиғи — Қорақалпоғистон Республикаси (вилоят, Тошкент шаҳри) Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгаши раисининг ўринбосари.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири;

вилоят (Тошкент шаҳри) молия бош бошқармаси бошлиғи.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазири;

вилоят (Тошкент шаҳри) иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазири;

вилоят уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи;

Тошкент шаҳар Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи.

12. «Саноатгеоконтехназорат» ДИ минтақавий инспекцияси бошлиғи.

13. «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон республика бўлими бошқаруви раиси.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг вилоят (Тошкент шаҳар) бўлими бошлиғи.

14. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятда (Тошкент шаҳрида) Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармаси раҳбари.

Изоҳ: Комиссия таркибига зарурат бўлганда давлат ва хўжалик бошқа-

руви тегишли органларининг раҳбарлари ва мутахассислари жалб этилиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 сентябрдаги 708-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Ёнғин хавфсизлиги бўйича комиссиянинг**

## НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

**1. Комиссия раиси:**

Туман (шаҳар) ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари.

**2. Комиссия раисининг ўринбосари:**

Туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи.

**3. Масъул котиб:**

Туман (шаҳар) профилактика ва ёнғин назорати бўйича ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғининг ўринбосари.

**Комиссия аъзолари:**

4. Туман (шаҳар) ёнғин хавфсизлиги бўлими фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи.

5. Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи.

6. Туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

7. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғи.

8. Туман (шаҳар) молия бўлими бошлиғи.

9. Туман (шаҳар) иқтисодиёт ва ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи.

10. Туман (шаҳар) уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи.

11. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман (шаҳар) бўлими бошлиғи.

12. Савдо-саноат палатасининг туман (шаҳар)даги филиали бошлиғи.

Изоҳ: Комиссия таркибига зарурат бўлганда давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларининг раҳбарлари ва мутахассислари жалб этилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 995 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳар ҳокимияти бошқарув аппарати тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3050-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳар ҳокимияти бошқарув аппарати тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3050-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари ва бўлимлари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тўғрисида» 2016 йил 2 майдаги 133-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 5-сон, 33-модда).

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси А.Ж. Раматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 11 сентябрь,
709-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 сентябрдаги 709-сон қарорига
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 июндаги 109-сон қарори билан тасдиқланган Умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилиш кўрсаткичларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2010 й., 23-сон, 184-модда):

а) 10-банднинг биринчи хатбошидаги ва 11-банддаги «Меҳнат вазирлигининг»ва «Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари» сўзлари тегишлича «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг» ва «Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) илованинг «Масъул бажарувчилар» устунидаги «Меҳнат вазирлиги» ва «Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармалари» сўзлари тегишлича «Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги» ва «Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бош бошқармалари» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сон қарори билан тасдиқланган Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 10-сон, 89-модда):

а) 12-банднинг тўртинчи хатбошидаги «туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимларининг» сўзлари «туманлар ва шаҳарлар иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳудудни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармасининг» сўзлари «Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бош бошқармасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-илованинг «Субъектлар» устунидаги «туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари» сўзлари «туманлар ва шаҳарларнинг иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлимлари» билан алмаштирилсин;

г) 2-иловада:

биринчи хатбошидаги «Тошкент шаҳри ҳокимларининг саноатни ривожлантириш» сўзлари «Тошкент шаҳар ҳокимларининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Тошкент шаҳри ҳокимликларининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси» сўзлари «Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва комплекс ривожлантириш бош бошқармаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари бошқарув аппаратлари тўғрисидаги намунавий низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2016 йил 27 апрелдаги 123-сон қарорида:

а) 1-иловада:

9-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда

барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши»;

10-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқарув аппаратининг тузилмаси ҳокимнинг ёрдамчиси, ташкилий-назорат гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби, юридик хизмат, ахборот-таҳлил гуруҳи, ишлар бошқармаси, ҳоким ўринбосарларининг котибиятларидан иборат бўлади»;

11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бошқарув аппаратининг ишлари ҳоким томонидан тасдиқланадиган Бошқарув аппарати ва ходимларнинг функционал вазифалари тўғрисидаги низомга, ушбу Намунавий низомга, Иш юритиш бўйича йўриқномага, шунингдек, ташкилий-назорат гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, ахборот-таҳлил гуруҳи, юридик хизмат, ишлар бошқармаси, ҳоким ўринбосарлари котибиятлари тўғрисидаги низомларга мувофиқ ташкил этилади»;

12-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ҳокимнинг ёрдамчиси, ташкилий-назорат гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби, юридик хизмат, ахборот-таҳлил гуруҳи ва ишлар бошқармаси ўз фаолиятида ҳокимга бўйсунади»;

13 ва 14-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«13. Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти билан келишилган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳоким ўринбосарининг котибияти мудири ва мутахассислари, шунингдек мутахассислар ҳокимнинг тегишли ўринбосари тақдимномаси бўйича ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Ҳокимнинг ёрдамчиси ва бошқарув аппаратининг бошқа ходимлари ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Юридик хизмат ходимлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

14. Ташкилий-назорат гуруҳи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи ҳамда ишлар бошқармаси, ахборот-таҳлил гуруҳи, юридик хизмат, ҳоким ўринбосарларининг котибиятлари тўғрисидаги низомлар, шунингдек улар ходимларининг, ҳоким ёрдамчисининг, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия масъул котибининг функционал вазифалари ҳоким томонидан тасдиқланади»;

18-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

20-банднинг биринчи ва еттинчи хатбошиларидаги «Ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи» сўзлари «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари гуруҳи» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик хизмат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ташкил этилади»;

23-бандда:

биринчи хатбошисидаги «Ахборот-таҳлил хизмати» сўзлари «Ахборот-таҳлил гуруҳи» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидан «Ҳудудни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси билан биргаликда» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбошидан «ва ҳудудни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бошлиғини» сўзлари чиқариб ташлансин;

ўн учинчи хатбошисидаги «Ахборот-таҳлил хизмати» сўзлари «Ахборот-таҳлил гуруҳи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловада:

9-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши»;

10-банддаги «ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими» сўзлари «иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддаги «ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-банднинг биринчи хатбошисидаги «ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими» сўзлари чиқариб ташлансин;

13-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади» сўзлари чиқариб ташлансин;

14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими тўғрисидаги низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоят ҳокимлари томонидан тасдиқланади» сўзлари чиқариб ташлансин;

16-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Юридик хизмат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ташкил этилади»;

в) 3-иловада:

9-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида» 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши»;

10-банддаги «ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими» сўзлари «иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими» сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банддан «ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими» сўзлари чиқариб ташлансин;

12-банднинг биринчи хатбошисидаги «ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими» сўзлари чиқариб ташлансин;

13-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими бошлиғи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокимлари билан келишган ҳолда ҳокимнинг қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади» сўзлари чиқариб ташлансин;

14-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ҳудудни комплекс ривожлантириш бўлими тўғрисидаги низом Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли вилоят ҳокимлари томонидан тасдиқланади» сўзлари чиқариб ташлансин;

16-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик хизмат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 январдаги ПҚ–2733-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органлари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ ташкил этилади».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 996 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ–5106-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2017 йил 5 июлдаги ПФ–5106-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 12 сентябрь,
712-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 12 сентябрдаги 712-сон қарорига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Йилнинг энг яхши спортчиси» Ўзбекистон миллий кубогини таъсис этиш тўғрисида» 1996 йил 20 декабрдаги 452-сон қарори 2-иловасининг 7-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«7. Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Мудофаа вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг ҳарбий хизматга чақиришни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан масъулиятини ошириш тўғрисида» 2002 йил 26 октябрдаги 333-сон қарорининг 4-банди тўртинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2002 йил 31 октябрдаги 374-сон қарори 1-иловасининг 38-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи».

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ҳомийлик кенгаши таркибидаги ўзгаришлар тўғрисида» 2004 йил 27 августдаги 407-сон қарори иловасининг йигирма иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида» 2000 йил 25 августдаги 334-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 14 мартдаги 44-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2006 йил 9 августдаги 169-сон қарорининг 2-иловаси 8 ва 12-бандлари биринчи хатбошиларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2007 йил 3 январдаги 2-сон қарори иловасида:

а) 7-банднинг 3-кичик бандида:

«Камолот» ёш оилалар учун» сўзлари «ёш оилалар учун «Ёшлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

«ставкасидан» сўзи «ставкасининг 50 фоизидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-банддаги «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 12-банднинг учинчи хатбошисидаги «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

г) 25-бандда:

3-кичик банддаги «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

5-кичик банддаги «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгашининг» ва «Камолот» сўзлари тегишли равишда «Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг» ва «Ёшлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёшларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 июндаги 145-сон қарори 2-иловасининг 6-банди «қаерга тақдим этилади» устунидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисидаги Конвенцияни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2008 йил 12 сентябрдаги 207-сон қарори иловасининг 11, 12, 18-бандлари «Масъул ижрочилар» устунидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Болаларнинг санъат ва маданият соҳасидаги қобилият ҳамда иқтидорини барвақт аниқлаш, ривожлантириш билан шуғулланадиган нодавлат ташкилотларни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 13 октябрдаги 225-сон қарорида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши» сўзлари «Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг 8 ва 11-бандларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши» сўзлари «Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-илованинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қ. Қуранбаев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 14 январдаги 10-сон қарори иловасининг 9-банди иккинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон ёшлари-

нинг «Камолот» ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини тўплаш, тайёрлаш ва қайта ишлаш учун етказиб бериш тизимини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 16 мартдаги 70-сон қарори иловасининг ўн еттинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қ. Қуранбаев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида» 2009 йил 29 июндаги 181-сон қарорида:

а) 2-илованинг ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси»;

б) 3-илованинг ўн бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 октябрдаги 265-сон қарори билан тасдиқланган Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича чақирув комиссиялари тўғрисида низомда:

а) 6-банднинг еттинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 21-банднинг биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон қарори 1-иловасида:

а) 26-бандда:

«Масъул ижрочилар» устунидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа» устунидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 27, 28, 30, 31-бандларнинг «Масъул ижрочилар» устунидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини зилзилалар оқибатида юзага келган фавқулодда вазиятларда (табиий ва техноген тусдаги) ҳаракат қилишга

тайёрлаш комплекс дастурини тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 19 июлдаги 208-сон қарори иловасининг 10-банди «Бажарувчилар» устунидаги «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгаши» сўзлари «Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофоти танловини ташкиллаштириш ишларини такомиллаштириш тўғрисида» 2011 йил 3 ноябрдаги 295-сон қарори 1-иловасининг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«О.Таджиев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари».

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Баркамол авлодни тарбиялашда оила институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 19 июндаги 175-сон қарори 3-иловасининг 6 — 19, 21 — 24-бандлари «Масъуллар» устунидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-ҳунар коллежининг васийлик кенгаши тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» 2012 йил 6 июлдаги 201-сон қарори иловасининг 5-бандидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 28 мартдаги 89-сон қарори 3-иловасининг 8-банди биринчи хатбошисидаги, 10-банди тўртинчи хатбошисидаги, 12 ва 13-бандларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «2013 — 2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 25 июндаги 178-сон қарори 1-иловасининг 25, 26, 28-бандлари «Бажариш учун масъуллар» устунидаги «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг «Ziyonet» таълим ахборот тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 10 июлдаги 198-сон қарори 5-бандининг биринчи хатбошисидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 30 сентябрдаги 267-сон қарорининг 1-иловаси ўттиз биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қ. Қуранбаев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

23. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарорида:

а) 3-илованинг 6-бандидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг 6 ва 14-бандларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 6 — 9-иловаларнинг 6 ва 14-бандларидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

24. Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳамда туманлар ва шаҳарлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгашларининг намунавий низомларини ва таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2013 йил 14 декабрдаги 329-сон қарорида:

а) 1-илованинг 30-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«30. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари раислари»;

б) 2-илованинг 20-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг туман (шаҳар) кенгаши раислари».

25. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг ҳимояга муҳтож болаларни ижтимоий муҳофаза қилишни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш бўйича Жамоатчилик кенгаши ҳамда Илмий-методик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2014 йил 20 январдаги 11-сон қарорининг 2-иловаси ўн учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лавозимига кўра — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари».

26. Вазирлар Маҳкамасининг «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 30 январдаги 20-сон қарорида:

а) 5-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига» сўзлари «Ёшлар иттифоқига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-илованинг ўн бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

27. Вазирлар Маҳкамасининг «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2014 йил 8 сентябрдаги 250-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошида:

«Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

«ставкасига» сўзи «ставкасининг 50 фоизига» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 2-банднинг иккинчи ва тўртинчи хатбошилардаги «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон ёшлар иттифоқига қуриладиган «Ёшлар» уйларининг сифати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тавсия этилсин»;

г) 4-банддаги «Камолот»нинг» сўзи «Ёшлар»нинг» сўзи билан алмаштирилсин;

д) 5-бандда:

«Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин»;

е) 6-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Камолот» сўзи «Ёшлар» сўзи билан алмаштирилсин;

ж) 1-иловада:

номидаги «Камолот»нинг» сўзи «Ёшлар»нинг» сўзи билан алмаштирилсин;

1-банддаги «Камолот»нинг» сўзи «Ёшлар»нинг» сўзи билан алмаштирилсин;

2-бандда:

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги «Камолот»нинг» сўзи «Ёшлар»нинг» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг биринчи хатбошисидаги «ставкасига» сўзи «ставкасининг 50 фоизига» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуйидагилар квартираларни ипотека кредити асосида сотиб олиш ҳуқуқига эгадир:

а) турар жой шароитларини яхшилашга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган ҳамда фан, санъат, адабиёт, спорт соҳасида ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган ёш оилалар (қоидага кўра, давлат мукофотлари, «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони соҳиблари, нуфузли халқаро ва республика мусобақалари, танловлар ва олимпиадалар совриндорлари);

б) Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида камида уч йил мобайнида фаолият олиб бораётган ижтимоий фаол ёш оилалар — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши тақдимномаси асосида;

в) фаолият юритаётган меҳнат жамоасида алоҳида намуна ва хизмат кўрсатган ёш оилаларга — давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларининг раҳбарлари тавсиясига кўра Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши тақдимномаси асосида;

5-банднинг «б» кичик бандидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

7-бандда:

биринчи хатбоши ва «а» кичик бандидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

«б» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«никоҳ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, фарзанд (бола) тарбиялаб вояга етказаётган ёлғиз ота ёки ёлғиз онанинг илгари никоҳда бўлмаганлиги ёхуд никоҳдан ажралганлиги, бева эркак (бева аёл) тўғрисида ФҲДЁ органидан берилган маълумотнома»;

8-банднинг биринчи хатбошисидаги «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Камолот» ЁИҲнинг» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

биринчи хатбошидаги «Камолот ЁИҲнинг» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

11 — 16-бандлардаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Камолот» ЁИҲ Марказий кенгашининг тавсияномаси навбатдан ташқари берилади» сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«имтиёзли ипотека кредити олувчи Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида камида уч йил мобайнида фаолият олиб бораётган ижтимоий фаол ёшлардан бўлса, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг тавсияномаси навбатдан ташқари берилади.»;

18 ва 19-бандлардаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

з) 1-илованинг 1-иловасида:

номидаги «Камолот»нинг» сўзи «Ёшлар»нинг» сўзи билан алмаштирилсин;

1-банддаги «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

и) 1-илованинг 2-иловасида:

номидаги «Камолот»нинг» сўзи «Ёшлар»нинг» сўзи билан алмаштирилсин;

схемадаги «Камолот ЁИҲ», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг» ва «Камолот» сўзлари тегишли равишда «Ёшлар иттифоқи», «Ёшлар иттифоқининг» ва «Ёшлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

й) 1-илованинг 3-иловасида:

номидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзи билан алмаштирилсин;

тегишли тижорат банкига тақдим этиш учун Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг уй-жойга муҳтожлар сифатида ҳисобга қўйилган ёш оила-

ларга тавсияномаси шаклидаги «Камолот»нинг», «Камолот», «Камолот» ЁИҲ» ва «Камолот» Ёшлар Ижтимоий ҳаракати» сўзлари тегишли равишда «Ёшларнинг», «Ёшлар» ва «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 18 декабрдаги 348-сон қарори иловасининг 2-банди иккинчи хатбошисидаги ва 15-банди биринчи хатбошисидаги «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг «Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 10 мартдаги 52-сон қарорида:

а) 1-илованинг ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қ.Қ. Қуранбаев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси»;

б) 2-илованинг ўн биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари раҳбарлари»;

в) 4-илованинг 6, 8, 9 ва 11-бандлари «Бажариш учун масъуллар» устунидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши» сўзлари «Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2015 йил 25 апрелдаги 102-сон қарори 1-иловасининг йигирма бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

31. Вазирлар Маҳкамасининг «2015 — 2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 29 августдаги 251-сон қарори иловасининг 13, 20 ва 21-бандлари «Масъул бажарувчилар» устунидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг «Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2015 йил 8 октябрдаги 287-сон қарори 1-иловасининг 16-банди иккинчи хатбошисидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

33. Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳар йиллик «Савдо ва хавфсизлик» танловини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида» 2016 йил 21 июлдаги 237-сон қарорида:

а) 3-илованинг йигирма иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Шукуров Э.Х. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раиси»;

б) 4-илованинг «Ажратилаётган маблағлар манбалари» устунидаги «Ка-

молот» ЁИҲ» сўзлари «Ўзбекистон ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

34. Вазирлар Маҳкамасининг «Кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оилаларга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 16 январдаги 14-сон қарори 3-иловасининг 3-бандидаги «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

35. Вазирлар Маҳкамасининг «Хоразм Маъмун академиясининг фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 14 апрелдаги 211-сон қарорининг 2-иловаси 32-банди «Масъул ижрочилар» устунидаги «Камолот ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

36. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун пудрат ташкилотларини ҳамда қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни етказиб берувчиларни аниқлаш юзасидан танлов савдолари ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 26 апрелдаги 243-сон қарори иловасининг 8-бандидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

37. Вазирлар Маҳкамасининг «Муддатли ҳарбий хизматни ва сафарбарлик чақируви резервида хизматни ўтаган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича Республика комиссиясини ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида тегишли комиссияларни ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 2 июндаги 339-сон қарорида:

а) 1-илованинг саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қуранбаев Қ.Қ. — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси».

б) 2-илованинг 6-бандидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

38. Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори 3-иловасининг 38-бандидаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

39. Вазирлар Маҳкамасининг «2017 — 2019 йилларда Самарқанд шаҳри ва Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 30 июндаги 450-сон қарори 1-иловасининг 38 ва 39-бандлари «Масъул бажарувчилар» устунидаги «Камолот» ЁИҲ» сўзлари «Ёшлар иттифоқи» сўзлари билан алмаштирилсин.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 997 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 июндаги ПҚ–3052-сон қарорини ижро этиш юзасидан ва соғлиқни сақлашни бошқариш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, республика аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекциясининг техник топшириғи асосида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобига («ТМЭК») дастурий комплексининг янги версияси ишлаб чиқилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ТМЭК дастурий комплексини кейинчалик соғлиқни сақлаш органларига хизмат кўрсатиш учун бепул асосда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига берсин, бунда Соғлиқни сақлаш вазирлигига бергунга қадар унга молия органлари билан тузилган шартнома асосида хизмат кўрсатилишини назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 12 сентябрь,
714-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини, шунингдек, фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

2. Вазирлик соғлиқни сақлашда давлат сиёсатини ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи, соғлиқни сақлаш, тиббий суғурта, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг муомаласи, аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги, тиббий экспертизалар ўтказиш, тиббий ва фармацевтик маълумотни ташкил этиш соҳасида норматив-ҳуқуқий тартибга солувчи давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

3. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунади ва ҳисобот беради.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, соғлиқни сақлаш ҳудудий бошқарув органлари, уларнинг туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмалари республика соғлиқни сақлашни бошқариш органларининг ягона тизимини ташкил этади.

5. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

6. Вазирлик ўз фаолиятини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат, хорижий, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ҳамда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига бўйсунадилар.

9. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Дав-

лат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига эга бўлади.

10. Вазирлик Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 12-уй манзили (почта манзили) бўйича жойлаштирилади.

## 2-боб. Вазирликнинг асосий вазифалари ва функциялари

11. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳолига, шу жумладан, давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда тўлиқ ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлашда Вазирликнинг органлари ва ташкилотлари роли ва масъулиятини оширишга йўналтирилган фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

жамоат соғлиғини сақлаш устуворлигини таъминлаш, аҳолини соғлом турмуш тарзини юритишга ундаш, энг аввало, ўз соғлиғи ва атрофидагиларнинг соғлиғи учун масъулият туйғусини тарбиялашда аҳолининг маданияти ва тиббий саводхонлигини ошириш;

миллатнинг генофондини яхшилаш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, оилада тиббий маданиятни, умрнинг сифати ва узоқ давом этишини ошириш, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

бевосита бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотларида қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмларини кенгайтириш, асосий, тез-тез учрайдиган касалликлар турлари бўйича туман бўғини даражасида ихтисослаштирилган хизматлар тизимини барпо этишда амалий ёрдам беришни ташкил этиш;

ҳам тиббий ёрдамни хизмат кўрсатилаётган аҳолига яқинлаштириш, ҳам ахборот технологияларини, телетиббиётни, даволашнинг клиник протоколларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини минтақавий тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимларига бериш ҳисобига аҳолига кўрсатилаётган бирламчи, тез, кечиктириб бўлмайдиган ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг қулайлиги ва тезкорлиги даражасини ошириш;

дорилар муомаласини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириш, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат берилган асбоб-ускуналарни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш;

ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар, ногиронларни манзилли ижтимоий муҳофаза қилишни такомиллаштириш, уларни даволашни, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш йўли билан уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини ошириш, профилактик тадбирларни кен-

гайтириш, даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва уларни қўллаш;

маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини бирга қўшиш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, олий ва ўрта тиббий таълим тизимини ривожлантириш;

соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-методик раҳбарлик қилишни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлайдиган замонавий, хорижий амалиётда синаб кўрилган соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш усулларини жорий этиш.

12. Вазирлик юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) аҳолига, шу жумладан, давлат томонидан кафолатланган ҳажмларда тўлиқ ва ўз вақтида тиббий хизматлар кўрсатишни таъминлашда Вазирликнинг органлари ва ташкилотлари роли ва масъулиятини оширишга йўналтирилган фуқароларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасида:

аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга оширишни таъминлайди;

соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш дастурларини амалга оширади, соғлиқни сақлашнинг нодавлат секторини ривожлантиради ва тиббий хизматлар бозорини ташкил этади;

соғлиқни сақлаш, шу жумладан, тиббий ёрдам бериш, дори воситалари, тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш ҳамда уларга риоя қилиниши устидан назорат қилиш соҳасида нормативлар ва стандартлар тизимини яратади;

тиббий ёрдам сифати стандартларини ва ҳажмини белгилайди, тиббий ва фармацевтик фаолиятни лицензиялашни амалга оширади;

тиббиёт ташкилотлари томонидан аҳолига ўз вақтида малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатилиши устидан назорат қилади;

суд-тиббий ва суд-руҳий ва тиббий-меҳнат экспертизасини таъминлайди;

тармоқни кадрлар билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, соғлиқни сақлашда тегишли йўналишлар ва мутахассислар бўйича тиббиёт кадрларига бўлган эҳтиёжни аниқлайди ва уларни тайёрлайди;

ўз ваколатлари доирасида тегишли халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

б) жамоат соғлиғини сақлаш устуворлигини таъминлаш, аҳолини соғлом турмуш тарзини юритишга ундаш, энг аввало, ўз соғлиғи ва атрофидагиларнинг соғлиғи учун масъулият туйғусини тарбиялашда аҳолининг маданияти ва тиббий саводхонлигини ошириш соҳасида:

касалликлар ва ногиронликнинг олдини олиш тадбирларини амалга оширади, тиббий ва тиббий-меҳнат экспертизаси ўтказилишини ташкил этади;

профилактик ёрдам йўналишлари ва ҳажмлари, профилактик эмлаш муддатлари ва усуллари тўғрисида қарорлар қабул қилади, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда муҳим тиббий-ижтимоий нормалар ва нормативлар рўйхатини белгилайди ва уларнинг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

соғлиқни сақлашда статистика юритилиши ишларини ташкил этади, соғлиқни сақлаш тизимида статистик ҳисобот ва ҳисобот бериш тартибига методик раҳбарлик қилади, статистика ахборотининг ишончлилигини назорат қилади;

тармоқни ахборотлаштириш тизими шакллантирилишини таъминлайди, манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳисоб ва ҳисоботни юритиш бўйича замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

в) миллатнинг генофондини яхшилаш мақсадида соғлом авлод туғилиши ва тарбияланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, оилада тиббий маданиятни, умрнинг сифати ва узоқ давом этишини ошириш, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш соҳасида:

фертиль ёшидаги аёллар, ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек, ёлғиз кексалар, сурункали касалликларга чалинган ногиронлар ва ўзгаларнинг парваришига ва тиббий-ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган бошқа шахслар орасида патронаж иши доимий асосда олиб борилишини таъминлайди;

фавқулодда тусдаги аварияли вазиятлар ва ҳалокатларни бартараф этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади, фавқулодда вазиятларни тугатишда фойдаланиш учун тиббий буюмлар, дорилар, дезинфекция воситаларининг захирасини белгиланган тартибда ташкил этади;

юқумли ва юқумли бўлмаган, паразитар касалликлар, шунингдек, инсоннинг яшаш муҳити омиллари унинг соғлиғига ва меҳнат фаолиятига нохуш таъсир этиши билан боғлиқ касб касалликлари профилактикаси ишларини олиб боради;

манфаатдор органлар билан биргаликда бошқа давлатлар ҳудудидан юқумли ва карантин касалликлар кириб келишининг олдини олиш ишларини ташкил этади ва назорат қилади;

санитария нормалари, қоидалари, гигиена нормативларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, уларга риоя этилиши устидан давлат санитария назоратини амалга оширади, шунингдек, санитария-эпидемиология хизматлари ишига уларнинг идоравий бўйсунишидан қатъи назар, методик раҳбарлик қилади;

истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотлари тақдимномаси бўйича идоравий мансуб лабораторияларда товарлар (ишлар, хизматлар)нинг хавфсизлик талабларига мувофиқлигига шартнома асосида синовлар ўтказади;

г) бевосита бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотларида қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмларини кенгайтириш, асосий, тез-тез учрайдиган касалликлар турлари бўйича туман бўғини даражасида ихтисослаштирилган хизматлар тизимини барпо этишда амалий ёрдам беришни ташкил этиш соҳасида:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами ташкилотларидан тортиб ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларигача тиббий ёрдам кўрсатишнинг барча даражаларида касалликларнинг олдини олиш ва профилактикасини таъминлайди, ушбу мақсадларда илмий-тадқиқот, диагностика ва патронаж ишларини кенгайтиради;

асосий, тез-тез учрайдиган касалликлар турлари бўйича туман бўғини даражасида ихтисослаштирилган хизматлар тизимини қуришда амалий ёрдам беришни ташкил этади;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро алоқалари такомиллаштирилишини таъминлайди;

тиббий диагностика тизимини такомиллаштиради, республика ҳудудларида диагностика хизматлари тармоғини ривожлантиради, тиббий ихтисослаштирилган ташкилотлар тармоғи фаолият кўрсатишини таъминлайди;

д) ҳам тиббий ёрдамни хизмат кўрсатилаётган аҳолига яқинлаштириш, ҳам ахборот технологияларини, телетиббиётни, даволашнинг клиник протоколларини кенг жорий этиш ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассисларнинг тажрибасини минтақавий тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимларига бериш ҳисобига аҳолига кўрсатилаётган бирламчи, тез, кечиктириб бўлмайдиган ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг қулайлиги ва тезкорлиги даражасини ошириш соҳасида:

ахборот технологиялари, телетиббиёт, даволашнинг клиник протоколлари кенг жорий этилишини ҳамда етакчи хорижий ва маҳаллий мутахассислар тажрибаси минтақавий муассасаларининг тиббиёт ходимларига берилишини таъминлайди;

барча даражаларда аҳолига шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини ташкил этади ва мустаҳкамлайди, уни самарали бошқаришни таъминлайди;

е) дорилар муомаласини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириш, дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллашга рухсат берилган асбоб-ускуналарни стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасида:

дори-дармон муомаласини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминлайди, дори ва дезинфекция, санитария-гигиена ва пардоз-андоз воситалари ва тиббий буюмлар, кучли таъсир кўрсатувчи ва заҳарли моддалар, гиёҳвандлик, психотроп воситаларни стандартлаштиради ва сертификатлаштиради, уларни ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш тартиби устидан назорат қилади;

дори, дезинфикация воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжларни ўрганади, уларга талаб ва таклифларни ишлаб чиқади;

тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартибини белгилайди;

ж) ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар, ногиронларни манзилли ижтимоий муҳофаза қилишни такомиллаштириш, уларни даволашни, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш йўли билан уларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий ёрдам даражаси ва сифатини ошириш, профилактик тадбирларни кенгайтириш, даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва уларни қўллаш соҳасида:

ногиронларга, шу жумладан ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамнинг табақалаштирилишини кучайтиришга ва манзиллилигига йўналтирилган ижтимоий сиёсат амалга оширилиши механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлашда иштирок этади;

Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси, бош, туманлараро, туман, шаҳар ва ихтисослаштирилган тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари фаолиятига раҳбарлик қилади;

давлатнинг ижтимоий сиёсатини амалга ошириш, ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам бериш механизми фаолият кўрсатиши бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилишида иштирок этади;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда пенсионерлар, ногиронлар ва ёлғиз кекса фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, жумладан, санаторий-курортда даволаниш учун йўлланмалар ва махсус ҳаракатланиш воситалари беришда иштирок этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кекса фуқароларни аниқлайди ва уларга ижтимоий хизматларнинг якка тартибдаги дастурлари кўрсатилишини, шу жумладан уйда қарашни ташкил этади;

ногиронлар, шу жумладан ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларининг эҳтиёжларига мувофиқ бўлган тиббий-ижтимоий ёрдам турларини танлаш ва тақдим этишда, шу жумладан, ортопедия буюмлари, реабилитациянинг техник воситалари ва аравача-коляскалар билан таъминлаш мақсадида улар ҳисобини юритади;

тиббий-ижтимоий муассасаларда яшаётган кекса фуқаролар ва ногиронларга маиший, тиббий ва маданий хизмат кўрсатилишини ташкил этади, ушбу муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини таъминлайди;

ногиронлар, шу жумладан, ногирон болалар, уруш қатнашчилари, фахрийлар, ёлғиз кексалар ва аҳолининг бошқа заиф қатламларига тиббий-ижтимоий ёрдам дастурларини молиялаштириш учун маблағларни жалб этиш

ишида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш босқичи сифатида уларнинг жисмоний тарбияси ва спорт ютуқлари ривожланишига кўмаклашади;

эҳтиёжманд шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлашни ташкил этади;

ногиронлар ва пенсия ёшидаги шахсларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминлаш тартибини белгилайди;

з) маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини бирга қўшиш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш, илмий тиббий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш, олий ва ўрта тиббий таълим тизимини ривожлантириш соҳасида:

маҳаллий тажрибани ва энг яхши жаҳон ютуқларини бирга қўшиш асосида тиббиёт фанини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқади ва прогнозлаштиради;

илмий-тиббий тадқиқотлар ривожланишини ва уларнинг самарадорлиги оширилишини, фан, техника ютуқлари ва илғор тажриба тиббиёт амалиётига жорий этилишини таъминлайди;

илмий тадқиқотлар натижаларини экспертизадан ўтказади, соғлиқни сақлашнинг долзарб муаммолари бўйича илмий тадқиқотларга муассасалар, ташкилотлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олдида буюртмачи бўлади;

соғлиқни сақлаш соҳасида хорижий тажрибадан ва жаҳон стандартларидан фойдаланилади;

республикада халқаро тадбирлар (симпозиумлар, конференциялар, кўргазмалар ва шу кабилар) ўтказилишини ташкил этади;

белгиланган тартибда илмий, методик адабиётлар ва ихтисосга оид ахборотни чоп этади ва Вазирлик бўлинмаларини таъминлайди;

и) соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-методик раҳбарлик қилишни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлайдиган замонавий, хорижий амалиётда синаб кўрилган соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш усулларини жорий этиш соҳасида:

Вазирлик, унинг марказий аппарати ва таркибий бўлинмаларига раҳбарлик қилиш шакллари ва иш усулларини такомиллаштиради, соғлиқни сақлаш органлари фаолиятида бюрократизм ва коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини таъминлайди, инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлайди;

соғлиқни сақлаш органлари ходимларига юкланган вазифалар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун уларнинг масъулиятини ошириш тадбирларини амалга оширади ва назорат қилади;

соғлиқни сақлаш тизимида ягона ташкилий-методик раҳбарликни ва кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати назорат қилинишини таъминлай-

диган соғлиқни сақлаш тизимини бошқаришнинг жаҳон амалиётида синовдан ўтказилган замонавий усулларини жорий этади;

Вазирликка идоравий мансуб муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг тузилмасини такомиллаштириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

жойларда соғлиқни сақлаш маҳаллий бошқарув органларига методик раҳбарлик қилади ва фаолиятини назорат қилади;

идоравий мансуб ташкилотларнинг тузилмаси, низомлари ва уставларини тасдиқлайди;

соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларида молиявий ресурсларни жамлаш тадбирларини таъминлайди;

аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади, мақсадли дастурларни молиялаштириш ва соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун бюджетдан ташқари маблағларни, хорижий инвестицияларни ва халқаро ташкилотларнинг маблағларини жалб этади;

Вазирлик тизимида иқтисодий ва молиявий ишларни ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган тиббиёт ва тиббий-ижтимоий ташкилотларни сақлаб туришга харажатларни молиялаштиришни таъминлайди, тизим ходимларининг меҳнатини нормалаштириш ва ҳақ тўлашни ташкил этишни такомиллаштириш тадбирларини ўтказади;

идоравий мансуб ташкилотларда фаолиятни таҳлил қилади ва бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишига методик раҳбарлик қилади, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назорат қилади;

соғлиқни сақлаш бўйича мақсадли дастурларни молиялаштириш учун маблағларни жалб этиш ишида давлат, жамоат, хайрия ташкилотлари ва жамғармаларнинг, муассасалар ва корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди;

соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштиради, тиббиёт ташкилотларининг хизмат кўрсатишнинг пулли шаклларига ва тиббий суғуртани жорий этишга босқичма-босқич ўтишини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Вазирлик фаолиятига тегишли масалалар бўйича мурожаатларини кўриб чиқади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларга ахборот ва маслаҳат кўмаги беради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

## 3-боб. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

13. Вазирлик юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, давлат бошқаруви органига юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши билан боғ-

лиқ бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ҳайъат мажлисларида, ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари раҳбарларининг Вазирлик ваколатига тааллуқли масалалар бўйича ахборотларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва қўшни давлатларда санитария-эпидемиологик вазият билан боғлиқ масалаларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика фавқулодда эпидемияга қарши курашиш Комиссиясининг кўриб чиқиши учун киритиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларидан ва унга идоравий мансуб ташкилотлардан масалаларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ва Вазирликнинг марказий аппаратида кўриб чиқиладиган бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

Вазирликда кўриб чиқиладиган масалаларни пухта ишлаб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материаллар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун зарурат бўлганда Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва унинг идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадлар учун эксперт ва ишчи гуруҳлар ташкил этиш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларидан ва унга идоравий мансуб ташкилотлардан улар томонидан киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари пухта ишланишини талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни пухта ишлаш учун қайтариш;

Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва унга идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

тезликда ҳал этишни талаб этадиган ва Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши билан боғлиқ масалалар бўйича Вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва унга идоравий мансуб ташкилотларнинг раҳбарларига белгиланган тартибда топшириқлар бериш;

Вазирликнинг таркибий бўлинмалари ва унга идоравий мансуб ташкилотлар томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Вазирлик ва унинг раҳбариятининг ҳужжатлари ва топшириқларини бажариш бўйича Вазирликнинг таркибий бўлинмалари ва унга идоравий мансуб ташкилотларнинг фаолиятини белгиланган тартибда ўрганиш ва текшириш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистика ахборотини давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;

Вазирлик ва унга идоравий мансуб тузилмаларнинг давлатга тегишли мол-мулкини ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан бир бўлинмадан бошқа бўлинмага белгиланган тартибда бериш;

Вазирлик ва унга идоравий мансуб ташкилотлар ходимлари томонидан ўз соҳасида улар фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрлар бажарилишини ҳисобга олган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш тартиби, миқдорлари ва шартларини белгилаш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;

Вазирлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича халқаро даражада Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда ифодалаш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

ўзининг юритишига тегишли муаммоларни ҳал этишга илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан хорижий олимлар ва мутахассисларни шартнома асосида жалб этиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳамда банк муассасаларида ва бошқа кредит муассасаларида валюта ҳисоб рақамларига эга бўлиш;

идоравий мансуб ташкилотларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилиш;

Вазирлик ва Вазирлик тизимига кирадиган ташкилотларнинг моддий-техника базасини яхшилаш чораларини кўриш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Вазирликнинг ижтимоий инфратузилмасини ташкил этиш ва такомиллаштириш.

14. Вазирлик ва унинг мансабдор шахслари уларга юкланган вазифалар ва функцияларни самарали амалга ошириш учун жавоб берадилар.

## 4-боб. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

15. Вазирликка Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимдан озод этиладиган вазир бошчилик қилади.

16. Вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосарга ва ўринбосарларга эга бўлади.

17. Вазир:

Вазирлик тизими ва идоравий мансуб ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилади ва Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

бир йилда икки марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўз фаолияти тўғрисида ахборот беради;

Вазирликни давлат органларида ва бошқа ташкилотларда ифодалайди ёхуд Вазирлик номидан ишончномалар ва (ёки) ваколатлар беради;

Вазирлик марказий аппарати штат жадвалини белгиланган ходимлар сони доирасида, шунингдек, Вазирлик марказий аппарати харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Вазирликка ажратилган молиявий ва моддий воситаларни белгиланган тартибда тасарруф этади;

Марказий аппаратнинг бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалари тўғрисидаги низомни, шунингдек, Вазирлик тизимига кирадиган ташкилотларнинг уставлари ва тузилмасини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Вазирлик марказий аппарати ходимларини, ташкилотларнинг раҳбарларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар қабул қилади, вазирнинг ўринбосарлари, ҳудудий бошқарув органлари ва Вазирлик тизимига кирадиган ташкилотларнинг бошқа мансабдор шахсларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги даражасини белгилайди;

зарурат бўлганда марказий аппарат, Вазирлик тизимига кирадиган ҳудудий бошқарув органлари ва ташкилотларнинг тузилмасига ходимларнинг белгиланган штатдаги умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритади;

Вазирлик, ҳудудий бошқарув органлари ва Вазирлик тизимига кирадиган ташкилотлар ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Вазирлик тизими ходимларини рағбатлантириш ва уларнинг интизомий жавобгарлиги тўғрисидаги масалаларни ҳал этади, Вазирлик тизимининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларини фахрий унвонлар беришга ва Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари, шунингдек, бошқа фахрий ёрлиқлар билан тақдирлашга ва рағбатлантиришнинг бошқа турларига тақдим этади;

вазир қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

18. Вазирнинг ўринбосарлари:

Вазирликнинг мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларига бевосита раҳбарлик қиладилар ва уларга бириктирилган масалалар бўйича Вазирликка юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб берадилар;

уларга вазир томонидан юкланган бошқа функцияларни амалга оширадилар.

19. Вазирликда вазир (ҳайъат раиси), вазирнинг биринчи ўринбосари,

вазирнинг ўринбосарлари ва Вазирликнинг бошқа вакилларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъатнинг аъзолари сони ва шахсий таркиби вазирнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат қуйидагилар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади:

Вазирлик фаолиятининг аҳоли саломатлигини сақлаш ва яхшилашни, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантиришни, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантиришни, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштиришни таъминловчи давлат сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, фуқароларнинг аҳолига тиббий-санитария хизмати кўрсатишнинг давлат томонидан кафолатланган даражасида ва сифатида малакали тиббий хизмат олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишини, аҳолининг кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг барча турларидан тенг баҳраманд бўлишини таъминлаш бўйича ушбу Низомда белгиланган асосий йўналишларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

Вазирлик номенклатурасига кирадиган лавозимларга кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ижро интизомини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш учун Вазирлик раҳбарлари ва ходимларининг шахсий жавобгарлигини ошириш.

Вазирлик таркибий бўлинмалари ва соғлиқни сақлаш ҳудудий органлари, Вазирлик тизимига кирадиган идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, қабул қилинган қарорлар ижросини текшириш масалаларини, Вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини ҳамда текширишлар якунларини муҳокама қилиш.

Ҳайъат Вазирлик ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Ҳайъат мажлисига Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари таклиф этилиши мумкин.

Ҳайъат унинг мажлисида таркибининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда ваколатли бўлади. Кўриб чиқилаётган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Ҳайъат қарорлари вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир ва ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда вазир пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган ҳолда мустақил равишда қарор қабул қилади. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хабар қилишлари мумкин.

Ҳайъат фаолияти тартиби унинг ҳайъат тасдиқлайдиган регламентида белгиланади.

20. Соғлиқни сақлашнинг ҳудудий органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ амалга оширади.

21. Соғлиқни сақлаш муаммоларини илмий таҳлил қилиш учун Вазирликда маслаҳат-эксперт кенгаши ташкил этилади. Кенгаш таркибига етакчи олимлар ва юқори малакали мутахассислар киради. Маслаҳат-эксперт кенгаши таркиби ва унинг тўғрисидаги низом вазир томонидан тасдиқланади.

## 5-боб. Моддий рағбатлантириш чоралари

22. Вазирлик ходимларини моддий рағбатлантириш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

23. Вазирлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, устамалар ва қонун ҳужжатлари назарда тутилган бошқа тўловлардан иборат бўлади.

24. Вазирлик ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик устамалар ва рағбатлантирувчи тусдаги қўшимча ҳақлар вазир томонидан тасдиқланадиган Вазирлик марказий аппарати ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими тўғрисидаги низомга мувофиқ тўланади.

25. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар Вазирлик ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш манбалари ҳисобланади.

26. Вазирлик ходимларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси тўғрисидаги низом вазир томонидан тасдиқланади.

## 6-боб. Якунловчи қоида

27. Вазирликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати бошқариш тузилмасини ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 8 августдаги 175-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2008 й., 8-сон, 44-модда):

а) 1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

номидаги ва 1-бандидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банддаги «Молия» сўзи «Соғлиқни сақлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг олтинчи ва ўн биринчи хатбошиларидаги ва 7-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Инспекция бошлиғининг бир нафар ўринбосари бўлади. Бошлиқнинг ўринбосари Инспекция бошлиғининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг қарори бўйича лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади»;

11-бандда:

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Инспекция ходимларини, шунингдек, тегишли бош ТМЭК раисининг тақдимномаси бўйича бош ТМЭК врач-экспертларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири билан келишган ҳолда тегишли бош ТМЭК раисининг тақдимномаси асосида ихтисослаштирилган, туманлараро ва туман (шаҳар) ТМЭК раисларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади;»;

олтинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

в) 2-иловада:

1-банддаги, 2-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 3-банддаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги таҳрирдаги 11[1]-банд қўшилсин:

«11[1]. Бош ТМЭК раиси тегишли ТМЭК раисининг тақдимномаси бўйича бош ТМЭК ходимларини, туман, туманлараро, шаҳар ва ихтисослаштирилган ТМЭК врачлари-экспертларини ва ходимларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод этади»;

16-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«16. ТМЭКни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим қилинади»;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Бош ТМЭК раислари ва ўринбосарлари Инспекция бошлиғининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Инспекция ходимлари, бош ТМЭК врачлари-экспертлари тегишли бош ТМЭК раисининг тақдимномаси бўйича Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.

Ихтисослаштирилган, туманлараро ва туман шаҳар ТМЭК раислари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири билан келишган ҳолда тегишли бош ТМЭК раисининг тақдимномаси асосида Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланадилар ва лавозимдан озод этиладилар.».

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сотиб олинган реабилитация техник воситаси ёки кўрсатилган хизматлар учун компенсация тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2009 йил 17 июндаги 166-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 6-сон, 48-модда) 2-иловадаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомда:

а) 1-банддаги «шунингдек тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари фаолиятини ташкил этишни» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-банддаги «Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — Молия вазирига» сўзлари «Бош вазирнинг ўринбосарига» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-бандда:

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбошидаги «Республика тиббий ижтимоий экспертиза инс-

пекцияси, тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 7-банднинг еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари билан биргаликда ногиронликни белгилаш мониторингини олиб боради»;

д) 8-банднинг «д» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«д) Жамғарма ваколатига тегишли масалалар бўйича эътироз-даъво ишлари ўтказилишини ташкил этади ва амалга оширади;

26-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси, тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 29-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

ж) 31-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

з) 33-бандда:

учинчи хатбошидаги «шунингдек Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари раҳбарлари» сўзлари «Жамғарма» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «шунингдек Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари» сўзлари «Жамғарма» сўзлари билан алмаштирилсин;

олтинчи хатбошидаги «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари раислари ўринбосарлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

тўққизинчи — ўн биринчи хатбошилар тегишли равишда еттинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

и) 34-банднинг биринчи хатбошидаги «ва Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси» сўзлари чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 2 сентябрдаги 193-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 9-сон, 47-модда):

а) 1-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи директори тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика тиббий-ижтимоий экс-

пертиза инспекцияси бошлиғининг тақдимномаси бўйича Соғлиқни сақлаш вазирининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-банднинг биринчи хатбошидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 9-банднинг биринчи хатбошидаги «Молия» сўзи «Соғлиқни сақлаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 2 ва 3-иловаларнинг номидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 23 декабрдаги 307-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 12-сон, 71-модда) 3-банди биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:».

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқат йўқотилиши даражасини аниқлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 1 июлдаги 195-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 7-сон, 60-модда):

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «Молия вазирлигига Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлигига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

37-банддаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин;

1 ва 2-иловалардаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро авиаташув хизматларини амалга оширишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 28 июндаги 189-сон қарорига 2-илованинг 3 ва 5-бандларидаги «Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлиги» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бош тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2014 йил 29 августдаги 241-сон қарорининг (Ўзбекистон Республика-

си ҚҲТ, 2014 й., 35-сон, 445-модда) 2-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирига, зарурат бўлганда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бош тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари, ихтисослаштирилган, туманлараро ва туман (шаҳар) тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари тузилмаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин».

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 12 сентябрдаги 714-сон қарорига
3-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 1999 йил 14 январдаги 18-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2002 йил 1 майдаги 150-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2002 й., 9-сон, 66-модда) илованинг 10-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2003 йил 31 январдаги 53-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2003 й., 1-2-сон, 16-модда) илованинг 3-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 7 августдаги ПҚ–436-сон қарори)» 2006 йил 2 октябрдаги 207-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси Қонунлар тўплами, 2006 й., 40-сон, 396-модда) 1-илованинг 4-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасаларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 18 мартдаги 48-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2008 й., 12-13-сон, 72-модда) 1-бандининг олтинчи хатбоши, қарорга 5 ва 5а-иловалар.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 2 октябрдаги ПҚ–700-сон қарори)» 2009 йил 15 июндаги 164-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2009 й., 25-сон, 285-модда) илованинг 1-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш бўйича айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2010 йил 5 июндаги 108-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2010 й., 23-сон, 183-модда) илованинг 14-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза хизмати фаолиятини ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2010 йил 2 сентябрдаги 193-сон қарори)» 2010 йил 11 ноябрдаги 250-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 11-сон, 59-модда) илова 5-бандининг «б» кичик банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида» 2014 йил 3 декабрдаги ЎРҚ–378-сон Қонуни)» 2015 йил 31 мартдаги 74-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2015 й., 13-сон, 155-модда) илованинг 1-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 февралдаги ПФ–4782-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 24 февралдаги ПҚ–2498-сон қарори)» 2017 йил 13 мартдаги 130-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 15-сон, 249-модда) 1-илованинг 6-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2016 йил 4 январдаги ЎРҚ–399-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 6 апрелдаги 185-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2017 й., 14-сон, 228-модда) 4-илованинг 2-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 13 июндаги ЎРҚ–436-сон Қонуни)» 2017 йил 8 сентябрдаги 705-сон қарорига иловaнинг 2-банди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 998 «O'zbekiston» телерадиоканалининг «Ҳидоят сари» студияси ва Тошкент Ислом университети «Зиё медиа маркази» фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мамлакатимизда ислом маданияти, илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк алломаларимиз меросини чуқур ўрганиш, табаррук қадамжоларини обод этиш, муқаддас динимиз мусаффолигини асраш, аҳоли, айниқса, ёшларни ёт ғоялардан ҳимоя қилиш, уларни Ватанга садоқат, миллий-диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг:

«O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг «Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлар» бош муҳарририяти таркибида «Ҳидоят сари» маърифий кўрсатувлар студиясини (кейинги ўринларда Студия деб аталади);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети «Зиё» студияси негизида «Зиё медиа маркази»ни (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ташкил этиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар Студиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш ва мамлакатимизда амалга оширилаётган диний-маърифий соҳадаги янгиликлар билан аҳолини ўз вақтида таништириб бориш;

ислом дини ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг беназир меросини янада кенг тарғиб қилиш;

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида чуқур фалсафий ва ибратга йўғрилган саҳналаштирилган бадиий теленовеллалар яратиш;

терроризм, диний экстремизм, ҳар хил оқимлардан ёшларни асрашга қаратилган, жумладан, «оммавий маданият»нинг турли иллатларидан ҳимоя этишга йўналтирилган махсус кўрсатув ва роликлар тайёрлаш;

вилоят, шаҳар, туман бош имом хатиблари ва мутасадди вазирликлар ҳамда идоралар вакиллари иштирокида бугун инсоният ҳаётига хавф солаётган муаммолар, оилавий, одоб-ахлоқ, ўзаро муомала жараёни ва шу каби зарур масалалар, шу билан бирга фуқароларимизни қизиқтирган мавзуга доир саволлар юзасидан доимий равишда ток-шоулар ташкил этиш;

мамлакатимизда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, юртимиздан етишиб чиққан улуғ алломалар, муқаддас қадамжолар, тарихий обида ва қадриятлар ҳақида доимий равишда илмий-оммабоп кўрсатувлар тайёрлаш;

теледастурларда республикамизнинг барча вилоят, шаҳар, туманларида фаолият юритаётган имом хатибларнинг иштирокини таъминлаш ва ҳудудий телерадиокомпанияларнинг фаоллигини янада ошириш.

3. Қуйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мустақиллик йиллари юртимизда виждон эркинлигини кафолатлаш, диний бағрикенгликни таъминлаш, шунингдек, турли дин вакилларининг ибодатларини эмин-эркин адо этишлари учун яратилаётган қулайлик ва шарт-шароитларни аҳоли, хусусан ёшлар орасида кенг тарғиб этиш;

ўсиб келаётган авлодни Ватанга садоқат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат, турли миллат ва эътиқод вакилларига нисбатан бағрикенглик руҳида тарбиялашга бағишланган телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар тайёрлаш ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимидаги телерадиоканалларда эфирга узатиш;

диний-маърифий йўналишда тайёрланадиган теле ва радио эшиттиришларни, муқаддас динимиз мусаффолигини сақлаш, бой ҳамда ноёб исломий маданий меросни бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали халқимиз орасида кенг тарғиб қилиш;

ёшларни ғаразли кучлар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни ёт оқимларнинг ноинсоний мақсад-муддаоларидан хабардор этиш;

ёшлар ўртасида соғлом маънавий муҳит асосларини кенг ёйиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети «Зиё медиа маркази»нинг тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Студия «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхонаси учун чекланган умумий ходимлар сони доирасида ташкил этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Марказ фаолиятини сақлаш харажатларини 2017 йилда «Ижтимоий соҳа» бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб

эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширсин;

Марказга 1 та хизмат автотранспорт воситаси учун лимит ажратсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Марказга ажратилган автотранспорт воситасини харид қилиш ва сақлаш билан боғлиқ харажатлар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қопланади;

Марказ ходимларига нисбатан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади.

7. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети билан биргаликда «Ҳидоят сари» ва «Зиё медиа маркази»нинг ижодкорларини рағбатлантириш мақсадида журналистика соҳасида ўтказиладиган нуфузли кўрик танловларда диний-маърифий мавзуларни энг яхши ёритганлиги учун алоҳида номинация жорий этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 4 июлдаги 193-сон қарорига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раиси в. б. А.Ж. Хаджаев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ректори Р.В. Абдуллаев зиммасига, Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, санъат ва туризмни ривожлантириш масалалари ҳамда Таълим, илм-фан ва ёшлар сиёсати масалалари ахборот-таҳлил департаментларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 13 сентябрь,
716-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 сентябрдаги 716-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети «Зиё медиа маркази»нинг**
**ТУЗИЛМАСИ**




«Зиё медиа маркази» ходимларининг умумий чекланган сони — 17, шу жумладан, маъмурий-бошқарув ходимлари сони — 5 та

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 сентябрдаги 716-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети ташкилий тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 4 июлдаги 193-сон қарорига киритилаётган ўзгартириш**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги 193-сон қарорининг 1-иловаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

## «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университетининг
## ТУЗИЛМАСИ




Изоҳ: Университет мутахассисларининг умумий чекланган сони (штат бирликлари ўрнатилган меъёрлар билан белгиланадиган таркибий бўлинмалардан ташқари) — 81, шу жумладан, маъмурий-бошқарув ходимлар сони — 38,5;

* штат бирликлари сони ҳамда Марказни сақлаш билан боғлиқ харажатлар ҳажми Давлат илмий-техника дастурларини амалга ошириш учун ажратилган Давлат бюджети маблағлари асосида аниқланади;

** университетни бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақланади;

*** ходимлар сони белгиланган меъёрлар асосида аниқланади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 999 Давлат тиббиёт ташкилотларини ва республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашга доир долзарб чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 17 июлдаги ПҚ–3137-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек давлат тиббиёт ташкилотларига ва аҳолига ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини узлуксиз етказиб бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бир ҳафта муддатда «O'zmedeksport» республика ташқи иқтисодий давлат корхонасига (кейинги ўринларда «O'zmedeksport» РТИДК деб аталади) марказлаштирилган тадбирлар учун харажатлар сметасида назарда тутилган бюджет маблағлари ҳисобига, унинг устав фондига улуш тарзида 3 млрд сўм маблағ ажратсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ўн беш кун мобайнида — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган буюртманомалари бўйича, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлиги ўртасида белгиланган тартибда тузиладиган шартномада белгиланадиган шартларда, транш тарзида очиладиган 300,0 млрд сўм миқдорида, фоизсиз бюджет ссудаси берсин;

2017 йил охиригача — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, зарурат бўлганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «O'zmedeksport» РТИДК билан тузиладиган контрактлар бўйича олдиндан юз фоиз тўлаш мақсадида давлат тиббиёт ташкилотлари учун марказлаштирилган тартибда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари харид қилишга 240 млрд сўм миқдорида қўшимча бюджет маблағлари ажратилишини таъминласин;

2018 йилдан бошлаб — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари харид қилишга бўлган эҳтиёжнинг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича давлат тиббиёт ташкилотлари харажатлари сметаларининг алоҳида сатрида уларни сотиб олиш учун зарур бўлган бюджет маблағларини назарда тутсин.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари давлат харидлари ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси

айланма маблағларини тўлдиришга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратилган 308,6 млрд сўм миқдоридаги бюджет ссудасини тўлашдан тушган маблағлар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш учун қўшимча бюджет маблағларининг манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси ажратилган ссуданинг 2017 йил октябрь-ноябрь ойларида қайтарилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, фоизсиз бюджет ссудасини қайтариш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан:

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиб олиш бўйича — ушбу мақсадлар учун харажатлар сметаларининг алоҳида сатрида назарда тутилган бюджет маблағлари ҳисобига;

ижтимоий дорихоналар учун етказиб беришлар бўйича — «O'zmedeksport» РТИДК томонидан ижтимоий дорихоналар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббий буюмларини сотишдан олинган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, «O'zmedeksport» РТИДК томонидан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини сотиш улгуржи сотиш учун — сотиб олиш қийматининг 15 фоизи миқдорида, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналари орқали чакана сотиш учун — улгуржи нархнинг 20 фоизи миқдорида чекланган савдо устамаларини қўллаган ҳолда амалга оширилади.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 13 сентябрь,
717-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 1000 Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида тиббий хизматлар сифатини яхшилашга, ўтказилаётган профилактика тадбирларининг самарадорлиги учун масъулиятни оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни янада яхшилаш, касалликлар профилактикаси, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ва санитария-гигиеник маданиятни тарғиб қилиш тадбирларини амалга оширишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларининг етакчи ўрнини ва улар фаолияти аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилаётган профилактик тадбирлар самарадорлиги учун уларнинг масъулиятини ошириш ва улар меҳнатини моддий рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар профилактик тадбирлар ва аҳолига тиббий патронажнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг асосий вазифаларини устувор даражада касалликларнинг олдини олишга, профилактика ва аҳоли билан патронаж ишлари олиб боришга қайта йўналтириш;

аҳоли, биринчи навбатда фертил ёшидаги аёллар ва ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек ўзгалар ёрдами ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касалликларга чалинган беморлар орасида патронаж ишларини мунтазам олиб бориш;

сифатли профилактик кўрикларни ташкил этиш ва лаборатория-инструментал текширувлар олиб бориш йўли билан касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг сурункали шаклга ўтишига йўл қўймаслик;

шифохонага ётқизиш, касалликларга чалиниш ва ногиронлик даражасининг пасайишини, айниқса аҳолининг кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатидан қониқишини тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгилаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 1 октябрдан бошлаб:

а) марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти натижаларини рейтинг баҳолаш тизимини;

б) марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатини тақдирлашнинг улар иши самарадорлигини рейтинг баҳолаш натижаларига боғлиқ равишда қуйидагиларни:

бириктирилган ҳудудда оилаларнинг тўлиқ патронаж билан қамраб олинишини таъминлаётган ва ўз фаолиятининг ижобий пировард натижалари-

га, шу жумладан, касалликка чалиниш пасайишига, гўдаклар ва оналар ўлими бўлмаслигига эришган патронаж тиббиёт ҳамширалари ва умумий амалиёт врачларига тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда ҳар ойлик шахсий устама белгилаш;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг энг ўрнак кўрсатган врачлари ва ўрта тиббиёт ходимлари фаолиятини рейтинг баҳолаш якунлари бўйича уларни мукофотлашни назарда тутадиган тизимни жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, ушбу қарорда назарда тутилган тадбирлар Моддий рағбатлантириш ва тиббиёт ташкилотларини ривожлантириш жамғармасини шакллантиришга ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

икки ҳафта муддатда Аҳолини профилактик кўриклар ва тизимли патронаж билан қамраб олиш тўғрисидаги низомни, шунингдек, беморларни шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаларидан, қишлоқ врачлик пунктларидан маслаҳат, ташхис қўйиш, тиббий ҳисобга қўйиш, даволаш ва реабилитация қилиш учун туман, вилоят ва республика даражаларидаги даволаш муассасаларига юбориш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

профилактик тадбирлар тўлиқ ҳажмда ўтказилиши ва уларнинг тизимли мониторинги жорий этилиши ташкил этилишини таъминласин;

врач томонидан сурункали касалликларга чалинган беморлар кузатиб борилиши, соғломлаштирилиши ва реабилитация қилинишининг якка тартибдаги режаси тузилиши ва унга риоя қилиниши назорат қилинишини таъминласин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ врачлик пунктларининг патронаж тиббиёт ҳамшираларини моддий рағбатлантиришни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 1 декабрдаги 350-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси, ҚТ, 2015 й., 12-сон, 104-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шадманов зиммасига ва Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш,

жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 13 сентябрь,
718-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 сентябрдаги 718-сон қарорига
ИЛОВА

## Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари (кейинги ўринларда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари деб аталади), шунингдек, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартибини белгилайди.

2. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, шунингдек, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш (кейинги ўринларда рейтинг баҳолаш деб аталади):

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти сифатини ошириш ва улар ишининг пировард натижаларини яхшилаш;

врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари томонидан функционал вазифалар бажарилишини, шу жумладан, профилактик тиббий кўриклар, аёллар ва болаларни уйда патронаж бориб кўриш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар, санитария-гигиеник тарбия ва соғлом турмуш тарзини жорий этиш бўйича тадбирлар ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлаш;

профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш;

аҳолининг соғлиғи ҳолатини яхшилаш, касалликларга чалиниш кўрсаткичларини, ўлимни ва ногиронликни пасайтириш мақсадида амалга оширилади.

## 2-боб. Рейтинг баҳолаш тартиби

3. Рейтинг баҳолаш ҳисобот даври мобайнида врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг иши ҳажми, сифати ва ишларни бажариш натижадорлиги кўрсаткичларига асосланади.

4. Рейтинг баҳолаш тўрт босқичда ўтказилади.

биринчи босқичда — бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг функционал вазифаларни бажаришининг тўлиқлиги кўрсаткичлари ва салбий кўрсаткичлар баҳоланади;

иккинчи босқичда — бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятининг тўлақонлиги, сифати ва пировард натижалари кўрсаткичлари, шунингдек, салбий кўрсаткичлари баҳоланади;

учинчи босқичда — врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари учун рейтинг баҳолашнинг тўпланган якуний балларидан келиб чиқиб рағбатлантириш ёки жазолаш чоралари белгиланади;

тўртинчи босқичда — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рейтинг баҳолаш натижалари якунлари бўйича бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари раҳбарларининг аттестацияси тўғрисида қарор қабул қилинади.

5. Врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг кундалик иши махсус журналларда қайд этилади, уларнинг шакли ва тўлдириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Рейтинг баҳолаш ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича бир йилда икки марта ўтказилади.

Рейтинг баҳолаш бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатларини ўрганиш йўли билан ўтказилади.

6. Рейтинг баҳолаш тегишли туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ҳузуридаги махсус мониторинг гуруҳи (кейинги ўринларда махсус мониторинг гуруҳи деб аталади) томонидан ўтказилади.

Махсус мониторинг гуруҳининг таркиби ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ намунавий таркиб бўйича тегишли туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси томонидан тасдиқланади.

7. Фаолият самарадорлигини рейтинг баҳолаш ушбу Низомга 3 — 6-иловаларга мувофиқ аниқланади.

8. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг умумий амалиёт врачлари ва патронаж тиббиёт ҳамширалари ҳар ойда ушбу Низомга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ шаклни тўлдирадилар.

9. Ҳар бир ой тамом бўлгандан кейин умумий амалиёт врачлари ва патронаж тиббиёт ҳамшираларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги тўлдирилган шакл ҳисобот давридан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси мудирига топширилади.

10. Умумий амалиёт врачлари ва патронаж тиббиёт ҳамширалари иши натижалари бажарилган ишлар тўғрисидаги тўлдирилган ҳисобот шакллари асосида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунигача бирламчи тиббий-

санитария ёрдами муассасасининг мудири ва катта тиббиёт ҳамшираси томонидан баҳоланади.

11. Тор ихтисосликдаги врачларга ва ўрта тиббиёт ходимларига (патронаж тиббиёт ҳамшираларидан ташқари) ҳар ойда 100 тадан кредит баллар белгиланади.

12. Махсус мониторинг гуруҳи томонидан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан кейин йилнинг II ва IV чораклари якунлари бўйича бирламчи тиббиёт ҳужжатларини таҳлил қилиш асосида 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари иши натижаларининг салбий кўрсаткичлари ўрганиб чиқилади.

13. Умумий амалиёт врачи ва патронаж тиббиёт ҳамшираси томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги, шунингдек, улар иши натижаларининг салбий кўрсаткичлари бирламчи тиббиёт ҳужжатларини ва ҳисобот шаклларини танлаб ўрганиш йўли билан махсус ишчи гуруҳ томонидан аниқланади.

Тор ихтисосликдаги врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари томонидан (патронаж тиббиёт ҳамшираларидан ташқари) фаолият бажарилмаслиги ёки самарасизлиги учун салбий баллар ҳисобланиши махсус мониторинг гуруҳи томонидан амалга оширилади.

14. Махсус мониторинг гуруҳи томонидан ўрганиб чиқиш натижалари ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ шакл бўйича икки нусхада маълумотнома тарзида расмийлаштирилади.

Маълумотноманинг биринчи нусхаси бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида сақланади, иккинчи нусхаси сақлаш учун туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига белгиланган тартибда берилади.

15. Махсус мониторинг гуруҳи бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаси мудири билан биргаликда ўрганиб чиқиш асосида ҳисоблаб чиқилган балларни ушбу Низомга 3 — 7-иловаларга мувофиқ бирламчи тиббийсанитария ёрдами муассасалари, шунингдек, врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг бажарилган ишлари тўғрисидаги ҳисобот шаклига киритади.

Иш самарадорлигини рейтинг баҳолаш якунлангандан кейин врачларга ва ўрта тиббиёт ходимларга тегишли якуний баллар белгиланади.

16. Олиниши мумкин бўлган энг юқори балларнинг 85 фоизини ва ундан ортиғини тўплаган патронаж тиббиёт ҳамширалари ва умумий амалиёт врачлари лавозим тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача миқдорда шахсий устама белгилаш тарзида навбатдаги рейтинг баҳолашлар якунларига қадар моддий рағбатлантириладилар.

17. Шахсий устамалар миқдорлари тўпланган якуний баллар сонидан келиб чиқиб қуйидаги тартибда белгиланади:

рейтинг баллар энг кўп йиғиндисининг 85 фоизидан 87 фоизигача — 5 фоиз;

рейтинг баллар энг кўп йиғиндисининг 87 фоизидан 91 фоизигача — 10 фоиз;

рейтинг баллар энг кўп йиғиндисининг 91 фоизидан 96 фоизигача — 15 фоиз;

рейтинг баллар энг кўп йиғиндисининг 96 фоизидан 100 фоизигача — 20 фоиз.

18. Энг кўп олиниши мумкин бўлган якуний балларнинг 55 фоизидан 85 фоизигачани тўплаган врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари ўз лавозим маошини қўшимча моддий рағбатлантиришсиз белгиланган тартибда оладилар.

19. Энг кўп олиниши мумкин бўлган якуний балларнинг 55 фоизидан камни тўплаган врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ интизомий жазо чоралари қўлланилади.

20. Фаолиятни рейтинг баҳолаш якунлари бўйича энг юқори балларни тўплаган врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари бир йилда 2 та маошдан ортиқ бўлмаган миқдорда бир йўла мукофотлаш тарзида моддий рағбатлантириладилар.

## 3-боб. Якунловчи қоидалар

21. Махсус мониторинг гуруҳи фаолияти устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган текширишлар режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Назорат инспекциясининг тегишли минтақа бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

## Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш СХЕМАСИ

| Босқичлар | Субъектлар | Тадбирлар | Ижро муддати |
|---|---|---|---|
| 1-босқич | МКТП, ОП, ҚОП, ҚВП умумий амалиёт врачи ва патронаж ҳамшираси* | 1. Мазкур Низомга 3 ва 4-иловалардаги шакл бўйича амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот шаклларини тўлдириш | Ҳар ойда |
| | Тиббиёт бирлашмаси ҳузуридаги махсус мониторинг гуруҳи | 2. Врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари функционал вазифалари бажарилишининг тўлиқлиги ва салбий кўрсаткичларни баҳолаш. | Йилига 2 марта |
| 2-босқич | Тиббиёт бирлашмаси ҳузуридаги махсус мониторинг гуруҳи | 1. МКТП, ОП, ҚОП, ҚВП фаолиятининг тўлиқлиги, сифати ва пировард натижалари кўрсаткичларини, шунингдек, салбий кўрсаткичларини баҳолаш.<br>2. Мазкур Низомга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ узил-кесил натижаларни бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботга киритиш, якуний балларни аниқлаш. | Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 15-кунидан кейин 10 кун муддатда |
| 3-босқич | Марказий кўп тармоқли поликлиника | 1. МКТП, ОП, ҚОП, ҚВПнинг энг кўп олиниши мумкин бўлган якуний балларнинг 55 фоизидан камни тўплаган врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларига интизомий жазо қўлланилади. | Қонун ҳужжатларига мувофиқ |
| | Шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникаси | 2. МКТП, ҚОП, ҚВПнинг олиниши мумкин бўлган энг юқори балларнинг 85 фоизини ва ундан ортиғини тўплаган тиббиёт ҳамширалари ва умумий амалиёт врачлари лавозим тариф ставкасининг 5 фоизидан 20 фоизигача шахсий устама белгилаш тарзида навбатдаги рейтинг баҳолашлар якунларига қадар моддий рағбатлантириладилар. | 6 ой мобайнида ҳар ойда |
| | Қишлоқ врачлик пункти | 3. Олиниши мумкин бўлган энг юқори балларнинг 85 фоизини ва ундан ортиғини тўплаган врачлар ва ўрта тиббиёт ҳамширалари бир йилда 2 та маошдан ортиқ бўлмаган миқдорда бир йўла мукофотлаш тарзида моддий рағбатлантириладилар. | Рейтинг баҳолаш натижаларига кўра ой давомида |
| 4-босқич | Соғлиқни сақлаш вазирлиги | МКТП, ОП, ҚОП, ҚВП мудирлари рейтингда:<br>бир йилда рейтинг баҳолаш якунлари бўйича ўртача 85 фоиздан ортиқ тўплаганда эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги бўйича аттестациядан озод этилади; | Жадвал бўйича |

| Босқич-лар | Субъектлар | Тадбирлар | Ижро муддати |
|---|---|---|---|
| | | 55 фоиздан 85 фоизгача балл тўплаганда — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги бўйича аттестациядан ўтади;<br>бир йилда рейтинг баҳолаш якунлари бўйича 55 фоиздан кам тўплаганда — эгаллаб турган лавозимидан озод этилади. | |

** МКТП — марказий кўп тармоқли поликлиника ;*
*ОП — шаҳар оилавий поликлиникаси;*
*ҚОП — қишлоқ оилавий поликлиникаси;*
*ҚВП — қишлоқ врачлик пункти.*

Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
**Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғи**

________________________
(Ф.И.О.)
**20___ йил «___» _____________**

## __________ туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ҳузуридаги махсус мониторинг гуруҳининг НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ

| Т/р | Ф.И.О. | Лавозими |
|---|---|---|
| 1. | | Гуруҳ раҳбари — марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникаси мудири ўринбосари — оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пункти ва оилавий поликлиникалар координатори |
| | | **Гуруҳ аъзолари:** |
| 2. | | Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси саломатлик маркази врачи |
| 3. | | Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ташкилий-методик бўлими мутахассиси |
| 4. | | Туман (шаҳар) давлат санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассиси |

*Изоҳ: махсус мониторинг гуруҳи таркибига туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг кўрсатмасига биноан бошқа мутахассислар қўшимча равишда жалб қилиниши мумкин.*

Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли
поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий
поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда
врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг фаолияти
самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Умумий амалиёт врачи фаолияти самарадорлигини**
**БАҲОЛАШ**

| Т/р | Кўрсаткичлар | Юклама меъёри | Ҳисоблаш усули | Бажариш, % | Балл | Якуний балл |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Бириктирилган аҳоли орасида касалликни даволаш ва унинг профилактикаси бўйича ёрдам бериш самарадорлигини белгиловчи кўрсаткич лар** | | | | | | |
| 1. | Беморларни амбулаторияда қабул қилиш юкламаси бажарилиши | Ойига 450 та қабул/қатнов | Ойлик умумий қатновлар ------------------------------ x 100 450 x эгаллаган ставка | 85 — 100% | 20 | |
| | | | | 70 — 85% | 10 | |
| | | | | 55 — 70% | 5 | |
| | | | | 55% дан кам | 0 | |
| 2. | Беморларни уйга бориб кўриш юкламас бажарилиши | Ойига 150 та қатнов | Ойлик уйга қатновлар сони ------------------------------ x 100 150 x эгаллаган ставка | 85 — 100% | 10 | |
| | | | | 70 — 85% | 7 | |
| | | | | 55 — 70% | 5 | |
| | | | | 55% дан кам | 0 | |
| **II. Фертил ёшидаги аёллар, ҳомиладор ва туққан аёлларга касалликлар профилактикаси бўйича кўрсатилаётган тиббий ёрдам самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари** | | | | | | |
| 1. | Ҳомиладор аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш | Ҳомиладорлик даврида аёл 7 марта кўрилиши керак | Ҳомиладор аёллар кўриклари сони ------------------------------ x 100 0,77 x ҳисобда турган ҳомиладор аёллар сони | 90 — 100 | 10 | |
| | | | | 70 — 90 | 7 | |
| | | | | 40 — 70 | 5 | |
| | | | | 40 дан кам | 1 | |
| 2. | Фертил ёшидаги аёлларни профилактик кўриклар билан қамраб олиш | Фертил ёшидаги (15 — 49 ёш) аёлларни йилига 1 марта профилактик кўрикдан ўтказиш | Профилактик кўрикдан ўтган фертил ёшдаги аёллар сони x 12 ------------------------------ x 100 Фертил ёшидаги аёллар сони | 90 — 100 | 15 | |
| | | | | 70 — 90 | 10 | |
| | | | | 40 — 70 | 5 | |
| | | | | 40 дан кам | 1 | |
| 3. | Туққан аёллар патронажи (туғруқдан кейин 42 кун мобайнида) | Туққандан кейинги 42 кун мобайнида аёл врач томонидан 3 марта кўрилиши керак | Туққандан кейин 42 кун мобайнида кўрилган аёллар сони ------------------------------ x 100 Туққан аёллар сони (туққандан кейин 42 кун мобайнида) x 2,14 | 90 — 100 | 10 | |
| | | | | 70 — 90 | 7 | |
| | | | | 40 — 70 | 5 | |
| | | | | 40 дан кам | 1 | |
| **III. Болалар орасида касалликлар профилактикаси бўйича кўрсатилаётган ёрдам самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар ва вакцинация қилиш** | | | | | | |
| 1. | 1 — 18 ёшдаги болаларни профилактик кўриклар билан қамраб олиш | 1 — 18 ёшдаги болаларни йилига 1 марта профилактик кўриклардан ўтказиш | Профилактик кўрикдан ўтган 1 — 18 ёшдаги болалар сони x 12 ------------------------------ x 100 1 — 18 ёшдаги болалар сони | 100 | 15 | |
| | | | | 80 | 10 | |
| | | | | 50 | 5 | |
| | | | | 0 | 1 | |
| 2. | 2 ёшгача болаларни вакцинация билан қамраб олиш | 2 ёшгача болаларни Миллий тақвимга асосан эмлаш | Шу ойда эмланган 2 ёшгача болалар сони ------------------------------ x 100 Эмланиши керак бўлган 2 ёшгача болалар сони | 90 — 100 | 10 | |
| | | | | 70 — 90 | 7 | |
| | | | | 40 — 70 | 5 | |
| | | | | 40 дан кам | 1 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Юклама меъёри | Ҳисоблаш усули | Бажариш, % | Балл | Якуний балл |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **IV. Касалликлар профилактикаси ва касалликлар асоратларининг олдини олиш бўйича кўрсатилаётган ёрдам самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлар** | | | | | | |
| 1. | Сурункали касалликларга чалинган беморларнинг диспансер назоратини амалга ошириш | Диспансеризация режасига мувофиқ сурункали касалликка чалинган беморлар кўрикдан ўтказилишини таъминлаш | Диспансеризация режасига мувофиқ кўрилган сурункали касалликка чалинган беморлар сони<br>------------------------------ x 100<br>Кўрилиши лозим бўлган сурункали касалликка чалинган беморлар сони | 90 — 100 | 10 | |
| | | | | 70 — 90 | 7 | |
| | | | | 40 — 70 | 5 | |
| | | | | 40 дан кам | 1 | |
| | **Жами мусбат баллар** | | | | | |
| **V. Баҳолашнинг пировард натижаларига салбий таъсир кўрсатувчи кўрсаткичлар** | | | | | | |
| 1. | Аҳолининг врач ишидан тасдиқланган шикоятлари | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат | - | - | 20 | |
| 2. | Онкологик касалликларни кеч бирламчи аниқлаш (3-4 даражада) | Ҳар бир кеч аниқланган ҳолат | - | - | 10 | |
| 3. | Силга чалинган беморларни, шунингдек, сил асоратини кеч аниқлаш | Ҳар бир кеч аниқланган ҳолат | - | - | 15 | |
| 4. | Гўдаклар ўлими | Ҳар бир ҳолат | - | - | 15 | |
| 5. | Оналар ўлими | Ҳар бир ҳолат | - | - | 30 | |
| 6. | Ҳомиладорларни кеч (12 ҳафтадан кейин) ҳисобга олиш | Кеч ҳисобга олинган ҳар бир ҳолат | | | 10 | |
| | **Жами манфий баллар** | | | | | |
| | **Жами баллар (жами мусбат баллар — жами манфий баллар)** | | | | | |

Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

## Тор ихтисослик врачлари фаолияти самарадорлигини БАҲОЛАШ

| Т/р | Кўрсаткичлар | Юклама меъёри | Балл | Якуний балл |
|---|---|---|---|---|
| **Баҳолашнинг пировард натижаларига салбий таъсир кўрсатувчи кўрсаткичлар** | | | | |
| 1. | Аҳоли томонидан врач фаолиятига шикоятларнинг мавжудлиги | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат | 30 | |
| 2. | Ятрогения (беморнинг саломатлигига зарар етказиш) ҳолатларининг мавжудлиги | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат | 30 | |
| 3. | Сурункали касалликларнинг кеч босқичларда яққол асоратлар билан ва декомпенсация босқичида аниқланиши | Ҳар бир кеч аниқланган ҳолат | 20 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Юклама меъёри | Балл | Якуний балл |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Ушбу ихтисосликка тегишли касаллик бўйича беморларнинг эрта ўлими | Ҳар бир ҳолат | 20 | |
| | Жами манфий баллар | - | - | |
| **Жами баллар** (100 жами манфий баллар айириб ташланади**)** | | | | |

Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли
поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий
поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда
врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг фаолияти
самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби
тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Патронаж тиббиёт ҳамшираси фаолияти самарадорлигини**
**БАҲОЛАШ**

| Т/р | Кўрсаткичлар | Юклама меъёри | Ҳисоблаш усули | Бажариш, % | Баҳолаш |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Бириктирилган аҳоли орасида касалликлар профилактикаси бўйича бажарилган ишлар ҳажмини белгиловчи кўрсаткичлар** | | | | | |
| 1. | Уй хўжаликлари-нинг тиббий ижти-моий ҳолатини ўрганиш (патронаж) | Ойига 144 та хонадонга бориш | Хонадонларга қатновлар сони ---------------------------------- x 100 144 x эгаллаган ставка | 85 — 100 | 15 |
| | | | | 72 — 84 | 10 |
| | | | | 55 — 72 | 5 |
| | | | | 55 дан кам | 0 |
| 2. | Ёлғиз кексалар, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар ва ногиронлар патронажи | Ҳар бир ёлғиз кексани, ўзгалар парваришига муҳтож шахс ва ногиронни ойда 1 марта бориб кўриш | ёлғиз кексалар, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар ва ногиронларга қатновлар сони ---------------------------------- x 100 Бириктирилган аҳоли орасида ёлғиз кексалар, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар ва ногиронлар сони | 85 — 100 | 10 |
| | | | | 72 — 84 | 7 |
| | | | | 55 — 72 | 5 |
| | | | | 55 дан кам | 0 |
| **II. Фертил ёшидаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва туққан аёллар орасида касалликлар профилактикаси бўйича бажарилган ишлар ҳажмини белгиловчи кўрсаткичлар** | | | | | |
| 1. | Ҳомиладорларни уйга бориб кўриш (патронаж) | Ҳомиладорларни ойда 1 марта уйга бориб кўриш | Ҳомиладорларнинг уйига қатновлар сони ---------------------------------- x 100 Ҳисобда турган ҳомиладор аёллар сони | 100 | 15 |
| | | | | 70 | 10 |
| | | | | 40 | 5 |
| | | | | 0 | 0 |
| | | | | 80 дан кам | 15 |
| 2. | Туққан аёллар патронажи (туққандан кейин 42 кун мобайнида) | Туққан аёлларни 42 кун ичида 3 марта кўриги | Туққан аёлларга қатнов сони ---------------------------------- x 100 Туққан аёллар сон (0 — 42 кун ичида) x 2,14 | 100 | 15 |
| | | | | 75 | 10 |
| | | | | 62 | 5 |
| | | | | 62 дан кам | 0 |
| **III. Болалар орасида касалликлар профилактикаси бўйича бажарилган ишлар ҳажмини белгиловчи кўрсаткичлар** | | | | | |
| 1. | 1 ёшгача бўлган болаларни уйга бориб кўриш | 1 ёшгача бўлган болани ойда 1 марта уйга бориб кўриш | 1 ёшгача бўлган болаларни уйга бориб кўриш сони ---------------------------------- x 100 1 ёшгача болалар сони | 100 | 15 |
| | | | | 86 — 99,9 | 10 |
| | | | | 71 — 86 | 5 |
| | | | | 71 дан кам | 0 |
| 2. | Ногирон болалар патронажи | Ногирон болани ойда 1 марта уйга бориб кўриш | Ногирон болаларга қатновлар сони ---------------------------------- x 100 Ногирон болалар сони | 100 | 15 |
| | | | | 70 — 80 | 10 |
| | | | | 50 | 5 |
| | | | | 0 | 0 |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Юклама меъёри | Ҳисоблаш усули | Бажариш, % | Баҳолаш |
|---|---|---|---|---|---|
| **IV. Болаларни вакцинация қилиш бўйича бажарилган ишлар ҳажмини белгиловчи кўрсаткичлар** | | | | | |
| 1. | Вакцинациядан кейин асоратлар ва таъсирни назорат қилиш | Вакцинациядан кейин 3 кун мобайнида патронажни таъминлаш | Вакцинациядан кейин 3 кун мобайнида патронаж билан қамраб олинган болалар сони<br>---------------------------------- х 100<br>Вакцинация билан қамраб олинган болалар сони | 95 | 15 |
| | | | | 90 — 95 | 10 |
| | | | | 80 — 90 | 5 |
| | | | | 80 дан кам | 0 |
| | **Жами мусбат баллар** | | | - | |
| **VI. Патронаж тиббиёт ҳамширалари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг якуний натижаларига салбий таъсир кўрсатувчи сифат кўрсаткичлари (баҳолашинининг якуний кўрсаткичларидан олиб ташланадиган салбий баллар )** | | | | | |
| 1. | Патронаж тиббиёт ҳамшираси фаолиятидан аҳолининг шикоятлари мавжудлиги, тиббий одоб-ахлоқ ва деонтологиянинг бузилиши | Ҳар бир ҳолат | - | | 30 |
| 2. | Ҳомиладорларни кеч муддатларда (12 ҳафтадан кейин) ҳисобга олиш | Ҳисобга кеч олинган ҳар бир ҳолат | - | | 20 |
| 3. | Оналар ўлими ҳолати | Ҳар бир ҳолат | - | | 20 |
| 4. | Гўдаклар ўлими ҳолати (1 ёшгача бола) | Ҳар бир ҳолат | - | | 20 |
| | **Жами манфий баллар** | | | | |
| | **Жами баллар (жами мусбат баллар — жами манфий баллар)** | | | | |

Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

## Ўрта тиббиёт ходимлари фаолияти самарадорлигини БАҲОЛАШ

(патронаж тиббиёт ҳамшираси бундан мустасно)

| Т/р | Кўрсаткичлар | Юклама меъёри | Балл | Якуний балл |
|---|---|---|---|---|
| **Баҳолашнинг пировард натижаларига салбий таъсир кўрсатувчи кўрсаткичлар** | | | | |
| 1. | Аҳоли томонидан врач фаолиятига шикоятларнинг мавжудлиги, тиббий одоб-ахлоқ ва деонтология қоидаларининг бузилиши | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат | 30 | |
| 2. | Ятрогения (беморнинг саломатлигига зарар етказиш) ҳолатларининг мавжудлиги | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат | 30 | |
| 3. | Асептика ва антисептика, санитария-гигиеник талабларнинг бузилиши | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат | 20 | |
| 4. | Дори воситалари, реактивлар, тиббий буюмларни қайд қилиш, сақлаш, ишлатиш ва ҳисобдан чиқариш қоидаларини бузиш | Ҳар бир ҳолат | 20 | |
| | Жами манфий баллар | | | |
| **Жами баллар** (100 жами манфий баллар айириб ташланади) | | | | |

Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

## Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти самарадорлигини БАҲОЛАШ

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ҳисоблаш усули | Бажариш, % | Балл | Тўпланган баллар |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Тиббиёт ходимлари томонидан функционал вазифалар бажарилишининг миқдор кўрсаткичлари** | | | | | |
| 1. | УАВ функционал вазифаларининг бажарилиши | 6 ой мобайнида барча УАВ лар томонидан тўпланган баллар йиғиндиси<br>----------------------------------------- x 100<br>100 x жами УАВлар фаолият кўрсатган ойлар йиғиндиси | 85 — 100 | 20 | |
| | | | 55-84 | 10 | |
| | | | 55 дан кам | 0 | |
| 2. | Тор ихтисослик врачлари ва бошқа ўрта тиббиёт ходимлари функционал вазифаларининг бажарилиши | Патронаж тиббиёт ҳамширасидан ташқари барча тор ихтисослик врачлари ва бошқа ўрта тиббиёт ходимларининг жами тўплаган баллари йиғиндиси<br>----------------------------------------- x 100<br>100 x Патронаж тиббиёт ҳамширасидан ташқари барча тор ихтисослик врачлари | 85 — 100 | 20 | |
| | | | 55 — 84 | 10 | |
| | | | 55 дан кам | 0 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ҳисоблаш усули | Бажариш, % | Балл | Тўпланган баллар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ва бошқа ўрта тиббиёт ходимларининг фаолият кўрсатган ойлари йиғиндиси | | | |
| 3. | Патронаж тиббиёт ҳамширалари функционал вазифаларининг бажарилиши | 6 ой мобайнида барча патронаж тиббиёт ҳамширалари томонидан тўпланган баллар йиғиндиси<br>------------------------------------------ х 100<br>100 х патронаж тиббиёт ҳамширалари фаолият кўрсатган ойлар йиғиндиси | 85 — 100 | 20 | |
| | | | 55 — 84 | 5 | |
| | | | 55 дан кам | 0 | |
| **II. Сифат кўрсаткичлари: ижтимоий аҳамиятли касалликларга кеч ташхис қўйиш, бириктирилган аҳолига қатновлар динамикаси** | | | | | |
| 1. | Бириктирилган аҳолини бориб кўриш динамикаси | Ҳисобот даврида мижозларнинг қатновлари сони<br>------------------------------------------ х 100<br>Ўтган йилнинг ҳисобот даврида мижозларни бориб кўришлар сони | 100 дан кўп | 10 | |
| | | | 90 — 100 | 2 | |
| | | | 90 дан кам | 0 | |
| 2. | Бириктирилган аҳоли орасида онкологик касалликларни эрта аниқлаш | Ҳисобот даврида касалликнинг 3-4 босқичларида аниқланган беморлар сони<br>------------------------------------------ х 100<br>Ўтган йилнинг ҳисобот даврида касалликка 3-4 босқичларда ташхис қўйилган беморлар сони | 95 дан кам | 10 | |
| | | | 95 — 100 | 2 | |
| | | | 100 дан кўп | 0 | |
| 3. | Бириктирилган аҳоли орасида сил касалликларини эрта аниқлаш | Ҳисобот даврида касалликка кеч босқичларда ташхис қўйилган силга чалинган беморлар сони<br>------------------------------------------ х 100<br>Ўтган йилнинг ҳисобот даврида касалликка кеч босқичларда ташхис қўйилган силга чалинган беморлар сони | 95 дан кам | 10 | |
| | | | 95 — 100 | 2 | |
| | | | 100 дан кўп | 0 | |
| **III. Бириктирилган аҳолининг саломатлик ва касалланиши кўрсаткичлари** | | | | | |
| 1. | Аҳолининг умумий касалланиши кўрсаткичи | Ҳисобот даврида умумий касалланиш кўрсаткичи<br>------------------------------------------ х 100<br>Ўтган йилнинг ҳисобот даврида умумий касалланиш кўрсаткичи | 95 дан кам | 10 | |
| | | | 95 — 100 | 5 | |
| | | | 100 дан кўп | 0 | |
| 2. | Аҳолининг бирламчи касалланиши кўрсаткичи | Ҳисобот даврида бирламчи касалланиш кўрсаткичи<br>------------------------------------------ х 100<br>Ўтган йилнинг ҳисобот даврида бирламчи касалланиш кўрсаткичи | 95 дан кам | 10 | |
| | | | 95 — 100 | 5 | |
| | | | 100 дан кўп | 0 | |
| 3. | Диспансер назоратидаги беморларни соғломлаштириш | Ҳисобот даврида соғломлашгани сабабли диспансер назоратидан чиқарилган беморлар сони<br>------------------------------------------ х 100<br>Ўтган йилнинг ҳисобот даврида соғломлашгани сабабли диспансер назоратидан чиқарилган беморлар сони | 100 дан кўп | 10 | |
| | | | 95 — 100 | 5 | |
| | | | 95 дан кам | 0 | |
| 4. | Сурункали касаллиги бор беморларнинг диспансер назорати | Диспансеризация режасига мувофиқ врач қабулига келган сурункали касалликка чалинган беморлар сони<br>------------------------------------------ х 100<br>Ўтган йилнинг диспансеризация режасига мувофиқ врач қабулига келган сурункали касалликка чалинган беморлар сони | 85 — 100 | 20 | |
| | | | 70 — 85 | 5 | |
| | | | 70 дан кам | 0 | |
| | **Жами мусбат баллар** | | | | |
| **Ишнинг пировард натижаларига салбий таъсир кўрсатувчи кўрсаткичлар** | | | | | |
| 1. | Аҳолининг муассаса фаолиятига шикоят-лари мавжудлиги | - | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат учун | 3 | |

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ҳисоблаш усули | Бажариш, % | Балл | Тўпланган баллар |
|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Оналар ўлимининг мавжудлиги | - | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат учун | 3 | |
| 3. | Гўдаклар ўлимининг мавжудлиги | - | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат учун | 2 | |
| 4. | Онкологик беморлар кеч босқичларда (3-4 даражаларда) бирламчи аниқланиши | - | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат учун | 2 | |
| 5. | Силга чалинган беморларни ҳамда сил асоратларини кеч аниқлаш | - | Ҳар бир тасдиқланган ҳолат учун | 2 | |
| | **Жами салбий баллар** | | | | |
| | **Жами баллар (жами мусбат баллар — жами салбий баллар)** | | | | |

Марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли
поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий
поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда
врачлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг фаолияти
самарадорлигини рейтинг баҳолаш тартиби
тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

**20___ йил ___ чорагида ___________ тумани тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари врачлари ва ўрта тиббиёт ходимлари иш кўрсаткичларининг махсус мониторинг гуруҳи томонидан ўрганиб чиқилиши натижалари тўғрисида**
**МАЪЛУМОТНОМА**

1. Ўрганиш учун асос ____________________________________
(тиббиёт бирлашмасининг буйруғи рақами ва санаси)

2. Ўрганиш объекти ____________________________________
(муассаса номи)

3. Ўрганиш санаси ва муддати ____________________________________
(текшириш бошланган кун ва вақт, текшириш тамом бўлган кун ва вақт)

4. Ўрганиш гуруҳи таркиби ____________________________________
(гуруҳ раҳбари Ф.И.О. ва лавозими)

____________________________________________________________
(ишчи гуруҳ аъзолари Ф.И.О. ва лавозими)
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________

5. Асосий қисм

____________________________________________________________
*(Низомга 3, 4, 5, 6, 7-иловаларга мувофиқ ўрганилади ва натижалар қайд қилинади)*
____________________________________________________________
____________________________________________________________
____________________________________________________________

6. Хулоса

____________________________________________________________
(ҳар бир врач ва тиббиёт ҳамшираси, умуман муассасанинг узил-кесил жами баллари)
____________________________________________________________
____________________________________________________________

| | | |
|---|---|---|
| **Гуруҳ раиси** | __________ (имзо) | __________________ (Ф.И.О.) |
| **Гуруҳ аъзолари:** | __________ (имзо) | __________________ (Ф.И.О.) |
| **Муассаса раҳбари** | __________ (имзо) | __________________ (Ф.И.О.) |
| Маълумот имзоланган сана: 20___ йил «___» _______ | __________ (имзо) | __________________ (Ф.И.О.) |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 1001 Балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2939-сон қарорини ижро этиш юзасидан, шунингдек республика балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш, балиқлантириш, балиқ етиштириш ва овлаш ишларини самарали ташкил этиш, ушбу тармоққа янги технологияларни жорий қилиш ва имтиёзли кредит ресурсларини жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган:

2017 — 2021 йилларда балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари дастури (кейинги ўринларда Комплекс дастур деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

2017 — 2021 йилларда балиқчилик соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари 2-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Комплекс дастурнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан шахсий масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари ҳамда «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси раиси зиммасига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПҚ–2939-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ишчи гуруҳ Комплекс дастурда назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин. Бунда:

ҳар ойда Комплекс дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар, шу жумладан унга киритилган инвестиция лойиҳалари, шунингдек ушбу қарорнинг бажарилиши ва унинг натижалари кўриб чиқилишини таъминласин;

ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига Комплекс дастурда назарда тутилган чора-тадбирлар, шу жумладан унга киритилган инвестиция лойиҳалари, шунингдек ушбу қарорнинг бажарилиши ва унинг натижалари тўғрисида ахборот, зарурат бўлганда, Комплекс дастурни ўз вақтида ва сифатли бажаришда қолоқликка ва камчиликларга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлиги чоралари тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

публикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 13 сентябрь,
719-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон қарорига
1-ИЛОВА

**2017 — 2021 йилларда балиқчилик тармоғини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари ДАСТУРИ**

| Т/р | Амалга ошириладиган вазифалар | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаи | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **I. Балиқчилик тармоғининг меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш** | | | | |
| 1.1. | Табиий ва сунъий сув ҳавзаларини балиқлантириш, балиқ етиштириш ва овлашни белгиланган тартибда амалга ошириш ҳамда балиқ етиштиришнинг технологик жараёнларини интенсивлаштириш қоидаларини ишлаб чиқиш. | 2018 йил I чорак | Ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Балиқчилик ИТИ, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 1.2. | Майдони 50 гектардан кам бўлган табиий сув ҳавзаларини кўл-товар хўжалигига айлантириш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2018 йил I чорак | - | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Балиқчилик ИТИ, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 1.3. | Табиий сув ҳавзаларининг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ҳавзаларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ўсимликхўр балиқлар билан балиқлантириш ҳамда соҳада мелиорация ишларини юритиш бўйича методик қўлланмани ишлаб чиқиш. | 2018 йил II чорак | Ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Балиқчилик ИТИ, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 1.4. | Сув ҳавзаларида, қафас (садок) мосламаларида интенсив усулда балиқ етиштириш, уларни парваришлаш ва озиқлантириш қоидаларини ишлаб чиқиш. | 2018 йил III чорак | Ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Балиқчилик ИТИ, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 1.5. | Орол денгизи ҳудудидаги сув ҳавзаларида йиғиладиган артемия цисталарини чавоқ етиштирувчи балиқчилик хўжаликларига етказиб бериш механизмини ишлаб чиқиш. | 2018 йил III чорак | Ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 1.6. | Ёпиқ айланма сув қурилмаларида ва сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштиришнинг жадал усулларини жорий этиш бўйича методик қўлланмани ишлаб чиқиш. | 2018 йил IV чорак | Ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобидан | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси Балиқчилик ИТИ, «Ипотека-банк» АТИБ |

| Т/р | Амалга ошириладиган вазифалар | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаи | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| **II. Балиқ етиштириш ва овлашни кўпайтириш ҳамда балиқчилик тармоғининг озуқа базасини мустаҳкамлаш бўйича** | | | | |
| 2.1. | Табиий сув ҳавзалари 2018 йилдан бошлаб белгиланган тартибда танҳо фойдаланиш учун «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасига берилишини таъминлаш. | 2017 йил 15 октябрь | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси |
| 2.2. | Табиий сув ҳавзалари Вазирлар Маҳкамасининг «Табиий сув ҳавза участкаларини балиқ овлаш хўжаликларига ижарага бериш ва Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 7 августдаги 593-сон қарорига мувофиқ белгиланган тартибда ижарага берилишини ташкил этиш. | 2017 йил 15 декабрь | - | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар |
| 2.3. | Табиий ва сунъий сув ҳавза майдонларини хатловдан ўтказиш ва ягона маълумотлар базасини шакллантириш. | 2018 йил 1 январь | - | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ипотека-банк» АТИБ, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар |
| 2.4. | Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги табиий кўлларда (33 та) балиқ овлаш ишларининг мавсумийлик ҳисобга олинган намунавий бошқарув (овлаш, қайта ишлаш, сақлаш) тизимини йўлга қўйиш. | 2018 йил 1 март | - | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ, «Мўйноқ аквасаноат» ДУК |
| 2.5. | Ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар томонидан инкубация цехлари ва чавоқ етиштиришга ихтисослашган питомникларни қуриш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш. | 2017 — 2021 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ кредити ва ўз маблағлари ҳисобига | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 2.6. | Республика бўйича балиқ овлаш ҳажмини 2021 йилгача 160 минг тоннага етказиш мақсадида инкубация цехларини қуриш, уларни модернизация қилиш, янги сунъий сув ҳавзаларини ташкил этиш ҳисобига балиқ чавоқлари ва балиқ етиштириш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда етиштирилган балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ушбу қарорга 2-иловада белгиланган мақсадли параметрлар бажарилишини таъминлаш. | 2017 — 2021 йиллар | Ўз маблағлари ва «Ипотека-банк» АТИБ кредитлари ҳисобига | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат»уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ, «Ипотека сармояси» ИК, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар |

| Т/р | Амалга ошириладиган вазифалар | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаи | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 2.7. | Балиқчилик хўжаликларини балиқ чавоқлари билан мунтазам таъминлаш мақсадида балиқ чавоқлари етиштирувчи репродуктор хўжаликларини ташкил этиш учун ер майдонлари ажратиш.<br>Тадбиркорлик субъектларининг маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига балиқ чавоқлари етиштирувчи репродуктор хўжаликларини ишга тушириш ҳамда модернизация қилиш ҳисобига 2021 йилгача личинка етиштиришни 2,2 млрд донага ва балиқ чавоқлари ишлаб чиқариш ҳажмини 162 млн донага етказиш. | 2017 — 2021 йиллар | Ўз маблағлари ва «Ипотека-банк» АТИБ кредитлари ҳисобига | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ, «Ипотека сармояси» ИК, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар |
| 2.8. | Балиқлар учун махсус омихта ем ишлаб чиқариш қувватларни таҳлил қилиш, балиқчилик соҳаси ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш, балиқлар учун четдан омихта ем компонентларини келтириш ҳамда омихта ем ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш бўйича таклиф тайёрлаш. | 2017-2018 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ кредити ва ўз маблағлари ҳисобига | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ, Давлат солиқ қўмитаси, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар |
| 2.9. | «Ўздонмаҳсулот» АЖ ва балиқлар учун омихта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қувватларидан самарали фойдаланиш ҳамда балиқлар учун махсус рецептуралар асосида ва турли ўлчамдаги омихта ем ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш. | 2017 — 2021 йиллар | «Ўздонмаҳсулот» АЖ ва омихта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотлар маблағлари | «Ўздонмаҳсулот» АЖ, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси |
| 2.10. | Табиий ва сунъий кўллардан овланадиган балиқ маҳсулотлари ҳажмини ҳисобга олган ҳолда балиқ маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш. | 2017 — 2021 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ кредити ва ўз маблағлари ҳисобига | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 2.11. | Ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар томонидан инкубация цехлари ва чавоқ етиштиришга ихтисослаштирилган питомникларни қуриш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш. | 2017 — 2021 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ кредити ва ўз маблағлари ҳисобига | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ |
| **III. Сув омборлари ва Айдар-Арнасой кўллар тизимида балиқ етиштириш, овлаш ва қайта ишлашни ташкил этиш бўйича** | | | | |
| 3.1. | Сув омборлари ва табиий сув ҳавзаларида ўрнатилган қафас (садок) мосламаларини инвентаризациядан ўтказиш, келгуси йиллар учун садок мосламаларини ишлаб | Ҳар йили 10 ноябргача | «Ипотека-банк» АТИБ, «Ипотека сармояси» ИК ва ўз маблағлари ҳисобига | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ипотека-банк» АТИБ, «Ипотека сармояси» ИК, «Ўзбекбалиқсаноат» |

| Т/р | Амалга ошириладиган вазифалар | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаи | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | чиқариш учун зарур бўлган материаллар билан корхоналарни таъминлаш юзасидан таклифлар тайёрлаш. | | | уюшмаси, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар |
| 3.2. | Сув омборларида илмий тадқиқотларни амалга ошириш ҳисобига 2018 — 2021 йилларда қафас (садок) мосламаларида балиқ етиштиришни ташкил этиш ҳамда мосламаларни сув ҳавзаларида жойлаштириш чора-тадбирларини белгилаш.<br>Сув омборларида қафас (садок) мосламаларида балиқ етиштириш ҳажмларини кўпайтириш орқали сув омборлари фаолиятини қўшимча молиялаштириш ҳамда ишчилар ва ходимларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш. | 2017-2018 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ, «Ипотека сармояси» ИК ва ўз маблағлари ҳисобига | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, «Ипотека-банк» АТИБ, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси |
| 3.3. | Айдар-Арнасой кўллар тизими ҳавзалари ҳосилдорлигини ошириб бориш мақсадида 1 млрд дона личинка ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган инкубация цехлари ҳамда 40 млн дона балиқ чавоқлари ишлаб етиштирувчи репродукторларни ишга тушириш. | 2017 — 2021 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ кредитлари, ва «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК маблағлари ҳисобига | Давлат солиқ қўмитаси, «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 3.4. | Айдар-Арнасой кўллар тизимида балиқ ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш лойиҳаларини ишга тушириш. | 2017 — 2021 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ кредитлари ва ўз маблағлари ҳисобига | Давлат солиқ қўмитаси, «Ипотека-банк» АТИБ, «Айдар-Арнасой кўллар тизими дирекцияси» ДУК |
| **IV. Балиқчилик хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича** | | | | |
| 4.1. | Балиқчилик хўжаликларига моддий-техник ресурслар (чавоқлар, тўрлар ва инвентарлар) сотиб олиш учун кредитлар ажратиш. | 2017 — 2021 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ маблағлари | «Ипотека-банк» АТИБ, «Ипотека сармояси» ИК, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар |
| 4.2. | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси буюртманомаси бўйича унинг таркибига кирувчи балиқчилик хўжаликларини минерал ўғитлар (аммофос) ва юқори оқсилли гранулланган омихта ем билан таъминлаш. | 2017 — 2021 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ, «Ипотека сармояси» ИК, ўз маблағлари ҳисобига | «Ўзагрокимёсаноат» АЖ, «Ўздонмаҳсулот» АК, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар, «Ипотека-банк» АТИБ, «Ипотека сармояси» ИК |
| 4.3. | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан табиий кўллар тизимида балиқчилик хўжаликлари ходимларининг вақтинчалик яшаши учун махсус кўчма уйлар (вагонлар) ишлаб чиқаришни ташкил этиш. | 2017 йил октябрь | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маблағлари ҳисобига | «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ, ҳудудий |

| Т/р | Амалга ошириладиган вазифалар | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаи | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| | | | | «Балиқсаноат» МЧЖлар |
| 4.4. | Балиқчилик хўжаликлари томонидан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган ёқилғи-мойлаш материаллари ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар томонидан тақдим этилган рўйхат бўйича белгиланган тартибда хўжаликларга сотилишини ташкил этиш. | 2017 — 2021 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ кредити ва ўз маблағлари ҳисобига | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзнефтмаҳсулот» АЖ, «Ипотека-банк» АТИБ, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар |
| 4.5. | Республикадаги барча туман ва шаҳарлар деҳқон бозорларида ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖларнинг балиқ ва балиқ маҳсулотларини сотишга ихтисослашган шохобчаларни ташкил этиш. | 2017-2018 йиллар | Ўз маблағлари ва «Ипотека-банк» АТИБ кредитлари ҳисобига | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Давлат солиқ қўмитаси, «Ипотека-банк» АТИБ, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар |
| **V. Балиқчилик соҳасида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш ва кадрлар тайёрлаш бўйича** | | | | |
| 5.1. | Балиқларнинг янги турлари ва зотларини (Венгрия карпи, тиляпия, камалак форели, лососсимонлар, осетрсимонлар ва бошқалар) иқлимлаштириш ва ўстириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш. | 2017 — 2021 йиллар | Давлат грантлари, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмасининг «Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси» маблағлари ҳисобига | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси Балиқчилик ИТИ, «Ипотека-банк» АТИБ, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар |
| 5.2. | Балиқларни интенсив ўстириш ҳамда қайта ишлаш бўйича ривожланган мамлакатларнинг (Хитой, Вьетнам ва бошқалар) илғор технологиялари ва тажрибаларини мамлакатимизда татбиқ этиш. | 2017 — 2021 йиллар | Ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар маблағи ва «Ипотека-банк» АТИБ кредитлари ҳисобига | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлар, Балиқчилик ИТИ |
| 5.3. | Қайта ишланган балиқ маҳсулотларини (музлатилган, дудланган, филе, котлет ва бошқа ярим тайёр маҳсулотлар) сақлаш, сотиш ва истеъмолга чиқаришнинг техник шартларини ишлаб чиқиш. | 2017 — 2021 йиллар | Ўз маблағлари ва банк кредитлари ҳисобига | «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси «Ипотека-банк» АТИБ, Балиқчилик ИТИ |
| 5.4. | Ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖлардаги кадрларни шакллантириш, уларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва доимий фаолият юритиши учун қулай шароитлар яратиш. | Доимий | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси маблағлари, «Ипотека сармояси» ИК ҳисобига | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Ипотека-банк» АТИБ «Ипотека сармояси» ИК |

| Т/р | Амалга ошириладиган вазифалар | Ижро муддати | Молиялаштириш манбаи | Масъуллар |
|---|---|---|---|---|
| 5.5. | Балиқчилик соҳаси учун юқори малакали кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш мақсадида Тошкент давлат аграр университетида балиқчилик факультетини ташкил этиш ва ушбу факультетни тамомлаган мутахассисларни иш билан таъминлаш. | 2017 — 2021 йиллар | Грантлар ва контракт тўлов шартномалари ҳисобига | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 5.6. | Жиззах вилояти Арнасой қишлоқ хўжалиги ва транспорт коллежи негизида балиқчилик соҳаси учун кадрлар тайёрлашни ва коллеждаги ўқув жараёнларини Тошкент давлат аграр университетининг профессор — ўқитувчилари тажрибаси асосида амалга ошириш. | 2017-2018 йиллар | Грантлар ва контракт тўлов шартномалари ҳисобига | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 5.7. | Балиқчилик соҳасидаги ташкилотларни ривожлантириш учун халқаро донор ташкилотларнинг техник кўмаклашиш лойиҳаларини, хорижий инвесторлар ва малакали мутахассисларни жалб этиш бўйича расмий таклифномалар юбориш. | Доимий | Грантлар ва ўз маблағлари ҳисобига | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Давлат солиқ қўмитаси, ҳудудий «Балиқсаноат» МЧЖ, Балиқчилик ИТИ |
| 5.8. | Балиқчилик илмий-тадқиқот институти докторантлари, олимлари ва илмий ходимларини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш. | 2017-2018 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ ва ўз маблағлари ҳисобига | Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Балиқчилик ИТИ, «Ипотека-банк» АТИБ |
| 5.9. | Балиқчилик хўжаликлари раҳбарлари ва ходимларининг балиқчилик соҳасидаги амалий кўникмаларини ошириш бўйича жадвал асосида ўқув-семинарларини ташкил этиш. | 2017 — 2021 йиллар | «Ипотека-банк» АТИБ кредити ва ўз маблағлари ҳисобига | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси, Балиқчилик ИТИ, Тошкент давлат аграр университети, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 сентябрдаги 719-сон қарорига
2-ИЛОВА

## 2017 — 2021 йилларда балиқчилик соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли ПАРАМЕТРЛАРИ

| Амалга ошириладиган тадбирлар | Ўлчов бирлиги | Номланиши | 2016 йил (мавжуд) | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2021 йилда, 2016 йилга нисбатан, ўсиш суръати % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Табиий ва сунъий ҳавзаларида балиқ овлашни кўпайтириш | тонна | жами | 75 897 | 105 113 | 115 117 | 130 327 | 145 133 | 160 441 | 211 |
| | | табиий | 27 097 | 44 745 | 48 500 | 54 000 | 60 000 | 65 000 | 240 |
| | | сунъий | 48 800 | 60 368 | 66 617 | 76 327 | 85 133 | 95 441 | 196 |
| Сунъий сув ҳавзаларини кенгайтириш | гектар | жами | 27 900 | 29 600 | 31 570 | 33 820 | 36 185 | 38 740 | 139 |
| | | товар балиқ учун | 25 400 | 26 800 | 28 350 | 30 050 | 31 900 | 33 820 | 133 |
| | | балиқ чавоқлари етиштириш учун | 2 500 | 2 800 | 3 220 | 3 770 | 4 285 | 4 920 | 197 |
| Балиқ чавоқлари етиштириш ҳажмини ошириш | млн дона | жами | 60,5 | 111,1 | 121,4 | 134 | 144,2 | 162,3 | 268 |
| Сув ҳавзаларини балиқлантириш ишларини ташкил этиш | млн дона | жами | 60,5 | 111,1 | 121,4 | 134 | 144,2 | 162 | 268 |
| | | табиий | 2,5 | 13,1 | 20,7 | 24,9 | 31,0 | 47 | 18,6 м |
| | | сунъий | 58,0 | 98,0 | 100,7 | 109 | 113 | 116 | 200 |
| Инкубация цехларини қуриш ва личинка ишлаб чиқаришни кўпайтириш | бирликда | сони | 22 | 27 | 30 | 34 | 36 | 38 | 173 |
| | млн дона | қуввати | 940 | 1 200 | 1 480 | 1 770 | 1 970 | 2 220 | 236 |
| Балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ташкилотларини ташкил этиш ва қувватларини ошириш | бирликда | сони | 7 | 21 | 38 | 57 | 78 | 101 | 14,4 м |
| | тонна | қуввати | 2 100 | 5 000 | 8 100 | 11 400 | 14 900 | 18 650 | 8,9 м |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 1002 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2017 йил 29 июлдаги ПҚ–3162-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2017 йил 29 июлдаги ПҚ–3162-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Р.Ж. Қурбонов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 13 сентябрь,
720-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 13 сентябрдаги 720-сон қарорига
ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 29 августдаги 410-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 88-модда):

а) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «марказий ижро этувчи аппарати» сўзлари «ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 3-иловада:

«Жамғарманинг марказий ижро этувчи аппарати» блоки «Жамғарманинг ижро этувчи аппарати» блоки билан алмаштирилсин;

«Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги», «Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари» ва «Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари» блоклари чиқариб ташлансин;

в) 4-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи аппаратининг штатдаги ходимлари СОНИ**

**Раҳбарият**

| | |
|---|---|
| Ижро этувчи директор | 1 |
| Жамғарманинг ижро этувчи директори ўринбосари — Болалар спорт иншоотларини лойиҳалаштириш, жойлаштиришни ташкил этиш ва қуришни назорат қилиш, улардан фойдаланиш бўлими бошлиғи | 1 |
| Кадрлар бўйича инспектор | 1 |

**Молиявий маблағларни шакллантириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш бўлими**

| | |
|---|---|
| Бўлим бошлиғи | 1 |
| Бош мутахассис | 1 |

**Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини молиявий назорат қилиш бўлими**

| | |
|---|---|
| Бўлим бошлиғи | 1 |
| Бош мутахассис | 1 |

**Оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва болаларнинг халқаро спорт мусобақаларида иштирокини таъминлаш бўлими**

| | |
|---|---|
| Бўлим бошлиғи | 1 |
| Бош мутахассис | 1 |

**Болалар спорт иншоотларини лойиҳалаштириш, жойлаштиришни ташкил этиш ва қуришни назорат қилиш, улардан фойдаланиш бўлими**

| | |
|---|---|
| Бош мутахассис | 1 |
| Етакчи мутахассис | 1 |

**Болалар спорт иншоотларини ускуналар ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш бўлими**

| | |
|---|---|
| Бўлим бошлиғи | 1 |
| Бош мутахассис | 1 |
| Етакчи мутахассис | 1 |

**Бош юрисконсульт**

| | |
|---|---|
| Бош юрисконсульт | 1 |

**Бухгалтерия**

| | |
|---|---|
| Бош бухгалтер | 1 |
| Бухгалтер-кассир | 1 |

**Жами:** **17»;**

г) 4а-иловaнинг матни қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижро этувчи аппаратининг**

**ТУЗИЛМАСИ**




Бошқарув ходимлари сони — 17 киши.»;

д) 6-иловада:

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Жамғарма жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 17-уй, 100060.»;

15-бандда:

биринчи хатбошидаги «марказий ижро этувчи аппарати» сўзлари «ижро этувчи аппарати» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жамғарма жорий фаолиятига раҳбарликни ижро этувчи директор амалга оширади, у Жамғарма номидан иш кўради, ўз ваколатлари доирасида буйруқлар чиқаради, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади, штатлар жадвалини, ижро этувчи аппарат ва минтақавий филиалларнинг жорий таъминотига харажатлар сметасини тасдиқлайди, Жамғарма маблағларини белгиланган тартибда тасарруф этади, юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузади.

Жамғарманинг ижро этувчи директори лавозимига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг тақдимномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.»;

16-бандда:

биринчи хатбошидаги «марказий ижро этувчи аппаратига» сўзлари «ижро этувчи аппаратига» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «марказий ижро этувчи аппарат» сўзлари «ижро этувчи аппарат» сўзлари билан алмаштирилсин;

17-банддаги «марказий аппаратининг» сўзлари «ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банднинг биринчи хатбошидаги «марказий ижро этувчи аппаратининг» сўзлари «ижро этувчи аппаратининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқувчи ва талаба ёшларни спортга жалб қилишга қаратилган узлуксиз республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида» 2009 йил 29 июндаги 181-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚҲТ, 2009 й., 27-сон, 315-модда) 2 ва 3-иловалардаги «Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси ўринбосари —» сўзлари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 мартдаги 148-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 3-сон, 31-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси тўғрисидаги низомда:

а) 13-банднинг иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қўмита раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосарга, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосарга эга бўлади.»;

б) 14-банднинг учинчи хатбошидаги «ўринбосарларининг» сўзи «ўринбосарининг» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 16-банднинг иккинчи хатбошидан «Қўмита раисининг ўринбосари —» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# 1004 2017 йил ҳосили пахта хом ашёсининг харид нархлари тўғрисида

Давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган пахта хом ашёси етиштиришни кўпайтиришни рағбатлантириш ҳамда пахта етиштирувчи хўжаликларнинг молиявий ҳолатини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноатэкспорт», «Ўзагротехсаноатхолдинг» холдинг компаниялари ҳамда Ўзбекистон Фермерлари кенгашининг 2017 йил ҳосили:

пахта хом ашёси харид нархларини 1-иловага* мувофиқ миқдорда белгилаш;

машинада терилган пахта хом ашёси харид нархларини 2-иловага* мувофиқ миқдорда белгилаш;

қўлда терилган пахта хом ашёсининг 1 килограмми учун биринчи босқичда — 450 сўмдан, иккинчи босқичда 2017 йил 1 октябрдан бошлаб — 500 сўмдан тўлаш;

машинада терилган пахта хом ашёсининг 1 тоннаси учун 260 000 сўмдан тўлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига 2017 йил ҳосили пахта хом ашёси харид нархларининг бир ҳафта муддатда етказилишини таъминласинлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси, «Агробанк» АТБ ва бошқа тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда пахта йиғим-теримида, уни ташишда ва тайёрлашда қатнашаётган ходимларга иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини таъминласинлар.

Пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига амалда топширилган пахта хом ашёси учун теримчиларга терим пулларини ушбу қарорда белгиланган тариф ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳар беш кунда, зарурат бўлганда эса — ҳар куни тўлаш тавсия этилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва ту-

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

манлар ҳокимликлари пахта теримчиларига терим пулларининг ушбу қарорда белгиланган тариф ставкалари бўйича ўз вақтида тўланиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсинлар.

4. Пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ўтказиш учун жойларда камида 100 нафар теримчидан иборат бўлган теримчилар отрядлари ташкил этилиши маълумот учун қабул қилинсин.

«Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти пахта йиғим-терими мавсумида ташкил этиладиган теримчилар отрядлари раҳбарларини пахта тозалаш корхоналари билан тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ишга қабул қилсин.

5. «Агробанк» акциядорлик тижорат банкига — «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти ташкилотларига теримчилар отрядлари раҳбарларига ўз вақтида иш ҳақи тўлаш учун 45 млрд сўм миқдорида кредит маблағлари ажратиш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси билан биргаликда 2017 йил ҳосили пахта толаси учун улгуржи нархлар прейскурантини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда пахта тозалаш корхоналарининг теримчилар отрядлари раҳбарлари иш ҳақини тўлаш бўйича харажатларини назарда тутсин.

7. «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси:

Жамғарма билан биргаликда пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари билан пахта хом ашёсининг 90 фоизи учун — жорий йилда ва қолган 10 фоизи учун — 2018 йилнинг 1 апрелигача прейскурант нархлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини;

«Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти билан биргаликда 2018 йилнинг 10 январигача бўлган муддатда Жамғармага 2017 йил ҳосили пахта хом ашёси учун якуний 10 фоизли тўловлар учун маблағлар йиғма маълумоти тақдим этилишини таъминласин.

8. Пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари билан ҳисоб-китобларнинг тўғри ва ўз вақтида амалга оширилиши ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан масъулият «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси ва «Ўзпахтасаноат» акциядорлик жамияти раҳбарлари зиммасига юклансин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т. Мирзаев ҳамда «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси раиси А.С. Камалов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 14 сентябрь,
723-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 1006 Коммунал хизматларнинг ягона биллинг тизимини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 майдаги ПФ–5059-сон Фармонини бажариш юзасидан, истеъмолчилар ҳисоб рақамларидаги маблағларнинг назорат қилиниши, кўрсатилаётган коммунал хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотни шакллантириш ва истеъмолчиларга тақдим этишнинг шаффофлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятининг истеъмолчининг бирхиллаштирилган ягона шахсий рақамидан фойдаланган ҳолда Коммунал хизматларнинг ягона биллинг тизимини (кейинги ўринларда Ягона биллинг тизими деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Коммунал хизматларнинг ягона биллинг тизимини ташкил этиш бўйича Тадбирлар режаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар Ягона биллинг тизимининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ичимлик сув таъминоти, канализация, иссиқлик, электр ва газ таъминоти хизматларини (кейинги ўринларда коммунал хизматлар деб аталади) етказиб берувчиларнинг амалдаги тарифларга мувофиқ истеъмолчиларга ҳисобни бериш ва ҳисоб рақамларидаги маблағларни назорат қилиш, ҳисобга ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш;

электрон ҳукумат тизимлари билан интеграциялашув инобатга олинган ҳолда бутун республика бўйича коммунал хизматлар истеъмолчиларининг ягона реестрини юритиш;

коммунал хизматлардан фойдаланиш ҳолатини онлайн режимида тизимли ҳамда шаффоф мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш ҳамда тегишли ҳисоботларни шакллантириш;

истеъмолчиларга коммунал хизматлар кўрсатишни фаоллаштириш ёки тўхтатиб қўйиш юзасидан электр энергияси, газ, ичимлик ва иссиқ сувни тақсимлаш ҳамда етказиб бериш тармоғининг якуний ускунасини (ҳисоблагичларни) бошқариш;

коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида интерфаол хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, электрон тўлов тизимларидан кенг фойдаланиш.

---

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти компанияси билан биргаликда 2018 йил 1 августгача Ягона биллинг тизимини ишлаб чиқсин ҳамда ишга туширсин. Бу борада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси базасида зарур телекоммуникация инфратузилмаси ташкил этилишини, коммунал хизматларни етказиб берувчилар билан белгиланган тартибда тегишли шартномалар тузилишини, шунингдек, унга:

2019 йилнинг 1 январгача — электр ва газ таъминоти бўйича;

2021 йил — 1 январгача ичимлик сув таъминоти, канализация ва иссиқлик таъминоти бўйича ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси уланишини назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 августдаги ПҚ–3245-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг «Ўзинфоком» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази базасида Давлат ахборот тизимларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор (кейинги ўринларда Ягона интегратор деб аталади) ташкил қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ягона интегратор Ягона биллинг тизимининг ишини ва узлуксиз фаолият кўрсатишини мувофиқлаштириш учун масъул ҳисобланади;

«Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти, «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тегишли равишда электр энергия, газ, ичимлик ва иссиқ сув истеъмолини назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий қилиш учун масъул ҳисобланади;

коммунал хизматлар истеъмолчилари ҳақидаги маълумотлар фақат «Электрон ҳукумат» тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаси орқали шакллантирилади ҳамда улардан фойдаланилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ягона биллинг тизимини ташкил этиш лойиҳаси бўйича лойиҳаолди ҳужжатларининг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишига қараб, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг молиявий маблағлари ҳамда техник кўмаклашиш маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар жалб этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик

жамияти Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси билан биргаликда 2018 йил 1 октябргача бўлган муддатда Ягона биллинг тизимининг барқарор ишлаш қобилиятини таъминлаш, уни техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишларини молиялаштириш, шунингдек, бу борадаги тегишли функцияларни янада ривожлантириш ҳамда кенгайтириш механизмларини ишлаб чиқсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти, «Ўзтрансгаз» акциядорлик жамияти ва бошқа коммунал хизматларни етказиб берувчилар билан биргаликда коммунал хизматлар истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни Ягона биллинг тизимига узатишни автоматлаштириш учун электрон ҳисобга олиш приборларини жорий этиш ҳамда ўрнатиш лойиҳалари амалга оширилишини тезлаштириш чораларини кўрсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ғ.И. Ибрагимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири вазифасини бажарувчи Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 14 сентябрь,
726-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 1007 «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2152-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ−5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ−2897-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 391-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2010 йил 12 октябрдаги 01/11-18/08-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва

тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2152, 2010 йил 10 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 44-45-сон, 412-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **Р. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 15 август,
01/11-10/20-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги
01/11-10/20-сон қарорига
ИЛОВА

**«Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорда:

а) номи ва 1-банддаги «Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2897-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 391-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон

Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»-ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**».

2. Низомда:

а) номи ва 1 — 4-иловалар белгисидаги «Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш» деган сўзлар «Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2897-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 391-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига ва баҳолаш фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий органлари (кейинги ўринларда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади) буюртмаларига асосан баҳолаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган баҳоловчи ташкилотлар (кейинги ўринларда баҳоловчи ташкилот деб юритилади) томонидан баҳолаш объектларини баҳолаш хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.»;

в) 4-банддаги «Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

***Молия вазири*** ***Б. ХОДЖАЕВ***

*2017 йил 15 август*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

### 1008 «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ—5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 419-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 23 июндаги 4-сон «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2125, 2010 йил 26 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 30-сон, 256-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Раис** **Р. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 15 август,
01/15-10/21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги
01/15-10/21-сон қарорига
ИЛОВА

**«Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарор муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида»ги, 2008 йил 4 мартдаги 36-сон «Маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабни ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2011 йил 21 июндаги 185-сон «Маҳсулотларнинг монопол турларини товар-хом ашё биржаси орқали сотиш рўйхатини янада кенгайтириш ва ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**».

2. Низомнинг 2-бандидаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 1009 Товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2927*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 июлдаги ПҚ–3137-сон «Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 август,
106-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил
17 августдаги 106-сон буйруғига
ИЛОВА

Товар чеклари китобининг титул варағи

Тикиш жойи

**ТОВАР ЧЕКЛАРИНИ БЕРИШ БЎЙИЧА АСБОБ-УСКУНАЛАР МАВЖУД БЎЛМАГАН ЁКИ НОСОЗ БЎЛГАН ЁХУД ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ВАҚТИНЧА ЎЧИРИЛГАН ҲОЛЛАРДА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИ ЧАКАНА СОТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ТОВАР ЧЕКЛАРИ КИТОБИ**

Хўжалик юритувчи субъектнинг номи: ________________________________________

СТИР _________________ ________________________________________________________

Товар чеки рақамлари__________ дан __________ гача

201__ йил «___» _________ да_________-сон билан ______________________________________________
(ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқаруви органининг номи)

_______________________________________________________________да рўйхатдан ўтказилган.

Товар чеклари китоби ип ўтказилиб тикилган ва ___________________________________________
(ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқаруви органининг номи)

_____________________________________________________________ муҳри билан тасдиқланган.

Товар чеклари китоби варақлари

Тикиш жойи

| Товар чекининг рақами | СТИР | Хўжалик юритувчи субъектнинг номи | |
|---|---|---|---|
| ________ | ________ | ________________ | |
| Сана: 20___ йил «___» ________ | | | |
| Дори воситасининг номи, дори шакли, дозаси ва (ёки) тиббий буюмнинг номи | нархи | сони (ўрам, дона) | суммаси |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| Жами: | | | |
| | | | |
| Фармацевт ходимнинг Ф. И. О. ________________ | | Хўжалик юритувчи субъектнинг М.Ў. | |

Қирқиш чизиғи

| Товар чекининг рақами | СТИР | Хўжалик юритувчи субъектнинг номи | |
|---|---|---|---|
| ________ | ________ | ________________ | |
| Сана: 20___ йил «___» ________ | | | |
| Дори воситасининг номи, дори шакли, дозаси ва (ёки) тиббий буюмнинг номи | нархи | сони (ўрам, дона) | суммаси |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| Жами: | | | |
| | | | |
| Фармацевт ходимнинг Ф. И. О. ________________ | | Хўжалик юритувчи субъектнинг М.Ў. | |

Изоҳ:

Товар чеклари китоби титул варақ ва варақларининг тикиш жойи бўйича тикилади. Бунда товар чеклари китобининг титул варағи китобнинг биринчи варағи ҳисобланади.

Товар чеклари китоби 15 х 21 см ўлчамда бўлади.

Ушбу шакл Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси* — *Р. ГУЛЯМОВ*

*2017 йил 15 август*

*Савдо-саноат палатаси раиси* — *А. ИКРАМОВ*

*2017 йил 16 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1010 Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2821-1***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ–2699-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2016 йил 25 июлдаги 8-мҳ ва 55-сон қарори (рўйхат рақами 2821, 2016 йил 23 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 34-сон, 406-модда) билан тасдиқланган Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

муқаддимадаги «2010 йил 18 июндаги 117-сон «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги» деган сўзлар «2017 йил 19 июлдаги 528-сон «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминоти учун тўланадиган тушумлар назарда тутилган бошқа бюджет маблағлари билан бирга мақсадли тартибда тарбияланувчиларни озиқ-овқат билан таъминлашни ҳамда муассасанинг моддий-техника базасини яхшилашга, аввалламбор, санитария-гигиена воситалари ва юмшоқ инвентарлар харид қилишга мақсадли тартибда йўналтирилади.

Бунда муассасанинг моддий-техника базасини яхшилашга йўналтириладиган маблағлар миқдори жами йил давомида ота-оналар тўловидан тушган маблағларнинг 5 фоизидан ошмаслиги лозим.».

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. ИНОЯТОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 август,
6-мҳ-сон

**Молия вазири** **Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 17 август,
125-сон

***Келишилган:***

***Соғлиқни сақлаш вазири*** *А. ШАДМАНОВ*

*2017 йил 17 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 1011 «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни 13-моддасига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 28 майдаги 44-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (рўйхат рақами 2375, 2012 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 26-27-сон, 299-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 23 август,
126-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2017 йил 23 августдаги
126-сон буйруғига
ИЛОВА

### «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Буйруқнинг номи ва 1-банди «солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот» деган сўзлардан кейин «ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Миллий стандартда:

а) номи ва 1-банд «солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот» деган сўзлардан кейин «ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ҳисоботнинг ҳар бир бети солиқ маслаҳатини амалга оширган солиқ маслаҳатчиси томонидан имзоланади, ҳисобот солиқ маслаҳатчилари ташкилоти раҳбарининг имзоси ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланади.»;

в) қуйидаги таҳрирдаги III[1] ва III[2] боблар билан тўлдирилсин:

### «III[1] боб. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосаси

12[1]. Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосаси (кейинги ўринларда хулоса деб юритилади) солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш, солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш тўғрисидаги фикрини ўз ичига олувчи ёзма шаклда ифодаланган ҳужжатдир.

Хулоса ҳисобот асосида тузилади.

12[2]. Хулоса эркин шаклда тузилади ва мажбурий тартибда қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

номи — «Солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосаси»;

мижознинг (ишонч билдирувчининг) манзили, номи ёки Ф.И.О.;

тузилаётган хулосага асос бўлган ҳисобот санаси;

шартномани бажаришда иштирок этган солиқ маслаҳатчиси(лари) тўғрисида маълумотлар (Ф.И.О., солиқ маслаҳатчиси сертификатининг рақами ва берилган санаси).

12[3]. Хулосада солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг шартнома предмети бўйича асосланган фикри аниқ баён этилиши керак.

### III[2] боб. Хулосани тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш

12[4]. Хулоса солиқ маслаҳатчиси (солиқ маслаҳатчилари), солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланиши ва мазкур ташкилотнинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланиши керак.

12[5]. Хулоса мижозга (ишонч билдирувчига) шартномада белгиланган муддатларда шахсан олиб бориб бериш, почтадан буюртма хат орқали ёки электрон ҳужжат тарзида тақдим этилади.»;

г) IV бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

### «IV боб. Ҳисобот ва хулосанинг мазмуни учун жавобгарлик»;

д) 16-банд «ҳисобот» сўзидан кейин «ва хулоса» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 1012 Тиббий ускунанинг маънан эскирганлик даражасини аниқловчи мезонларни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2928*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сон «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Тиббий ускунанинг маънан эскирганлик даражасини аниқловчи мезонлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Вазир** **А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август,
107-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил
28 августдаги 107-сон буйруғига
ИЛОВА

### Тиббий ускунанинг маънан эскирганлик даражасини аниқловчи МЕЗОНЛАР

Мазкур Мезонлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сон «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тиббий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларда фойдаланиладиган тиббий ускуналарнинг маънан эскирганлик даражасини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоида

1. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, янги ташкил этилаётган ёки қайта жиҳозланаётган тиббий фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар фақат Тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиб-

бий буюмлар ва тиббий техника давлат реестрида мавжуд бўлган тиббий ускуналар билан жиҳозланиши лозим.

2. Тиббий фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар янги яратилган тиббий ускуналардан улар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин фойдаланишлари мумкин.

## 2-боб. Тиббий ускунанинг маънан эскирганлик даражасини аниқлаш мезонлари

3. Тиббий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотлар учун тиббий ускунанинг маънан эскирганлик даражаси унинг ишлаб чиқарилган йили орқали аниқланади.

4. Тиббий ускунанинг техник паспортида ёки ёрлиғида кўрсатилган эксплуатация муддати тугагандан кейин мазкур тиббий ускуна маънан эскирган ҳисобланади.

5. Тиббий ускунанинг техник паспортида ёки ёрлиғида эксплуатация муддати кўрсатилмаган ҳолларда, ушбу тиббий ускуна ишлаб чиқарилган санадан бошлаб 15 йил ўтгандан кейин маънан эскирган ҳисобланади.

6. Тиббий ускунанинг техник паспортида ёки ёрлиғида ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилмаган бўлса, бундай тиббий ускуналардан фойдаланиш тақиқланади.

7. Тиббий фаолиятни амалга ошираётган ташкилотлар ўзларида мавжуд бўлган ишлаб чиқарилган йили кўрсатилмаган ҳамда маънан эскирган тиббий ускуналарни 2023 йилнинг 1 январь кунига қадар янги ускуналарга алмаштиришлари лозим.

8. Янги ташкил этилган тиббиёт ташкилотлари маънан эскирган тиббий ускуналардан фойдаланишлари тақиқланади.

## 3-боб. Якуний қоида

9. Мазкур Мезонлар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

***Савдо-саноат палатаси раиси*** ***А. ИКРАМОВ***

*2017 йил 25 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 1013 «Замонавий ва маънавий эскирган тиббий ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2228-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 июндаги 405-сон «Тиббий фаолиятни лицензиялаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2011 йил 21 апрелдаги 120-сон «Замонавий ва маънавий эскирган тиббий ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2228, 2011 йил 12 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 19-сон, 197-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Вазир** **А. ШАДМАНОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август,
108-сон

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИНИНГ БУЙРУҒИ

## 1014 Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2416-2*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 692-сон «Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 27 декабрдаги 14-н-сон буйруғи (рўйхат рақами 2416, 2013 йил 29 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 5-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ** **Т. ЎЛЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 5 сентябрь,
93-Н-сон

Ўзбекистон Республикаси
Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил
5 сентябрдаги 93-Н-сон буйруғига
ИЛОВА

### Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига киритилаётган қўшимчалар

1. Қуйидаги мазмундаги $4^1$-банд билан тўлдирилсин:

«$4^1$. Йўловчи томонидан ҲК ичида юриш-туриш қоидалари бузилган тақдирда, ҲК экипажи аъзолари томонидан мазкур Қоидаларнинг иловасига мувофиқ шаклда йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларини бузганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади.

Далолатномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

далолатномада тузилган сана;

далолатномани тузган ҲК экипажи аъзоларининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

қоидабузарлик содир этилган рейс ва унинг йўналиши;

қоидабузарликнинг қисқача тафсилоти;

қоидабузар йўловчи шахсига оид маълумотлар;

қоидабузар йўловчининг тушунтириши;

Агар қоидабузарлик оқибатида моддий зарар етказилган ёхуд бошқа шахслар жабрланган бўлса, бу ҳақда ҳам далолатномада кўрсатилади.

Далолатнома уни тузган ҲК экипажи аъзолари ва қоидабузар йўловчи томонидан имзоланади.

Қоидабузарлик содир этган йўловчи далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, далолатномага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Қоидабузарлик содир этган йўловчи далолатноманинг мазмуни юзасидан далолатномага илова қилинадиган тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур далолатномага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.».

2. Мазкур қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда илова билан тўлдирилсин.

3. Мазкур қўшимчалар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан келишилган.

***«Ўзбекистон ҳаво йўллари»***
***миллий авиакомпанияси***
***Бош директори*** ***У. РОЗУҚУЛОВ***

*2017 йил 5 сентябрь*

Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги
юриш-туриш қоидаларига киритилаётган
қўшимчаларга
ИЛОВА

«Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги
юриш-туриш қоидаларига
ИЛОВА

**Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларини бузганлиги тўғрисида**
**ДАЛОЛАТНОМА**

____. ____. 20___ й. ________________________
(рейс ва унинг йўналиши)

ҲК экипажи аъзолари Ф.И.О. ва лавозими:
1) ____________________
2) ____________________
3) ____________________
4) ____________________

Йўловчи ҳақида маълумот:
____________________
____________________
____________________

Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2012 йил 27 декабрдаги 14-н-сон буйруғи билан тасдиқланган Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларининг (рўйхат рақами 2416, 2013 йил 29 январь) қуйидаги талаблари бузилди:

____________________
____________________
____________________

| | | |
|---|---|---|
| Бригадир | ________________ (Ф.И.О.) | __________ (имзо) |
| Борт кузатувчи | ________________ (Ф.И.О.) | __________ (имзо) |
| ҲК командири | ________________ (Ф.И.О.) | __________ (имзо) |
| Йўловчи | ________________ (Ф.И.О.) | __________ (имзо) |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

# 1015 Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги ва «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазир** **А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш,
2017 йил 14 август
171-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2017 йил
14 августдаги 171-сон буйруғига
ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Қонунига (бундан буён матнда Қонун деб юритилади), Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (бундан буён матнда ЖПК деб юритилади) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг (бундан буён матнда ВСҲ деб юритилади) ички тартиб қоидаларини белгилайди.

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. ВСҲ жиноят содир этганликда гумон қилиниб, ЖПКнинг 221-моддасида назарда тутилган асослар бўйича ушлаб турилган шахсларни қамоқда

сақлаш учун мўлжалланган. ЖПКда белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда ВСХда ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган гумон қилинувчи ёки айбланувчилар ҳам ўн суткагача сақланиши мумкин.

Қамоққа олинганларни тергов ҳибсхонасига олислиги ёки лозим даражадаги қатнов йўллари мавжуд эмаслиги туфайли олиб боришнинг имконияти бўлмаган ҳолларда, бундай шахслар ВСХда терговчининг прокурор билан келишилган қарорига, шунингдек прокурорнинг қарорига ёхуд суднинг ажримига кўра ўттиз суткагача сақланиши мумкин.

2. ВСХда ушлаб турилганлар, қамоққа олинганлар ёки вақтинча сақланаётган (транзит орқали олиб ўтилувчилар) шахсларнинг (бундан буён матнда ВСХда сақланаётган шахслар деб юритилади) ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини, мажбуриятлари бажарилишини, уларнинг ажратиб қўйилишини, алоҳида-алоҳида жойлаштирилишини, шунингдек ЖПК ва Қонунда назарда тутилган бошқа вазифалар бажарилишини таъминлайдиган режим ўрнатилади.

3. ВСХда режимни ташкил этиш ва таъминлаш ВСХ жойлашган ички ишлар органи бошлиғи, унинг жамоат тартибини сақлаш хизматига раҳбарлик қилувчи ўринбосари, ВСХ бошлиғи ва ходимлари зиммасига юклатилади, улар ўз хизмат вазифаларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

4. ВСХда сақланаётган шахслар тегишинча ЖПК ва Қонунда белгиланган мажбуриятлар ҳамда мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида белгиланган хулқ-атвор қоидаларини бажаради. Уларнинг ўз зиммаларига юклатилган мажбуриятлар ва хулқ-атвор қоидаларини бажармаслиги Қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

## 2-боб. ВСХ ҳудудига кириш ва ундан чиқиш

5. Шахсларнинг ВСХ ҳудудига кириши ва ундан чиқиши уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ҳамда ВСХ бошлиғи рухсатига асосан бериладиган бир марталик рухсатнома асосида амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ВСХга монеликсиз кириш ҳуқуқига эга.

7. Қуйидаги шахслар ВСХга хизмат гувоҳномасини кўрсатган ҳолда кириш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Сенатининг аъзолари;

Ўзбекистон Республикаси судьялари;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар ва уларнинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар вазири ва унинг ўринбосарлари;

Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар вазирлиги марказий аппаратининг бош бошқарма ва бошқарма бошлиқлари ҳамда тегишли бўлим (бўлинма) ходимлари;

тегишли Ички ишлар бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари;

ВСҲ ходимлари ҳамда ВСҲда меҳнат шартномаси асосида ишловчи ишчи ва хизматчилар.

8. Назорат қилувчи прокурор муассасага монеликсиз ва исталган вақтда киришга, ҳамма камералар билан танишишга ҳамда ВСҲда сақланаётган шахслар билан суҳбатлашишга ҳақли.

9. ВСҲ маъмурияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ҳамда суднинг, шунингдек адвокат ва тергов ҳаракатларида иштирок этувчи бошқа шахсларнинг ВСҲ ҳудудига иш вақти давомида монеликсиз иш юритувидаги жиноят ишлари юзасидан киришларини таъминлайди.

10. ВСҲ ҳудудига киришда ва ундан чиқишда шахсларнинг ашёлари, кийим-бошлари ва пойабзаллари кўздан кечирилади, шунингдек кираётган ҳамда чиқиб кетаётган транспорт воситалари кўздан кечирилади, мазкур Қоидаларнинг 2-иловасига мувофиқ тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб қўйилади.

11. ВСҲда сақланаётган шахсларга нисбатан жиноят ишларини юритаётган шахсларнинг, адвокатларнинг, шунингдек ВСҲни назорат қилувчи ва текширувчи мансабдор шахсларнинг ашёлари, кийим-бошлари ва пойабзаллари кўздан кечирилмайди. Мазкур шахслар келганда, ўқотар қурол ҳамда бошқа тақиқланган воситалар ва нарсаларни ВСҲ жойлашган ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига топшириши шарт.

## 3-боб. ВСҲга олиб келинган шахсларни қабул қилиш ҳамда камераларга жойлаштириш

12. ВСҲга қабул қилиш ва сақлаш учун қуйидаги ҳужжатлардан бирининг мавжудлиги асос бўлади:

ЖПКнинг 225-моддасида назарда тутилган тартибда тузилган ушлаб туриш баённомаси;

суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ушлаб туриш тўғрисидаги қарори;

суднинг ЖПКда назарда тутилган тартибда чиқарган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрими;

озодликда юрган шахсга нисбатан уни озодликдан маҳрум этиш тўғрисидаги суднинг ҳукми.

ВСҲга олиб келинган аёлларнинг ёнида икки ёшга тўлмаган боласи мавжуд бўлган ҳолларда (бундан буён матнда болали аёллар деб юритилади) қўшимча равишда боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ёки боланинг айнан шу аёлга тегишлилигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, бундай

ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, жиноят ишини юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг (бундан буён матнда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган деб юритилади) боланинг айнан шу аёлга тегишлилиги тўғрисидаги маълумотномасига асосан қабул қилинади.

Мазкур ҳужжатлар тегишли мансабдор шахслар томонидан имзоланган ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши шарт.

13. ВСҲга олиб келинган шахслар ВСҲ навбатчиси (ВСҲ навбатчиси штат бирлиги бўлмаган ВСҲда ВСҲ жойлашган ички ишлар органи тезкор-навбатчиси) томонидан сутка давомида қабул қилинади.

14. Суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг ушлаб туриш тўғрисидаги қарори асосида ЖПКнинг 227-моддасига биноан баённома расмийлаштирилади.

15. ЖПКнинг 227-моддасига биноан расмийлаштирилган баённомада ушлаш асослари, куни, ойи, вақти ва жойи кўрсатилади, баённома уни тўлдирган ходим, ушланган шахс ва холислар томонидан имзоланган бўлиши шарт.

16. Суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги ажрими судьянинг имзоси билан тасдиқланиб, гербли муҳр қўйилган бўлиши шарт.

17. ВСҲ навбатчиси томонидан ВСҲга олиб келинган шахсларни қабул қилиш учун асос бўладиган ҳужжатлар текшириб кўрилади, турли ноаниқликларнинг олдини олиш мақсадида ВСҲга олиб келинган шахсларга саволлар берилиб, уларнинг берган жавоблари ВСҲга қабул қилиш учун асос бўладиган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари (шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида мавжуд бўлса) билан солиштирилади ва ушбу маълумотлар ВСҲда сақланаётган шахсларни рўйхатдан ўтказиш журналига қайд этилади.

18. ЖПК талаблари бузилган ҳолда расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида олиб келинган шахслар ВСҲга қабул қилинмайди.

19. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар (ҳукм кучга киргунга қадар ВСҲда сақланаётган бўлса) ҳукмга асосан жазони ижро этиш муассасаларига юбориш учун тергов ҳибсхоналарига ўтказилади.

20. Тергов ҳаракатларини бажариш ёки жиноят ишларини тергов ҳибсхоналари жойлашган аҳоли пунктлари ҳудудидан ташқарида судда кўриб чиқиш зарур бўлган ҳолларда қамоққа олинганларни мазкур ҳаракатларни амалга ошириш ва суд мажлисларини ўтказиш учун ҳар куни олиб бориш имконияти бўлмаганда тегишли тартибда тергов ҳибсхонасида қолдирилган маҳкум қамоққа олинган шахсни бошқа ерга кўчириш тўғрисидаги терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажримига асосан бир ой мобайнида кўпи билан ўн суткагача тергов ҳибсхоналаридан ВСҲга ўтказилиши мумкин.

21. ВСҲга вақтинча сақлаш учун олиб келинганлар (транзит орқали олиб ўтилувчилар) шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларининг очиқ варақалари асосида ва белгиланган шаклдаги йўловчи рўйхат асосида тузилган маълумотномалар бўйича қабул қилинади. ВСҲ навбатчиси томонидан саволлар бе-

риш жараёнида уларнинг берган жавоблари очиқ варақалардаги маълумотларга тўғри келмаган тақдирда, уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдлари очилиб, бу ҳақда далолатнома тузилади.

22. ВСҲга сақлаш учун қабул қилинаётган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари ҳамда ВСҲдаги режим тўғрисида хабардор қилинади. Бундай маълумотлар ҳар бир камера деворларига осиб қўйилади.

23. Бошқа шахслардан ажратиб қўйишни талаб қиладиган ёки кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган беморларни аниқлаш мақсадида ВСҲга олиб келинган шахслар ВСҲ навбатчиси ва ВСҲ тиббиёт ходими томонидан дастлабки тиббий кўрик ва санитария ишловидан ўтказилади.

24. ВСҲга олиб келинган шахсларнинг баданида ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар натижасида шикаст етказилганлиги аниқланган тақдирда бу ҳақда далолатнома тузилиб, ВСҲ навбатчиси ва тинтув ўтказаётган ходим томонидан имзоланади ҳамда зудлик билан назорат қилувчи прокурорга хабар берилади.

Тиббиёт ходимлари томонидан чиқарилган хулосага кўра стационар шароитда даволанишга муҳтож бўлган шахслар ВСҲга қабул қилинмайди.

25. ВСҲга олиб келинганларни камераларга жойлаштириш бўйича ВСҲ навбатчиси томонидан режа тузилади ва ушбу режа асосида камераларга жойлаштирилади.

Камераларга жойлаштириш бўйича режа ихтиёрий формада тузилади. Унга ҳар бир сақланаётганнинг фамилияси, содир этилган жиноятнинг оғирлиги бўйича камераларга жойлашиш тарҳи киритилади. Тарҳда вояга етмаганлар ва ўта хавфли рецидивистларнинг фамилияси алоҳида белги билан ажратилади.

26. ВСҲда сақланаётган шахсларни камераларда алоҳида-алоҳида жойлаштириш уларнинг шахсини ва психологик жиҳатдан мослигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Чекувчилар имкони борича чекмайдиганлардан алоҳида жойлаштирилади.

ВСҲда сақланаётган шахслар қуйидаги талабларга риоя этилган ҳолда бир-биридан алоҳида сақланади ва камераларга жойлаштирилади:

эркаклар аёллардан алоҳида;

вояга етмаганлар катта ёшдаги шахслардан алоҳида сақланади. Алоҳида ҳолларда прокурорнинг розилиги билан вояга етмаганлар сақланаётган камераларда ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликка биринчи марта тортилаётган, ижобий тавсифга эга катта ёшлиларни сақлашга йўл қўйилади;

жиноий жавобгарликка биринчи марта тортилаётган шахслар илгари озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланган шахслардан алоҳида сақланади.

Жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма кўрсатмаси бўлганда, битта жиноят иши бўйича ёхуд бир нечта ўзаро боғ-

лиқ жиноят ишлари бўйича ВСҲда сақланаётган шахслар ҳам алоҳида-алоҳида сақланади.

27. Овқат ейишдан бош тортаётган ВСҲда сақланаётган шахс имкони борича ВСҲда сақланаётган бошқа шахслардан алоҳида сақланади.

28. Қуйидагилар ВСҲда сақланаётган бошқа шахслардан алоҳида сақланади:

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

судья, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходими, адвокат бўлиб ишлаган ёки ишлаётган шахслар;

ўта оғир жиноятларни содир этганликда гумон қилинаётганлар ёки айбланаётганлар;

ўта хавфли рецидивистлар;

маҳкумлар;

ҳаёти ва соғлиғига ВСҲда сақланаётган бошқа шахслар томонидан хавф туғилганлар ВСҲ бошлиғининг ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг қарорига кўра ёхуд жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма кўрсатмасига кўра;

юқумли касалликларга чалинган ёки алоҳида тиббий парвариш ва кузатувга муҳтож бўлган беморлар.

29. Вояга етмаганлар ёши, жисмоний ривожланишига қараб камераларга жойлаштирилади.

30. Ҳомиладор аёллар ва болали аёллар бошқа шахслардан ажратилган, махсус жиҳозланган камераларга жойлаштирилади.

31. Ўта хавфли, юқумли ёки паразитар касалликлар билан касалланган шахслар карантин учун ажратилган камераларга жойлаштирилади. Карантин муддати тиббий кўрсаткичларга мувофиқ белгиланади.

32. Руҳий бузилишлари мавжуд бўлган шахслар, жумладан ВСҲ ходимларига ва ВСҲда сақланаётган бошқа шахсларга тажовуз қилишга мойил бўлган шахслар камераларга тиббиёт ходимининг тавсиясига кўра жойлаштирилади.

33. ВСҲда сақланаётган шахслар умумий камераларда сақланади. Қамоққа олинганлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмларида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланаётган бўлса, прокурорнинг қарорига ёки суднинг ажримига кўра тергов ҳибсхонасининг бир кишилик камерасида қамоқда сақлаб турилиши мумкин. Бу чора вояга етмаганларга, олтмиш ёшдан ошган шахсларга, шифокорнинг ёзма хулосаси билан тасдиқланган оғир касалларга ва руҳий касалликка чалинган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

34. ВСҲда сақланаётган шахсларни бир кишилик камераларга жойлаштиришга:

мазкур Қоидаларда назарда тутилган алоҳида-алоҳида жойлаштириш талабларига риоя этилишини таъминлашнинг бошқа имконияти мавжуд бўлмаганда;

ВСҲда сақланаётган шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб;

ВСҲда сақланаётган шахсларнинг якка сақлаш тўғрисидаги ёзма аризасига биноан;

ВСҲда сақланаётган шахсларни, агар кундузи умумий камерада сақланаётган бўлса, тунги вақтда бир кишилик камерага жойлаштириш зарур бўлганда;

ВСҲда сақланаётган шахсларнинг ажратиб қўйилишини таъминлаш талаб қилинган бошқа ҳолларда ҳам йўл қўйилади.

35. ВСҲда сақланаётганларнинг ВСҲнинг бошқа камераларда ёки ўзга хоналарда сақланаётганлар билан сўзлашишига, уларга бирон-бир нарса беришига ҳамда улар билан ёзишмалар олиб боришига йўл қўйилмайди.

Ажратиб қўйишни таъминлашга доир талабларга ВСҲ ҳудуди ва йўлагида, сайр қилиш вақтида, санитар ишлов вақтида ва бошқа ҳолларда ҳам риоя этилиши керак.

## 4-боб. ВСҲда шахсларни шахсий тинтувдан ўтказиш, уларнинг бармоқ изларини олиш ва фотосуратга олиш ҳамда ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечириш

36. ВСҲда сақланаётган шахслар шахсий тинтув қилинади, уларнинг бармоқ излари ҳамда фотосурати олинади. Улар жойлаштирилган хоналар тинтув қилинади, уларнинг ёнидаги ашёлари ҳамда номига келган посилкалар, йўқловлар ва бандероллар эса кўздан кечирилади.

37. ВСҲга бир гуруҳ шахслар келтирилган вақтда, улар икки соатдан ошмаган муддат ичида шахсий тинтувдан ўтказилиши шарт.

38. Шахсий тинтув тўлиқ ёки тўлиқсиз шаклда ўтказилиши мумкин.

39. Тўлиқ шахсий тинтув ВСҲда сақланаётган шахс ВСҲга олиб келинганда, олиб кетилаётганда ёки қамоққа олинган шахслар карцерга киритилаётганда ўтказилади.

40. Тўлиқ шахсий тинтув ўтказишда шахс тўлиқ ечинтирилиб, унинг бадани, кийим-боши, пойабзали, агар мавжуд бўлса, ВСҲ тиббиёт ходими назорати остида протезлари, пластир ёпиштирилган, гипсли ва бошқа боғланган жойлари бирма-бир синчиклаб текширилади. Кийим-боши орасида тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг мавжудлиги аниқланган тақдирда, кийим-бошининг чоки сўкилади, пойабзалида мавжуд супинатор ва темир нағал эса, ажратиб олинади.

41. Тўлиқсиз шахсий тинтув қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

ВСҲда сақланаётган шахслар ВСҲ тиббиёт хонасига, сайрга, бармоқ изларини олиш ёки фотосуратга олишга олиб чиқилаётганда, шунингдек қайтариб олиб кирилаётганда;

жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс, ҳимоячи, қонуний вакил, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувга олиб чиқилаётганда, шунингдек қайтариб олиб кирилаётганда;

бошқа камерага ўтказилаётганда.

42. Тўлиқсиз шахсий тинтув ўтказишда шахс ечинтирилмасдан кўздан кечирилади, унинг кийим-боши, пойабзали пайпаслаб текширилади. Шахс-

да тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлиги аниқланган тақдирда, тўлиқ шахсий тинтувдан ўтказилади.

43. Шахсий тинтув ВСХнинг тинтув қилинаётган шахс билан бир жинсда бўлган ходимлари томонидан амалга оширилади.

44. Қуйидаги ҳолларда ВСХда сақланаётган шахсларнинг ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари улар иштирокида кўздан кечирилади:

ВСХга олиб келинганда ёки олиб чиқилаётганда;

бошқа камерага ўтказилаётганда;

қамоққа олинган шахслар карцерга киритилаётганда.

45. Зарур ҳолларда, ВСХ бошлиғининг кўрсатмасига кўра, ВСХда сақланаётган шахсларнинг ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари уларнинг йўқлигида ҳам ВСХ ходимлари томонидан камера бўйича навбатчи иштирокида кўздан кечирилади.

46. ВСХга олиб келинган ва сақланаётган шахсларда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг борлиги аниқланганда, бу ҳақда далолатнома тузилади.

47. Шахсий тинтув қилиш ҳамда ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечириш натижалари мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ шаклдаги баённома билан расмийлаштирилади.

Мазкур баённома шахсий тинтув қилган ҳамда кўздан кечиришни ўтказган ВСХ ходим(лар)и ва шахсий тинтув қилинган ҳамда кўздан кечирилган шахс томонидан имзоланади. Шахс баённомада ўз эътирозларини кўрсатишга ҳақли.

48. Шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда баённомага ёзиб қўйилади.

49. Шахсий тинтув қилиш ҳамда ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечиришда Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситалар қўлланилиши мумкин.

50. ВСХда сақланаётган шахсларнинг камера карточкасига шахсий тинтув қилиш ҳамда кўздан кечириш ўтказилган сана, уларни ўтказган шахсларнинг унвони, фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, фойдаланилган техник воситаларнинг тури (агар фойдаланилган бўлса) ёзилади ҳамда тузилган баённома ва далолатномалар уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

## 5-боб. Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб қўйиш

51. Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ВСХ бошлиғининг мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги қарорига асосан олиб қўйилади.

52. Олиб қўйилган пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликлар ВСХ навбатчилик қисмига сақлаш учун топширилади ва бу ҳақида уларнинг тавсифлари ва идентификация рақамлари санаб ўтилган ҳолда икки нусхада

далолатнома тузилади. Далолатноманинг бир нусхаси ВСҲда сақланаётган шахсга берилади, иккинчи нусхаси унинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади. Олиб қўйилган пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликлар ВСҲнинг навбатчилик қисмидаги сейфда сақланади.

53. Тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддалар сақлаш учун топширилади ёки тегишли муассасаларга берилади ёхуд ВСҲ бошлиғининг асослантирилган қарорига кўра йўқ қилиб ташланиб, бу ҳақда мазкур Қоидаларнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома тузилади.

54. Жиноят иши учун аҳамиятли бўлмаган ва муомаладан чиқарилмаган нарсалар ВСҲда сақланаётган шахснинг аризаси ва жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг розилигига кўра унинг қариндошлари ёки бошқа шахсларга бериб юборилиши мумкин.

55. ВСҲда сақланаётган шахс ВСҲга келганида яширган, шунингдек у ВСҲда бўлган даврида ундан топиб олинган пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликлар ВСҲ бошлиғининг прокурор билан келишилган асослантирилган қарорига кўра давлат даромадига ўтказилади.

56. Санитария ишловидан ўтказиш чоғида ВСҲда сақланаётган шахсларни назорат қилиш ҳамда шахсий тинтув ўтказиш ВСҲда сақланаётган шахслар билан бир жинсда бўлган ВСҲ ходимлари томонидан амалга оширилади.

57. Жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органга олиб қўйилган пул маблағлари, қимматли қоғозлар ва бошқа қимматликлар тўғрисида икки кун ичида хабар қилинади.

58. Сақланаётган шахслар тергов ҳибсхоналарига кўчирилган вақтда улардан олиб қўйилган нарсалар ва ашёлар тергов ҳибсхоналарига юборилади.

59. ВСҲда сақланаётган шахслар ВСҲдан озод этилган тақдирда улардан олиб қўйилган нарсалар ва ашёлар ўзларига қайтариб берилади ва бу ҳақда тилхат олинади.

## 6-боб. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг моддий-маиший таъминоти

60. ВСҲда сақланаётган шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган санитария, гигиена ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган маиший шароитлар яратилади.

61. ВСҲда сақланаётган шахслар шахсий кийим-боши ва пойабзалидан фойдаланади. ВСҲда сақланаётган шахсларда зарур маблағлар бўлмаган тақдирда уларнинг илтимосига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан уларга жинси ҳамда иқлим шароитлари инобатга олинган ҳолда кийиб юришга рухсат этилган мавсумий кийим-бош ва пойабзал берилади.

62. ВСҲда сақланаётган шахсларга алоҳида ёток жойи, кўрпа-тўшак (кўрпа, ёстиқ, иккита чойшаб ва ёстиқ жилди), идишлар ҳамда овқатланиш асбоблари (коса (миска), кружка ва қошиқ) берилади.

63. ВСХда сақланаётган шахсларнинг илтимосига кўра, уларга якка тартибдаги гигиена воситалари (совун, тиш чўткаси, тиш пастаси ёки порошоги), соқол оладиган асбоб ҳамда шахсий гигиена воситалари (аёллар учун) берилади.

64. ВСХда сақланаётган шахслар сақланадиган камералар вентиляция жиҳозларига ҳамда иситиш тизимига, шунингдек кўзга зиён етказмайдиган ҳолда ўқиш ёки ёзиш учун етарли табиий ва сунъий ёруғликка эга бўлиши керак. Камераларнинг деразалари сунъий вентиляция тизими мавжудлигидан қатъи назар, тоза ҳаво киришини таъминлаши лозим.

65. ВСХда сақланаётган шахслар сақланадиган камералар радиоэшиттириш воситалари билан жиҳозланади.

66. Камераларга, уларда сақланиши мўлжалланган шахслар сонини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги жиҳозлар ўрнатилади:

бир қаватли ёки икки қаватли каравотлар (ҳомиладор аёллар ва болали аёллар сақланадиган камераларда — фақат бир қаватли каравотлар);

стол ва стул (ўриндиқ);

озиқ-овқат маҳсулотларини сақлашга мўлжалланган жиҳозлар;

кийим-бош учун илгич;

радиоэшиттириш воситаси;

ахлат қутиси;

сунъий шамоллатиш тизими (вентиляция);

санитария тармоғи (полга ўрнатилган унитаз ва бет-қўл ювгич);

иситиш тизими.

67. Болали аёллар сақланадиган камераларга қўшимча равишда қуйидаги жиҳозлар ўрнатилади:

болалар учун пластмассали ваннача;

дискли электр плита;

зарурат бўлганда, қўшимча иситиш ускуналари.

68. Қамоққа олинганларнинг чўмилиб-ювиниши, чойшаб ва ёстиқ жилдларини алмаштириш етти кунда камида бир марта амалга оширилади. ВСХда сақланаётган шахсларга йигирма дақиқа давомида чўмилиб-ювиниш имконияти берилади. Ҳаммомнинг махсус жиҳозланган хонасида уларга бир марталик ёки электр устара ёрдамида соч-соқол олишига рухсат берилади.

69. ВСХда бир кишига тўғри келадиган яшаш майдонининг нормаси икки ярим квадрат метрдан, аёллар ва вояга етмаганлар учун эса уч квадрат метрдан кам бўлмаган ўлчамда белгиланади. ВСХда сақланаётган беморлар, шунингдек ҳомиладор аёллар ва болали аёллар сақланадиган камераларда бир кишига тўғри келадиган яшаш майдони тўрт квадрат метрдан кам бўлмаслиги лозим.

70. ВСХда яшаш майдони нормаси белгиланган тартибда тасдиқланган санитария-гигиена ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларига мос бўлиши керак.

71. ВСХда ҳомиладор аёллар ва болали аёллар учун яхшиланган моддий-маиший шароитлар яратилади ҳамда овқатнинг оширилган нормалари белгиланади.

72. ВСҲда сақланаётган ҳомиладор аёллар туғиш учун давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига олиб чиқилади.

Зарур бўлган тақдирда, ВСҲ бошлиғи жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга онанинг розилиги билан болани қариндошларига ёхуд бошқа шахсларга ёки болалар муассасасига вақтинча топшириш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин. Жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган илтимосномани олгач, ЖПКнинг 218-моддасига мувофиқ ҳомийлик қилиш чораларини кўради.

73. ВСҲда сақланаётган шахслар улар организмининг нормал яшаши учун етарли бўлган бепул овқат билан таъминланади.

ВСҲдаги овқат нормалари ВСҲда сақланаётган шахсларнинг соғлиғи ҳолатига ҳамда ёшига, шунингдек қамоққа олинганлар жалб этилиши мумкин бўлган ишнинг хусусияти ва оғирлигига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

ВСҲда сақланаётган ҳомиладор аёлларга ва болали аёлларга, вояга етмаганларга, шунингдек беморларга, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронларига бериладиган овқат оширилган нормаларда белгиланади.

74. ВСҲда сақланаётган шахслар ҳар куни эҳтиёжга қараб қайнатилган ичимлик суви билан таъминланади.

75. ВСҲда сақланаётган шахслар тасарруфида қоғоз ва канцелярия ашёлари бўлиши ҳуқуқига эга. ВСҲда сақланаётган шахсларга уларнинг илтимосига кўра, аризалар, таклифлар ва шикоятларини ёзиши учун қоғоз ва шарикли ручка берилади.

## 7-боб. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг тиббий-санитария таъминоти

76. ВСҲда даволаш-профилактика ва санитария, эпидемияга қарши ишлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилади ва ўтказилади. ВСҲ маъмурияти ВСҲда сақланаётган шахсларнинг соғлиғини сақлашни таъминлайдиган санитария-гигиена талабларини бажариши шарт.

77. ВСҲга олиб келинган шахслар улар олиб келинган кундан бошлаб икки кун ичида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларида мажбурий рентгенофлюорографик (рентгенофлюорографик текширувга оид маълумотлар бўлмаганда) текширувидан ўтказилади. Олинган тиббий кўрик натижалари уларнинг тиббий картасига ёзиб қўйилади.

78. ВСҲда сақланаётган шахсларга ихтисослаштирилган тиббий ёки психиатрия ёрдами кўрсатилиши зарур бўлган ҳолларда улар давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига жойлаштирилади. Бунда уларни қўриқлаш ва хулқ-атворини назорат қилиш таъминланади. ВСҲда сақланаётган шахсларни ВСҲ ҳудудидан ташқарига олиб чиқишда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган билан келишилади.

79. ВСҲда сақланаётган шахс оғир касалликка чалинган тақдирда, ВСҲ маъмурияти бу ҳақда унинг яқин қариндошларига, қонуний вакилига, жи-

ноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга ва прокурорга дарҳол хабар қилади.

80. ВСҲда сақланаётган шахсга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш зарур бўлганда, уларни давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига олиб чиқиш ВСҲ бошлиғининг ёзма рухсати билан амалга оширилиб, ўн икки соат ичида жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган ёзма равишда хабардор қилинади.

81. ВСҲда сақланаётган қамоққа олинган шахсларнинг даволаниши учун узоқ (10 кундан ортиқ) вақт талаб этилганда, ҳудудий соғлиқни сақлаш органлари томонидан берилган хулоса асосида улар ҳудудий тергов ҳибсхоналарининг тиббиёт бўлимларига даволаниш учун жойлаштирилади.

82. ВСҲда сақланаётган шахс ВСҲда тан жароҳатлари олганда ВСҲнинг тиббий ходимлари томонидан кечиктирмасдан тиббий гувоҳлантириш ўтказилади. Тиббий гувоҳлантириш натижалари белгиланган тартибда қайд этилади ва жабрланувчига маълум қилинади.

83. Тиббий гувоҳлантириш ВСҲ бошлиғининг ёхуд жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг шахсий ташаббусига ёхуд ВСҲда сақланаётган шахс ёхуд унинг ҳимоячисининг илтимосига кўра чиқарилган қарори асосида давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасалари ходимлари томонидан амалга оширилади. Тиббий гувоҳлантиришни ўтказишнинг рад этилиши устидан прокурорга шикоят қилиниши мумкин.

84. ВСҲда сақланаётган шахсларга тиббий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

85. ВСҲда сақланаётган шахслар ҳар куни камераларни кўздан кечириш вақтида ВСҲ тиббиёт ходимларига, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда эса, ВСҲнинг исталган ходимига тиббий хизмат кўрсатилишини сўраб мурожаат қилишлари мумкин. Мурожаат қилганларга зарур тиббий хизмат кўрсатилиши шарт.

86. ВСҲда сақланаётган шахсларга амбулатор тиббий хизмат камераларда ёки ВСҲнинг махсус жиҳозланган тиббиёт хоналарида кўрсатилади. ВСҲ тиббиёт ходими ҳар куни камераларни эрталабки кўздан кечириш вақтида, биринчи навбатда, амбулатор тиббий хизмат кўрсатилаётган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказади.

87. Дори воситалари беморларнинг ўзларига фақат бир кунлик истеъмол учун ВСҲ тиббиёт ходими рухсатига кўра бериб қўйилади.

88. Дори воситалари ВСҲ тиббиёт ходимининг кўрсатмаси бўйича беморнинг тиббий картасига ёзилган кўрсаткичларга мувофиқ берилади. Беморнинг хоҳишига кўра, шу жумладан бошқа тиббиёт муассасаларининг тиббиёт ходимлари томонидан тайинланган дори воситалари унинг қариндошлари ёки бошқа шахслар томонидан олиб келинган тақдирда ВСҲ тиббиёт ходимининг розилиги билан олиниши мумкин.

89. Шифокорнинг ёзма хулосасига кўра ВСҲда сақланаётган шахсларга тавсия этиладиган дори воситаларининг миқдори чекланмайди.

90. Дори воситаларининг истеъмол қилиниши ВСҲ тиббиёт ходими назоратида амалга оширилади. Даволаниши узлуксиз давом этадиган (юрак

мускулларининг сиқилиши (стенокардия), беморнинг тинчланишига боғлиқ бўлган қон-томир, артериал қон босимининг кўтарилиши билан кечадиган гипертоник касалликлар, қандли диабет, тутқаноқ ва бошқа шу каби касалликларга чалинган) беморларга ВСҲ тиббиёт ходими томонидан тайинланган дори воситалари бериб қўйилиши мумкин, бундан таркибида гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар бўлган, шунингдек кучли таъсир этувчи ва бошқа шу каби дори воситалари мустасно.

91. ВСҲда сақланаётган шахсларда ўта хавфли, юқумли ёки паразитар касалликлар мавжудлиги аниқланган тақдирда зудлик билан эпидемияга қарши чора-тадбирлар ва даволаш-профилактика ишлари амалга оширилади.

92. Эпидемияга қарши курашиш мақсадида ўн кунда камида бир маротаба ВСҲ камералари, овқат тарқатиш хоналари ҳамда омборхона ва бошқа хоналари белгиланган тартибда кимёвий препаратлар ёрдамида зараркунандаларни йўқотиш учун профилактик дезинфекция, дезинсекция ва дератизация қилинади.

93. ВСҲни тайёр овқат билан таъминловчи ошхоналар умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган санитария қоидалари ва меъёрлари талабларига жавоб бериши керак.

94. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёр овқат сифатини ВСҲ навбатчиси ва тиббиёт ходими текширади ҳамда бу ҳақда махсус журналга қайд қилади. Тегишли ҳужжатлари бўлмаган, яроқлилик муддати тугаган, бузилиш аломатлари бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг қабул қилинишига йўл қўйилмайди.

95. ВСҲда сақланаётган шахслар шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга. ВСҲда сақланаётган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид ёхуд унга нисбатан шахсга қарши жиноятлар содир этилиши таҳдиди юзага келганда ВСҲ ходимлари дарҳол унинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриши шарт.

96. ВСҲ бошлиғи ВСҲда сақланаётган шахсларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур чоралар кўради.

97. ВСҲда сақланаётган шахснинг овқат ейишдан бош тортганлиги факти аниқланганда, ВСҲ навбатчиси дарҳол жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органни, шунингдек прокурорни бу ҳақда хабардор қилиши шарт.

98. Овқат ейишдан бош тортаётган шахс ВСҲ тиббиёт ходимнинг кузатуви остида бўлади.

99. Овқат ейишдан бош тортаётган шахснинг соғлиғини сақлаб туришга қаратилган мажбурий тусдаги чоралар (сунъий ва мажбурий овқатлантириш) агар унинг ҳаёти ёхуд соғлиғига хавф туғилса, шифокорнинг ёзма хулосаси асосида ҳамда тиббиёт ходими иштирокида амалга оширилади.

100. ВСҲда сақланаётган шахснинг овқат ейишдан бош тортиши унинг бошқа қамоқда сақлаш жойларига ўтказилишига ёхуд тергов ҳаракатлари ва суд мажлисларида иштирок этиш учун қўриқлаб борилишига тўсқинлик қилмайди. Зарурат бўлганда, ВСҲда сақланаётган шахсларни бошқа ерга кўчириш ёки қўриқлаб бориш тиббий ходим кузатувида амалга оширилади.

## 8-боб. ВСҲда сақланаётган шахслар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш

101. ВСҲда сақланаётган шахслар сақланиш даврида бир маротаба ўзи билан сақлаш тақиқланмаган озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан сотиб олиш ҳуқуқига эга. ВСҲда сақланаётган шахсларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиш учун белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизигача бўлган миқдорда пул сарфлашга рухсат этилади.

102. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишни хоҳловчилар ВСҲ бошлиғи номига мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

103. ВСҲ бошлиғи ВСҲга қабул қилишда шахслардан олиб қўйилган ва навбатчилик қисмида сақланаётган пул маблағлари ҳисобидан ВСҲда сақланаётган шахсларнинг қариндошлари ёки бошқа шахслар орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишлари учун шароит яратиб беради.

104. Карцерда сақланаётган шахсларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олиши тақиқланади.

## 9-боб. Посилкалар, йўқловлар, бандеролларни қабул қилиш ва уларни ВСҲда сақланаётган шахсларга бериш

105. ВСҲда сақланаётган шахслар посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олиш ҳуқуқига эга.

106. ВСҲда сақланаётган шахслар ушлаб турилган даврида оғирлиги почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидаларида белгиланган нормалардан ошмайдиган битта посилка ёки бандероль, шунингдек умумий оғирлиги ўн икки килограммгача бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат иккита йўқлов олишига рухсат этилади.

107. ВСҲда сақланаётган ҳомиладор аёллар ва болали аёллар, вояга етмаганлар, шунингдек шифокорнинг ёзма хулосасига кўра даволанишга ҳамда кучайтирилган овқатга муҳтож деб топилган беморлар, биринчи ёки иккинчи гуруҳ ногиронлари учун йўқловларнинг сони ва оғирлиги чекланмайди.

108. Одамлар ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирадиган ёки жиноят қуроли сифатида ёхуд ушлаб туриш мақсадларига тўсқинлик қилиш учун фойдаланилиши мумкин бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддаларни ВСҲда сақланаётган шахсларга бериш тақиқланади.

109. Посилкалар, йўқловлар ва бандероллар қабул қилиш ВСҲнинг махсус жиҳозланган хонасида амалга оширилади.

110. Посилкалар, йўқловлар ва бандероллар қабул қилиш вақти, тартиби ва уларнинг сони ҳамда миқдорини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан кўчирмалар ВСҲга келган шахсларга кўринадиган жойга осиб қўйилади.

111. Йўқлов олиб келган шахс мазкур Қоидаларнинг 8-иловасига муво-

фиқ шаклда икки нусхада ариза тўлдиради. Аризалар ва йўқлов уни олиб келган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан бирга ВСҲ навбатчисига тақдим этилади.

Йўқловдаги нон ва колбаса маҳсулотлари, шунингдек пишлоқ ва тузланган балиқ бўлакларга ажратилиб текширилади, суюқ маҳсулотлар ВСҲнинг идишига қуйилади, консервалар очилиб, бошқа идишга солинади, махорка, шакар ва шу кабилар махсус элакдан ўтказилади, конфетлар ўрамсиз қабул қилинади, тамаки маҳсулотлари қутисидан чиқарилган ҳолда кўздан кечирилади. Ёзишмаларни ҳамда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини яшириш мумкин бўлган бошқа барча маҳсулотлар ҳам шу тартибда текширилади. Зарур ҳолларда, текширув жараёнида техник воситалардан фойдаланилади.

Текширув йўқловни олиб келган шахс иштирокида амалга оширилади.

112. ВСҲ ходими йўқлов олиб келган шахсга унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати ва аризасининг бир нусхасини йўқловни қабул қилганлиги тўғрисида имзо қўйиб қайтариб беради ҳамда йўқловнинг оғирлигини махсус журналга қайд этади. Аризанинг иккинчи нусхасига ВСҲда сақланаётган шахс йўқловни олганлиги тўғрисида имзо қўйганидан сўнг, йўқлов унга берилади ва аризанинг ушбу нусхаси унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади. ВСҲда сақланаётган шахс аризага йўқловни олганлиги тўғрисида имзо қўйишдан бош тортса, бу ҳақда аризанинг ушбу нусхасига ёзиб қўйилади ва далолатнома тузилади.

113. Йўқловда жиноий мақсадда фойдаланиш мумкин бўлган, ВСҲ ҳудудига киритиш тақиқланган яширилган ашёлар аниқланган тақдирда, ВСҲ жойлашган ички ишлар органи бошлиғига билдирги орқали маълум қилинади. Ички ишлар органи бошлиғининг текширув ўтказиш бўйича топшириғига асосан тезкор ходимлар томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

114. Йўқловлар қуйидаги ҳолларда қабул қилинмайди:

йўқловни олиб келган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаганда;

тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келинганда;

йўқловлар сони ёки йўқловнинг умумий оғирлиги Қонунда белгиланган нормадан ортиқ бўлганда, унинг ортиқча қисми;

ВСҲда сақланаётган шахс тергов ҳаракатлари ўтказиш учун, шунингдек судга ёхуд давлат соғлиқни сақлаш тизимининг тиббий муассасаларига олиб кетилганлиги сабабли, йўқловни шахсан қабул қилиш имкониятига эга бўлмаганда;

йўқлов олувчи йўқловни қабул қилишдан ёзма равишда бош тортганда;

йўқлов олувчи бошқа муассасага юборилган ёки озод этилганда;

йўқлов олувчи вафот этганда.

Келтирилган ҳолларда йўқлов уни олиб келган шахсга қайтариб берилади, бундан 113-банддаги ҳолатлар мустасно.

115. Посилка ва бандероллар ВСҲ ходимларидан иборат уч кишилик комиссия томонидан очилади ҳамда уларнинг ичидаги ашёлар ва озиқ-овқат

маҳсулотлари посилка ва бандеролларнинг устидаги рўйхат билан солиштирилади.

Очилган посилка ва бандероллар бўйича далолатнома тузилади ҳамда унга ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати, уларнинг ташқи белгилари, сифати, агар уларда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўлса, далолатномада уларни сақлаш, давлат даромадига ўтказиш ёки йўқ қилиш учун топширилганлиги кўрсатилади.

116. Далолатнома ВСҲда сақланаётган шахсга имзо қўйдириб таништирилади ва унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

117. Посилка ва бандероллар:

ВСҲда сақланаётган шахс уларни қабул қилишдан ёзма равишда бош тортганда;

ВСҲда сақланаётган шахс бошқа муассаса ёки тергов ҳибсхонасига ўтказилганда ёки озод этилганда;

номига посилка ва бандероллар келган ВСҲда сақланаётган шахс вафот этганда уларни жўнатган шахсларга почта орқали юборилади.

118. ВСҲда сақланаётган вояга етмаганларнинг посилкалар, йўқловлар ва бандеролларда дарсликлар ҳамда ёзув ашёлари олишига рухсат берилади.

119. Посилкалар, йўқловлар ва бандероллар қабул қилиб олингандан сўнг, йигирма тўрт соат ичида ВСҲда сақланаётган шахсга берилади.

120. Карцерда сақлаш вақтида қамоққа олинган шахсларнинг посилкалар, йўқловлар ва бандероллар олиши тақиқланади. Посилкалар, йўқловлар ва бандероллар қамоққа олинган шахсларга уларнинг карцерда бўлиш муддати тугаганидан кейин топширилади. Унга қадар юборилган посилка ва бандероллар ВСҲ омборхонасида сақланади.

121. Посилкалар, йўқловлар ва бандеролларнинг сақланиши оқибатида уларнинг табиий бузилиши ҳамда кўздан кечириш натижасида ташқи кўринишини йўқотганлиги учун ВСҲ маъмурияти жавобгар бўлмайди. Бу ҳақда йўқлов олиб келган шахс йўқловни қабул қилиш вақтида огоҳлантирилиши шарт.

## 10-боб. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг хат-хабарларни олиши ва жўнатиши

122. ВСҲда сақланаётган шахслар қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан ёзишмалар олиб бориш ҳуқуқига эга. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг хат-хабарларини жўнатиш уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

123. ВСҲда сақланаётган шахслар ёзишмалар учун зарур ашёларни (конвертлар, маркалар, телеграмма бланкалари, қоғоз ва бошқаларни) ВСҲ ходимлари орқали сотиб олади.

124. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг ёзишмалари ВСҲ маъмурияти орқали амалга оширилади ҳамда цензурадан ўтказилади. Цензура ВСҲ маъмурияти томонидан, зарур бўлган тақдирда эса жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки орган томонидан амалга оширилади.

125. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши ёхуд жиноят содир этилишига кўмаклашиши мумкин бўлган маълумотлар кўрсатилган, махфий ёзув, белгилар билан ёзилган, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган хат-хабари адресатга жўнатилмайди, ВСҲда сақланаётган шахсларга берилмайди ҳамда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга топширилади. Бу ҳақда прокурор ёзма равишда хабардор қилинади.

126. ВСҲда сақланаётган шахслардан хат-хабарлар ва тўлдирилган телеграмма бланкалари ҳар куни ёпилмаган конвертларда, жўнатувчи ва олувчининг реквизитлари ёзилган ҳолда ВСҲ ходими томонидан қабул қилинади. Хат-хабарлар уларнинг аризасига мувофиқ вояга етмаган фарзандларига ВСҲ реквизитларини кўрсатмаган ҳолда жўнатилиши мумкин.

127. Хат-хабарни ВСҲда сақланаётган шахсларга топшириш ва адресатларга жўнатиш хат-хабар келиб тушган ёхуд у жўнатишга топширилган кундан эътиборан уч кунлик муддатда ВСҲ маъмурияти томонидан амалга оширилади. Телеграмма адресатга дарҳол топширилади ва жўнатилади.

128. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг барча хат-хабарлари юборилган ёки олинган сана махсус журналда қайд этилади.

129. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг яқин қариндоши вафот этганлиги, оғир касаллиги, ВСҲда сақланаётган шахсларнинг оиласи ёхуд яқин қариндошларига моддий зарар етказган табиий офат ҳақидаги маълумотлар, шунингдек бошқа шунга ўхшаш маълумотлар олинганидан кейин дарҳол адресатга маълум қилинади.

130. Турли ВСҲдаги шахслар ўртасидаги ёки ВСҲда сақланаётган шахсларнинг озодликдан маҳрум этиш жойларида ҳамда тергов ҳибсхоналарида сақланаётган шахслар билан ёзишмалари фақат қариндошлар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

131. ВСҲдан кетган шахсларнинг номига келган хатлар олинганидан кейин уч кунлик муддатдан кечиктирмай ВСҲнинг маъмурияти томонидан у кетган жойга жўнатилади.

132. Карцерда сақланаётган шахсларнинг ёзишмалари тақиқланади.

## 11-боб. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг ҳар кунги сайрларини ўтказиш

133. ВСҲда сақланаётган шахслар камида бир соат давом этадиган ҳар кунги сайр этиш ҳуқуқига эга.

134. Ҳомиладор аёллар, болали аёллар ҳамда вояга етмаганларнинг ҳар кунги сайри камида икки соат давом этадиган қилиб белгиланади. Сайрлар вақтида вояга етмаганларга жисмоний машқлар ва спорт ўйинлари ўйнаш учун имконият берилади.

135. Беморларнинг ҳар кунги сайр этиш вақти ВСҲ тиббиёт ходимининг хулосасига кўра белгиланади.

136. Камерадаги шахслар сайрга бир вақтда олиб чиқилиши ва улар мавсумий кийимда бўлиши лозим.

137. ВСҲда сақланаётган шахслар сайрга куннинг ёруғ ва қулай вақтида ВСҲ маъмурияти томонидан белгиланган жадвал асосида олиб чиқилади.

138. Сайр вақтида ВСҲ тиббиёт ходимлари ВСҲ масъул ходимлари билан биргаликда камераларнинг санитария ҳолатини текширишлари мумкин.

139. Сайрга олиб чиқилган шахслар доимий равишда назорат қилиб турилади.

140. ВСҲда сақланаётган шахслар сайр вақтида сайрни муддатидан олдин тўхтатиш ҳақида назоратчига мурожаат қилишлари мумкин. Назоратчи бу ҳақда ВСҲ навбатчисини хабардор қилади.

141. Сайр қилиш об-ҳаво шароити ёмонлашганда (бўрон, кучли ёмғир ва ҳ. к.), фавқулодда ҳолатлар (қочиш, ўз жонига қасд қилиш ва ҳ. к) рўй берганда, вазият кескинлашганда ҳамда бошқа нохуш ҳодиса (ёнғин, табиий офатлар ва ҳ. к.)лар бартараф этилгунга қадар тақиқлаб қўйилиши мумкин.

142. Сайр қилиш тартибини бузган шахслар ВСҲ бошлиғи (йўқлигида унинг ўринбосари ёки навбатчи) кўрсатмасига асосан камерасига қайтарилади.

## 12-боб. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувларини ўтказиш

143. ВСҲда сақланаётган шахсларга ҳимоячиси, қонуний вакили, қариндошлари ҳамда бошқа шахслар билан учрашувлар берилади. Ҳимоячи ва қонуний вакил билан монеликсиз ва холи учрашувлар уларнинг сони ҳамда давом этиш муддати чекланмаган ҳолда берилади, ЖПКнинг 230-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

144. ВСҲда сақланаётган шахснинг қариндошлар ва бошқа шахслар билан жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг учрашувга келган шахс ҳақида аниқ маълумотлар кўрсатилган ва гербли муҳр билан тасдиқланган ёзма рухсати асосида ВСҲ бошлиғи томонидан давом этиш муддати икки соатгача бўлган битта учрашувга ижозат берилиши мумкин.

145. Бир вақтнинг ўзида ВСҲда сақланаётган шахс билан икки нафар вояга етган қариндошлари ва бошқа шахсларнинг учрашувига рухсат этилади.

146. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувлари ВСҲнинг махсус жиҳозланган учрашув хонасида ўтказилади.

147. ВСҲда сақланаётган шахслар учрашувга бир вақтнинг ўзида олиб чиқилиши мумкин, бунда ВСҲда сақланаётган шахсларнинг камералар бўйича ажратилиш талабларига қатъий риоя қилиниши шарт.

148. Ўта оғир жиноят содир этган шахслар ва ўта хавфли рецидивистлар билан учрашувлар якка тартибда ташкил қилинади.

149. ВСҲ ходимлари томонидан учрашувга олиб чиқилаётган шахснинг ташқи кўриниши озода бўлиши таъминланиши керак.

150. Мазкур Қоидаларнинг 192-бандида кўрсатилган вақтларда келган, шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган, шунингдек маст ҳолда келган шахсларга учрашув берилмайди. Бунда рад этиш сабаблари ВСҲ ходими томонидан тушунтирилади.

151. ВСҲда сақланаётган шахслар билан учрашувлар қуйидагиларга берилади:

адвокатга — у адвокат гувоҳномасини ва ўзининг муайян ишни юритишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ордерни кўрсатганда;

ҳимоячи сифатида иштирок этаётган яқин қариндошига ёки қонуний вакилига — унинг ишда ҳимоячи сифатида иштирок этишига йўл қўйиш тўғрисида суриштирувчи, терговчининг қарорини ёки суднинг ажримини ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатганда;

қонуний вакилга — унинг ишда қонуний вакил сифатида иштирок этишига йўл қўйиш тўғрисида суриштирувчининг, терговчининг қарорини ёки суднинг ажримини ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатганда;

қариндошга ёки бошқа шахсга — жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма рухсатини ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатганда.

Ушбу бандда санаб ўтилган шахслардан бошқа ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

152. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг ўз ҳимоячиси ва қонуний вакили билан учрашувлари ВСҲ ходими уларни кўриб турадиган, лекин эшитмайдиган шароитларда, ВСҲнинг тергов хонасида ўтказилади.

153. Учрашув жараёнида ҳимоячи томонидан ВСҲда сақланаётган шахсларга тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини топшириш ҳолатлари аниқланганда ВСҲ бошлиғи томонидан ушбу ҳолат юзасидан текширув ўтказилиши лозим. Бу ҳақда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органга маълум қилинади. Текширув натижалари хулоса нусхаси билан бирга юқори турувчи органга, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига ва гувоҳнома берган ҳудудий адлия органига зудлик билан юборилади.

154. Қариндошлар ва бошқа шахслар билан учрашувлар ВСҲ ходимларининг назорати остида амалга оширилади ҳамда ВСҲда сақланаётган шахсларга тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини топширишга ёхуд жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши ёки жиноят содир этилишига кўмаклашиши мумкин бўлган, шунингдек ВСҲдаги режимга тааллуқли маълумотларни шартли имо-ишоралар ёрдамида ёхуд ВСҲ ходимларига тушунарсиз тилда топширишга уринилган тақдирда муддатидан илгари тўхтатиб қўйилади. Учрашувга келган шахс бу ҳақда учрашув бошланишидан олдин огоҳлантирилиши шарт.

155. Ҳимоячилар, қонуний вакиллар, қариндошлар ва бошқа шахсларга учрашувлар берилганда, уларнинг ёнида алоқа воситалари, шахсий компьютер, фотоаппаратлар, видеокамераларнинг ва овоз ёзиш қурилмаларининг бўлиши тақиқланади.

156. ВСҲда учрашувлар вақтинча тўхтатиб турилган ҳолларда назорат

қилувчи прокурорга, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга хабар берилади ва бу ҳақда учрашувга келганларни қабул қилиш хонасига эълон осиб қўйилади.

157. Карцерда сақланаётган шахсларнинг ҳимоячи, қонуний вакил билан учрашувлардан ташқари учрашувлари тақиқланади.

## 13-боб. ВСХда сақланаётган шахсларнинг диний расм-русумларни адо этиши ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий битимларда ва оилавий муносабатларда иштирок этиши

158. ВСХда сақланаётган шахслар, агар бу мазкур Қоидаларни, шунингдек бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаса, ВСХ хоналарида диний расм-русумларни адо этиш, ВСХ кутубхонасидаги диний адабиётлардан фойдаланиш, диний ибодат нарсаларидан (санчувчи-кесувчи ашёлардан ташқари) фойдаланиш ҳуқуқига эга.

159. ВСХда сақланаётган шахслар жиноят ишини юритаётган мансабдор шахснинг ёки органнинг ёзма рухсати билан ўз вакиллари орқали ёхуд бевосита фуқаролик-ҳуқуқий битимларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

160. Қамоққа олинганлар, агар ушбу Қоидаларга зид бўлмаса, никоҳ тузиш ҳамда никоҳдан ажралиш, бошқа оилавий муносабатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

161. ВСХда сақланаётган шахсларга ВСХ кутубхонасидаги қонун ҳужжатлари, адабиётлар ва даврий матбуот нашрларидан фойдаланишга рухсат этилади.

162. ВСХ маъмурияти ВСХда сақланаётган шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий битимларда қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ иштирок этиши учун зарур шарт-шароит яратилишини таъминлайди. ВСХда сақланаётган шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий битимларда иштирок этиши билан боғлиқ учрашувлари уларга мазкур Қоидаларнинг 144-бандида назарда тутилган учрашувлар берилишида ҳисобга олинмайди.

## 14-боб. ВСХда қамоққа олинган шахсларни меҳнатга жалб этиш

163. ВСХда қамоққа олинган шахслар тегишли шароитлар мавжуд бўлганда ВСХ ҳудудида ўз хоҳишларига кўра ва жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг ёзма рухсати билан меҳнатга жалб этилиши мумкин.

164. ВСХда қамоққа олинган шахсларнинг меҳнат шароити қонун ҳужжатларида белгиланган хавфсизлик, санитария ва гигиена талабларига жавоб бериши керак. Қамоққа олинган шахслар ўз меҳнати учун тегишли ҳақ олишга ҳақлидир.

165. Қамоққа олинганларнинг иш ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган

миқдордан кам бўлмаслиги лозим ва қонунда назарда тутилган чегирмалар қилинганидан кейин уларнинг шахсий ҳисобварақларига ўтказилади.

166. ВСҲда қамоққа олинган шахсларни мажбурий меҳнатга жалб этиш тақиқланади, бундан камеранинг тозалигини таъминлаш бўйича жалб этилган меҳнат мустасно.

167. Меҳнат қилиш истагини билдирган қамоққа олинган шахслар ВСҲ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилади. Ариза ВСҲ бошлиғи томонидан кўриб чиқилади.

168. ВСҲда қамоққа олинган шахслар меҳнатга жалб этилган ҳолларда доимий назорат остида бўлади ва ВСҲ ходимларининг кўрсатмаси бўйича ишлайди. Уларни ВСҲ ҳудудидан ташқаридаги ишларга, махсус бўлимлар, фотолабораториялар, нусха кўпайтириш техникалари ўрнатилган жойларда, барча турдаги транспорт воситалари ҳайдовчилигига, радиостанция, муҳандислик-техника ва алоқа воситалари билан ишлашга жалб этиш тақиқланади.

169. Қамоққа олинган шахсларни меҳнатга жалб этиш учун ВСҲда шароит бўлмаган ҳолларда аризачига рад этиш сабаблари тушунтирилади.

## 15-боб. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар юбориш

170. ВСҲда сақланаётган шахслар ВСҲ маъмуриятига, давлат органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳамда мурожаат этилган тилда белгиланган тартибда ёзма жавоблар олиш ҳуқуқига эга.

171. ВСҲ ходимлари ҳар куни камераларни айланиш чоғида ВСҲда сақланаётган шахслардан ёзма ва оғзаки шаклдаги ариза, таклиф ва шикоятлар қабул қилади.

172. ВСҲ бошлиғи унинг номига ёзилган аризалар, таклифлар ва шикоятлар кўриб чиқилишини таъминлайди.

173. Оғзаки шаклда қабул қилинган аризалар, таклифлар ва шикоятлар журналга қайд этилади ва ВСҲ бошлиғига баён қилинади.

174. ВСҲ бошлиғи номига берилган аризалар, таклифлар ва шикоятлар ҳам журналга қайд этилади ва ВСҲ бошлиғига маълум қилинади.

175. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар ВСҲ бошлиғи томонидан адресатга юборилади, бундан ВСҲда сақланаётган шахсларни шахсан қабул қилиш вақтида ВСҲни назорат қилувчи ёки текширувчи мансабдор шахслар томонидан олинган мурожаатлар мустасно.

176. Суд, прокурор, ҳимоячи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ёки ВСҲни текшириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа давлат органлари номига, шунингдек жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга йўлланган аризалар, таклифлар ва шикоятлар цензурадан ўтказилмайди ҳамда берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай муҳрланган тарзда адресатга юборилади ёки топширилади.

177. Бошқа давлат органлари ва ташкилотлари номига йўлланган ари-

залар, таклифлар ва шикоятлар берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга топширилади, улар томонидан қараб чиқилади ҳамда ўша муддатда адресатга юборилади. Мурожаат адресатга юборилганлиги тўғрисидаги илова хатнинг кўчирма нусхаси ВСҲда сақланаётган шахсга эълон қилиш учун ВСҲга юборилади. Илова хатнинг кўчирма нусхаси ВСҲда сақланаётган шахсга имзо қўйдириб таништирилади ва унинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

178. Суриштирувчи ёки терговчининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар берилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмай ВСҲ бошлиғи томонидан тергов органининг бошлиғига ёхуд прокурорга, прокурорнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятлар эса юқори турувчи прокурорга юборилади ёки топширилади.

179. Жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши ёхуд жиноят содир этилишига кўмаклашиши мумкин бўлган маълумотлар кўрсатилган, махфий ёзув, белгилар билан ёзилган, давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ўз ичига олган аризалар, таклифлар ва шикоятлар адресатга юборилмайди ҳамда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга топширилиб, бу ҳақда ВСҲда сақланаётган шахс, шунингдек прокурор ёзма равишда хабардор қилинади.

180. Аризалар, таклифлар ва шикоятларга берилган ёзма жавоблар, шунингдек улар жўнатилганлиги тўғрисидаги илова хатларнинг кўчирма нусхалари ВСҲда сақланаётган шахсларга тилхат олиб эълон қилинади ҳамда уларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига қўшиб қўйилади.

181. ВСҲда сақланаётган шахсларни ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақидаги аризалар ва шикоятлар билан мурожаат этганлиги учун ҳар қандай шаклда таъқиб қилиш тақиқланади.

## 16-боб. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг ВСҲ бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахслар томонидан шахсан қабул қилиниши

182. ВСҲда сақланаётган шахслар ВСҲнинг бошлиғига ёки у ваколат берган шахсга, шунингдек ВСҲларни назорат қилувчи ёки текширувчи мансабдор шахсларга шахсан қабул қилиш тўғрисида илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

183. ВСҲ бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахсларнинг шахсий қабулига ёзилиш ВСҲ ходимлари томонидан ҳар куни камераларни айланиб чиқиш чоғида амалга оширилади. Қабул қилиш тўғрисидаги мурожаат ёзма ёки оғзаки равишда ВСҲ бошлиғи номига берилади ва шахсий қабул журналида навбат билан рўйхатга олинади.

184. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг ВСҲ бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қабул қилиш ҳар куни белгиланган жадвалга мувофиқ амалга оширилади, дам олиш ва байрам кунлари бундан мустасно.

Зарур ҳолларда, ВСҲда сақланаётган шахслар жадвалдан ташқари қабул қилиниши мумкин.

185. Мурожаат қилганларни қабул қилиш шахсий қабул журналидаги рўйхат бўйича амалга оширилади ва қабул натижалари журналга ёзиб қўйилади. Ёзма равишда берилган мурожаатларга унинг натижаси ҳақида белги қўйилиб, ВСҲда сақланаётган шахсларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

186. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг қариндошлари ва бошқа шахсларни ВСҲ бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахслар томонидан шахсан қабул қилиш ВСҲнинг учрашув хонасида амалга оширилади. Қабулга келган шахслар махсус журналда рўйхатга олинади ва қабул натижалари журналга ёзиб қўйилади.

## 17-боб. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг тергов ҳаракатлари ва суд мажлисларида иштирок этишини таъминлаш

187. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг тергов ҳаракатлари ҳамда суд мажлисларида иштирок этишлари суд ва тергов органларининг талабномалари асосида ҳудудий ички ишлар органларининг қўриқлаб бориш хизмати ходимлари томонидан таъминланади.

188. Суд ва тергов органларининг ВСҲда сақланаётган шахсларни суд мажлислари ва тергов ҳаракатлари ўтказиш учун қўриқлаб бориш тўғрисидаги талабномалари ВСҲ жойлашган ички ишлар органи бошлиқлари номига тергов ҳаракатлари ва суд жараёни бошланишидан камида 24 соат олдин юборилиши лозим.

189. Суд ва тергов органлари томонидан имзоланган ва гербли муҳри билан тасдиқланган талабномаларда қуйидагилар кўрсатилади:

ВСҲда сақланаётган шахсларнинг фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили ва ЖКнинг қайси моддаси билан айбланаётганлиги;

ВСҲ номи;

тергов ҳаракатларини ўтказиш ва суд мажлисининг кўриб чиқиш жойи;

ВСҲда сақланаётган шахсларни тергов ҳаракатлари ҳамда суд мажлисларига олиб келиш (санаси, соати), шунингдек тергов ҳаракатлари ҳамда суд мажлисларининг давом этиш муддати (тахминий);

ВСҲда сақланаётган шахсларни қўриқлаб боришда сақлаш тартиби (бирбиридан зарурий ажратиб туриш тартиблари баён этилади).

Агар, суд мажлисига бир вақтнинг ўзида олдиндан чиқарилган суд қарори асосида қамоққа олинганлар ёки бошқа жиноий иш бўйича судланаётган шахслар гувоҳ сифатида чақиртирилаётган бўлса, уларнинг ҳозирги ҳолати талабномада кўрсатиб ўтилади.

190. Башарти тергов органлари томонидан ВСҲда сақланаётган шахсларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш учун кўрсатиш, гувоҳлантириш ва бошқа зарур тергов ҳаракатларини олиб бориш ВСҲнинг тергов

хоналарида амалга ошириш имкони бўлганда, бундай тергов ҳаракатлари ВСҲнинг тергов хоналарида амалга оширилади.

191. ВСҲ ҳудудида тергов ва суд ҳаракатларини, амбулатория суд-психиатрия экспертизасини ҳамда бошқа экспертизаларни ўтказиш бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ёзма кўрсатмаси асосида ВСҲ маъмурияти қуйидагиларни таъминлаши шарт:

хона ажратилишини;

ВСҲда сақланаётган шахсларнинг иштирокини;

тергов ҳаракатларида иштирок этувчи бошқа шахсларнинг белгиланган тартибда ВСҲ ҳудудига киришларини.

192. ВСҲ навбатчиси томонидан сменани топшириш-қабул қилиш (камида бир соат ичида) ва ВСҲда сақланаётган шахсларнинг овқатланиш (нонушта, тушлик ва кечки овқат) вақтида, шунингдек тунги вақтда, яъни кеч соат 22.00 дан эрталаб соат 6.00 гача ВСҲда сақланаётган шахсларни чақирув бўйича камерадан олиб чиқилиши тақиқланади, ЖПКда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## 18-боб. ВСҲда сақланаётган шахсларга нисбатан рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларини қўллаш

193. ВСҲда сақланаётган шахсларга нисбатан мажбуриятларини намунали бажарганлик, қамоқда сақлашнинг белгиланган тартиби ва шарт-шароитларига риоя этганлик учун қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин:

ташаккур эълон қилиш;

илгари қўлланилган интизомий жазони муддатидан илгари олиб ташлаш;

ҳар кунги сайр вақтини кўпайтириш;

вояга етмаганларга қўшимча кинофильм намойиш этиш, телекўрсатувлар томоша қилишни ташкил этиш, спорт машғулотлари хонасига қўшимча равишда кириш, шунингдек бўш вақтни ўтказишнинг бошқа шакллари учун рухсат бериш.

Рағбатлантириш чоралари ВСҲ жойлашган ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг буйруғи билан қўлланилади ва ВСҲда сақланаётган шахсга эълон қилинади. Рағбатлантириш чоралари қўлланилганлиги тўғрисида ВСҲда сақланаётган шахснинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдига тегишли ёзув киритилади.

194. ВСҲда сақланаётган шахсларга нисбатан белгиланган мажбуриятларни бажармаганлик, қамоқда сақлаш тартиби ва шарт-шароитларини, ажратиб қўйишни таъминлаш талабларини бузганлик учун қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш;

ҳайфсан;

қамоққа олинган шахсларни карцерга ўн суткагача, вояга етмаганларни эса карцерга беш суткагача бўлган муддатга жойлаштириш.

Интизомий жазо ёзма шаклда берилади. ВСҲда сақланаётган шахсга нисбатан қўлланилган интизомий жазо ҳақида 24 соат ичида ёзма равишда назорат қилувчи прокурорга хабар берилади. Интизомий жазо қўлланилганлиги ҳақидаги материаллар ВСҲда сақланаётган шахснинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдига қўшиб қўйилади.

195. Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари ВСҲда махсус юритилган дафтарда рўйхатга олинади.

196. ВСҲда сақланаётган шахсдан интизомий жазо қўлланилишидан олдин ёзма тушунтириш олинади, бундай тушунтириш беришдан бош тортилган ҳолларда эса тегишли далолатнома тузилади.

197. Интизомий жазони қўллаш чоғида қоидабузарлик содир этилган ҳолатлар, ВСҲда сақланаётган шахснинг хулқ-атвори ва шахсига оид сифатлар, илгари интизомий жазолар берилган-берилмаганлиги инобатга олинади.

198. Интизомий жазо қоидабузарлик аниқланган кундан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай, қоидабузарлик факти юзасидан текширув ўтказилган тақдирда эса у тугаган кундан эътиборан, лекин қоидабузарлик содир этилган кундан эътиборан икки ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Интизомий жазо дарҳол қўлланилади, уни дарҳол қўллаш имконияти бўлмаган тақдирда эса ушбу жазо берилган кундан эътиборан бир ойдан кечиктирмай қўлланилади.

199. Интизомий жазо ВСҲ бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс томонидан берилади. Бир вақтнинг ўзида содир этилган бир нечта қоидабузарлик учун битта интизомий жазо қўлланилади. Битта қоидабузарлик учун бир нечта интизомий жазо қўллаш тақиқланади.

200. ВСҲда сақланаётган шахслар юқори турувчи мансабдор шахсга, прокурорга ёки судга қўлланилган интизомий жазо устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Шикоят бериш интизомий жазонинг ижро этилишини тўхтатиб турмайди.

201. Қамоққа олинган шахслар қуйидагилар учун карцерга киритиб қўйилиши мумкин:

ВСҲда сақланаётган бошқа шахсларга зулм қилганлик ва уларни ҳақорат қилганлик;

ВСҲ ходимларининг ёки бошқа шахсларнинг қонуний талабларига итоат этмаганлик ёхуд уларни ҳақорат қилганлик;

ажратиб қўйишни таъминлаш талабларини бир неча марта бузганлик;

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг таъсир доирасига тушадиган ҳуқуқбузарлик содир этганлик;

Қонунда ва мазкур Қоидаларда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаганлик, тарқатганлик, истеъмол қилганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун.

202. Карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазо илгари огоҳлантириш ёки ҳайфсан тарзидаги иккита ва ундан ортиқ интизомий жазо

қўлланилган қамоққа олинган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

203. Карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазо ҳомиладор аёлларга ва болали аёлларга, шунингдек биринчи гуруҳ ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

204. Карцерга киритиб қўйиш ВСҲ бошлиғининг мазкур Қоидаларнинг 9-иловасига мувофиқ шаклдаги қарори ва шифокорнинг қамоққа олинган шахснинг соғлиғи ҳолатига кўра карцерда туриши мумкинлиги ҳақидаги ёзма хулосаси асосида амалга оширилади.

205. Карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазо қўлланилган қамоққа олинган шахс қарор билан ВСҲ бошлиғи ёки унинг ўрнини босувчи шахс томонидан таништирилиб, имзо қўйдирилади.

206. ВСҲ бошлиғи тиббий кўрсатувларни инобатга олган ҳолда карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазонинг ижросини кечиктириш, карцерда сақлаш муддатини қисқартириш ёки қамоққа олинганни карцердан муддатидан илгари озод қилиш ҳуқуқига эга.

207. Агар қамоққа олинган кечиктириш даврида янги қоидабузарлик содир этмаган бўлса, у карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазодан озод қилиниши мумкин.

208. Юқори турувчи мансабдор шахс, прокурор ёки суд карцерга киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазо асоссиз ёхуд у содир этилган қоидабузарликка номутаносиб бўлган ҳолларда интизомий жазони енгиллаштириш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

209. Карцерда қамоққа олинган шахсларни якка сақлаш белгиланади.

210. Карцерда қамоққа олинган шахслар ётиш учун алоҳида жой ва кўрпа-тўшак билан фақат тунги ухлаш вақти учун таъминланади.

211. Карцерга киритиб қўйиладиган шахс ўзи билан сочиқ, совун, тиш чўткаси, тиш пастаси ёки порошогини олиб кириши мумкин. Карцерга киритиб қўйилган шахснинг ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари (тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари) ВСҲ маъмурияти томонидан сақланади.

212. Карцерга киритилган шахсларни санитария ишловидан ўтказиш улар мазкур жазони ўтаб бўлганларидан кейин ёки ВСҲ тиббиёт ходимининг кўрсатмаси бўйича карцерда сақлаш вақтида ҳам ўтказилади.

213. Карцерга киритилган шахс касалликка чалинган тақдирда, ВСҲ тиббиёт ходимининг уни муддатидан олдин карцердан озод қилиш тўғрисидаги ёзма хулосасига асосан дарҳол озод этилади.

## 19-боб. ВСҲда сақланаётган шахсларнинг моддий жавобгарлиги

214. ВСҲда сақланаётган шахслар ВСҲнинг мол-мулкига ўз хатти-ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорларда моддий жавобгар бўлади. Етказилган моддий

зарар миқдори ВСҲ бошлиғининг қарори билан белгиланади. Мазкур қарор ВСҲда сақланаётган шахсга тилхат олиниб эълон қилинади.

215. ВСҲда сақланаётган шахс етказган моддий зарарнинг ўрни унинг қариндошлари ёки бошқа шахслар томонидан уларнинг розилиги билан қопланиши мумкин.

216. ВСҲда сақланаётган шахс тергов ҳибсхонасига юборилган тақдирда етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги қарор ўрни қопланмаган моддий зарарни белгиланган тартибда ундириш учун тергов ҳибсхонасига юборилади.

217. ВСҲда сақланаётган шахс моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплашни рад этган ёки ВСҲдан озод қилинган тақдирда бу зарар қонунга мувофиқ суд тартибида ундирилади.

218. Моддий зарар етказган шахснинг содир этган хатти-ҳаракатлари учун Қонунда белгиланган интизомий жазога тортилиши уни моддий жавобгарликдан озод қилмайди.

219. Айбдор етказилган зарарни тўлаш тўғрисидаги қарордан норози бўлса, юқори турувчи мансабдор шахсга, прокурорга ёки судга бу қарор устидан шикоят қилиши мумкин. Етказилган моддий зарар учун нотўғри ундирилган суммалар ВСҲда сақланаётган шахсга қайтарилиши керак.

## 20-боб. ВСҲда сақланаётган вафот этган шахсларнинг жасадларини бериш

220. ВСҲда сақланаётган шахс вафот этган тақдирда, ВСҲ бошлиғи бу ҳақда унинг яқин қариндошларига, қонуний вакилига, жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга ва прокурорга дарҳол хабар қилади. ВСҲда сақланаётган шахснинг вафот этганлиги факти бўйича ЖПКда назарда тутилган тартибда терговга қадар текширув ўтказилади.

221. ВСҲда сақланаётган вафот этган шахснинг жасади у билан боғлиқ барча тегишли терговга қадар текширув ўтказилаётган жараёнда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг қарорига асосан сақлаш учун ВСҲга яқин жойдаги соғлиқни сақлаш муассасасининг ўликхонасига топширилади.

222. ВСҲда сақланаётган вафот этган шахснинг жасади суд-тиббий экспертизасидан ўтказилганидан, шунингдек ЖПКда назарда тутилган бошқа ҳаракатлар бажарилганидан кейин вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ёки қонуний вакилларига ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсларга топширилади.

223. Вафот этган шахснинг жасади уни талаб қилган шахснинг аризаси ва ҳолат юзасидан тергов ҳаракатларини амалга ошираётган мансабдор шахс ёки органнинг қарори асосида дафн этиш учун берилади. Бунда вафот этган ВСҲда сақланган шахсга тегишли бўлган ҳужжатлар, ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари унинг ариза билан мурожаат қилган қариндошлари ёки бошқа шахсларга белгиланган тартибда топширилади.

Ариза билан мурожаат қилган шахс ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатиши зарур.

224. ВСҲда сақланаётган вафот этган шахснинг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошлари ёки қонуний вакилларидан ёхуд дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахслардан жасадни бериш тўғрисида ариза тушмаган тақдирда, вафот этган шахсни дафн этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 21-боб. ВСҲда сақланаётган шахсларни озод қилиш

225. Жиноят ишини юритаётган мансабдор шахс ёки органнинг қарори, шунингдек ушлаб туриш ёки қамоқда сақлашнинг ЖПКда назарда тутилган муддати тугаши ВСҲда сақланаётган шахсларни қамоқдан озод қилишга асос бўлади.

226. ВСҲда сақланаётган шахсларни қамоқдан озод қилиш ВСҲда сақланаётган шахсни қамоқдан озод қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёхуд суднинг қарори келиб тушгач, ВСҲ бошлиғи томонидан дарҳол амалга оширилади.

227. ВСҲ бошлиғи ушлаб туриш муддати тугашидан ўн икки соат олдин бу ҳақда жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсни ёки органни, шунингдек прокурорни ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

228. Агар ушлаб туришнинг ЖПКда белгиланган муддатлари тугаганидан кейин суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ВСҲда сақланаётган шахсни озод қилиш тўғрисидаги қарори, суднинг ушлаб туриш муддатини узайтириш ёки қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашни рад қилиш ва гаров тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш тўғрисида ажрими келиб тушмаган бўлса, ВСҲ бошлиғи ВСҲда сақланаётган шахсни ўз қарори билан дарҳол озод қилади. Қарорнинг кўчирма нусхаси кечиктирмасдан жиноят ишини юритаётган мансабдор шахсга ёки органга, шунингдек прокурорга юборилади.

229. ВСҲда сақланаётган шахсни ВСҲдан озод этишдан олдин ВСҲ бошлиғи озод этилаётган шахснинг шахсий ҳужжатлари билан ушлаб туриш учун асос бўлган ҳужжатларни солиштиради ва мос келишига ишонч ҳосил қилгандан сўнг шахсни озод этади.

230. ВСҲдан озод қилинаётган шахсга унинг шахсий ҳужжатлари, ашёлари, пуллари, шунингдек қимматли қоғозлари ва бошқа қимматликлари қайтариб берилади ва ўзига тегишли бўлган шахсий ҳужжатлари, ашёлари, пуллари, шунингдек қимматли қоғозлари ва бошқа қимматликларини қайтариб олганлиги тўғрисида тилхат олинади.

## 22-боб. Якуний қоида

231. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош про-

куратура, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

*Олий суд раиси* — *К. КОМИЛОВ*

*2017 йил 14 август*

*Бош прокурор* — *И. АБДУЛЛАЕВ*

*2017 йил 14 август*

*Соғлиқни сақлаш вазири* — *А. ШАДМАНОВ*

*2017 йил 14 август*

*Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири* — *А. АБДУХАКИМОВ*

*2017 йил 14 август*

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар органлари вақтинча сақлаш
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
1-ИЛОВА

## ВСҲда сақланаётган шахсларнинг хулқ-атвор ҚОИДАЛАРИ

1. ВСҲда сақланаётган шахсларга қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

Қонунда белгиланган ички тартиб қоидаларига риоя қилиш;

ВСҲ ходимларининг қонуний талабларини сўзсиз бажариш;

шахсий гигиена ва санитария талабларига риоя этиш;

ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш;

ВСҲнинг мол-мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

камераларни озода сақлаш, ётиш жойи, кўрпа-тўшакларини бир хил қилиб йиғиштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини, нарса ва буюмларини сақлаш талабларига риоя этиш;

ВСҲ ходимлари ҳамда бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи хатти-ҳаракатларни содир этмаслик;

ВСҲ маъмуриятининг қонуний талабларини бажариши, шунингдек ВСҲ ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилмаслиги;

ўзининг ҳамда бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатларни қасддан содир этмаслик;

ВСҲ ходимлари ва бир-бирлари билан хушмуомалада бўлиш;

ички ишлар органлари ходимлари, прокуратура ва бошқа назорат қилувчи

мансабдор шахслар камера ичига кирган вақтида берилган кўрсатма асосида ўрнидан туриш ва белгиланган жойга сафланиш;

ВСҲ биноси ва ҳудудида ҳаракатланаётган вақтида қўлини орқага қилиб юриши, бундан сайр пайти мустасно;

белгиланган тартиб асосида сайр қилиш ва учрашув пайтида ўзини тутиши;

ВСҲ ходимларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг талаби асосида ўзининг фамилиясини, исми ва отасининг исмини айтиши;

тинчликни сақлаш;

навбат билан камера бўйича навбатчилик қилиш.

2. Камера бўйича навбатчи:

камерага ВСҲ ходимлари ёки текширувчи ходимлар кирганида сақланаётган шахслар сони тўғрисида ахборот беради;

жиҳозлар, буюмлар ва бошқа нарсаларнинг сақланишини назорат қилади;

камерада сақланаётганлар учун идиш-товоқларни олади ва топширади;

камера тозалигига риоя қилинишини назорат қилади.

3. ВСҲда сақланаётган шахсларга қуйидагилар тақиқланади:

бошқа камера ва хоналардаги шахслар билан суҳбатлашиш, мулоқот қилиш, шовқин солиш (деворларни, камерадаги жиҳозларни тақиллатиш ва бошқа тақиқланган ҳаракатлар);

Сақланиши, тарқатилиши, истеъмол қилиниши, фойдаланилиши тақиқланган пуллар, қимматли қоғозлар ҳамда бошқа қимматликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, нарсалар ва моддалар билан муомала қилиш.

ВСҲ ходимларининг рухсатисиз камера ва маъмурий биносининг бошқа хонасидан ташқарига чиқиш;

белгиланмаган жойларда чекиш;

бирор-бир манфаатни кўзлаб ўйинлар ташкил қилиш ёки ўйнаш;

татуировка чизиш;

ВСҲ маъмуриятининг рухсатисиз ёток жойини ўзгартириш ва унга парда тутиш;

камерада олов ёқиш;

ВСҲ ходимларининг рухсатисиз сантехника, ёритиш ва бошқа асбоб-ускуналарни созлаш ёки камерадаги ёруғликни ўзгартириш;

қўлбола электр ускуналардан фойдаланиш;

диний экстремистик ғояларни тарғиб қилиш ҳамда уларга риоя этишга мажбурлаш;

камерадаги жиҳозларга зарар етказиш, деворларига ёки фойдаланишга берилган нарсаларга ёзиш, чизиш ёки белги қўйиш, шунингдек деворларга қоғозлар, фотосуратлар, адабиётлар, даврий матбуот нашрлари ва бошқаларни қирқиб ёпиштириш, фотосурат, рўзнома ҳамда журналлардан қирқиб олинган расмлар ёки мақолаларни ёпиштириш;

сафда ҳаракатланаётганда сафдан чиқиш, чекиш, суҳбатлашиш ва ВСҲ ходимларининг рухсатисиз бошқа ҳаракатлар қилиш;

шахсий фойдаланишида бўлган нарсаларни сотиш, совға қилиш, алмашиш ёки бошқа усуллар билан ўзга ушлаб турилганлардан тортиб олиш;

камера деразасидан ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини ташқарига улоқтириш, деразага ва эшикнинг туйнугига ёпишиб туриш ёки уларни бекитиш ёхуд улардан қараш.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар органлари вақтинча сақлаш
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
2-ИЛОВА

**Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг**
**РЎЙХАТИ**

1. Барча турдаги ўқотар ва совуқ қуроллар, шунингдек ўқ-дорилар.
2. Пуллар, қимматли қоғозлар, қимматбаҳо тошлар, дурлар ва улардан ясалган буюмлар, турли маркадаги соатлар ва бошқа қимматликлар.
3. Оптик асбоблар, кўзойнак бундан мустасно.
4. Алкоголь маҳсулотлари, шунингдек таркибида спирт бўлган атир ва бошқа маҳсулотлар.
5. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва кучли таъсир этувчи препаратлар.
6. Барча турдаги радиоаппаратура, компьютер техникаси, ёзув машинкаси, нусха кўчириш воситалари.
7. Алоқа воситалари, жумладан уяли алоқа воситаси, радиотелефонлар, пейжерлар, рациялар ва уларнинг барча турдаги қисмлари.
8. Пичоқлар, қайчилар, устаралар, электр устара бундан мустасно, шунингдек бошқа барча турдаги санчувчи ва кесувчи ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли, жиноят қуроли сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган ашёлар.
9. Ойналар, бундан камера деворига ўрнатилган ойна мустасно.
10. Чилангарлик ва бошқа асбоб-ускуналар.
11. Спорт анжомлари.
12. Ўйин карталари.
13. Ҳар қандай турдаги фото, аудио ва видеоаппаратуралар ҳамда уларнинг қисмлари.
14. Порнографик ва диний экстремистик хусусиятга эга бўлган нашр ва материаллар, шунингдек тақиқланган адабиётлар.
15. Топографик хариталар ва компас.
16. Ҳарбий ва бошқа формали кийим-бош ҳамда унинг жиҳозлари.
17. Нусха кўчирадиган қоғозлар (копирка).
18. Мусиқа асбоблари.
19. Хамиртуруш ва ачитқилар.
20. Уйда пиширилган, шунингдек истеъмол қилиниши иситиш ва пиширишни талаб қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар органлари вақтинча сақлаш
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
3-ИЛОВА

**«КЕЛИШИЛГАН»**
________________ прокурори
____________________________
(унвони ва Ф.И.О.)

______________
(имзо)

20___ йил «___» ____________

**Бир кишилик камерага жойлаштириш тўғрисида**
**ҚАРОР**

____________________________________________
(Ф.И.О.)

____________________________________________
(бир кишилик камерада сақлаш учун асос бўлувчи ҳолат кўрсатилади)

____________________________________________ сабабли, «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддасига асосан:

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

____________________________________________

20___ йил «___» ________________ дан эътиборан бир кишилик камерага жойлаштирилсин.

ВСҲ бошлиғи

| ______________________ | __________ | ______________________ |
|---|---|---|
| (унвони) | (имзо ва мухр) | (Ф.И.О.) |

20___ йил «___» ____________
_____-сон

*орқа томони*

Қарор билан танишдим ____________________________
(ВСҲда сақланаётган шахснинг имзоси ва Ф.И.О.)

20___ йил «___» ____________

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар органлари вақтинча сақлаш
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
4-ИЛОВА

**Шахсий тинтув қилиш ҳамда ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечириш**
**БАЁННОМАСИ**

_____ йил «___» ________да туғилган __________________________
(Ф.И.О.)

20____ йил «___» __________ соат __________да ВСҲга олиб келинган.

20___ йил «___» ________________да шахсий тинтув қилиниб ҳамда ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўздан кечирилиб, ундан қуйидагилар олиб қўйилди:

________________________________________________
(ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)
________________________________________________
________________________________________________
________________________________________________

Мазкур баённомага олиб қўйилган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўлиқ киритилди.

Шахсий тинтув қилган ҳамда ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечирган ВСҲ ходимлари:

| | | |
|---|---|---|
| (лавозими ва унвони) | (имзо) | (Ф.И.О.) |
| (лавозими ва унвони) | (имзо) | (Ф.И.О.) |
| (лавозими ва унвони) | (имзо) | (Ф.И.О.) |
| (лавозими ва унвони) | (имзо) | (Ф.И.О.) |

Мени шахсий тинтув қилиш ҳамда ашёларим ва озиқ-овқат маҳсулотларимни кўздан кечирилишига нисбатан эътирозим йўқ ёки бор.*

________________________________________________
(эътироз бўлганда, унинг қисқача мазмуни ёзилади)
________________________________________________
________________________________________________
(шахсий титув қилинган ҳамда ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўздан кечириш ўтказилган шахснинг имзоси ва Ф.И.О.)

Изоҳ: * кераклисининг тагига чизилади.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар органлари вақтинча сақлаш
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
5-ИЛОВА

**Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб қўйиш тўғрисида**
**ҚАРОР**

______ йилда туғилган ________________________________
(Ф.И.О.)

шахсий тинтув қилинганда ҳамда ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўздан кечирилганда тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари аниқланганлиги сабабли, «Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 42-моддасига асосан:

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

________________________________________________ дан
қуйидаги тақиқланган ________________________________
(ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)

________________________________________________
олиб қўйилсин.
Шулардан ________________________________________
(ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)

________________________________________________
________________________________________________ молия
бўлимига, омборхонага сақлаш ёки вақтинчалик сақлаш ва келгусида шахснинг қариндошлари ёки бошқа шахсларга бериб юбориш, давлат даромадига ўтказиш учун топширилсин*,

________________________________________________
(ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)

________________________________________________
________________________________ йўли билан йўқ қилинсин.
(йўқ қилиш усуллари кўрсатилади)

__________ туман (шаҳар)
ИИБ ВСҲ бошлиғи

________________ ____________ ________________
(унвони) (имзо ва муҳр) (Ф.И.О.)

20___ йил «___» __________
_____-сон

орқа томони

Қарор билан танишдим ______________________________
(ВСХда сақланаётган шахснинг имзоси ва Ф.И.О.)

20___ йил «___» __________

Изоҳ: * кераклисининг тагига чизилади.

Давлат даромадига ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қарор прокурор билан келишилади.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар органлари вақтинча сақлаш
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
6-ИЛОВА

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**
ВСҲ бошлиғи

______________________
(унвони ва Ф.И.О.)

__________
(имзо)

20___ йил «___» __________

**Тақиқланган ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини йўқ қилиш ҳақида**
**ДАЛОЛАТНОМА**

20___ йил «___» __________ ______________________
(худуд номи)

Биз қуйида имзо чекувчилар, ______________________________
(ВСҲ ходимларининг лавозими, унвони ва Ф.И.О.)

______________________________________________

______________________________________________

______________________________________ йўли билан
(йўқ қилиш усуллари кўрсатилади)

______________________________________________ нинг
(ВСҲда сақланаётган шахснинг Ф.И.О.)

қуйидаги тақиқланган ______________________________
(ашё ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)

______________________________________ йўқ қилинганлигини маълум қиламиз.

ВСҲ ходими:

______________ __________ ______________
(лавозими ва унвони) (имзо) (Ф.И.О.)

ВСҲ ходими:

__________________ ________ __________________

(лавозими ва унвони) (имзо) (Ф.И.О.)

ВСҲ ходими:

__________________ ________ __________________

(лавозими ва унвони) (имзо) (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар органлари вақтинча сақлаш
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
7-ИЛОВА

ВСҲ навбатчилик қисми сейфида ВСҲда сақланаётган __________________
(Ф.И.О)
__________________________ га тегишли _____сўм ______ тийин мавжуд.

ВСҲ навбатчиси _____________
(имзо)
20___ йил «___» ___________

-----------------------------------------------------------------------------

ВСҲ бошлиғи
__________________________ га
(унвони)
________________________________
(Ф.И.О.)
__________________________ дан
(ВСҲда сақланаётган шахс, Ф.И.О.)

## А Р И З А

Қуйидаги ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга рухсат беришингизни сўрайман:

| Т/р | Ашё ва озиқ-овқат маҳсулотининг номи | Оғирлиги | | Ажратилган маблағ | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | кг | гр | сўм | тийин |
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| ... | | | | | |
| Жами: | | | | | |

-----------------------------------------------------------------------------

__________ сўмлик ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиб олдим.

__________________
(имзо)
20___ йил «____» ____________

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар органлари вақтинча сақлаш
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
8-ИЛОВА

ВСҲ бошлиғи

_______________________________
(унвони)

_______________________________га
(Ф.И.О.)

## **А Р И З А**

Мен, ______________________________________________________________
(туғилган йили, санаси, яшаш манзили ва Ф.И.О.)

_________________________________________________________________, сиздан
ВСҲда сақланаётган _____________________________________________________
(туғилган йили, санаси ва Ф.И.О.)

учун олиб келган йўқловни қабул қилишингизни сўрайман.

Йўқловдаги ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати:

| **Т/р** | **Ашё ва озиқ-овқат маҳсулотининг номи** | **Оғирлиги** | | **Миқдори** | **Изоҳ** |
|---|---|---|---|---|---|
| | | **кг** | **гр** | | |
| **1.** | | | | | |
| **2.** | | | | | |
| **3.** | | | | | |
| **...** | | | | | |

_______________________________
(аризачининг имзоси ва Ф.И.О.)

20___ йил «___» ___________

Йўқловни ВСҲда сақланаётган шахсга топшириш учун қабул қилдим:

______________________________________________________________
(ВСҲ ходимининг имзоси ва Ф.И.О.)

20___ йил «____» _____________

Йўқловни олдим: ______________________________________________
(ВСҲда сақланаётган шахснинг имзоси ва Ф.И.О.)

20___ йил «____» _____________

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар органлари вақтинча сақлаш
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
9-ИЛОВА

**Карцерга киритиб қўйиш тўғрисидаги**
**ҚАРОР**

Қамоққа олинган шахс ______________________________
(туғилган йили, санаси ва Ф.И.О.)

ВСҲнинг ички тартиб қоидаларини ______________________________
(ички тартиб қоидаларни бузган санаси, вақти, ҳолати ва хусусияти)

__________________________________________________

________________________________________ бузганлиги аниқланди.

«Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 38-моддасига асосан:

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

ВСҲда сақланаётган ______________________________
(Ф.И.О.)

шахсий титув қилинсин ҳамда ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари кўздан кечирилсин, шунингдек унга нисбатан __ кун карцерга киритиб қўйиш тарзидаги жазо қўлланилсин.

ВСҲ бошлиғи

____________________ ______________ ____________________
(унвони) (имзо ва муҳр) (Ф.И.О.)

20__ йил «___» __________
_____-сон

Қарорни ўқиб эшиттирдим ______________________________
(ВСҲ ходимининг унвони, имзоси ва Ф.И.О.)

20___ йил «___» ____________

Қарор билан танишдим ______________________________
(ВСҲда сақланаётган шахснинг имзоси ва Ф.И.О.)

20___ йил «___» ____________

______________________________ карцерга киритиб қўйилишидан
(Ф.И.О.)

олдин шахсий тинтув қилинди ҳамда ашёлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари

кўздан кечирилди. Унда карцерга олиб кириш тақиқланган ______________________________________________________________ лар
(ашёлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг номи)
борлиги аниқланди ва улар олиб қўйилди.

ВСҲ ходими

______________ ______________ ______________
(унвони) (имзо ва мухр) (Ф.И.О.)

20___ йил «___» __________

**Тайинланган жазонинг ижро этилганлиги тўғрисида маълумот**

20__ йил «___» __________ соат «____» да карцерга киритиб қўйилди.

ВСҲ навбатчиси

______________ ______________ ______________
(унвони) (имзо ва мухр) (Ф.И.О.)

20___ йил «____»___________

20__ йил «___» __________ соат «___» да карцерга киритиб қўйиш тарзидаги жазо муддатининг тугаши муносабати билан ёки ВСҲ тиббий ходимининг кўрсатмаси билан карцердан озод қилинди*.

ВСҲ навбатчиси

______________ ______________ ______________
(унвони) (имзо ва мухр) (Ф.И.О.)

20___ йил «___» ___________

Изоҳ: * кераклисининг тагига чизилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1018 Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2600-1*

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 февралдаги ПҚ–2750-сон «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2017 йил 1 августдаги ПҚ–3168-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сон «Иқтисодий фаолият турларини таснифлашнинг халқаро тизимига ўтиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 17 июндаги 2014-25-сон қарори (рўйхат рақами 2600, 2014 йил 10 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 28-сон, 350-модда) билан тасдиқланган Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август,
2017-46-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил
28 августдаги 2017-46-сон қарорига
ИЛОВА

**Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 7-бандда:

биринчи хатбошидаги «жисмоний шахсларга солиқ солиш» деган сўзлар «жисмоний шахслар солиқ маъмуриятчилиги»деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда, жисмоний шахснинг паспорт маълумотлари асосида ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи — жисмоний шахсни рўйхатга олиш варақаси тўлдирилади ҳамда туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахслар солиқ маъмуриятчилиги бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан ушбу давлат солиқ инспекциясининг таҳлил ва прогнозлаш бўлими (тузилмаси) масъул ходимига тақдим этилади. Ўз навбатида, ушбу масъул ходим томонидан солиқ тўловчи тўғрисидаги барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.».

2. 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Жисмоний шахснинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ҳамда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ солиш объектлари тўғрисидаги маълумотлари асосида туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг жисмоний шахслар солиқ маъмуриятчилиги бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан ушбу Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи — жисмоний шахснинг солиқларини ҳисобга қўйиш варақаси тўлдирилади ҳамда ушбу давлат солиқ инспекциясининг таҳлил ва прогнозлаш бўлими (тузилмаси) масъул ходимига тақдим этилади ва мазкур маълумотлар Жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятларини ҳисобга олиш дастурий мажмуасига киритилади.».

3. 9-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларида рўйхатдан ўтказилмайдиган солиқ тўловчи — юридик шахсларни туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясида солиқ тўловчи сифатида ҳисобга қўйиш учун солиқ тўловчи — юридик шахсларнинг мансабдор шахслари томонидан ушбу Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда Солиқ тўловчи — юридик шахсни рўйхатга олиш варақаси тўлдирилади ҳамда ушбу давлат солиқ инспекциясининг юридик шахслар

солиқ маъмуриятчилиги ва камерал назорат бўлими (тузилмаси) масъул ходими томонидан қабул қилиб олинади.

Солиқ тўловчи — юридик шахснинг мансабдор шахси томонидан белгиланган тартибда Солиқ тўловчи — юридик шахсни рўйхатга олиш варақаси тўлдирилгандан кейин туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг юридик шахслар солиқ маъмуриятчилиги ва камерал назорат бўлими (тузилмаси) масъул ходими уни ушбу давлат солиқ инспекциясининг таҳлил ва прогнозлаш бўлими (тузилмаси) масъул ходимига тақдим этади. Ўз навбатида, ушбу масъул ходим томонидан солиқ тўловчи тўғрисидаги барча маълумотлар Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестрига киритилади.».

4. 5 ва 8-иловалардаги «КТУТ коди» деган сўзлар «ИФУТ коди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

## 1020 Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-3***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 417-сон «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида» 2017 йил 25 январдаги ПҚ–2744-сон қарори)»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2016 йил 28 апрелдаги 224/8-сон қарори (рўйхат рақами 2793, 2016 йил 3 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 22-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-банди «д» кичик

бандидаги, 13-банди «д» кичик бандидаги, 14-банди «д» кичик бандидаги, 16-банди «д» кичик бандидаги, 17-банди «д» кичик бандидаги, 19-банди «ж» кичик бандидаги ҳамда 20-банди «е» кичик бандидаги «давлат (номли) стипендиялар» деган сўзлар «давлат стипендиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Фан ва технологиялар агентлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий аттестация комиссияси раиси** **А. ЮСУПОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 29 август,
241/4-сон

***Келишилган:***

***Олий ва ўрта махсус таълим вазири*** ***И. МАДЖИДОВ***

*2017 йил 28 август*

***Халқ таълими вазири*** ***У. ИНОЯТОВ***

*2017 йил 28 август*

***Ташқи ишлар вазири*** ***А. КАМИЛОВ***

*2017 йил 28 август*

***Соғлиқни сақлаш вазири*** ***А. ШАДМАНОВ***

*2017 йил 25 август*

***Маданият вазири*** ***Б. САЙФУЛЛАЕВ***

*2017 йил 25 август*

***Фанлар академияси президенти*** ***Б. ЮЛДАШЕВ***

*2017 йил 24 август*

*Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси* *Р. КУРБАНОВ*

*2017 йил 24 август*

*Фан ва технологиялар агентлиги Бош директори* *М. БОЛТАБАЕВ*

*2017 йил 24 август*

*Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари* *А. ВАХАБОВ*

*2017 йил 24 август*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 1021 Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2930***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ–2896-сонли «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ 2017 йил 1 октябрдан кучга киради.

**Вазир** **П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 6 сентябрь
193-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2017 йил
6 сентябрдаги 193-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги**
# НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика инспекторларининг (бундан буён матнда профилактика инспекторлари деб юритилади) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартибини белгилайди.

2. Профилактика инспекторлари ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудуд бўйича тегишли фуқаролар йиғинларида ҳар ой якуни бўйича ҳисобот беради.

3. Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари, таълим муассасалари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари вакиллари, фуқаролар йиғинидаги хонадонларда, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли, ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари иштирокида амалга оширилади.

4. Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш куни фуқаролар йиғини кенгаши томонидан ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари билан келишилган ҳолда белгиланади. Йиғин ўтказилишидан уч кун олдин бу ҳақда фуқаролар йиғинида кўринарли жойга эълон осиб қўйилади ҳамда аҳолига етказиш чоралари кўрилади.

5. Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш бўйича ўтказиладиган йиғин фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан олиб борилади. Йиғин баённомаси фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), фуқаролар йиғини масъул котиби, ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари томонидан имзоланади.

6. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасалар вакиллари профилактика инспекторларининг ҳисоботини эшитиш бўйича ўтказиладиган йиғинга фуқаролар йиғини томонидан таклиф этилади.

## 2-боб. Профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғинларида ҳисоботини эшитиш

7. Профилактика инспекторлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга ошириш;

ўқувчиларининг таълим муассасаларидаги давоматини назорат қилиш, ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактика ишларини олиб бориш.

8. Профилактика инспекторлари ҳисобот бериш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриқланадиган давлат ва хизмат сирларини ҳимоя қилиши ҳамда инсонларнинг шахсий ва оилавий сирларининг дахлсизлигини таъминлаши лозим.

9. Профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериши муайян сабабларга кўра мумкин бўлмай қолган ҳолларда (профилактика инспектори вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлганда, бошқа лавозимга ўтганда, нафақага чиққанда) ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган ички ишлар органи раҳбари фуқаролар йиғини раиси билан келишилган ҳолда ҳисобот бериш учун бошқа кунни белгилайди.

10. Ҳудудга хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори лавозимига янги ходим тайинланса, ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган ички ишлар органи раҳбари фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) иштирокида аҳолига профилактика инспектори лавозимига янги тайинланган ходимни таништиради.

11. Профилактика инспектори лавозимга тайинланган кундан бошлаб амалга оширган ишлари юзасидан фуқаролар йиғинида ҳисобот беради.

12. Профилактика инспекторлари фаолиятига аҳоли томонидан ҳаққоний баҳо берилишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси ҳудуддаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар ва маҳаллалардаги аҳоли (уларнинг вакиллари) қатнашишини таъминлайди. Ўтказиладиган йиғинга фуқароларни турли сабаблар билан қатнашишини тақиқлашга йўл қўйилмайди.

13. Профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзаси-

дан кўрилаётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади ҳамда ички ишлар органи бошлиғига тақдим этилади.

14. Профилактика инспекторининг фаолиятига баҳо бериш йиғин қарори билан белгиланади. Фуқаролар йиғини унда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатли.

15. Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаганда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда фуқароларнинг ҳовлилар, уйлар, кўчалар ва маҳаллалардаги вакилларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли.

16. Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) қарор унда қатнашганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда йиғинни олиб борувчи масъулларнинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

## 3-боб. Якуний қоидалар

17. Профилактика инспекторлари ҳисобот беришга тайёргарлик кўриш жараёнида ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудуддаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасалардан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни олади.

18. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

19. Мазкур Низом Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан келишилган.

***Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари*** ***Ш. ЖАВЛОНОВ***

*2017 йил 6 сентябрь*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

## 1022 Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-9*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 2165, 2010 йил 20 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 498-модда) билан тасдиқланган Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ахборот бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Вазир** **Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 13 сентябрь,
300-мҳ-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2017 йил 13 сентябрдаги
300-мҳ-сон буйруғига
ИЛОВА

## Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча

1. 4-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги мазмундаги биринчи ва иккинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«4. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича нотариус лавозими бўшагандан (вақтинча бўшагандан) кейин тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармалари (бундан кейинги ўринларда адлия бошқармалари деб юритилади) бу ҳақда буйруқ чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини (буйруқни илова қилган ҳолда) хабардор қилади.

Тошкент шаҳри бўйича нотариус лавозими бўшагандан (вақтинча бўшагандан) кейин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Кадрлар бошқармаси бу ҳақда буйруқ чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай Нотариат, адвокатура ва ФҲДЁ органлари бошқармасини (буйруқни илова қилган ҳолда) хабардор қилади.»;

иккинчи — саккизинчи хатбошилар тегишли равишда учинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги «Тегишли адлия бошқармасининг хабарномаси олинган» деган сўзлар «Хабарнома олинган» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. $4^1$-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 7-бандда:

биринчи хатбошидаги «тегишли адлия бошқармаси орқали Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига бевосита ёки тегишли адлия бошқармаси орқали» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин.

4. 8-бандда:

биринчи хатбошидан «адлия бошқармасига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги «тўлиқ топширилгандан кейин адлия бошқармаси томонидан улар қабул қилинган куннинг эртасидан кечиктирилмай» деган сўзлар «адлия бошқармасига топширилган тақдирда, улар қабул қилинган куннинг эртасидан кечиктирилмай тегишли адлия бошқармаси томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 14-банднинг иккинчи хатбошисидаги «бир ҳафта» деган сўзлар «беш кун» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Танлов комиссия томонидан талабгорларнинг касбий билимларини аниқлаш мақсадида ёзма-оғзаки равишда ўтказилади.».

7. $17^1$ — $17^{11}$-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Танлов барча талабгорлар учун бир йўла бир хонада ўтказилади.

Комиссия мажлисларининг холислиги, одиллиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида танлов жараёнида комиссия аъзолари ва талабгорлардан ташқари нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари (фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва бошқалар) кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин.».

9. 19-бандда:

биринчи хатбошидаги «уларни тест синови натижалари билан биргаликда комиссиянинг ҳар бир аъзосига» деган сўзлар «комиссия аъзоларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидан «ва тест синови натижаларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 20-банднинг биринчи хатбошисидаги «Танловнинг иккинчи босқичини ўтказишнинг қисқача» деган сўзлар «Танлов ўтказиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 21-банднинг биринчи хатбошисидаги «Танловнинг иккинчи босқичи» деган сўзлар «Танлов» деган сўз билан алмаштирилсин.

12. 23-банд қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Талабгорнинг мазкур қоидага амал қилмаслиги уни танловда қатнашишдан четлаштириш учун асос бўлади. Ушбу ҳолат комиссия мажлисининг баённомасида акс эттирилади.».

13. 24-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«24. Агар талабгор узрли сабабларсиз ўз танлов варақасини топширгунга қадар танловда қатнашишни давом эттиришдан бош тортса, у олти ой давомида кейинги танловларга қўйилмайди. Ушбу ҳолат комиссия мажлисининг баённомасида акс эттирилади.».

14. 26-бандда:

биринчи хатбошидан «ва тест синови натижалари билан биргаликда танловнинг якуний натижаларини аниқлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидан «тест синови натижалари ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

15. 29-бандда:

олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишли равишда олтинчи — ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошидан «танловнинг иккинчи босқичида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

саккизинчи хатбошидаги «берган жавоблари мазмуни» деган сўзлар

«жавоб берган ёки жавоб бера олмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «танловнинг биринчи ва иккинчи босқичларида олинган» деган сўзлар «баҳолаш бюллетенларидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги «Тест синови натижалари,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

16. 34-бандда:

биринчи хатбошидаги «адлия бошқармаси учун» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбошидаги «адлия бошқармаси томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

17. 34[1]-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

18. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни нотариус лавозимига тайинлаш Тошкент шаҳри бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича эса тегишли адлия бошқармасининг буйруғи билан амалга оширилади.

Танлов ғолиби билан меҳнат шартномасини тузиш ва уни нотариус лавозимига тайинлаш ҳақидаги буйруқ комиссия баённомасидан кўчирма олинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмай чиқарилади.».

19. 36-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«36. Талабгор танловнинг ҳар қандай босқичида, шунингдек нотариус лавозимига тайинлаш тўғрисидаги буйруқ қабул қилингунга қадар танловда иштирок этишдан ёки нотариус лавозимига тайинланишдан воз кечишга ҳақли. Бунинг учун талабгор бевосита Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки тегишли адлия бошқармасига ариза билан мурожаат этиши лозим. Бундай талабгорлар олти ой давомида кейинги танловларга қўйилмайди.»;

иккинчи хатбошидаги «тегишли адлия бошқармасига» деган сўзлар «тегишлича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки адлия бошқармасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

20. 37-банддаги «адлия бошқармасининг буйруғи» деган сўзлар «буйруқ» деган сўз билан алмаштирилсин.

21. Қуйидаги мазмундаги 41[1]-банд билан тўлдирилсин:

«41[1]. Танлов ўтказиш жараёни видеотасвирга олиниши ва интернет тармоғида тўғридан-тўғри узатилиши мумкин.».

22. 6-иловадан «Тест синови натижаси (тўғри жавоблар сони ва балл)» устуни чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1024 «Биржа савдоларига қўйиладиган, шу жумладан, такроран қўйиладиган маҳсулотларнинг ҳажмларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2178-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ—5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги 419-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2010 йил 7 декабрдаги 16-сон, 106-сон «Биржа савдоларига қўйиладиган, шу жумладан, такроран қўйиладиган маҳсулотларнинг ҳажмларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга (рўйхат рақами 2178, 2011 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2, 14-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси** **Р. ГУЛЯМОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август,
01/15-10/22-сон

**Иқтисодиёт вазири** **Г. САИДОВА**

Тошкент ш.,
2017 йил 28 август,
144-сон

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги 01/15-10/22, 144-сон қарорига
ИЛОВА

## «Биржа савдоларига қўйиладиган, шу жумладан, такроран қўйиладиган маҳсулотларнинг ҳажмларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарор муқаддимасидан «ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 2-сон, 19-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. Низомнинг 1-бандидаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» АЖ билан келишилган.

***«Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» АЖ бошқаруви раиси в. б.*** ***А. НАГАЕВ***

*2017 йил 28 август*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

## 1025 Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-12*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ–5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси** **М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2017 йил 9 сентябрь,
23/2-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
9 сентябрдаги 23/2-сонли қарорига
ИЛОВА

### Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар

1. 25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«25. 2017 йил 1 октябрдан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 100 млрд сўм миқдорида белгиланади. Фаолият кўрса-

таётган тижорат банклари 2019 йилнинг 1 январига қадар ўз устав капиталини ушбу миқдорга етказишлари лозим.».

2. 64 ва 81-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 65-бандда:

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўққизинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2017 йил 9 сентябрдан 15 сентябргача бўлган маълумотни маълум қилади

### *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 01/11-10/20-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси буюртмаларига асосан баҳолаш объектларини баҳолашда баҳоловчи ташкилотлар хизматларининг қийматини аниқлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2152-4.***

2. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 01/15-10/21-сон «Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125-4.***

3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 17 августдаги 106-сон «Товар чекларини бериш бўйича асбоб-ускуналар мавжуд бўлмаган ёки носоз бўлган ёхуд электр энергияси вақтинча ўчирилган ҳолларда дори воситалари ва тиббий буюмларни чакана сотишда фойдаланиладиган товар чеклари китобининг шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2927.***

4. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлигининг 2017 йил 17 августдаги 6-мх, 125-сон «Мактабгача таълим муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2821-1.***

5. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 23 августдаги 126-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375-1.***

6. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 28 августдаги 107-сон «Тиббий ускунанинг маънан эскирганлик даражасини аниқловчи мезонларни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2928 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

7. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 28 августдаги 108-сон «Замонавий ва маънавий эскирган тиббий ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2228-1 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

8. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2017 йил 5 сентябрдаги 93-Н-сон «Йўловчининг ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 11 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2416-2.***

9. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 14 августдаги 171-сон «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари вақтинча сақлаш ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2929.***

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 26 августдаги 21/7-сон «Ваколатли банклар томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-8.***

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 2017-44-сон «Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари томонидан давлат солиқ хизмати орган-

ларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1437-4.***

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 2017-46-сон «Солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ объектлар тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»-ги қарори.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2600-1.***

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 129, 2017-47, 01-02/8-36-сон «Ўзбекистон Республикасида тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларига акциз маркаларини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 27-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 589-9.***

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2017 йил 29 августдаги 241/4-сон «Илмий унвонлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 12 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2793-3.***

15. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 6 сентябрдаги 193-сон «Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2930 (2017 йил 1 октябрдан кучга киради).***

16. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2017 йил 13 сентябрдаги 300-мҳ-сон «Нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»-ги буйруғи.

***2017 йил 13 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2165-9.***

17. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 8 августдаги

119-сон «Аудиторнинг малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

***2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 977-7 (расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради).***

18. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги 01/15-10/22, 144-сон «Биржа савдоларига қўйиладиган, шу жумладан, такроран қўйиладиган маҳсулотларнинг ҳажмларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2178-2.***

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 9 сентябрдаги 23/2-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

***2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-12.***

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 9 сентябрдаги 23/4-сон «Тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидалари, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

***2017 йил 15 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 463-4.***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг «Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1437, 2004 йил 25 декабрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1437-1, 2012 йил 27 сентябрь), (рўйхат рақами 1437-2, 2014 йил 6 март), (рўйхат рақами 1437-3, 2016 йил 6 декабрь).

***Адлия вазирининг 2017 йил 12 сентябрдаги 295-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан

тасдиқланган Тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш учун лицензиялар бериш қоидалари (рўйхат рақами 463, 1998 йил 3 август), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 463-1, 2001 йил 27 август), (рўйхат рақами 463-2, 2004 йил 30 март), (рўйхат рақами 463-3, 2012 йил 11 декабрь).

***Адлия вазирининг 2017 йил 15 сентябрдаги 304-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚҲММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

***LexUZ фойдаланувчиларга ҚҲММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:***

*норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:*

*— Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

*— қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

*— тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

*— алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

*излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:*

*— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

*— танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

*— ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

*— излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

*— ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

*— ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

*— ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

*— «Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент / респондент ҳужжатлар рўйхати;*

*— ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

*— ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

*фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:*

*— танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

*— излаш шартларини сақлаб қолиш;*

*— фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

*фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш;*

*базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.*

***WWW.LEX.UZ***
***сайтига марҳамат қилинг***